МУРАББИЙ - ҚАДРИЯТЛАР ТАРҒИБОТЧИСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

МУРАББИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРҒИБОТЧИСИ

Олий ўқув юртларининг бакалавриат босқичи талабалар гуруҳи мураббийлари ва тарбиячиларига ўқув – услубий қўлланма

“Сангзор”
Жиззах – 2012

Ушбу китоб олий ўқув юртларининг бакалавриат босқичи талабалари гуруҳ мураббийлари ва тарбиячилари учун ўқув услубий қўлланма сифатида тавсия этилади. Унда ўқув йилининг бошланиши, яъни 2 сентябрдан то 1 июлгача ўтказиладиган тадбирлар режалаштирилган, шу билан бирга бу тадбирларга тайёргарлик кўриш учун материаллар мужассамлашган.

Тузувчи ва нашрга тайёрловчи: Б. Очилова

Маъсул муҳаррирлар: Б. Очилова, А.Тангиров

Таҳрир ҳайъати: Ў.Носиров**,** С. Мамашокиров, С.Валиева, А Ҳатамов, Ф.Маматқулов, М.Саидов

Тақризчилар: Ў.Носиров, К.Туленова, З.Қодирова

Ижодий жамоа: Б.Тошбоев, С.Каримов, И. Аҳмедов, С.Джасанова, С. Назарқосимов, Ё.Туропов, М.Эргашева, Ҳ.Аширматов, Т.Аҳмедов, С. Маматқулов, С.Кистаубоев, А. Тўраев, Ф.Абдусаматов

Ушбу қўлланма Жиззах давлат педагогика институтининг 2011 йил 15 ноябрь кунидаги 3 – сонли Илмий кенгашида нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-358-50-8

© “САНГЗОР” нашриёти, 2012

Ўзбекистон Республикаси мустақилигининг 20 йиллигига бағишланади

КИРИШ

Ҳаёт ҳақиқати шундан далолат берадики, дунёдаги барча билим ва тажрибалар, сўз, тушунча, тасаввур ҳамда хулосалар бевосита ё билвосита инсон фаолияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келади, ривожланади, бойиб, такомиллашиб боради ёхуд аксинча – эскириб, умрини ўтаб, заволга юз тутади. Айни пайтда жаҳонда шундай бир буюк ҳодиса борки, у токи одамзотнинг онгли ҳаёти мавжуд экан, ҳеч қачон завол билмайди. Шунинг учун ҳам уни ўта ноёб – феноменал ҳодиса деб атаймиз. Бу – соғлом фикрлайдиган, эзгу орзу – умидлар билан яшайдиган инсон ва жамият томонидан ҳамма замонларда ҳам қадрланиб келган маънавиятдир.

Маънавият ҳодисаси юртбошимиз Ислом Каримов асарларида тарих ва бугунги кун, инсон, халқ ва миллат категориялари, миллий ҳамда умумбашарий қадриятлар, анъаналар, ижтимоий институтлар билан узвий боғлиқ ҳолда чуқур таҳлил қилиниб, инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон – эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч эканлиги ёритилиб берилган.

Дарҳақиқат, инсон маънавият орқали тарихни, бугунги куни ва келажагини тасаввур қилиш, баҳолаш ва шу тариқа зарур сабоқ ва хулосалар чиқариш имконига эга бўлади. Инсон маънавият туфайли камолотга эришади, шахс сифатида шаклланиб, Ватан тараққиёти, эл – юрт фаровонлиги учун жон куйдиради, эзгу ғоя ва ниятлар билан бунёдкорлик ва яратувчанлик қобилиятига эга бўлади. Инсонда ахлоқ, одоб, иймон, виждон, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, байналмилалчилик, инсонпарварлик, эътиқод, ватанпарварлик, миллий ва инсоний туйғу, бурч ва маъсулиятни ҳис қилиш имконияти қанчалик кучли бўлса, жамият тараққиётининг заминлари ҳам кенгаяди, тинчлик – осойишталик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлади. Бундай инсонлар қанча кўп бўлса, жамият шунча баркамол бўлади, илм – фан, маданият ривож топади.

Ана шу ҳақиқат мантиғидан келиб чиқиб, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш масаласи бугунги Ўзбекистон учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа қилиб белгиланди ва бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларни изчиллик ва қатъийлик билан давом эттириш мазкур соҳадаги асосий мезонга айланди.

Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилаётган ушбу “Маънавият ва баркамол авлод тарбияси” китоби шу мақсад ва вазифаларни инобатга олган ҳолда тайёрланди. У ўқув – тарбиявий ишлар бўйича мутасаддилар, гуруҳ мураббийлари ва ўқитувчилар учун ўқув услубий қўлланма сифатида тавсия этилади. Унда ўқув йилининг бошланиши яъни 2 сентябрдан бошлаб то 1 июлгача ўтказиладиган тадбирлар режалаштирилган ҳамда бу тадбирларга тайёргарлик кўриш учун материаллар мужассамланган.

Қўлланмада миллатимиз фахри бўлган - Беруний, Форобий, Амир Темур, Улуғбек, Марғиноний, Мотуридий, Алишер Навоий, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Озод Шарафиддиновларнинг маънавий мероси ва жасорати, миллий маънавиятимизга даҳлдор урф – одатлар, байрамлар, шунингдек, инсон, онг, ҳаёт, бурч, маънавий идеал, даҳолик сирлари, Нобель мукофоти лауреатлари, тинчликпарвар сиёсатчилар фаолияти, спорт, бўш вақт, экомаданият, диний ғоялар, мафкуравий иммунитет, ҳуқуқий саводхонлик, фуқаролик ахлоқ – одоб қоидалари, мустаҳкам оила тамойиллари хўжалиги хусусидаги масалаларга алоҳида эътибор берилган.

Буларни ўрганиш ва ибрат олиш, ихлос қўйиш орқали ёшлар қадриятлар асосида тарбияланади, улар қалбига тарихни англаш ва қадрлаш, ўтмишга ҳурмат билан ёндашиш, уларни асраб – авайлаш, шу халққа мансублиги билан ғурурланиш туйғулари шаклланади ва қарор топади.

Бу борада миллий ғоя, миллий манфаатга хизмат қиладиган қадриятларни, илғор демократик қоида ва тамойилларни аниқ – равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, борини асраб – авайлаш, бойитиш, ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ана шу билим ва кўникмалар билан тарбиялаш энг устувор вазифа ҳисобланади. Масаланинг бу тарзда қўйилишининг асосий сабабини кўрсатиб, Юртбошимиз шундай дейди: "бугунги ёшлар нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио, ТВ, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг – баранг ахборот ва маълумотларни олмоқдалар. Жаҳон ахборот майдони кенгайиб бораётган шароитда ёшлар онгини фақат ўраб – чирмаб, уни ўқима, буни кўрма деб бир томонлама тарбия бериш, улар атрофини ахборот даврида темир девор билан ўраб олиш, замон талабига, жамият мақсад – муддаоларига ҳам тўғри келмайди...Ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол барчамизни ўйлантириши табиий, Мен, ҳаётда кўп бора ўз тасдиғини топган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлардим: тоборо кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай тахдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин". Демак, ёшларни маънавий жиҳатдан шундай тарбиялаш лозимки, улар Интернет – ахборот бозорига кирганда фақат ўзи, эл-юрт учун зарур, фойдали, маънавий асосларга дахл қилмайдиган нарсани олсин.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда ўз касбини пухта эгаллаган, педагогик кўникмаларни ўзлаштирган, юксак маънавий- маърифий сифатларга эга, тажрибали устоз ва мураббийларнинг роли катта. Чунки, мураббий таълим жараёнида шогирднинг билим ва кўникмаларига эга бўлиш билан бир қаторда, инсонийлик фазилатларининг шаклланишига ҳам эътибор қаратади, халқимизнинг, миллий, маънавий қадриятлари билан таништиради, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик иллатларидан, диний ва экстремистик таъсирлардан ҳимояланиш, "оммавий маданият" хуружларининг салбий оқибатларини англаш кабиларга ёрдам беради.

Аллома Ризоуддин Ибн Фахриддин тарбиячи ва мураббийлар вазифаси хусусида тўхталиб: "Шогирдларингизни ҳар бир ҳаракатларига қараб турингиз, уларга хуш - муомилаларни, гўзалу шафқатли одамларни тушинтирингиз, сўзларни-ю феълларини яхшилангиз, уст-бошларини, кийим - кечакларни поку назиф тутмакларида ҳақида назорат айлангиз. Ал-ҳосил ичу ташқариларига эътибор ила ҳар кимга намуна бўлурлик даражасига эриштиришингизга қадар шогирдларни тарбия этингиз. Ёмон хулқлар юқумли бўлганидан бир шогирднинг ёмон хулқи борлигини билсангиз, жумласини баробар кўриб, жумласи фойда олажак равишда ўргатингиз, фойдали ишлар, керакли адабларнинг жумласидан хабардор айлангиз, натижасида у режа ила иш қилмоқ, эҳтиёткорлик, поклик, кўркам тартибкўл фойдасига тиришмоқ каби хосиятларни эгаллаб олур" деган эди.

Мураббий ўз фаолиятини ташкил этишда комплекс чора – тадбирларни ўз ичига қамраб олган иш режасига эга бўлиши керак. Мураббийлар талабалар орасида маънавий – маърифий ишларни жонлаштириш, уларни ижтимоий – маънавий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун зарурий шарт – шароитларни яратишда қуйидагиларни хисобга олиши мақсадга мувофиқ:

- мавзуларини танлашда ўзига хос масъулият билан ёндашиш, тарбиявий характерга эга бўлган ва талабаларни қизиқтира оладиган муаммоларни алоҳида маҳорат билан муҳокама қилиши;

- маънавий-ахлоқий тарбия ишларида ибратли оила вакилларини, ёши улуғ инсонларни маънавий-маърифий тадбирларга таклиф этиш;

- талабаларни сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, экологик, эстетик онгини ошириб бориш ва тасаввурларни кенгайтиришга эътибор бериш;

- талабаларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, бағрикенлик, бунёдкорлик ва бошқа маънавий фазилатларни шакллантириб бориш;

- талабаларни мамлакатимиз ва унинг атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик туйғусини ошириш;

- услубий қўлланмалар, турли мультмедия воситаларидан унумли фойдаланиш;

- маънавий таҳдидлар ва “оммавий маданият” моҳиятини тушунтириб бориш, уларга қарши зарурий маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш ва бошқа вазифаларни амалга ошириши муҳим саналади.

Мураббий томонидан талабалар ўртасида ўз - ўзини бошқариш тизимини яъни гуруҳ академик, ижтимоий - сиёсий, илмий ишлар, матбуот, маданий - маиший ишлар, спорт, бадиий - ижодкорлик, тозалик ишлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланувчи шўъбаларини йўлга қўйиш юқорида кайд этилган вазифаларни ҳал этишда кутилган самарани беради.

Ушбу шўъбаларни янада кенгайтириш, ўзгартириш талабалар ихтиёрига кўра амалга оширилади. Шўъбаларга гуруҳнинг бир неча талабалари аъзо бўлишлари мумкин. Масалан, матбуот шўъбасига мақола ёзадиган, расм чизадиган, шеър ёзадиганларни аъзо қилиш мақсадга мувофиқ. Шўъбаларнинг таркиби, йиллик иш режалари гуруҳ йиғилишларида кўриб чиқилади, муҳокама этилади ва тасдиқланади. Уларга маънавий - маърифий ишлар бўйича факультет декан муовини, жамоатчилик ташкилотлари, гуруҳ мураббийси раҳбарлик қиладилар, уларга яқиндан ёрдам кўрсатиб, услубий тавсиялар берадилар. Натижада, гуруҳ талабалари ўртасида ўз-ўзини бошқариш ишлари йўлга қўйилади. Гуруҳ йиғилишларида ҳар бир шўъба ҳисобот беради, бажарилган ишлар ва муаммолар юзасидан қарорлар қабул қилинади. Масалан, гуруҳнинг акадеи шўъбаси раиси талабаларнинг давомати ва ўзлаштиришлари ҳақида тўлиқ маълумот тўплайди. Бу ҳақда ўз фикр ва мулоҳазаларига эга бўлади, гуруҳ раҳбари ва деканатга зарурий маълумотлар беради. У дарс муҳокамаларига талабаларнинг ота-оналарини гуруҳ йиғилишларига таклиф этади. Бошқа шўъбалар ҳам ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, режа асосида иш юритадилар. Жумладан, гуруҳ талабаларининг турмуш тарзи, яшаш шароити, оилавий аҳволи, ижарада турувчилар билан ишлаш масалалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шўъбалар фаолияти орқали талабалар ўртасида илмий ишларга, спортга, бадиий фаолиятга, ижтимоий – сиёсий масалаларга, матбуотда мақолалар чоп эттиришга, деворий газеталар чиқаришга қобилияти, қизиқишлари бўлганларга зарурий шарт – шароитлар яратади.

Ҳурматли гуруҳ мураббийлари! Тўплам билан танишиш жараёнида сиз керакли илмий-услубий маълумотлар ва тавсияларни оласиз. У Сизнинг маънавият соатларини ўтказишда бир қолипга солиб қўймайди, балки янада қизиқарли мавзуларга ва муҳим бўлган жараёнларга ижодий ёндашувга ўргатади. Агарда тўпламни бойитиш борасида фикрларингиз ва таклифларингиз бўлса, бажонидил уларни қабул қиламиз. Бу китобнинг мукаммаллаштиришга ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин.

СЕНТЯБР
(5 ҳафта)

т/р	Сентябр ойининг тахминий иш режаси	Ҳафта	Кунлари
1	Янги ўқув йили ва Мустақиллик кунини тантанали ўтказиш	1 - ҳафта	1-3 сентябр
2	Ватанни севмоқ иймондандир. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунига бағишлаб давра суҳбати ўтказиш		
3	Талабаларни Жиззах воҳаси ва Жиззах Давлат педагогика институти тарихи билан таништириш		
4	Жиззах Давлат Педагогика институтининг ахборот – ресурс марказига талабаларнинг ташрифини ташкил этиш		
5	Жиззах Давлат Педагогика институти музейига экскурсия ташкил этиш		
6	“Билим – бу кучдир” мавзусида халқаро билимлар кунига бағишлаб мулоқот уюштириш	2 - ҳафта	5-10 сентябр
7	Гуруҳларда шўъбаларни ташкил этиш ва фаоллар сайлаш		
8	Талабаларни фан тўгаракларига жалб қилиш		
9	Талабаларни Жиззах Давлат педагогика институтининг “Одоб – ахлоқ кодекси” билан таништириш		
10	Талабаларнинг яшаш шароитлари билан танишиш, уларнинг ота-оналари билан алоқа ўрнатиш		
11	Абу Райҳон Берунийнинг таваллуд кунига бағишлаб “Абу Райҳон Берунийнинг дунё илм-фани ривожидаги ўрни” мавзусида давра суҳбати ўтказиш		
12	Маънавий-ахлокий кадриятлар ва маънавий бурч хусусида мулоқот		
13	Халқаро саводхонлик куни ҳақида суҳбат уюштириш		
14	10 - сентябр Халқаро тинчлик кунига бағишлаб “Юрт тинчлиги – олий қадрият ” мавзусида тадбир ўтказиш		
15	Бурҳониддин Марғиноний таваллуд кунига бағишлаб “Бурҳониддин Марғинонийнинг ислом фиқиҳи ривожидаги ўрни” мавзусида семинар тренинг ўтказиш	3- ҳафта	12-17 сентябр
16	“Мўъжиза содир бўлмайди” китоби асосида давра суҳбати ўтказиш		
17	Жиззах вилояти тарихий ёдгорлик ва музейларига саёҳат ташкил этиш		
18	Даҳолик сирлари ва Нобель мукофоти лауреатлари хусусида мулоқот	4-ҳафта	19-24 сентябр
19	“Заковот” кечасини ташкил этиш ва иқтидорли талабаларни танлаш		
20	Ўзбекистон буюк алломалар юрти мавзусида давра суҳбати ўтказиш	5- ҳафта	26-30 сентябр
21	“Ўзбекистон Қуролли Кучларининг шаклланиши ва такомил босқичлари” мавзусида маъруза тинглаш		

22	Тозалик кунини ўтказиш		

Сентябр ойнинг муҳим саналари

1- сентябр. Ўзбекистон Республикасининг “Мустақиллик” байрами куни (1991 й.).

2 - сентябр. Янги ўқув йили ва билимлар куни (1991 й.); “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида” ги қонун қабул қилинган кун (1993 й.); Хадичаи Кубро номли Тошкент хотин-қизлар Ислом ўрта махсус билим юрти ташкил этилган кун (1993 й.). Ўзбекистан Республикаси Қуролли Кучларининг Ҳарбий академияси ташкил этилган кун (1995 й.).

4-сентябр. Абу Райҳон Беруний таваллуд топган кун.

5-сентябр. Тошкентнинг бош майдонига “Мустақиллик майдони” номи берилган кун (1991й.).

6-сентябр.Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ташкил топган кун; Тошкентда 28 давлат вакиллари Кураш халкаро ассоциацияси (КХА) га асос солинган кун (1998 й.).

7-сентябр.Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил топган кун (1991 й.); Файласуф олим, академик Иброҳим Мўминов таваллуд топган кун (1908 й.).

8-сентябр. Халқаро саводхонлик куни (1966 й.); Журналистларнинг халқаро бирдамлик куни (1958 й.); Ўзбекистон ёнғин хавфсизлиги олий мактаби ташкил топган кун (1993 й.); Ўзбекистонда биринчи Халқаро банк мактаби очилган кун (1993 й.).

9-сентябр. “Жаҳон ҳусн ва гўзаллик куни”; Машҳур ёзувчи Лев Николаевич Толстой таваллуд топган кун (1828 й.).

10-сентябр. “Халқаро тинчлик куни” (1981 й.); парапсихолог Вольф Мессинг туғилган кун (1899 й.).

12-сентябр. Нобель мукофоти совриндори, машҳур физик Ирен Жолио-Кюри туғилган кун (1897 й.); Республика касаба уюшмалари федерацияси ташкил топган кун (1990 й.); Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси тузилган кун (1992 й.).

21-сентябр. “Ҳамза” номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақоми берилган кун (2001 й.).

23-сентябр. Буюк фиқиҳшунос, имом Бурҳониддин Марғиноний таваллуд топган кун (1123 й.).

26-сентябр. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ташкил топган кун (1991 й.).

27- сентябр. Халқаро сайёҳлик куни (1980 й.).

1 ҲАФТА

ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР

Дунёда шундай бир буюк сўз борки, у инсон юрагидаги илоҳий нур каби доим ёлқинланиб туради, нур тараб танга қувват, руҳга роҳат, одам ҳаётига бир умр фароғат бағишлайди. Бу лазиз ва азиз “Ватан” сўзидир, у мўътабар “Она” сўзи билан ёнма-ён туғилади.

Дунёда она битта, Ватан битта бўлади, бу тушунча ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Нон доим тансиқ бўлганидек, бу сўзлар ҳар қанча айтилса ҳам ҳеч қачон қиммати пасаймайди, иккиси ҳам ягона, дилга жо бўлган қайтарилмас дурдонаки, Ватанни энг суюкли зот таърифи билан ифода этилиб “Она-Ватан” деймиз.

Ватан – инсон туғилган муқаддас замин, бу замин унинг қалбида абадий қолади ва

ҳеч қачон унитилмайди.

Шоир Мақсуд Шайхзода “Тошкентнома” достонида Ватан тушунчасини эзгу ҳислар билан содда ва равон таъриф этади. Мана ўша дилбар сатрлар:

Ватаннинг маъноси улуғвор, улкан,
Ҳа, Ватан сўзининг чеги бепоён,
Бу ерда туғилган, яшаган, ўлган.
Яратган, ишлаган, курашган инсон.
Ватан меҳри билан ўз қадрин билган,
Ватансиз кимсалар дарвиш дейилган.
Юраклар – юлдузлар, Ватан – коинот,
Бир тилак, бир ғоя, бир тан коинот.

Ватан деганда бобо-момоларимиз, бутун авлод-аждодларимиз ўтган, киндик қони тўкилган она Ерни тушунамиз. Авлод-аждодларини билган ва қадрлаган инсон учун улар яшаган макон жонажон Ватандир.

Ватан дегани – бу, Она тили!

Ватан дегани – бу миллат!

Ватан дегани – она тупроқ!

Ватан дегани – дилбанд ва қариндош инсонлар!

Ватан дегани – она Ердаги заррадан кўм-кўк осмонгача!

Ватан дегани – Ватан ҳудудида она табиат инъом этган барча бойликлар ва ноз-неъматлардир.

Ватан – ҳар бир инсон дилига орому роҳат бахш этувчи куй-мусиқадан тортиб, шаршараларнинг шўхчан шарроси – куй-навосидир.

Машҳур Лев Толстой Ватанни таъриф этиб: “Ватан нима демак? Бу, ўзининг тарихий ҳаракатини мазкур майдонда камолга етказадиган буст – бутун халқдир. Бу ҳалқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Бу, унинг ранг-баранг маданияти, тили, феъл-атвори, бу, у томондан амалга оширилган инқилобий мақсад, тарихий ўзгаришлар ва унинг тарихидаги муҳим босқичларидир”.

Буюк бобомиз Алишер Навоий “Ушшоқ” ғазалида “Ватан” сўзига ажойиб ишора қилади:

Қаро кўзим, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

“Ватанни севмоқ - иймондандир” калимасининг маъно-мантиғи шу қадар улканки, уни жону иймондек севиш, унга жон фидо этишдан тортиб, жондан азиз тутмоқ, кўз қорачиғидек асрамоқ, вафо қилмоқ, ҳимоя этмоқ, чанг-гардидан тортиб, номигача азиз билмоқ.... каби чексиз аъмолларни ўз ичига оладики, бунинг ҳаммасини таъриф-тавсиф этмоқ мушкул илмдир, қудрат ҳад-ҳудуди чексиздир.

Инсон ватанни нима учун севади? Агар инсон ватанни фақат бойликларининг кўплиги учун севса, бу одамнинг муҳаббати чинаккам эмас, сохтадир. Ватанда элни, тилни, урф-одатларни, диёрнинг барча табиат кўринишларини, унинг чанги, суви, ҳавоси, осмони, тупроғи ва иқлимигача жон-дилдан севилса, ҳаммаси ардоқланса ва ёмон кўзлардан ҳимоя этилса, у Ватанга чинаккам муҳаббат бўлади. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеърида Ватан муҳаббатининг асли нима эканлигига ғоят чуқур маънода жавоб беради.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.
Нечун Ватан дея еру осмонни.
Муқаддас атайман, атайман танҳо.
Аслида, дунёда танҳо нима бор,
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ёки қуёшими севгимга сабаб?
Ахир қуёшли-ку бутун Осиё,

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман,
Нечун ардоқлайман тупроғини мен
Ўпаман: “Тупроғинг бебаҳо, Ватан”
Аслида тупрғни одил табиат
Тақсим айлаган-ку ер эзига тенг,
Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат
О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сан?
Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни?
Сабабини айтгин десалар менга,
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиламан она халқимга
Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мунгу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?
Ватанлар, Ватанлар, майли гулласин,
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

Шоир зикр этганидек, инсон боласида Ватан битта бўлади, ана шу танҳо Ватанни пок иймон билан севиш чинаккам иймондандир, таъма қилиш, бирор фойдани кўзлаш, Ватанни фақат бойлиги учунгина севиш сохта муҳаббатдир. Бу худди фойдаси теккан одам билан дўст бўлиб туриб, фойдаси тегмай қолса қўл силтаб кетадиган мунофиқ банданинг ҳулқига ўхшаш жирканч бир ҳолатдир.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР САРИ ЮЗ ТУТИШИ

Бутун инсоният тарихи аслида ўз озодлигини англаш ва ушбу озодликни қўлга киритиш учун кураш тарихидан иборат эканлигини таъкидлаганда, Гегель шубҳасиз, жуда ҳақ эди. Зеро, инсон доимо ўзини эркин ҳис қилишга, ҳур ва мустақил яшаш, таҳликасиз турмуш кечиришга эҳтиёж сезади. Шунинг учун инсоният тарихининг турли даврларда жаҳоннинг барча минтақаларида озодлик учун курашнинг шаклан турлича, моҳиятан ўхшаш бўлган, мустақил, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришга интилиш ҳодисалари мавжуд бўлган.

ХХ аср интиҳосида ҳам дунёнинг қарийб учдан бир қисмида ана шундай ҳодисалар содир бўлди. Тоталитар давлат тузуми инқирозга юз тутиб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва озодликка интилишнинг янги босқичи бошланди.

Ўзбекистон ана шундай тарихий жараёнлар таркибида ўз мустақиллигига эришди ва инсон манфаатлари, ҳақ – ҳуқуқлари устувор бўлган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини вужудга келтиришни олий мақсад қилиб қўйди.

Мустақиллик халқимизнинг иродаси, ўзбек миллати ҳақ-ҳуқуқи, унинг цивилизацияга қўшган ва қўшаётган бетакрор ҳиссасини жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши ҳамдир. У бизни жаҳоннинг эркин мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга, бозор иқтисодиётига асосланган, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишга, халқимизнинг моддий, маданий ва маънавий салоҳиятини мустаҳкамлашга, юртимиз шон-шуҳратини дунёга ёйишга имкониятлар яратувчи энг асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик мамлакат сиёсий тизимида салмоқли ва жиддий ўзгаришларга олиб келди. Халқимиз тарихида биринчи бор ҳақиқий мустақил давлатга хос юксак демократик талабларига монанд асосий қонун - Конституция ва шу асосда кўплаб қонунлар қабул

қилинди ва амалиётга тадбиқ этилди. Кўппартиявийлик асосида Ўзбекистон парламенти шакллантирилди, давлат ва жамият ҳаётининг муҳим ҳуқуқий пойдевори яратилди.

Мустақиллик ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда туб ислоҳотлар амалга ошириш имконини яратди. Иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларининг эркинлаштирилиши мамлакатимизда бозор муносабатлари босқичма-босқич амалга оширила бошлади. Мустақиллик туфайли мулкда эгалик ва унинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди ва чуқур ислоҳ қилинди. Мустақиллик халқимизни мамлакатимиз ҳудудидаги табий ресурс ва бойликларнинг ҳақиқий эгасига айлантирилди.

Халқимизнинг азалий ҳаёт тарзидан чуқур ўрин олган урф-одатлари, анъаналари, байрамлари **мустақиллик** туфайли қайта жонланди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Маънавий меросимизнинг дурдоналари она тилимизда нашр этила бошланди. Халқимизнинг тарихи қайта тикланиб, улуғ аждодларимиз қолдирган бой ва бебаҳо мерос нафақат халқимизнинг, балки ўзга халқлар томонидан ҳам кенг ўрганила бошланди. Ўзлигимизни англаш ва жаҳон афгор оммасига танитиш йўлида улкан қадамлар қўйилди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонни дунё таниди ва ўз навбатида мамлакатимиз дунё мамлакатлари томонидан мустақил давлат сифатида тан олинди. Ҳар бир миллат ва элат, этник гуруҳлар, уларнинг урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши сабабли юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар тенг ҳуқуқлик асосда умргузаронлик қилмоқда. Мустақиллик шарофати билан Юртбошимиз раҳбарлигида Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли танланди, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилмоқда; истиқлол маънавиятини шакллантириш ва соғлом авлодни вояга етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонни БМТга (1992 йил 2 март), Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби ўнлаб халқаро ташкилотларга аъзо бўлди, деярли барча нуфузли минтақавий уюшмаларга қабул қилинди, дунёдаги кўплаб давлатлар (130 дан ортиқ) билан демократик алоқалар ўрнатилди, ўзаро ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилди. Мустақиллик даврида мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, дунё ва минтақа давлатлари ўртасида тинчликпарвар ташқи сиёсат юритилмоқда.

Мустақиллик йиллари улкан қурилишлар ва бунёдкорлик ишлари учун кенг ва катта имкониятлар даври бўлди. Мустақиллик даврида шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси, аҳолининг онги ва тафаккури, турмуш тарзи тубдан ўзгармоқда. Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз, деган масала Президентимизнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”, “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари”, “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”, “Ўзбекистонда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” каби асарларида ўзининг тугал ва мукаммал ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз... Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”.

Юртбошимиз белгилаб берганларидек, қабул қилинаётган қонунларимизнинг замирида адолат ётиши лозим. Адолатга асосланган қонунларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши адолатнинг тантана қилишига олиб келади. Бундай қонунларга оғишмай итоат этилсагина, жамиятда демократия қарор топади ва мустаҳкам бўлади. Чунки барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонун воситасида жорий этилади.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз – Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Бозор иқтисодиёти, энг аввало, кўп мулкчиликка ва улар ўртасидаги рақобатга таянади. Унда мулкнинг барча қонуний шакллари тенг ҳуқуққа эга бўлиб, бу ҳуқуқ давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли бўлган “Ўзбек модели” мамлакат тараққиётининг ҳар бир босқичида, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ижодий ривожлантирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган. “Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси тўғрисида”ги Қонун билан тасдиқланган бўлиб, муаллифлари шоир Абдулла Орипов ва композитор Мутал Бурхоновдир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси:

1) Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умумхалқ байрамларига бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши ҳамда ёпилиши вақтида;

2) Янги йил кечаси Тошкент вақти билан соат 24^{00} да республика телевидениеси ва республика радиоси орқали; Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умухалқ байрамлари кунларида республика телевидениеси орқали – дастурларнинг бошланишада; ҳар куни Ўзбекистон радиоси республика ички радиоэшиттиришлари орқали дастурларнинг бошланиши ва тугатилиши олдидан;

3) республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли, сиёсий, давлат ва ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши вақтида;

4) давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш чоғида;

5) расмий сафар билан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий мамлакатларнинг давлат бошлиқлари ва хукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш вақтида – тегишли хорижий давлатнинг Давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин ижро этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилган тақдирда хозир бўлган кишилар мадҳияси тик туриб, эркаклар бош кийимини олган ҳолда ёки қўлини чеккасига қўйиб тинглайдилар.

Серқуёш ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақорат:

Олтин бу водийлар - жон Ўзбекистон,
Аждодлар сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали тинчлик посбони,
Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Нақорат:

Олтин бу водийлар - жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ



“Ўбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида” ги қонун 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби гуллаган водий узра чарақлаб турган қуёш тасвиридан ҳамда ўнг томонида буғдой бошоқлари, чап томонида очилган пахта чаноқлари сурати туширилган чамбардан иборат.

Гербнинг юқори қисмида республика жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган: саккиз қирра ичида жойлашган ярим ой ва юлдуз мусулмонларнинг қутлуғ рамзидир.

Гербнинг марказида ҳиммат, олижаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзиб турибди. Ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ифодалайди.

Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бандига “Ўзбекистон” деб ёзиб қўйилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ



“Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида”ги қонун 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган еттинчи сессиясида қабул қилинган. Давлат байроғи ва унинг рамзи бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда республиканинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан ташкил топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенглиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил ранглар энлар кенглиги бир хил. Ҳар бир эннинг кенглиги 40 сантиметр. Байроқнинг ўртасига жойлаштирилган оқ рангли эннинг четларидан кенглиги 2,5 сантиметрли тенг қизил хошиялар ўтказилган.

Байроқнинг юқори қисмидаги мовий ранг эннинг олди ва орқа томонида дастага яқин жойда оқ рангли ярим ой ва унинг ўн иккита та оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Ярим ой ва юлдузларнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 70Х30 сантиметрга тенг тўғри тўрбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Ярим ой вертикал холатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Юлдузлар диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 см. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар ярим ойнинг пастки учидан 3,5 см масофада жойлашади.

Байроқдаги мовий ранг тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва обиҳаёт рамзи. Тимсоллар тилида бу – яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шуҳрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангда эди.

Байроқдаги оқ ранг – муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёритқичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг – поклик, беғуборлик, софликни, орзу ва ҳаёллар тозалиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсоли.

Яшил ранг – табиатнинг янгиланиш рамзи. У кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

Қизил чизиқлар – вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат ирмоқларини англатади.

Навқирон ярим ой тасвири бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда у қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзи ҳам.

Юлдузлар барча учун руҳоний, илоҳий тисмол саналган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидаги 12 юлдуз тасвири ҳам тарихий анъаналаримиз, қадимги йилномамизга бевосита алоқадор. Бизнинг ўн икки юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида нужум илми тараққий этганлиги билан ҳам изоҳланади.

Давлат байроғимиздаги 12 юлдуз тасвирини ўзбек халқи маданиятининг қадимийлиги, унинг комилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1991 йил 18 ноябрь)нинг 3- моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилатларда, конференцияларида, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан йиллар қуйидагича номланган:

1996 йил – Амир Темур йили
1997 йил – Инсон манфаатлари йили
1998 йил – Оила йили
1999 йил – Аёллар йили
2000 йил – Оналар ва болалар йили
2001 йил – Соғлом авлод йили
2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили
2003 йил – Обод маҳалла йили
2004 йил – Меҳр мурувват йили
2005 йил – Сиҳат - саломатлик йили
2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили
2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили
2008 йил – Ёшлар йили
2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили
2010 йил – Баркамол авлод йили
2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ИНСОН, ОНГ, ҲАЁТ

Миллатни севиш

Миллатни қандай севмоқ керак? Ўзини билган одам ота – онасини мақтамайди. Мақтаган кишининг севгиси шубҳали ё ғаразли. Миллатга оғзаки эмас, айтилмайдиган, хизматли севги керак.

Бизни бирлаштирувчи нарсалар:

Тилимиз, динимиз, мозорларимиз, бозорларимиз, тўйларимиз бир (ошга шерикмиз), жанозаларда биргалигимиз, ҳавомиз, юрадиган йўлларимиз, пулимиз, чегарамиз, мадҳиямиз, байроқ, гербимиз, Президентимиз, Умумий душман – терроризм, Ўзбекистонда туғилганлигимиз, ўзбек спорти, ўзбек санъати, тортган азобларимиз, аждодлар тўккан қон, миллат фахри – Амир Темур, алломаларимиз, келажагимиз,

орзуларимиз, мустақиллик, унинг учун берилган қурбонларимиз, ота – боболаримиз эътиқод қўйган ислом дини.

Бизни ажратаётган нарсалар:

Нафс (ватандош ҳақига хиёнат), маҳаллийчилик, бирлашиш кераклигини билиб, унга амал қилмаслик, бефарқлик, лоқайдлик, “менга тегмаса бўлди” деб яшаш, бизни бирлаштирадиган нарсаларга бефарқлик..

Тақдир ва тадбир

Сенинг тақдиринг сенинг тадбирингга боғлиқ.

Тугма

Куйлакнинг биринчи тугмаси нотўғри қадалса, қолганлари ҳам нотўғри қадалади.

Дўстлар

Менинг фикрим хато, нотўғри бўлиши мумкин. Менинг нотўғри фикрим сизнинг тўғри фикрингиз қийматини оширади. Демак, фикрлаётган пайтимизда биз – дўстлармиз. Бир иш билан машғулмиз.

Тиришқоқлик

Кимларни “буюк” деб эъзозлаётган бўлсак, уларнинг ҳаммасида битта фазилат етакчилик қилганлигини кўрамиз. Бу – узоқ муддатли қийинчиликларни билиш, тушуниш ва уларни енгиб ўтишга жаҳд қилиш.

Бош

Ҳамма аъзолар бошга хизмат қилади. Ҳаммаси бошга хизмат қилиш учун яратилган. Улардан бирортасини бошни асраш мақсадида кесиб ташалш мумкин, лекин аксинча эмас. Бош – одамнинг маънавий аъзоси.

Бахт

Бахт – одам (миллат) нинг бирор муаммони ечганидан кейинги кайфияти. Демак, бахтли бўлиш учун муаммо бўлиши ва ҳал қилиниши керак.

“Яхшилик”

Қўшни аёллар:

- Участкамиз монтёри Тоҳиржон барака топсин!
- Ҳа?
- 21 000 сўм ишлаган счётчигимизни 6000 сўмга тушириб берди.

Ёмонликнинг формуласи

Ёмон одам билан яхши одамнинг фарқи уларнинг нимани яхши ва нимани ёмон деб билишларида. Иккаласи ҳам – одам. Фарқи – бу сўз олдида турган “яхши” ва “ёмон” сифатларда. Юқоридаги саволларга жавоблар узоқ йиллар давомида тўпланган, олиб кирилган, киритилган.

Яхшилик билан ёмонлик рангли бўлганида эди. Яхшилик – мовий, ёмонлик – қора. Яшаш қандай осон бўлар эди...

Ёмонлик нима? Унинг назарияси – бировнинг манфаати ҳисобидан ўз нафсини тўйдириш. (Айрим бензин қуювчилардан сўралса, улар машинангизга оқиб кириши керак бўлган бензин шлангига ўз шлангчаларини улаб, сиздан “ўз доляларини” қандай олишларини тушунтириш эди, масалани тез тушунардингиз.)

Ёмонликнинг амалиёти – ўғирлик, фаҳш, порахўрлик, диний ақидапарастлик, хиёнат...

Ёмонлик нега, қандай кўпаяди?

Фараз қилинг. Ёмонлик бўлди. Биров уни содир қилди. Ёмонлик бутун дунё, халқларда нимага дуч келади?

1. Қаршиликка.
2. Бефарқликка.
3. Рағбатга.

Ана шулардан бирига дуч келади. Бизда қайсига дуч келаяпти? Бизда нимага дуч келиши керак? Бу – менга, сизга боғлиқ.

Ёмонликнинг миллион тури бор. Лекин, уларнинг ҳар бири ана шу назария (формула) орқали ечилади. Масалан, мактаб ўқувчиси маҳалла монтёрининг, сут сотувчисининг, хирургнинг, маънавият ходимининг масъулиятсизлигини кўриб, эшитиб боради. “Қилса бўлаверар эканку” деган қараш ҳам катта бўлаверади.

Фикр нима?

Фикр – ақл ва қалбнинг ўша лаҳзадаги сурати.

Сабр таги – олтин

Чойни нега қайнамаган сувга дамламайсиз? Кутасиз. Бу – ирода, чидам. Демак, улуғ ишларнинг битишини кутиш ва бунга ирода керак.

Кўзлар

Баъзи кўзлардан дўзах, баъзиларидан жаннат қараб туради.

Ибрат – қўлларимизда!

Ўнг қўлнинг кирини чап қўл ювади; чап қўлга кирган тиканни ўнг қўл суғириб ташлайди; бири бирининг тирноғини олади, силайди; бирини чақаётган арини иккинчисини ўлдиради; “омин”, деганда биргалашиб эгасининг юзини силайди; душманга икки қўл биргалашиб ҳужум қилади, нонни иккаласи синдиради ... Икки ўзбек бир – бирига икки қўлдай бўлса бўлмайдими?

Маънавий парҳез

Кўз ва қулоғингизга кираётган нарсаларни худди оғзингизга кираётган нарсалардек текшириб, қабул қилинг.

Мақсад

Мақсад – англанган натижа.

Буюклар

Буюклар – ўзига ўзи талабчан одамлар.

Ҳақ

Бир – биримизда ватандошлик ҳақи, ҳамюртлик ҳақимиз бор.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ҲАҚИДА

Жиззах – Ўзбекистоннинг энг қадимий шаҳарларидан бўлиб, милоддан аввалги бир мингинчи йилларда юзага келгани кўплаб тарихий манбаларда тилга олинади. Бой тарихга эга бўлган шаҳар урбанистик жараёнининг юзага келиши бронза даврига бориб тақалади.

Мавжуд тарихий манбалар Шарқни Ғарб билан боғлаган Буюк Ипак йўли устидаги чорраҳада, қулай географик ҳудудда жойлашган Жиззах шаҳрининг ёши минг-минг йиллар билан ўлчанишидан далолат бермоқда.

Тарихда Дизак, Газо, Тайзақ, Тузиҳақ, Факнон ва бошқа номлар билан шуҳрат қозонган бу шаҳар ҳар гал ёниб вайрон бўлса-да, ўз ўрнида янгидан тикланаверган, гуллаб – яшнайверган. Бугунги кунда шаҳарнинг кўҳна тарихидан гувоҳлик берувчи Қалия қалъаси ва Ўрда қалъасида олиб борилган топилган ва топилаётган тошдан, темирдан ясалган меҳнат қуроллари, кулолчилик, зарарлик, темирчилик буюмлари, қадимги қурол-яроғлар, тангалар ва бошқа ашёвий далиллар, кийим-кечак қолдиқлари ана шундан далолат бермоқда.

Дизак – ҳозирги Жиззах шаҳрининг қадимги тарихий манбаларида юритилган номи. “Дизак” сўзи суғдийча бўлиб, “Кичик қалъа” ёки “Қалъача” деган маънони билдиради.

Қадимги ва ўрта асрларда Жиззах шаҳрининг ўрни воҳанинг шарқий қисмида

жойлашган, халқ орасида ҳозирча “Эски Жиззах” номи билан аталиб келинаётган Қалия қалъаси ўрнида бўлганлиги исбот қилинади. Қалия қалъанинг шаҳристони ва аркида олиб борилган рахеологик қазилмалар давомида XVI – XVII асрларга оид тепанинг тарихи, ижтимоий ҳаётига оид қимматли ашёвий далиллар топилган. Жиззах воҳасининг энг қадимги ва улкан ёдгорлиги ҳисобланган Қалия қалъаси ўрта аср Уструшонасининг бош шаҳри деб талқин қилинган. Жиззахнинг Ўрда номли қалъаси ҳам воҳанинг энг улкан ва қадимий ёдгорлиги бўлиб, Қалиятепадан 6 километр узоқликдаги шимоли-ғарбда, сангўор дарёсининг ўнг қирғоғида, шаҳарнинг “Эски шаҳар” деб аталган мавзесидан ўрин олган.

Кўп асрлик тарихга эга бўлган Жиззах воҳаси ўз табиатининг ранг-баранглиги билан ҳар қандай одамни ўзига мафтун этади. Бу заминда Ўзбекистонимизнинг бетакрор табиати ажиб бир тарзда мужассам топган, десак асло хато бўлмайди. Жиззах вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқариш қувватлари, табиий бойликлари билан мамлакатимиз халқ хўжалигида алоҳида ўрин тутади. Энг муҳими, унинг ўзига хос қиёфасини, мавқеи – эътиборини мана шу саховатли заминда яшайдиган заҳматкаш инсонлар, уларнинг ақл-заковати, фидойилиги, эл-юрт ишига садоқати белгилайди.

Вилоятнинг маъмурий-ҳудудий ташкил бўлган вақти – 1973 йил 29 декабрь. Маркази Жиззах шаҳри. Вилоят таркибида 12 туман (Арнасой, Бахмал, Дўстлик, Жиззах, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Мирзачўл, Пахтакор, Янгиобод, Фориш, Ғаллаорол), 1 та (Жиззах ш.) вилоятга бўйсунувчи, 7 та туманга бўйсунувчи шаҳарлар, 8 та шаҳар типидаги қўрғон, 561 та қишлоқ мавжуд.

Вилоят Ўзбекистоннинг марказий минтақасида жойлашган. Узунлиги шарқдан ғарбга 180 км, жанубдан шимолга 175 км.ни ташкил этади.

Вилоят жануби-шарқда Тожикистон, жануби-ғарбда Самарқанд, ғарбда Навоий вилоятлари, шимоли-шарқда Қозоғистон ва Сирдарё вилояти билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги 850 километрдан ортиқ.

Вилоят табиатининг ўзига хос хусусиятларидан бири тоғлар ва тоғ ёнбағирларида таркибида темир, олтингугурт, водород, радий, кремний кислотаси, карбон гази, ишқорли термо-минераллар бўлган бир қатор шифобахш сув манбаларининг мавжудлигидир. Ана шундай бальнеологик сувлар туфайли “Маржон сув”, “Бирлашган”, “Гагарин” номли санаторийлар Ғаллаорол, Фориш, Мирзачўл туманларида ишлаб турибди. Жиззах икки минг йилдан кўпроқ тарихга ва гўзал табиатга эга бўлган қадимий маскан.

Ўзбек халқининг кўп-кўп асл фарзандлари мана шу заминда тарбия топган, ўз фидойилиги билан эл-юртимизнинг обрўсига обрў, салоҳиятига салоҳият қўшган, тарихда ўзларининг пок номларини қолдирган. Назирхўжа Абдусаламов, Зиё Қори Абдуллаев, Комил Қори Бобожонов, Нуриддин хожи Маъруфхўжаев, Муҳаммадхўжа Ҳамроев, Ҳайдарбек Абдужабборов, Орифжон Олимжонов, Бойза Миразимов, Анқабой Худойбахтов, Муҳиддин Хўжаев, Махмуд Ғозихонов, Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Сарвар Азимов, Ўктам Орипов, Ҳамрақул Носиров, Парда Зиётов, Марад Зокиров каби юртпарвар инсонлар Жиззахдан етишиб чиққан.

Бу заминда камол топган жуда кўплаб фан докторлари, жумладан, У.Қорабоев, Б.Очилова, И. Сувонқулов, Х.Эшбоев, А.Сатторов, У.Жуманазаров, З.Пардаева, И.Мажидов, У.Рахмонқулов, Ў.Абилов, С.Тўйчиева, Ў. Толиповлар фан, маданий қурилиш, таълим – тарбия соҳаларини ривожлантиришга муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Бугунги кунда Жиззахда Абдулла Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институти, Жиззах Политехника институти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, 50 дан ортиқ касб – ҳунар коллежи ва академик лицейлар, 549 та мактаб фаолият юритади.

Вилоятда аҳоли соғлиғини сақлаш ва янада мустаҳкамлаш учун 48 та шифохона, 2 та “Тез ёрдам” маркази, 174 та қишлоқ врачлик пунктлари, 17 та диспансер, 14 та поликлиника, диагностика маркази, “Саховат” соғломлаштириш марказлари мавжуд.

Вилоятда 30 дан ортиқ қўшма корхона фаолият юритмоқда. 160 дар ортиқ йўналишларда йўловчи транспорт хизмати, қатор кўкам тўйхоналар, 2 та телекўрсатув

маркази, “Сангзор” радиоси, 25 номда газеталар, 4 та ахборот – ресурс маркази ишлаб турибди.

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ТАРИХИДАН



1974-йил Ўзбекистон Республикаси Халк Маориф Министрлигининг 8 август 256-сонли буйруғи асосида Жиззах давлат педагогика институти ташкил топган. Институт ташкил топган йили ўзбек тили ва адабиёти, математика факультетлари бўлиб, 29 нафар профессор - ўқитувчилар хамда 425 талаба билан иш бошлаган.

1975 йил - институтда учта бўлим Рус тили ва адабиёт, Педагогика ва бошланғич таълим, Умумий техника ва мехнати таълими очилди.

1975 йил - Институтда сиртқи бўлим очилиб, Ўзбек тили ва адабиёти, педагогика ва бошланғич таълим услублари факультетларига 120 нафар талаба қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда институтдаги Табиатшунослик, Жисмоний маданият, Педагогика – психология, Хорижий тиллар, Тарих, Ўзбек тили ва адабиёти, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, меҳнат таълими, Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий ишлар, Физика – математика факультетларида 6 минггдан зиёт талаба ўқийди, уларга 437 тадан зиёд профессор – ўқитувчилар билим беради.

Институтда 30 та кафедра, 34 та ўқув лабораторияси, 20 та ихтисослашган кабинет, 3 та ўкув корпуси, 1 та 400 ўринли ётоқхона, Маънавият маркази, Маданият саройи, 2 та мажлислар зали, 50 дан зиёд фан кабинетлари, 2 ўйингох жумладан, 2 волейбол, 2 та баскетбол, 2 та қўл тўпи, 2 та мини футбол майдончаси, Бобур номли спорт соғломлаштириш оромгоҳи, 5 та овқатланиш шаҳобчаси, 1 та ошхона, 2 та буфет кабилар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Республика Тест Маркази билан масофадан ўқитиш маркази, мунозара ресурс клублари мавжуд.

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ РЕКТОРЛАРИ

1. Ўринбоев Бозорбой Ўринбоевич – 1974 - 1986 йиллар
2. Нишоналиев Усмонали Нишоналиевич – 1986 – 1989 йиллар
3. Ўринбоев Бозорбой Ўринбоевич – 1989 – 1991 йиллар
4. Нишонов Содиқ Ахмадович – 1991 – 1995 йиллар
5. Мамажонов Бахром Мамажонович – 1995 – 1997 йиллар
6. Муҳаммадиев Ғофуржон Исроилович – 1997 – 2005 йиллар
7. Дусматов Олимжон Мусурмонович – 2005 йилдан ҳозирга қадар

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ РАҲБАРИЯТИ

1. Дўсматов Олимжон Мусурмонович - Жиззах Давлат педагогика институти ректори

2. Алимов Неъмат Адилович - Жиззах Давлат педагогика институтининг ўқув ишлар бўйича проректори.

3. Тангиров Абдуҳамид Жуманович - Жиззах Давлат педагогика институтининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори.

4. Қодиров Ғайрат Ўроқбоевич - Жиззах Давлат педагогика институтининг илмий ишлар бўйича проректори.

5. Зокиров Абдуваҳоб Абдумаликович – Жиззах Давлат педагогика институти Академик лицей ва касб - ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори

6. Қодиров Сувон Каримович - Жиззах Давлат педагогика институти молия ва иқтисод ишлари бўйича проректори

7. Ҳайитов Файзулла Норбўтаевич – Жиззах Давлат педагогика институти ўқув бўлими бошлиғи

8. Пўлатов Шукур Носирович - Жиззах Давлат педагогика институти кадрлар бўлими бошлиғи

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ФАН ДОКТОРЛАРИ

1. Дўсматов Олимжон Мусурмонович — физика-математика фанлари доктори
2. Тўрақулов Холбўта Абилович — техника фанлари доктори
3. Холбеков Муҳаммад Нурқосимович — филология фанлари доктори
4. Жуманазаров Умурзоқ — филология фанлари доктори
5. Раҳмонқулов Умаркул — биология фанлари доктори
6. Очилова Бахти Муродовна — фалсафа фанлари доктори
7. Ахмедшина Фаня Авзаловна — тарих фанлари доктори
8. Жўраев Худойберган — филология фанлари доктори
9. Бекмирзаев Раҳматулла Нурмуродович — физика-математика фанлари доктори
10. Мавлонов Хударган — биология фанлари доктори
11. Маматов Абдуғофур Эшонқулович — филология фанлари доктори
12. Жўраев Аминжон — филология фанлари доктори
13. Бойназаров Файзулла — филология фанлари доктори
14. Пардаева Зулфия Жўраевна — филология фанлари доктори

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ НОМДОР ТАЛАБАЛАРИ

1. Жумаева Феруза Ўраловна - “Меҳр нури-2006” жамғармаси гранти, “Навоий” номли Давлат стипендияси соҳибаси. 2007 й.

2. Муродова Нафиса - “Камолот”-стипендияси танлови ғолибаси. 2007 й.

3. Абдуллаева Вазира Исроиловна - “Соҳибқирон авлодлари” кўрик-танловиниг ғолибаси. 2007 й;

Зулфия номидаги Давлат мукофоти Республика босқичи иштирокчиси. 2008 й.

4. Нормуродова Гулнора - “Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа” номинацияси бўйича ғолиб 2008 й.

5. Абдуқаюмов Умид - “Ахборот ва коммуникация технологиялари” номинацияси бўйича ғолиб. 2008 й.

6. Мухиддинова Манзура - “Бадиий ижод номинацияси ва публицистика” номинацияси бўйича ғолиб. 2008 й.

7. Бобоева Фарида Бобобековна - Мкхр нури жамғармаси гранти совриндори. 2008 й.

8. Жумаева Феруза - Навоий номли стипендияси совриндори. 2007 -2008 йй.

9. Бобоёрова Саодат - Навоий номли стипендияси совриндори. 2007 -2008 йй.

10. Ибрагимов Зафар - Навоий номли стипендияси совриндори. 2007 -2008 йй.

11. Юлдашева Сабоҳат - “Келажак овози-2008” мега танлови вилоят босқичи ғолиби.

12. Собирова Дилдора Иномжоновна - Зулфия номидаги Давлат мукофоти 2008 йил Республика босқичи иштирокчиси.

13. Қодирова Мухлиса Асатуллаевна - Зулфия номидаги Давлат мукофоти 2008 йил Республика босқичи иштирокчиси, “Ташаббус-2009” кўрик-танлов ғолиби.

14. Мирзаева Камола Тўйчиевна – “Камолот-2008” мега танлови ғолиби.

15. Соатова Шохиста Маматқуловна - 2008-йил “Келажак овози” мега танлови ва 2007-2009 йиллар Зулфия номидаги Давлат мукофоти Республика босқичлари иштирокчиси.

16. Султонова Мадина - Улуғбек номли стипендияси совриндори. 2007 -2008 йй.

17. Мустафоқулова Мафтуна Аллабердиевна – “Келажак овози – 2008” мега тнлови ғолибаси.

18. Расулов Улуҳбек - Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори. 2008 - 2009 йй.

19. Яхшиева Зулфизар - Улуғбек номли стипендияси совриндори. 2008 - 2009 йй.

20. Расулова Гавхар - Улуғбек номли стипендияси совриндори. 2008 -2009 йй.

21. Ҳусанова Озода Тўлқинжоновна - Навоий номли Давлат стипендияси совриндори. 2009й.

22. Очилова Камола Абдумўмин қизи - Таълим гранти ғолибаси. 2008 - 2009 йй.

23. Хайдарова Дилором - Президент стипендияси соҳибаси. 2009 - 2010 йй.

24. Холмўминова Баҳора - Навоий номидаги Давлат стипентианти совриндори 2009 - 2010 йй.

25. Маматмуродова Гулноза Бахтиёровна - Улуғбек номли Давлат стипендиси соҳибаси. 2009 -2010 йй.

26. Тошпўлатова Сабохат - Улуғбек номли стипендияси совриндори. 2009 - 2010 йй.

27. Собирова Дилдора - Навоий номли стипендияси совриндори. 2009 -2010 йй.

28. Хусанова Озода - Навоий номли стипендияси совриндори. 2010 й.

29. Абдураҳмонова Ирода - Осиё чемпиони, Халқаро тоифадаги спорт устаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси. 2010 й.; Ўзбекистон Республикаси мустақиллининг 20 йиллиги кўкрак нишони соҳибаси. 2011й.

30. Маматмуродова Ирода Бахтиёровна - Ўзбекистон Чемпиони, Ўзбекистон Республикаси мустақиллининг 20 йиллиги кўкрак нишони соҳибаси. 2011 й.

31. Норбеков Умид - Навоий номли стипендияси совриндори. 2010-2011йй.

32. Холмўминова Бахора - Навоий номли стипендияси совриндори. 2010-2011йй.

33. Маматмуродова Гулноза - Улуғбек номли стипендияси совриндори. 2010-2011йй.

34. Ҳайдарова Дилором - Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори. 2010-2011 йй.

35. Муродиллаев Сардор - Таълим грантлари совриндори 2010-2011йй.

36. Очилова Камола - Таълим грантлари совриндори 2010-2011 йй.

2005-2011 йиллардаги қабул режаси ва қабул натижалари

Ўкув йили	Хужжат топширган абит.сони	Кабул режаси	бакалавр	магистр	Махсус сиртқи
2005-2006	7336	1537	1225	47	265
2006-2007	10284	1587	1225	57	305
2007-2008	11803	1587	1225	57	305
2008-2009	11803	1225	1225	-	-
2009-2010	10567	1605	1605	-	-
2010-2011	10450	1540	1540	-	-
2011-2012	15560	1665	1665	-	-

Махсус сирқи бўлими

Шифр	Таълим йўналиши	2005	2006	2007	2008
5142000	Меҳнат таълими	**30**	**35**	**35**	**35**
5141600	Бошланғич таълим ва спорт - тарбиявий иш	**65**	**80**	**80**	**70**

5141700	Мактабгача таълим ва болалар спорти	**37**	**45**	**45**	**45**
5141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият	**55**	**60**	**60**	**60**
5140700	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	**30**	**35**	**35**	**35**
5141000	Мусиқий таълим	**20**	**25**	**25**	**35**
5141500	Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари	**-**	**25**	**25**	**25**

Магистратура бўлими

Таълим йўналиши	2005-2006	2006-2007	2007-2008
Математика	5	6	5
Физика	5	6	5
Кимё	5	6	6
Биология	5	6	5
Тарих	6	6	5
Педагогика	5	6	5
Ўзбек тили	6	9	6
Ўзбек адабиёти	5	6	5
Рус адабиёти	-	-	5
Бошланги таълим	-	-	5
Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият	5	6	5

2 ҲАФТА

БИЛИМ – БУ КУЧДИР

Ота – боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган Ислом Каримов

Инсон ижтимоий тараққиёт жараёнида билмасликдан билишга, мавҳум билимлардан мукаммал ва аниқ билимлар ҳосил қилиш томон боради. Кундалик тасаввуримизда ниманинг нима эканлигига ишонсак ва бу ишончимиз биз одатланган воқеа ва ҳодисаларга зид келмаса, бундай ишонч **билим** ҳисобланади. Воқелик ҳақидаги билган маълумотларимиз билим даражасига кўтарилиши учун қуйидаги шартларни қаноатлантириши лозим: биринчидан, бу маълумотларнинг воқеликка мутаносиблиги; иккинчидан, етарли даражада ишонарли бўлиши; учинчидан, бу маълумотлар далиллар билан асосланган бўлиши лозим. Учала шарт биргаликда мавжуд маълумотларни билим даражасига олиб чиқади.

Илм инсонларга уларнинг аҳволини ва истиқболини ойнадек кўрсатиб туради, одамнинг зеҳнини, фикрларини ўткирлайди, савобни гуноҳдан, ҳалолни харомдан айириб беради. Тўғри йўл ва амалларга раҳномалик қилиб, бу дунё ва охиратда маъсуд

бўлишимизга замон ҳозирлайди. Бизларни жаҳолат қоронғулигидан қутқаради, маданият, маърифат, маънавият манзилларига етаклайди. Ёмон феъллардан, бузуқ ишлардан қайтаради, ҳалим ҳулқ ва одоб соҳиби этади.

Илм – барча мувоффақиятлар калити эканлиги, кишининг ахлоқи ва маънавияти ҳам илм олиш, муайян билимларга эга бўлишда шаклланиши мумкинлигини ёшларимиз чуқур англай бошладилар. Зеро, бизнинг аждодларимиз ҳам миллат тафаккурининг сайқали билишда эканлигини бот –бот такрорлаганлар. Буюк мутафаккир Юсуф Хос Хожиб "Инсоннинг буюклиги ва бебаҳолиги, унинг ақл идрок ва тафаккур соҳиби эканлигида, айнан шу шуррий қудрат барча воқеа – ходисалар замиридаги туб моҳиятларни англаш калитидир" деб ёзади. Яна бир улуғ сиймо Аҳмад Югнакий эса, "Бир илмли киши мингта илмсизга тенгдир... Илм қадрини кишига илмнинг ўзи беради, нодон, жоҳил илмнинг қадрига етмайди. Илмсизга ҳар сўз маъносиздир, ундай кишига панд- насихат фойдасиздир.Турли – туман ювуқсизлар ювунса пок бўлади, аммо жоҳил ювиб, тозаланмас ифлосдир" деб уқтиради.

Ёшларга билим бериш ҳамда уларни тарбиялашда қунт ва ихлосни сусайтирмаслик ҳақида Огаҳий шундай ёзади:

Талаб йўлида айлар кишида бўлса гар ихлос,
Муроду-манзилига бўлгусидир раҳбари ихлос.
Комил аҳли аро албатта, тобгай рутбаи олий,
Маоний касбида ҳар кимсаки қилди ҳунарга ихлос.

Илмсизлик жамият равнақи, шахс камолоти учун ҳам тўсиқ бўлувчи нафақат индивидуал, айни пайтда ижтимоий иллатдир. Худди шунинг учун ҳам Туркистон жадидлари, маърифатпарварлар, "нажот, илму- урфона", деб бежиз ёзмаганлар. Улар юртнинг келажаги, халқнинг истиқболини таъминлаш учун ишни мактаб ислоҳатларидан бошлаш зарурлигини алоҳида уқтирганлар. Маърифатпарвар, Махмудхўжа Бехбудий жадид зиёлиларининг умумий фикрини шундай ифодалайди: "Мактаб – дунё иморатларининг энг муқаддас ва қадрлисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари ила ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққий ривожига ижтихот қилурлар".

Бутун жаҳонга машҳур бўлган Имом Бухорий, Беруний, ал-Хоразмий, Ибн Сино, ат-Термизий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломаларимиз илм фан тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

Ислом Каримов ўзининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида "Миллий тарихимизнинг яна бир ёрқин юлдузи Абу Райҳон Беруний фаолиятига ҳақиқий баҳо берар экан, Америкалик фан тарихчиси Сартон XI асрни "Беруний асри" деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақли баҳо аввало қомусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм – фан тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси билан изоҳланади" деб таъкидлайди.

Беруний Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад милоднинг 973 йили 4 сентябрда Хоразмнинг ўша пайтдаги пойтахти Кат шаҳрида дунёга келган. Кат шаҳри X асрда Хоразмшоҳлар – африғийлар сулоласининг пойтахти, Ўрта Осиёнинг энг йирик савдо марказлардан бири эди. Бу даврда Хоразм билан Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ давлатлари, Эрон, Кавказ ва Европа давлатлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар анча ривожланган, ҳунармадчилик ва турли фанлар тараққий этган эди. Беруний ана шундай муҳитда ақлини таниди. У ёшлигидан илмга меҳр қўйган эди. Беруний ўзининг ёшлиги ҳақида хотирлаб: "Мен бир Юнонистондан келиб қолган олимдан турли хил ўсимликларнинг юнончада қандай аталишини сўраб, бир дафтарчамга батафсил ёзиб борар эдим ва уларни ёдлаб олардим", - дейди.

Кат шаҳри бир неча бор истилочилар томонидан қайта – қайта вайрон қилинган. 995-997 йилларда Кат шаҳри Урганч амири Маъмун I томонидан босиб олинади. Унинг ўғли

Маъмун II даврида илм-фан тараққий этади. Урганчда “Маъмун академияси” ташкил этилади. Кўп мамлакатлардан илм – фан билан шуғулланувчи олимлар бу ерга олиб келиниб, уларга яхши шароитлар яратилади. Беруний шу олимларнинг етакчилардан бири эди.

Беруний “Ал-осор ал боқия ан ал-қурун ал-ҳолия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”), “Хоразмнинг машҳур кишилари” “Тахдид ниҳоёт ил-амокин ли тасҳиҳ масофот ил-масокин” (“Турар жойлар (орасидаги) масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш”), “Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар”, “Хиндистон”, “Масъуд қонуни” (“Ал – Қонун ал - Масъудий”), “Минерология”, “Сайдана” (“Фармакогнозия”), “Доривор ўсимликлар ҳақида китоб” (“Китаб ас – сайдана фи – т - тибб”) каби асарлари орқали астрономия, математика, геодезия, жуғрофия, матеорология, физика, минералогия, фармакогнозия, тарих, этнография, лингвистика, диншунослик, фалсафа соҳаларда янгидан – янги илмий йўналишларга асос солган мутаффаккирдир. Берунийнинг фалсафий тафаккури замонасининг табиатни ўрганишда эришган ютуқлари, табиий жараёнларни тадқиқ этишда инсон ақли бовар қила олмайдиган ғояларни, янгидан – янги илмий башоратларни ўзида мужассамлаштирган. У астрономик кузатувлар орқали Ой ва Қуёшнинг тутилиши, уларнинг Ердаги ҳаётга таъсири, гидрогеология, иқлим, тақвим, табиий ва сунъий танланиш, сақланиш, ривожланиш аномалияси каби ўта мураккаб муаммоларни янги илғор метод ва назарий тамойиллар кўмагида ҳал этган.

Абу Райҳон Беруний жаҳон цивилизацияси тараққиётига ўзининг йирик илмий кашфиётлари билан салмоқли ҳисса қўшган буюк олим ҳисобланади. Ҳозирги замон фанларининг барчасида Берунийнинг илмий кашфиётларидан у ёки бу тарзда фойдаланишади. Беруний ўз кашфиётлари билан ҳисса қўшмаган фан соҳаси кам бўлса керак.

У биринчи бўлиб Ер шари глобусни ясаган. Бу ихтиродан барча географлар, ҳар бир зиёли бугунги кунда ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Берунийнинг йирик ҳиссаси, жумладан, астрономия соҳасига қўшилган. У гарчи оламнинг тузилишига Птолемейнинг геоцентрик системадан туриб ёндошса ҳам, бу масалага оригинал тарзда, яъни Ер шарини ҳаракатланувчи система деб ёндашади. Бундай қараш ўша даврларда Ерни ҳаракатсиз деб ҳисобловчи ҳукмрон қарашларга зид келадиган илмий жасорат эди. Беруний “Ҳиндистон” асарида шундай деб ёзади. “Ернинг айланиш ҳаракати астрономия фани ҳисобларига ҳеч қандай зид келмайди, балки ерда юз берадиган ҳодисалар, унинг ҳаракати билан бирга бир текис давом этаверади”. Бу ғояда инерциал системалар ҳақидаги фикр мужассамлашгандир. Бундай фикрга Галилео Галилей (1564 - 1642) Берунийдан 600 йил кейин келган.

Беруний ўзининг геоцентризмга бўлган шубҳаларини “Геодезия” асарида очиқ баён этган. Берунийнинг бу йўналишдаги фикрлари гелиоцентризмнинг вужудга келишига йўл очди ва поляк астрономи Николай Коперник (1473 - 1543) Берунийдан 500 йил кейин оламнинг гелиоцентрик системасини ўртага ташлади.

Мутафаккир “Ҳиндистон” асарида Ер юзасининг тузилиши, денгиз ва қуриқликнинг нисбати тўғрисида тўхталиб, шундай ёзган: “Ернинг чораги маъмурадир. Маъмурани ғарб ва шарқ томонидан Муҳит океани (Атлантика ва Тинч океани) ўраб турибди. Бу Муҳит океани, ернинг обод қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган ороллардан икки ёқдан (ғарб ва шврқдан) ажратиб туради...” Бу фикрни “Маъсуд қонуни” да ҳам таъкидлайди. Хуллас, Беруний математик ҳисоб – китоб асосида Колумбдан қарийб 450 йил илгари ҳозирги Америка қитъаси бўлиши мумкинлигини башорат қилганди.

Беруний дунёларнинг кўплиги ва хилма – хиллиги ҳақидаги фалсафий ғояни илгари сурганди. Бу ғоя 600 йилдан сўнг Жордано Бруно (1548 - 1600) томонидан айтилди.

Алломанинг буюк хизматлари хусусида берунийшунослар Берунийнинг бир ўзи бутун бошли илмий – тадқиқот институтлари ҳам бажара олмайдиган ишларни уддалаган,


деб қайд қилишган.

“БЕРУНИЙ КРАССВОРДИ”

БЎЙИГА: 1. Абу Райҳон Берунийнинг тарихий асари. 2. “Буруний ва унинг геодезияга оид ишлари” асари муаллифи. 3. 30-йиллар қатағони қурбонларидан бири, шоир. 4. Болани ухлатувчи илоҳий қўшиқ. 5. Марҳум Уелс маликаси. 6. Абу Райҳон Беруний асарларини тадқиқ этган ўзбек олими. 7.“Беруний ва Хоразм” рисоласи муаллифи, ўзбек олими. 10. Абу Райҳон Берунинйнинг Али ибн маъмунга бағишланган асари. 11. Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) нинг амакилари. 12. Эчки. 18. Дорбозлар ибораси. 19. Подшоҳ. 21. Овоз. 22. …-Кинли (чўққи). 23. Машҳур шарқ энциклопедик олими. 24. Ғаний. 25. Товуш. 27. Антонов самалёти. 30. Сўзма - сўз; бир хил. 33. Қайғу. 34. Берунийнинг минерологияга оид асари. 36. Беруний яшаб, ижод этган даврдаги ҳукумдор. 38. Абу Райҳон Беруний асарларини тадқиқ этган ўзбек олими. 46. Абу Райҳон Беруний асарларини тадқиқ этган рус академиги. 49. “Формула-1” Спорт ўйинларидаги жамоа. 55. Санъат асари. 56. Портловчи модда. 57. 80-90-йилларда яшаган водийлик машҳур уламо. 63. Абу Райҳон Беруний асарларини тадқиқ этган рус олими. 64. Дарбоз қуроли. 65. Хонадош;. 66. 19-аср Қўқонда ижод этган шоир. 67. Олдин. 69. Берунийнинг умумий астрономияга оид асари. 75. Беруний туғилган қадимий юртнинг номи. 77. Берунийнинг машҳур кашфиёти. 80. Халифаликнинг машҳур шаҳарларидан бири. 82. Шер. 84. Шоҳимардон.

ЭНИГА: 1. Беруний қаламига мансуб ўрта асрларнинг астрономик энциклопедияси. 6. Берунийнинг географик асари. 8. Қадимги Мисрда Қуёш худоси. 9. Ҳукумат жойлашган бино (ўрта асрлар). 13. …-Пас (Боливия пойтахти). 14. Нима. 15. Карамли. 16. Миллий таом. 17. Беруний туғилган юртнинг қадимий номи. 20. Маълум муддат Тошкентда яшаган рус шоири. 22. Хоразм академияси. 23. “Абу Райҳон Беруний” филми режжиссёри. 26. Томас … Эдисон. 27. Бол. 28. Таажжуб сўзи. 29. Абу Райҳон Беруний асарларини тадқиқ этган инглиз олими. 31. “Абу Райҳон Беруний” асари муаллифи. 32. Ўзбек шоири. 35. Фарғона вилоятидаги қишлоқ (Қувасой тумани). 37. Ўзбекистон халқ рассоми. 39. Одам… . 40. Абу Райҳон Беруний асарларини тадқиқ этган рус олими. 41. Сано. 42. Тун қуши. 43. Арабча исм. 44. Моҳ. 45. Қуръони Карим сураси. 47. Ер қобиғи - …сфера. 48. … Искандар (шоир). 50. Колифорнияга қарашли орол. 51. Камолотга эришган. 52. Конкфу қуроли. 53

Инсон аъзоси. 54. Транспорт. 58. АҚШ штати. 59. Беруний замондоши, олим. 60. …-ирформ – интернет провайдери. 61. Оғуш. 62. … Муҳаммад Рауфхон (журналист). 66. Беруний асари. 68. Ҳид. 70. Туркий тил мансуб бўлган тил оиласи. 71. Бойлик. 72. Ёрдам. 73. Кимёвий элемент. 74. Ундов сўз. 76. Чақалоқ йиғиси. 78. Ишдаги барака. 79. Беруний замондоши устурлаб кашфиётчиси. 81. Оҳиста. 83. Ҳапқириш. 84. Арава. 85. Абу Райҳон Беруний асарларини тадқиқ этган ўзбек олими. 86. Ўрта асрлар араб тарихчиси. 87. Берунийнинг доришуносликка оид асари.



ҲАЁТ ҲИКМАТЛАРИ

Яхши хулқ – одоб белгилари ўн хил бўлади. Биринчиси, хайрли ишларда одамлар билан зиддиятга бормаслик. Иккинчиси, ҳис – туйғу ва эҳтиросларга берилмаслик. Учинчиси, ўзгаларнинг камчилигини қидирмаслик. Тўртинчиси, бировларнинг бахтсизлигига ҳамдард бўлиб, уни тўғри тушиниш. Бешинчиси, агар айбдор ўз айбига иқрор бўлса, уни авф этиш. Олтинчиси, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш. Еттинчиси, кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш. Саккизинчиси, ўз нуқсонларини кўра билиш. Тўққизинчиси, ҳулқ – одобли бўлиш. Ўнинчиси, хушмуомалалик.

***

Билгилки, ҳеч ким айб ва фазилатдан холи эмас. Бинобарин, бирор кимсанинг айби унинг яхши хислатларидан фойдаланишдир. Шунга ўхшаш бирор кимсанинг фазилати сени унинг айбларини ахтаришга мажбур қилмаслиги керак. Билгилки, ёмон ёру дўстларинг борлигидан етадиган зарар, яхши ва содиқ ёру дўстларинг бўлмаганидан кўра каттароқдир.

***

Ёлғондан сақлангил. Зеро, ёлғон нафснинг заифлигидан, фикрнинг сустлигидан ва кетини ўйламай иш қилишдан келиб чиқади. Ёлғоннинг зарари ёлғончига тегади ва ёлғоннинг энг кичик зиёни ҳам ёлғончининг ўзини мақсадидан четлатади.

***

Ўз нафсингни майда орзу – ҳавасларга эргашишга одатлантирмагил, зеро кўнглинг тама истаб қолади. Жуда катта орзу – ҳавасларга эргашсанг ҳам шундай бўлади. Ҳеч қачон кичик хато қилгач, бепарво бўлмагил, зеро ҳар бир хатонинг зиёни бордир. Ўзингни кичик хатоларга одатлантирсанг, бу одат сени катта хатоларга бошлайди.

***

Ҳаё ва андиша дунёда тартиб сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳаё йўқолса, ҳеч кимда виждон ҳам қолмайди, дунёда тартиб бузилади, кишилар бир – бирига бефарқ қарайдиган бўладилар.

****

Агар кишилар ўртасидаги дўстлик ва муҳаббат алоқалари мустаҳкам бўлганида эди, адолатга ҳожат қолмаган бўларди, чунки кишилар ўзаро муносабатни муҳаббат асосига қурган бўлардилар ва ўзгаларнинг бойлигига ғаразгўйлик билан кўз олайтирмас эдилар.

***

Кимки билимга эришиб, унинг мазасини тортиб кўрган бўлса, бу нарсани у подшоҳлик ва давлатни бошқариш ҳузур – ҳаловатига алмаштирмайди.

***

Илм ўрганишдан уялган ва такаббурлик кўчасига кириб қолган кишилар ҳеч қачон илмга эга бўла олмайдилар. Эй ўғил, сен илм ўрганишдан уялма! Нодонлик ёмон ҳислат.

***

Илм ва ҳунар ўрганиш инсон учун энг зарур нарсалардан ҳисобланади. Ҳар қандай нарсанинг моҳиятини англаш, жаҳондаги воқеаларнинг яхши-ёмон томонини билиб олиш, одамларнинг қадру қимматини тўғри тушуниш, оиланинг фаравон яшашини тўғри ташкил этиш, қисқаси, ҳар томонлама мукаммал бўлиш учун илм ва ҳунар ўрганиш зарурий эҳтиёжлардан биридир.

***

Бир-бирингиз билан саломлашиб юринглар, шунда ўрталарингда меҳру муҳаббат уйғонур.Қозонга яқин юрсанг қораси юқар, деб бежиз айтмаганлар. Шунинг учун доимо яхши кишилар билан суҳбатдош бўл, бебош ва ножинс кишилар суҳбатидан парҳез қил.

***

Эй фарзанд, энг ёмон ҳислат дунёда дўстларга қилинадиган макр билан хийладир.

***

Кўп гапириш ярамайди, зероки ҳаддан ташқари маҳмаданагарчилик енгилтаклигу димоғдорлик нишонасидир ва ҳурмат йўқолишию жиддият етишмаслигининг сабабчисидир.

***

Доно кишининг тили уни бахтсизликдан асрайди. Ярамас кишининг тили эса, унинг бошига кулфат келтиради.

3 ҲАФТА

БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙНИНГ ИСЛОМ ФИҚҲ ИЛМИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

(Семинар тренинг)

Режа:

1.Кириш. Бурҳониддин Марғиноний ҳаёти (**А** - талаба)
2.Алломанинг ижодий мероси (**Б** - талаба)
3.“Ал – Ҳидоя” – ҳуқуқий қўлланма (**В** - талаба)

Муҳокама учун саволлар:

1. Алломанинг қандай асарларини биласиз?
2. Нима учун Бурҳониддин ал – Марғиноний ўз даврининг ҳанафия мазҳаби бўйича буюк фақиҳи (ҳуқуқшуноси) даражасига кўтарилди?
3. “Ал – Ҳидоя” асаридаги муҳим ва мунозарали масалалар.
4. “Ал – Ҳидоя” китоби қандай амалий ва назарий аҳамиятга эга?

Хулоса

- “Ҳидоя” бугунга қадар ислом ҳуқуқшунослиги бўйича барча соҳаларда ўз таъсирини ўтказиб келган ва фақиҳларнинг кўпчилиги, уларнинг мазҳабларидан қатъий назар, асарга катта эътибор билан қараганлар.
- “Ҳидоя” фахрланишга арзигулик бир нафис ва олий асар, тўлқинланувчи бир уммон, юксак ўринли, қимматли, ўз аниқ далиллари ва бурҳонлари билан катта аҳамиятга эга, чексиз яхши томонлари ва порлоқ жумлалари билан ҳаммага файзу барака манбаи бўлиб келган бир китобдир.
- Бурҳониддин ал – Марғиноний: *“Ҳеч қачон илм ўрганиш ишида узилиш юз бермаслиги керак, негаки, бу катта йўқотишга олиб боради. Мен илм ўрганиш жараёнида ҳеч қачон узилишга йўл қўймаганим сабабли барча сафдошларимдан ўзиб ўтдим*”.

ЛИ МЁН БАК. “МЎЪЖИЗА СОДИР БЎЛМАЙДИ”

Баъзан мени, гўё ҳаётимда ҳамма нарса худди эртакдагидек кечган деб ўйлаб, “мўъжизалар қаҳрамони” деб атайдилар. Аммо менинг ҳаётим – “мўъжиза” эмас, асло. Ҳаётим – изтироб ва сабр-тоқатга тўла, машаққатли узун йўлдир. Мен бу йўлдан ҳар куни, ўзимга бўлган ишончни йўқотмай ҳамда орзу-умидларимни бой бермай, қатъият ва жасорат билан одимладим. Менинг ҳаётим – бу муваффақиятга қатъий ишонган ҳолда мунтазам олға интилишдир, бу ҳар қандай ва барча тўсиқларни енгиб ўтиш, муваффақиятсизликлар ҳамда муваққат мағлубиятлар рўй берганда тушкунлик ва умидсизликни ўзимдан нари ҳайдай билишдир.

Илк болалик чоғларимдан университетни битиргунимга қадар туну кун камбағаллик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишимга тўғри келарди. Ҳатто мени “Хендэ” компаниясига яхшигина ишга қабул қилинганлардан сўнг ҳам, қарийб ўттиз йил давомида аввалгидек бор кучимни танлаган ишимга сабот билан тинимсиз сафарбар этиб келдим. 60-йиллар охирларидан 80-йиллар охирларигача бутун Корея босиб ўтган, ҳақиқатан ҳам жадал иқтисодий ўсишдан иборат тарихий йўлдан ўз компаниям билан биргаликда одимладим.

Бошланғич мактабнинг юқори синфларида ўқиб юрганимда мен уриниб кўрмаган бирорта ҳам иш қолмаганди. Гугуртчўпга олтингугурт суртиб сотардим, ҳарбийлар ротаси яқинидаги темир тўсиқ ортида денгиз карамидан ўрама қилиб сотардим, гўёки буғдой унидан қилинган “гуруч кулча” сотганим учун аскарлардан калтак ердим. Оч-наҳор юриш одатий ҳол эди, аммо оч ҳолда ҳам, бориб-келишга тўрт соат вақт кетса-да, мактабга яёв борардим. Мактабимга егулик бериб юборишларини орзу қилардим. Тушлик танаффусда крандан оқиб турган сув билан очликни қондирардим. Бошидан ўтказмаган киши бунинг нималигини ҳис этмайди.

Бошқалар аввал ўқиб, кейин биринчи бор ишга кирсалар, мен бошланғич мактабдан бошлабоқ ишлар эдим. Бозорда отам билан матолар сотишдан бошлаб, турли шаклларда кулчалар, гуруч бодроқ, гугурт, аравада мева сотганим, ниҳоят, ахлат йиғиштирганим – мен қилмаган иш йўқдек эди. Шу сабабли, агар фақат юқори мактабдан бошлаб ҳисобланганда ҳам, мен ўн йилдан ортиқ стажга эга ёш ишчи эдим. Мен ўқиш ва тирикчилик қилиш учун пул топиш куйида эрта тонгдан югуриб - елишим лозим эди.

Камбағал ота-онани айблашдан ёмон иш йўқ. Мен ҳаётимда ҳеч қачон камбағал ота-онамни ёки камбағал мамлакатни айбламаганман. Мен бу ерда ғайрат билан ишлаш учун туғилганман, деб ўйлайман, холос. Агар бошқалардек ухласанг ва ишласанг, олдиндагиларга етиб олишинг амри маҳол. Олдиндагиларга қараганда кўпроқ ишлаганингдагина ўшаларникидек турмуш даражасига эришишинг мумкин.

– Мён Бак, овқат берадиган бўлишса, олмагин, шунчаки бориб қарашиб юбор. Тонгда қўлимда фонарь билан кўчага чиқар эканман, доим онамнинг шу сўзларини эслайман. Бошида онамнинг кўни – қўшниларга, танишларга ёрдамлашиш ҳақидаги “буйруқ” ларини бажариш жуда қийин кечарди. Мен ҳамма ишни индамай бажарар эдим.

– ошхонада қарашар эдим, сув олардим, овқат таширдим, иш тугагудек бўлса, уйга қайтардим. Мен, қийинчилик билан, фақат: “Ёрдамлашгани келдим” ёки “Иш тугади, уйга кетаман”, – дердим. Бу гапларни айтишни ўрганиш қанчалик қийин бўлса, лаззатли таомдан воз кечиш ҳам шунчалик машаққатли бўларди. Ҳеч ким кўрмаётганида бир луқма таомни лўққа ютиб юбориш ҳам мумкин эди, аммо мен доим онамнинг сўзларини ёдда тутардим. Бундай ҳолатлар кўп такрорланарди, онам овқат олишдан нега қайтарганлигини кейинчаликкина тушиниб етдим. Беғараз ёрдам инсонга ўз қадрини билиш туйғусини бахш этар экан.

Онам мени қатъий, ҳалол ва меҳнатсевар бўлишга, ҳаёт синови бўлган ҳар бир ишни охиригача олиб боришга ўргатганди. У менга ўзингни қурбон қилмагунча ўзгага кўмакдош бўла олмайсан, деб ўргатганди.

Онам ҳаёт бўлганида, шундай деган бўларди:

–Энди эса атрофингга боқ, ривожланиш жараёнидаги нуқсонларни топ. Сиёсат – бу бошқаларга ёрдам бериш ҳам демакдир.

Университетда ўқишим тиклангач, “тажрибам”ни ҳисобга олиб, битирув имтиҳонларисиз ҳам ўқишни тугаллашим мумкинлигини айтишди. Мен бундан миннатдор бўлдим, албатта, лекин университетнинг дардисар талабадан тезроқ қутилиш сиёсати кўнглимга ўтирмади. Менга бундай муносабатда бўлишларига йўл қўя олмасдим.

Менга йўқ жойдан баҳо қўйиб бериш керакмаслигини айтдим, ҳар бир профессорнинг олдига бориб, имтиҳон топширишимни билдирдим. Университетдагилар, ўз – ўзидан қўйилаётган баҳодан бош тортаётган талабани биринчи бор кўраётганликларини айтиб, ҳайрон қолишарди. Ўқитувчилар мени деб имтиҳон саволларини қайта тузишга, имтиҳон олишга, ишни текшириб вақтларини йўқотишга мажбур бўлишарди, лекин ҳеч қайсилари аччиқланганликларини кўрсатишмади. Профессорларнинг хоналарига қатнаб имтиҳон топширардим.

Ҳаётимда кўп касбларни кўрдим. Парламент депутати ва Сеул мэри бўлиб ишладим. Бугунги кунда халқим менга Корея мамлакати Президенти вазифасини ишониб топширди. Аммо, лавозимлариму мансабларим қанчалик ўзгармасин, вақтнинг шиддатли оқимида ҳаётий шарт-шароитим қандай кўриниш касб этмасин, мен учун ўзгармас бўлиб қоладиган нарса мавжуд. Бу менинг қатъий маслагимдир:

Ҳаётда мўъжиза бўлмайди!

4 ҲАФТА

ДАҲОЛИК СИРЛАРИ

Даҳолик нима ва унинг қандай омиллар билан изоҳлаш мумкин? У юксак даражада ривожланган қобилиятми ёки баъзи бир кишилардагина бериладиган Аллоҳнинг марҳаматими?

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида даҳога “фавқулодда кучли ақл, хотира ва ижтимоий истеъдод, билим савияси жиҳатидан ўз давридан илгарилаб кетган шахс”, деб таъриф берилган. Бюффон даҳоликни жуда катта сабр-бардош дея таърифласа, Уордсверт уни бирон-бир янгилик яратишда кўради. “Даҳоликнинг ибтидоси ва интиҳоси, - дейди Гёте, - ҳақиқатни севиш ва унга интилишдадир!”. Шопегауэр назарида “даҳолик – бу хусусийда умумийни кўра олиш лаёқати”. Карлейл эса даҳоликка қийинчиликларни енгиб ўтишнинг ғайриоддий воситаси сифатида қараган. Оксфорд луғатида даҳоликка қуйидагича таъриф берилган: “Даҳо – бу табиатнинг фавқулодда юксак даражадаги интеллектуал кучи бўлиб, у хаёл, оригинал тафаккур, ихтирочилик ва кашфиётчиликни тақозо қилувчи юксак даражадаги ижодий қобилиятда намоён бўлади”. “Даҳо” тушунчаси инсонни ижодий лаёқатини ифодалаш учун, шунингдек, унинг у ёки бу соҳадаги самарали фаолият юритишига нисбатан туғма қобилиятини назарда тутувчи фаолият натижаларини

баҳолаш учун ҳам қўлланилади. Даҳо истеъдоднинг юксак даражаси бўлган талантдан шуниси билан фарқ қиладики, у сифат жиҳатидан бутунлай янги қадриятлар яратади. Шунинг учун ҳам, оригналлик – даҳоликнинг энг асосий хусусияти ҳисобланади.


Даҳо ҳеч қачон ҳеч кимдан кўчирмайди – у ҳар доим ижод маҳсули сифатида янги бўлади. Даҳонинг фаолияти ўз ижоди уч ун озуқа оладиган инсоният жамиятининг муайян бир тарихий-ижтимоий муҳитида кечади. Қуйидаги формула баҳо билан талантни бир-биридан аниқ ажратиб беради: “Даҳо қилиши зарур бўлган ишни, талант эса уддалай оладиган ишни амалга оширади”. Нажмиддин Кубро – даҳо эди. Шунинг учун ҳам Чингизхон уни очиқчасига маҳв этолмади. У яхши хотирага, фавқулотдда ривожланган тафаккурга, юксак даражада шаклланган ҳиссиёт ва сезгиларга эга.

Даҳоларда кўз билан кўриб идрок қилиш лаёқати яхши ривожланган. Кўз, ҳар қандай инсонда бўлгани каби, даҳо учун ҳам асосий ахборот олиш воситаси ҳисобланади. Аристотелнинг фикрича “фикрловчи инсон шаклни образларда тасаввур қилади”. “Олимлар ҳам, - дейди Галилей, - формулалар билан эмас, балки оддий одамларга ўхшаб образлар воситасида фикрлайдилар”. Эйнштейн ўзидаги образларни шакллантириш лаёқатини ижодкорлик фаолиятининг манбаи, деб ҳисобланган. Маълум бўлишича, инсон онгида қайта ишланадиган ахборотларнинг 80 фоизи кўз орқали ўтар экан. Сезги органлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг юқорилиги ҳам даҳоларни бошқалардан ажратиб туради. Даҳо инсонлар ҳамма сезги органларидан юксак даражада фойдаланишга мойил бўладилар. Бу эса уларга воқеликни ва айниқса ўзлари ўрганаётган ҳодисаларни тўғри ҳамда барча тафсилотлари билан тўлалигича идрок этишга ёрдам беради. Шунингдек, даҳолар мақсадга эришиш учун бир неча режалардан фойдаланишади.

Даҳоларнинг онгида тафаккурнинг хаёлпарастлик, реалистлик ва танқидчилик функциялари ўртасида доимо мувозанат мавжуд бўлади. Буни даҳоликнинг энг асосий унсури, деб айтса бўлади. Даҳо учун орзуларга берилиш қанчалик муҳим бўлса, ўз ғояларига нисбатан танқидий мушоҳада юритиш ҳам шунчалик катта аҳамиятга эга. Ушбу мувозанатдаги энг муҳим жиҳат –танқид орзуни бутунлай йўқ қилиб ташламаслигини таъминлашдан иборат. Улар учун жавоблардан кўра саволлар кўпроқ аҳамиятга эга. Ўта қизиқувчанлик ва ҳиссиётлар жўшқинлиги ҳамма даҳоларга хос бўлган сифат ҳисобланади. Улар шахсий муваффақиятсизликни фожиа сифатида эмас, балки кейинги изланишлар соҳаси сифатида қабул қилишади. “Муваффақиятсизлик, - деган эди бир ихтирочи, - бу шунчаки муаммонинг бошқача ечими, холос”. Омадсизлик – муваффақиятли ечим учун трамплин. Дисней мазкур ҳолатни ифодалаб шундай деган эди: “Мен изланишим ва тажрибалар ўтказишим зарур... Ўзимдаги тасаввурнинг чекланганлиги мени историобга солади”.

Даҳо амалга ошираётган ишини ўз шахсиятидан устун қўяди, яъни ўзининг улуғвор мақсадлар учун хизмат қилаётганлигига ишонади. “Менга, - деб ёзган эди Леонардо да Винчи, - бошқаларга қараганда беҳаловтроқ ва қашшоқликда ҳаёт кечиришга тўғри келса ҳам, мўъжиза яратишни хоҳлайман”.

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ



Нобель мукофоти – энг катта адабий мукофот. Бундан каттароғи йўқ. Ҳар бир давлатнинг ўнлаб миллий мукофотлари, халқаро мукофотлари бор, лекин Нобель мукофоти энг нуфузлиси ҳисобланади. Шунинг учун бу мукофотни олган адибларнинг китобини ўқувчилар яхши кутиб оладилар, қизиқиб ўқийдилар, сабоқ оладилар, баҳра оладилар.

Альфред Нобел – швециялик кимёгар – тажрибачи ва бизнесмен, динамит ва бошқа портловчи моддалар ихтирочиси, ўз номидаги мукофатни таъсис этиб, хайрия жамғармаси ташкил қилган.

Альфред Бернхард Нобель 1833 йилнинг 21 октябрида Стокгольмда туғилди. У оилада тўртинчи фарзанд эди. 1842 йилнинг октябрида, Альфред 9 ёшга кирганда бутун оила Россияга кўчиб кетди. Альфред меҳнаткаш, билимга, айниқса, кимёга чанқоқ бола чиқиб қолди. 1850 йили, 17 ёшга киргандан кейин Европа бўйлаб узоқ сафарга чиқди. Парижда кимёни чуқурроқ ўрганди, АҚШда буғ машинаси ихтирочиси, швед Жон Эрикссон билан учрашди. Бу ихтирочи кейинроқ зирҳли ҳарбий кема ("монитор" деб аталди) лойиҳасини ишлаб чиқди. Уч йилдан сўнг Санкт – Петербургга қайтган Альфред отасининг компаниясида ишлай бошлади. 1858 йилга келиб компания молиявий инқирозга юз тутди. Альфред ота – онаси билан Стокгольмга қайтди.

Швецияга қайтган Альфред бутун вақтини механикавий ва кимёвий тажрибаларга бағишлаб, ихтиролар учун учта патент олди.

Альфред Нобелнинг қўлида 70 – йилларда дунёнинг йирик мамлакатлари динамит ва бошқа портловчи моддаларни қайд этган патентлар бўлиш. 1986 йил 10 декабр куни миясига қон қуйилиши нитижасида вафот этди.

Альфред Нобель бой тасаввурга эга бўлган ихтирочи сифатида, ўз ғояларини саноат ва тижорат манфаатларига сарфлаган бизнесмен сифатида ўз даврининг типик вакили эди.

Альфред Нобель олтмиш уч йиллик умри давомида яратган ихтиролар, кашфиётлар одамзот тараққиётига улкан ҳисса қўшди ва қўшаяпти. Умри ниҳоясига етиб қолганини сезган Нобель яна бир кашфиёт яратдики, юз йилдан ортиқ вақт ўтса – да, бунақасини бошқа ҳеч ким яратмади. Бу кашфиёт унинг номи билан аталган мукофот бўлиб, қуйидаги мўъжазгина васиятномада ўз аксини топган.

"Мен, қуйида имзо чекувчи Альфред Бернхард Нобель ўйлаб, бир қарорга келдим ва ушбу нома орқали вафотимгача орттирган мол – мулким хусусидаги васиятни эълон қиламан.

Мендан кейин қоладиган, сотса бўладиган барча мулкни васийларим қимматбаҳо қоғозларга айлантириб, жамғарма ташкил қилишлари керак. Ундан келадиган фоизлар ўтган йилда одамзотга энг катта фойда келтирганларга мукофот тарзида берилсин.

Фоизлар бешта тенг бўлакка тақсимланиб, қуйидагиларга берилади: биринчи қисми физика соҳасида муҳим кашфиёт ёки ихтиро қилган одамга, иккинчиси – кимё соҳасида йирик кашфиёт қилган ёки уни такомиллаштирган одамга, учинчиси – физология ёки медицина соҳасида буюк ютуқларга эришган одамга тўртинчиси – инсоний орзу – умидлар (русча "идеаллар" – Қ. Д.) ни акс эттирган энг бадиий асар яратган одамга, бешинчиси – халқларнинг жипслашувига, қулликни йўқотишга, мавжуд армияларни қисқартиришга ва тинчлик шартномаларини ҳисса қўшган одамга.

Физика ва кимё соҳасидаги мукофатлар Швеция қироллик фанлар академияситомонидан, физиология ва медицина соҳасидагилар – Стокгольмдаги қироллик Каролин институти томонидан, адабиёт соҳасидагилар – Швеция академияси томонидан, тинчлик мукофоти – Норвегия парламенти сайлайдиган беш кишилик қўмита томонидан берилиши керак.

Менинг алоҳида истагим шундаки, мукофат берилишига номзоднинг миллати таъсир этмасин, мукофотни скандинавияликми ё бошқа, бундан қатъи назар, энг муносиб одамлар олишсин.

Ушбу васиятим охиргиси ва узил – кесилдир, у қонуний кучга эга ва агар, вафотимдан кейин олдинги васиятномаларим чиқиб қолгудек бўлса, улар ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин".

Париж, 1895 йил, 27 ноябр Альфред Бернхард Нобель.



Нобель мукофати лауреатига тақдим этиладиган медал

Ўтган йиллар давомида 786 марта эркак кишига ва 44 марта аёл кишига мукофатлар берилган. Бир неча бор тақдирланганлар ҳисобига 43 аёл кишига ва 783 эркак кишига Нобель ва Иқтисодий фанлар учун мукофатлар берилган.

Энг ёш Нобель лауреати 1915 йилда физика бўйича отаси билан бирга мукофатланган 25 ёшли Лавренс Браг (Lawrence Bragg) ҳисобланади.Энг ёши катта Нобель лауреати Леонид Гурвичз (Leonid Hurwicz) бўлиб, у тақдирланган 2007 йилда 90 ёшда бўлган.



Нобель мукофотини олган адиб Нажиб Маҳфуз

Мисрлик ёзувчи, 1911 йили майда чиновник оиласида туғилган. Қоҳира университетининг адабиёти факультетини тугатган. Қоҳира униеверситетининг адабиёт факультетини тугатган. Жами ёзган асарлари: қиррқа яқин тарихий, ижтимоий, психологик рўмонлик ва қиссалар, 11 ҳикоялар тўплами, 5 пьеса. Уни “мистер Бальзак” дейишади. 1988 йили Нобел мукофотига сазовор бўлди. Швеция академиясининг маълумотига кўра Нажиб Маҳфуз 150 номзод орасида ғолиб деб топилди. Ижодига қуйидагича баҳо берилди: “Унинг асарлари бевосита жами одамзотга мурожаат этилгани билан ажралиб туради. Ёзувчи араб рўмонини дунё маданияти даражасига кўтаришга муваффақ бўлди”. Ёзувчининг ўзи аётишича, “Юксак мукофотга араб тили сазовор бўлди”.

Нажиб Маҳфузнинг мустақил дунёқарашлари туфайли 30 йил илгари ёзган “Гебелава болалари” деган китоби тақиқлаб қўйилди. Ёзувчи ижтимоий рўмон жанрини ривожлантиришда етакчи рол ўйнаган. 40-йиллардаёқ шу жанрдаги рўмонлар туркуми чиқа бошлаган. Улар кварталлар ва кўчалар номи билан аталади: “Хан-ал-Халили”, “Ал-Мидианк кўчаси”, “Байн-ал-касрайн” трилогияси коҳиралик савдогар оиласининг бир неча авлоди ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Ғарбда бу трилогияни Голсуросининг “Форсайтлар ҳақида сага”, Томас Манн қаламига мансуб “Бруденброкклар” асари билан теглаштирадилар.

Ёзувчининг кейинги ёзганларидан бири “Оллоҳ ҳар тунингни бахтиёр қилсин” номли автобиографик трилогиясидир. Маҳфузнинг асарлари Миср билан қўшни мамлакат тилларига: иврит, турк, форсийга таржима қилинган, қатор асарлари экранлаштирилган. Рус тилига ўгирилганлари: “Ўғри ва ит” (1961 йили ёзилган, 1965 йили таржима қилинган), “Кузги беданалар” (1964 йили таржима қилинган) мемуар-рўмони, “Мирамор пансионати”, “Ёмғир остидаги севги” (1975 йили таржима қилинган).

ЗАКОВОТ

1. Уни отаси Людвиг Россияда 1888 йили “металлургия ва нефтни қайта ишлашдаги энг яхши илмий иш” учун мукофот таъсис этди. Унинг акаси Эммануиль 1904 йил ҳам ўз мукофотини таъсис этди. Аммо унинг ўзи 1901 йил таъсис тэган мукофоти энг кўп шуҳрат қозонди. У ким?

2. Академик Ферсман кимёвий элементлардан бирига “ҳаёт ва фикрлаш элементи” деб баҳо берган. Академик Ферсман қайси элементга шундай баҳо берган?

3. У XX асрнинг ўрталарида зоолок Питер Скотт томонидан фанга киритилди. Бу таклиф зоология, биология, ботаника фанлари учун ривожланиш босқичига айланди. Питер Скотт фанга нима киритган?

5 ҲАФТА

ЎЗБЕКИСТОН БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮРТИ

Мустақиллик шарофати билан халқимиз ҳаётининг барча жабҳаларида том маънода тарихий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мана шу залворли ишлар силсиласида ғоят қадимий ва бой тарихимиз, бетакрор миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш,

башариятга улкан илмий-маънавий мерос қолдирган буюк алломаларимиз фаолияти тафсилотлари ва асарларини халққа етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар алоҳида аҳамият касб этади. Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон аталмиш она юртимиз аҳли бағоят истеъдодли, толе иқболи баланд халқдир. Чунончи, хоҳ дунёвий илмлар бўлсин, хоҳ диний илмлар, бизнинг юртимиздан бошқа ҳеч бир ҳудудда учрамайдиган даражада кўп буюк алломалар етишиб чиққан.

Уларни ўрганиш, билиш, ихлос қўйиш ва ибрат олиш ҳамда уларга муносиб бўлиш бизнинг вазифамиздир.

Имом Ат-Термизий. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Саври ибн Мусо ибн аз-Заҳҳоқ Абу Исо ас-Сулламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий бўлиб, 209/824 йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида жойлашган) қишлоғида ўрта ҳол бир оилада таваллуд топган.

Ат-Термизий ёшлигидан ғоятда тиришқоқ, идрокли ва заковотли бўлиб, бу фазилатлари билан ўз тенгдошларидан батамом ажралиб турган. Унинг ёшлик чоғларида илмга ўта қизиқиш ва иштиёқи ўша даврининг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллашида баралла намоён бўлди.

Ҳадис илмини эгаллашда ва такомиллаштиришда имом ат-Термизий ўз даврининг кўпгина машҳур муҳаддислари, жумладан, Имом ал-Бухорий, Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Довуд каби етук олимларни кўрсатиш мумкин.

Ат-Термизий ўз илмий-ижодий фаолияти давомида ўндан ортиқ асарлар яратди. Унинг илмий – маънавий меросида, шубҳасиз, “ал-Жомиъ” асари катта аҳамиятга эгадир. Бу асар “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”). “Ал-Жомиъ ал-кабир” (“Катта тўплам”), “Саҳиҳ ат-Термизий”, “Сунан ат-Термизий” (“Термизий суннатлари”) номлари билан ҳам юритилади.

Муаллифнинг йирик асарларидан яна бири “Аш-Шамоил ан-набавия” (“Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари”) дир. Бу асар “Аш-Шамоил Муҳаммадия”, “Аш-Шамоил фи шамоил ан-набий саллолоҳу алайҳи ва саллам” номлари билан ҳам аталади. Ушбу асарнинг Саудия Маҳмуд Тарозий (ваф.1992) томонидан бажарилган ўзбекча таржимаси араб ва кирилл алифболарида Тошкентда бир неча бор нашр қилинган. Алломанинг “Китоб ат-тарих”, “Китоб ал-илал ас-сағийр ва-л-илал ал-кабир”, “Китоб уз-зуҳд” (“Тақво ҳақида китоб”), “Китоб ал-асмо ва-л-куна” (“Ровийларнинг исми ва лақаблари ҳақида китоб”), “Ал-Илал фи-л-ҳадис” (“Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар ҳақида”), “Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал” (“Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола”), “Асмоу-с-саҳоба” (“Пайғамбар саҳобаларининг исмлари”) асарлари ҳам ислом оламида машҳурдир.

Ал-Ҳаким Ат-Термизий. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн-Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизийдир. ат-Термизий 205/820 йилда Термиз шаҳрида таваллуд топиб, узоқ умр кўриб 320/932 йилда 112 ёшида вафот этган. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг қаламига мансуб асарлар ҳақида ёзган муаллифлар, ал-Ҳаким ат-Термизий тўрт юздан ортиқ асарлар яратгани улардан олтмишга яқини бизгача етиб келгани ҳақида маълумот берди. Энг асосийси – ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бизгача етиб келган асарлари унинг илмий меросининг муҳим қисмини ташкил қилди. Мана шу асарлардан, энг аввало, Пайғамбар (с.а.в) нинг ҳадисларига бағишланган “Наводир ал-усул фи маърифат ахбор Расул” (“Расулуллоҳ хабарларини билишда нодир усуллар”) номли асарини тилга олиш керак. Бу асар “Салват ал-орифийн ва бўстон ал-муваҳҳадийн” (“Орифлар овунчоғи ва Аллоҳнинг ягоналигига ишонувчилар бўстони”) номи билан ҳам аталади.

Алломанинг кеёинги йилларида нашр этилган асарларидан тасаввуфга оид икки асарини кўрсатиш мумкин. Улардан бири “Китоб ҳақиқат ал-одамиййа” (“Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб”) ва иккинчиси “Араб ун-нафс” (“Нафс одоби”) номли асардир.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларининг аксар қисми қўлёзма ҳолда жаҳоннинг йирик шаҳарларидаги китоб хазиналарида сақланади. Уларни бир қадар шартли равишда беш

гуруҳга (мажмуага) бўлиш мумкин. Алломанинг асарлари кўпроқ Париж, Қоҳира, Дамашқ, искандария, Истанбул ва Лондон каби шаҳарлардаги қўлёзмалар жамғармаларида сақланади.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бой ва ранг-баранг мазмундаги меросига зоҳиран назар ташлашнинг ўзиёқ унинг илмий-маънавий уммони ғоятда чексизлиги, тафаккур оламининг кенг қамровли ва бениҳоя теранлигидан далолат беради.

Алоуддин Касоний. Тўлиқ исми Алоу-д-дин Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Косоний бўлиб, Малик ал-уламо лақаби билан машҳур бўлган ҳанафий фақиҳидир.

Косон – Мовароуннаҳрдаги Шош вилоятининг орқасида, Фарғона водийси минтақаси – Сайхун (Сирдарё) – нинг шимолий қисмида жойлашган шаҳарлардан бири.

Мана шу шаҳарда туғилганлиги сабабли ҳам унга Косоний нисбаси берилган.

Алоуддин Косонийнинг илмий савияси юқорилигидан ёки ёзган асарининг мукаммаллигидан бўлса керак, замонасининг олимлари унга Малик ал-уламо (олимлар подшоҳи) номини берганлар. Косоний Бухоро шаҳрига келиб, у ерда устози Имом Алоуддин Муҳаммад ибн Аби Аҳмад ас-Самарқандийнинг (ваф.539/1191) қўлида таҳсил кўрган. Косоний мазкур устозининг қаламига мансуб “Туҳфату-л-фуқаҳо”, “Шарҳ Тавилот фи тафсир ал-Қурони ал-аъзим” асарларини ва шунингдек, усул ва фуруъга оид китобларини мутолаа қилган. Шунинг учун ҳам, Косоний усул ва фуруъ илмида етук олим бўлиб етишади.

Маҳмуд Аз-Замахшарий. Хоразм воҳаси азалдан жаҳон илм-фани ва маданияти равнақига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар юрти сифатида машҳур бўлиб келган. Айниқса, ўрта асрларда илм-фаннинг турли соҳалари бўйича самарали фаолият кшрсатган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Ибн Мискавайҳ, Абу Наср ал-Ироқ, Абу Саҳл ал-Масиҳий, Абу Хайр ибн ал-Хаммор, Абу-л-Фатҳ ал-Мутарризий каби хоразмлик алломаларнинг довруғи бутун Мағрибу Машриққа тарқалган. Хоразм заминида таваллуд топиб фаолият кўрсатган ана шундай буюк алломалардан бири Маҳмуд аз-Замахшарийдир.

Унинг тўлиқ исми Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад бўлиб, ҳижрий 467 сана, ражаб ойининг йигирма еттинчисида чоршанба куни (1075 йилнинг 19 март) да Хоразмнинг йирик қишлоқларидан бири – Замахшарда таваллуд топган ва шу боисдан ҳам аз-Замахшарий тахаллусини олган.

У ёшлигидан илм-фаннинг турли соҳаларини, айниқса, араб тили ва адабиётини, диний илмлар мажмуасини мукаммал эгаллайди. Айни вақтда ўша даврда илм аҳллари орасида ғоятда зарур ва муҳим ҳисобланган хаттотлик санъати сирларини ҳам тўлиқ ўзлаштириб, уни обдон эгаллайди ва бу билан ўз оилавий турмуш шароити, тирикчилигини ҳам бир қадар яхшилайди.

Аз-Замахшарий Қуръони карим нозил бўлган араб тилини ёшлигидан катта ҳавас ва иштиёқ билан ўрганди, арабларнинг ҳаёти ва уларнинг урф-одатларини, турли лаҳжаларини узоқ давр тинимсиз тадқиқ этди. Алломанинг араб тилига нисбатан меҳри ва ихлоси алоҳида бўлган. Шу боисдан ҳам, бу тилнинг грамматикаси, лексикаси, умуман араб тилшунослигига оид бир қанча муҳим асарларни шу ногирон донишмандяратган. Унинг жумлаи жаҳонга донғу кетган “Муқаддамат ал-адаб”, “Ал-Муфассал”, “Асос ал-балоға” каби йирик таълифлари мана шу йўналишда ёзилган асарлардир. Арабларнинг: “Агар хоразмлик шу кўса, чўлоқ аз-замахшарий бўлмаганида араблар ўз тилларини билмас эдилар!” – деб лўнда қилиб алломага берган юксак баҳосига ҳеч бир изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Аз-Замахшарийнинг араб луғатшунослигига бағишланган асарларидан, энг аввало, “Асос ал-балоғат” (“Балоғот (фасоҳати) асослари”) асарини айтиш зарур. Араб тилининг фасоҳати, фикрини чиройли ибора ва сўзлар билан ифодалаш, луғат бойлигидан ўринли ва ғоятда моҳирлик билан фойдаланиш ва буларнинг ҳаммасини амалда татбиқ этиш каби масалалар бу асарда мукаммал равишда ўз ифодасини топган. Бу қимматли асар ҳам араб мамлакатларида бир неча бор нашр этилган ва қўлёзма нусхалари Шарқнинг кўп шаҳарларидаги қўлёзма хазиналарида сақланади.

Аз-Замахшарийнинг “Рабийъ ал-аброр ва нусус ал-ахйор” (“Эзгулар баҳори ва яхшилар изҳори”) асарида адабиёт, тарих ва бошқа фанларга оид ҳикоятлар, латифалар ва суҳбатларнинг энг саралари жамланган. 97 бобдан иборат бу асарнинг нодир бир қўлёзма нусхаси Тошкентда, ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Бундан ташқари, Лейден, Берлин кутубхоналарида ҳам асарнинг қўлёзмалари мавжуд.

Қомусий билимлар соҳиби бўлган аллома аз-Замахшарий жўғрофияга оид ҳам асар яратган бўлиб, у “Китоб ал-жибол ва-л-амкина ва-л-мийоҳ” (“Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб”) номи билан аталди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг ҳадисларига бағишланган асарини аз-Замахшарий “Ал-Фоиқ фи ғариб ал-ҳадис” (“Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар”) деб аталган.

Абдулхолиқ Ғиждувоний. Аллоҳнинг назари тушган юртимизнинг бутун мағрибу машриққа донғи кетган Бухоро, самарқанд, Насаф, Термиз ва бошқа қадимий шаҳарлари каби кўплаб катта-кичик кенту қасабларидан ҳам илм-фан ва маданият тараққиётида муҳим ўрин тутган, жаҳоншумул аҳамиятга молик таълимотлар яратган алломалар етишиб чиққан. Мана шундай шаҳарларимиздан бири Буюк Ипак йўлида жойлашган кўҳна Ғиждувондир. Бу хосиятли шаҳарда таваллуд топган олимлар ал-Ғиждувонний нисбаси билан жумлаи жаҳонга танилганлар.

Бинобарин, ҳеч бир тасодиф эмаски, айнан шу Ғиждувон шаҳридан тасаввуф илмининг ёрқин юлдузларидан бири, Хожагон тариқатининг йирик етакчиси Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари етишиб чиққан.

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 1103 йилда Ғиждувонда маърифатли бир оилади таваллуд топган.

Буюк мутасаввиф Хожи Абдулхолиқ Ғиждувоний биз авлодларга улкан илмий-маънавий мерос қолдирган. Унинг ҳаётбахш таълимотидан минг-минглаб шогирдлар баҳраманд бўлиши билан бир қаторда, аллома бир қанча қимматли рисолалар ҳам яратган, Улардан “Васиятнома” (бу асар “Одоби тариқат” (“Тариқат одоблари”) деб ҳам аталади), “Рисолаи соҳибиййа” (“Дўстлик рисоласи”), “Аз гуфтори Хожи Абдулхолиқ Ғиждувоний” (“Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг айтганларидан”) китобларини келтириш мумкин. Бу асарларнинг бир нечта қўлёзма нусхалари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади.

Буюк мутасаввифнинг асарлари ва амалий фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати эътиборга моликдир. Бу шундан иборатки, унинг таълимотида дунёвийлик ва динийлик (илоҳийлик) ғоялари барорбар ҳолда илгари сурилади. Алломанинг эътиқодий ва инсоний жасорати ҳар қандай таҳсинга лойиқдир. Эҳтимол, мана шу жиҳатлари сабабидан ҳам, унинг ҳаётбахш ғоялари асрлар оша нафақат Ўрта Осиё, балки Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий – маънавий ҳаётида жуда катта ўрин эгаллаб келмоқда.

Камолиддин Беҳзод. Ўзининг бетакрор гўзал санъати билан нафақат Шарқ халқлари, балки бутун дунё халқлари маданияти тарихида сезиларли из қолдирган, унинг тараққиёти учун баракали ҳисса қўшган забардаст санъаткор Камолиддин Беҳзод Ҳиротда 1455 йилда ҳунарманд – косиб оиласида дунёга келди.

Манбаларда ёзилишича, унинг номи Беҳзод бўлиб, Ҳирот аҳолиси уни суюб, эркалаб Камолиддин деб чақиришган экан. Алишер Навоий уни ўз мактубларидан бирида “устод Беҳзод” деб атайди.

Санъат ва нафосатга иштиёқи ниҳоятда кучли бўлган Беҳзод ғоятда меҳнатсеварлиги, заҳматкашлиги туфайли истеъдоди гуллаб, тез орада Ҳиротнинг машҳур миниатюрасози бўлиб танилади.

Швед санъатшунос олими Ф.Р. Мартин Камолиддин Беҳзоднинг Султон Ҳусайн Мирзо саройидаги ижодхонаси ва у ерда наққошнинг ишлаш жараёнини хаёлан қуйидагича тасвирлайди: “Шарқ Қуёши Беҳзод учун қурилган шинам ҳужрани нурга ғарқ этади. Бу ерда наққош пастаккина қия курси (пюпитер) устида энгашиб ишларди.

Курсининг тортма хончаларида шоҳ асарлар яратиш учун зарур бўлган ҳамма нарсалар муҳайё. Бундай асарларни Европа санъати ишқибозлари XV аср Италия ва Нидерландия рассомларининг нодир асарларини қандай тарзда қидирган бўлсалар, шунчалик иштиёқ билан қўлга киритишга интилишлари шубҳасиз. Тўғри, Беҳзод европалик рассомларникидек кенг ва қулай устахона (студия) га эга бўлмаган. Унинг иш жойи оддийгина ҳужра бўлиб, мармар деворларга моҳир Шарқ хаттотлари томонидан Қуръон калималари билан музайян этилган. Ҳужрада бўйра тўшалган. Бурчакда гилам устида бир неча ёстиқ. Бу меҳмонлар ва мухлислар учун қўйилган эди. Ҳужра орқаси боғ, сокин сувли, ҳовуз, ундан нарироқ гулзор ва дарахтзор. Шафтолилар пишиб, ишкомдаги олтиндек товланган узум бошлари сийрак барглари орасидан мўраларди. Ҳужра атрофида атирлуллар чамандек очилиб ётарди. Минглаб турли-туман гулларнинг қийғос очилганидан уларнинг барглари кўзга ташланмас эди. Шу муҳитда Беҳзод ўтириб, нозик мўйқалами билан сурат чизарди. Нозик мўйқаламни ундан илгари ҳам, кейин ҳам, ҳеч бир мусаввир Беҳзодчалик ишлатишга муваффақ бўла олмаган”. Дарҳақиқат, шундай. Сеҳргар мўйқаламни ҳали ҳеч ким, ҳеч қаерда Беҳзодчалик моҳирона ишлата олмаган! Ҳам Европа, ҳам Осиёдаги нафис тасвирий санъат мухлислари Беҳзод томонидан яратилган гўзал миниатюраларни кўрганда ҳайрат бармоғини тишлаб қоладилар.

Сўфи Оллоёр. Сўфи Оллоёр Туркистон халқлари ўртасида мутасаввуф шоир ва адиб сифатида кенг шуҳрат қозанган йирик алломаларимиздан биридир. Буюк суфийнинг ҳижрий ҳисоб билан 90, милодий ҳисоб билан эса 87 ёш умр кўрганлигини эътиборга олсак, унинг таваллуд санаси 1634 йил эканлиги аниқ бўлади.

Сўфи Оллоёрдан “Маслаку-л-муттақин” (“Тақводорлар маслаги”), “Саботу-л-ожизин” (“Ожизлар саботи”), “Махзану-л-мутеъин” (“Мутелар хазинаси”), “Мурду-л-орифин” (“Орифлар – донолар муроди”) ҳамда “Қиёматнома”, “Муборак ҳаж сафари” каби асар, кўплаб лирик шеърлар мерос бўлиб қолган. Бу асарларнинг қўлёзмалари республикамиз архивлари ва айрим кишилар қўлида сақланиб, уларнинг ҳажми, ёзилиши сифати туурличадир. Бундан ташқари, шоир асарлари Тошкент, Бухоро, Когон, Қозон, Истанбул каби шаҳарларда кўплаб чоп этилган.

Сўфи Оллоёрнинг лирик мероси шоир ижодининг ғоявий руҳи ва бадиий-эстетик жиҳатини баҳолашда жуда катта аҳамиятга эга.

Муяссар бўлса тиллодин сенга тахт,
Ўзингдан пастга зинҳор айламағил сахт.
Агар берса жаҳон султонлиғи даст,
Киши ўз ҳолини билмак керак паст.

Сўфи Оллоёрнинг хизмати яна шундаки, агар Хожа Аҳрори Валий, Махдуми Аъзам каби аллома бобокалонларимиз нақшбандия тариқати таълимотларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда намуна кўрсатган бўлсалар, Сўфи Оллоёр нақшбандия тариқатининг барча даврлар учун долзарб, миллий – шарқона ва умуминсоний ахлоқий-таълимий қарашларини ибодат жараёнига, мактаб-мадрасалар, таълимий тизмга олиб киради. Бу эса унинг катта фазилатидир. Сўфи Оллоёр ўзининг ана шу хизмати билан даврларнинг, миллионлаб кишиларнинг муаллими ва мураббийсига айланди, десак муболаға бўлмас.

“Ўзбекистон – буюк алломалар юрти” дея ном берилган қўлингиздаги тўпламни ҳам бобомиз Сўфи Оллоёрнинг “Саботу-л-ожизин” китобидан ўрин олган “камтаринлик ҳақида мавъиза” билан якунласак, ўйлаймизки, тўғри бўлади. Зеро, Сиз ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишганингиз буюк алломаларимизнинг барчаларига хос бўлмиш мана шу фазилат туфайли ҳам улар улуғликнинг юксак чўққиларини забт эта оладилар.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ал-Ҳаким Ат-Термизий тариқатини мазмунини айтиб беринг.

2. Аллома ат-Термизийнинг илмий – ижодий фаолиятини ўрганган тадқиқотчилардан кимларни биласиз?

3. Имом Ат-Термизийнинг ҳадис илмидаги хизматларини айтиб беринг.Алломанинг қандай ҳадисларини биласиз?

4. Алоуддин Касоний асарларининг асосий мазмунини айтиб беринг.

5. Маҳмуд Аз-Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф” асари нимага бағишланган?

ОКТЯБР
(5 ҳафта)

т/р	Октябр ойининг тахминий иш режаси	Ҳафта	Кунлари
1	Сентябр ойи иш режасининг бажарилиш таҳлили	1-ҳафта	3-8 октябр
2	Устоз ва мураббийлар кунига бағишлаб тадбир ўтказиш		
3	Ота – оналар билан мулоқот ташкил этиш		
4	Тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш		
5	Тўгараклар ишини назорат қилиш		
6	“Мутафаккирлар ёғдуси” мавзусида семинар ташкил қилиш	2-ҳафта	10-15 октябр
7	Талабалар турар жойларида “Соғлом танда – соғлом ақл” мавзусида суҳбатлар ўтказиш		
8	Иқтидорли талабалар билан “Илмий ижод” мавзусида семинар ўтказиш		
	“Маънавий жасорат” мавзусида талабалар билан мулоқот		
9	“Тил- миллатнинг фахри” мавзусида тадбир тайёрлаш	3-ҳафта	17-22 октябр
10	Спорт – баркамоллик мезони сифатида. Спорт мусобақаларини ташкил этиш		
11	Мамлакат ва дунё янгиликлари ҳақида суҳбат уюштириш		
12	Талаба ҳулқ – атвор маданияти хақида давра суҳбати ташкил этиш		
13	Имом ал-Бухорий таваллуд кунига бағишлаб “Ўзбекистон - ислом оламининг буюк мутафаккирлари ватани” мавзусида суҳбат уюштириш	4-ҳафта	24-29 октябр
14	Махатма Ганди таваллуд куни ва хотирасига бағишлаб “Тинчликпарвар сиёсатчилар” мавзусида давра суҳбати		

Октябр ойининг муҳим саналари

1 - октябр. Ўзбекистонда устозлар ва мураббийлар куни; Халқаро мусиқа куни (1975 й.); Халқаро қариялар куни (1990 й); Хитойда республика куни (1949 й.).

2 - октябр. Махатма Ганди туғилган кун (1896 й.).

3 - октябр. Бутун жаҳон касаба уюшмалари федерацияси ташкил топган кун (1945 й.).

4 - октябр. Халқаро меъморлар куни (1996 й.); Жониворларни ҳимоя қилиш бутун жаҳон куни.

5 - октябр. Бутун жаҳон муаллимлар куни.

10 - октябр. Бутун жаҳон руҳий саломатлик куни (1999 й.).

18 - октябр. Тошкентда Темурийлар тарихи ва давлат музейи очилган кун (1996 й.).

21-октябр.Ўзбекистон Республикаси Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилинган кун (1989 й.).

23-октябр. Имом ал-Бухорий мажмуаси очилган кун (1998 й.).

24 - октябр. Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилган кун (2002 й.); БМТ ташкил топган кун (1945 й).

25 - октябр.Ўзбекистон Республикаси божхона қўмитаси тузилган кун (1991й.).

26 - октябр. Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театри ташкил топган кун (1968 й.).

27 - октябр. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Парижда янги Европанинг Париж хартиясига имзо чеккан кун (1993 й.).

30 - октябр. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон республикаси Миллий маркази тузилган кун (1996 й.).

1 ҲАФТА

СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ЭҲТИРОМ УСТОЗЛАР

Касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир
И.А.Каримов

Юртимизда **1 октябрь санаси ўқитувчилар ва мураббийлар** куни сифатида умумхалқ байрами деб эълон қилинган. Юртбошимиз Ислом Каримов ўзининг "Юксак маънавият–енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек: "Бу байрам аввало ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва қалб қўри, бутун борлиғини аямасдан, маърифат йўлида беминнат хизмат қиладиган устоз ва мураббийларимизга нисбатан халқимизнинг азалий ҳурмат – эҳтиромининг яққол намунасидир".

Бинобарин, жамият ва инсон ҳаётини бирон дақиқага бўлсада ўқитувчисиз, ўқитувчи фаолиятисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки улар меҳнати натижасида фан, саънат, адабиёт, ихтиролар ва кашфиётлар яратилади, авлодлар ўртасидаги доимий ворислик таъминланади, яъни устоз – шогирд анъаналари асосида янги авлод вояга етади.

Ўқитувчи – ижодкор, юксак маданиятли, ғамхўр, эътиборли ва бошқаларга нисбатан меҳрибон, лекин ғоявий баҳсларда муросасиз зиёли киши. У энг янги илм – фан, саънат, ижтимоий ҳаёт ютуқларидан ҳамма вақт бохабар, ўз билимини оширишга доимо интилади, чунки ўқитувчи ўқиб турар экан, ўқитувчилигича қолади. Ўқитувчи ёшларга ўз билимларини мустақил тўлдира билишни, ўз ҳаётини баҳолашни, ҳал қилишни ва йўлга қўйишни, бениҳоя кўп ахборот оқимида мўлжал ола билишни, онгида профессионализм ва билимдонликни мустаҳкамлашни, ўз тафаккури асосларини шакллантиради.

Ўз давридаёқ кўплаб алломалар ҳам ўқитувчининг меҳнатини ва таълим тарбия жараёнидаги маъсулиятли вазифаларини кўрсатиб ўтишган. Хусусан, мутафаккир Ғаззолий "Ким илм олса, унга амал қилса ва бошқаларга ўргатса у одам қуёш кабидир, чунки у бошқалар учун зиё тарқатади ва ўзи ҳам зиёлидир ёки мушкиамбардирки, бошқаларни хушбўй қилади ва ўзи ҳам хушбўйдир. У қачон илм беришга киришса улуғ ишни, катта вазифани зиммасига олган бўлади, шунинг учун унинг одатлари ва вазифаларини ёдда тутиши лозим. Муаллим таълим олувчиларга нисбатан шавқатли бўлиши ва уларга ўз болалари каби муомала қилиш керак. У илм ўргатгани учун ҳақ талаб этмайди, бирор мукофот олишни ёки ташаккур эшитишни ҳам мақсад қилмайди... Гарчи шогирдлар миннатдорчилик билдиришлари лозим бўлсада, уни ўзига эп кўрмайди. Устоз ўз шогирдлари – толиби илм учун ҳамма вақт ўрнак, намунадир. Шогирдлар аксарият вақтларда ўз устозларига тақлид қилишадилар. Манфаат, таъма илинжида илм ўргатган устозни ўқувчилар унчалик хушламайдилар, оқибатда сабоқларда ҳам бепарво ўтирадилар. Муаллим илмига амал қилувчи бўлмоғи лозимки, феъли сўзини ёлғонга чиқармасин. Чунки илм басират (қалб кўзи) билан, амал эса кўз билан билинади. Кўз билан кўрувчи жуда кўпдир". Ғаззолий томонидан таъкидланган бу тамойиллар замонавий педагогикада ҳам асосланган.

Педагогик фаолиятда иккинчи даражали нарсанинг ўзи йўқ – унда ҳамма нарса, ҳатто энг арзимасдай туюлган тафсилотлар ҳам муҳим. Педагог, аввало, нима учун бу касбни танлаганини теран англамоғи, инсонларни қандай тарбиялаш кераклигини тушуниб етмоғи керак. Файласуф олим Абдурахим Эркаев "Одатда тафаккур инерцияси

бошқа ижтимоий ҳодисалар инерциясидан кучлироқ” деб ёзган эди. Бу нарса ёшлар онги ва қалбига нимани ёзаолсак уларнинг келажаги ҳам шундай бўлишини англатади. Тараққиётнинг энг муҳим гарови кишилар тафаккурини юксалтириш, улар онгига илғор инсонпарварлик ғояларни сингдиришдир. Инсоний ҳис – ҳаяжонсиз инсон томонидан ҳақиқатнинг изланиши ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди.

Шунинг учун бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёни бормоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури босқичма – босқич амалга оширилмоқда, баркамол авлодни шакллантиришга катта эътибор берилиб эскича фикрлаш юкидан холи бўлган янги ходимлар тайёрлашнинг ягона тизимини яратишга, таълим беришнинг, маънавий, ахлоқий ва касб малакаси бўйича тарбиялашнинг мутлақо янги тизимини ишлаб чиқилишига эътибор қаратилмоқда. Зеро, давлатнинг ислоҳотчилик вазифаларини демократик талаблар асосида, халқимизнинг ва жамиятимизнинг манфаатларига мос ҳолда амалга оширидиган истеъдодли, изланувчан, чуқур билимли ва юксак малакали, Ватанга, она заминимизга садоқатли ёш кадрларни камол топтириш, жой-жойига қўйиш ва янгилашга имкон берадиган тизимни такомиллаштириш вазифаси ҳам айни ана шу мақсадларни ўз ичига олади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий моделидан бош муддао қилиб комил инсон ва етук малакали мутахассисни тайёрлашни қўйилишида ҳам юқоридаги масалалар билан мантиқий алоқадорлик мавжуд. Чунки, кадрлар тайёрлаш миллий модели фақат таълим-тарбиядангина иборат эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган - шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги ва ҳамкорлигини акс эттирувчи ҳаётий босқичларини ўз ичига олади. Мазкур мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасида ўқитувчи ва мураббийларнинг хизматини мамлакатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаб, - “... биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини яхши тасаввур қиламиз”.

Ўз ҳаётини ана шундай маъсулиятли сохага бағишлаган ўқитувчи, мураббийлар Жиззах давлат педагогика институтида кўпчиликни ташкил этади. Жамиятимиз гултожиси бўлган муаллимларни 19 та йўналишда тайёрлаётган мазкур олий ўқув юртида С.Ибодов, М.Турсунпўлатов, Х. Ҳамзаев, О.Ким, Р.Нурқулова, Ф. Ахмедшина, Н.Юсупова, Ю. Каримова, А.Ҳатамов, С.Назарқосимов, Б.Тошбоев, Т.Аҳмедов каби профессор – ўқитувчилар фаолият юритишади. Ёшларда навқирон авлодга хос жўшқинлик, довюраклик ва шижоат, доноларга хос вазминлик ва идрок, тадбиркорларга хос етти ўлчаб бир кесиш ҳамда ҳар қандай вазиятлардан ҳам чиқиб кета олиш, ҳар қандай муаммони ечишнинг бирдан – бир йўлини топиш, зукколик каби фазилатларни таркиб топтириш институт ўқитувчи ва мураббийларининг асосий вазифалари қилиб белгиланган. Компьютер имкониятларидан, интернет тармоғидан мультимедиа, аудио-видео техникаларидан фойдаланиб талабаларга билим бериш, уларнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда таълим–тарбиянинг етук андозаларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратаётган мазкур олийгоҳнинг профессор – ўқитувчиларининг бутун фаолияти уч йўналишда ўз аксини топмоқда. 1.Тарбия жараёнини ташкил этиш. 2.Фанни ўқитишдаги интеграция. 3.Ижтимоий фаол шахсни шакллантириш тизимини яратиш.

Ўқитувчи зиммасига ҳаёт талабларига тўла жавоб берадиган ва ўз замонига муносиб кишиларни тарбиялашдек маъсулиятли вазифа юклатилган.

Қиёс етгим келади устозлар қуёшга,
Ўз меҳрини-нурини бахш этади ҳар ёшга

Устоз айтарди:

Ота-онангизнинг хизматини адо етаётганда, уларга оҳиста сўйланг. Агар улар сизнинг айтганларингизни қилишни истамаётганликларини кўрсангиз, бари бир тавозеда

тураверинг ва одоб қоидаларини бузманг. Ҳатто қон ютиб турган бўлсангиз ҳам, койинганингизни билдирманг.

* * *

Агар ўқисанг-у ўйламасанг — чалкашиб қоласан. Агар ўйласанг-у ўқимасанг — шубҳа-гумонлар тагида қолиб кетасан.

* * *

Қадимларда кам сўйлашарди, ўз сўзларининг ортидан етолмай қолишдан қўрқишарди.

* * *

Эҳтиёткор одамлар камдан-кам хато қиладилар.

* * *

Муносиб хулқли киши сўзларни шошилмасдан сўйлагани маъқул ва ишларни жадал адо этмоғи афзал.

БИРИНЧИ КУРС ТОЛИБЛАРИГА

Талаба, энг аввало, толиби илм демакдир. Бас,талабанинг эл-юртга садоқати, фидойилиги, ватанпарварлиги илм исташида, илм излашда, илм топишда, билим чўққиларини эгаллашида намоён бўлади. Бугунги ишни эртага қўйма деган мақол толиби илмларга нисбатан ишлатиладиган бўлса: Бугунги ўқишни эртага қўйма. “Шу топшириқни эртага бажарсам-чи”, “Ўқиб келинглар дейилган китобни кейинроқўқисамчи”, “Хонамни бошқа кун йиғиштирарман, осмон узилиб ерга тушмас”, “Чет тилини кейинроқ ўрганарман, худонинг куни кўп-ку”... Булар – ялқов одамнинг фалсафаси, ўзини-ўзи алдаши.

“Эртага” – “бугун” нинг зўр душманидир; “эртага” бизни бор-будимиздан айиради, фаолсизликда ушлаб, охир-оқибат нотавон қилади”, – деган экан бир донишманд. Умр – етмиш йилдир, саксон йилдир, тўқсон йилдир, кўпдир, оздир – оқар дарё экан... Шарқ донишмандлари ўртача умрни тўқсон йил деб олиб, шундан ўттиз йилини – ўқиб-ўрганишга, ўттиз йилини саёҳат қилиш, дунёни кўриш, қолган ўттизйилини илмга, ижод қилишга сарфлашни маслаҳат беришган.

Ўқув юртингиздаги фаолиятингизда уч жиҳат муҳим:

6. Ўқув жараёни.
7. Талабалар уйида яшаш (узоқдан келган талабалар учун).
8. Жамоат ишлари.

Булар ўзаро чамбарчас боғлиқ, туташ илдизлар бўлиб, бири-бирини тўлдиради, бойитади, тақозо этади. Аслида, учови ҳам таълим-тарбия аталувчи яхлит, мураккаб жараённинг уч таркибий қисми. Шу уч жиҳатга бирдек эътибор берган талабадан келгусида етук матахассис, яхши инсон, фаол жамоатчи чиқишини узоқ йиллик тажрибалар кўрсатиб турибди. Фақат ўқиш билан бўлиб, жамоат ишларидан четлашиб юрган талаба кейинчалик ўзини ўйлайдиган худбин мутахассис бўлса ажаб эмас. Ётоқхонасини ораста тутмаган қиздан билимдон киши чиқиши мумкиндиру, уй-рўзғорни яхши эплайдиган, саранжом-сариштали келин бўлишига кафолат бериш қийин. Ўта фаол, “ашаддий” жамоатчи бўлиб, асосий вақтини бадиий ҳаваскорликка, спорт ўйинларига, дастёрликка, катта-кичик бошлиқлар, домлаларнинг хизмати, топшириғини бажаришга сарфлайдиган, товонидан ўт чақнаган бўзбола йигит, билингки, ишбилармон, тадбиркор, раҳбар бўладиган чўти бор. Вақти келиб у амалдор бўлиб етишар ҳам, лекин билимли бшўлиги ҳар қадамда панд беради.

Қисқаси, ўқишда, ишда, спортда қайси соҳага қизиқишингиз кучлироқ бўлса, устозларингиз астойдил маслаҳат берса, юрагингиз чопса, шунга зўр беринг. Бошқа соҳаларни ҳам ташлаб қўймаган ҳолда, албатта.

Ёш, наниҳол дўстларим, ўғил-қизларим! Мана, Сизлар талаба деган ҳавас қилгулик рутбага эришдингиз. Биринг из Фарғонанинг Бешариғидан, биринг из Самарақанднинг Пайариғидан, кимлардир Сурхоннинг Қумқўрғонидан, Наманганнинг Янгиқўрғонидан, Хоразмнинг Шовотидан, Қирғизистоннинг Жалолободидан, хуллас, ҳар қайсингиз ҳар жойдан ўқишга келгансиз. Ҳар биринг из ота-онангизнинг азаиз фарзанди, кўз қорачуғисиз. Мустақил ҳаётга илк қадамларни қўйдингиз... Ётоқхонадан жой олдингиз. Ўқишларни бошлаб юбордингиз. Кунглингиз хотиржам.

Ўша-ўша гап: ўқишга қаттиқ берилинг, дарс қилишдан эринманг, хорижий тил (лар)ни ўрганишни қатъий одат қилинг. Изланинг. Бадиий ва илмий китобларни, газета-журналларни ёдланг. Кўнгилтортар курсдошларингиз, жўраларингиз, дугоналарингиз билан кино, театрларга боринг, радио эшитинг, телевизор кўринг. Баҳс-мурозараларда қатнашинг. Ўйин-кулги, қўшиқ-ашула... Ота-онангиз, яқин одамларингизга хатлар ёзинг – нафасингизни юборинг, хатлар олинг – нафасларига тўйинг ...

2 ҲАФТА

МУТАФАККИРЛАР ЁҒДУСИ

Бизнинг тарихимизда жаҳонга донг таратган улуғ мутафаккирлар ўтган экан, уларнинг қолдирган илмий-маънавий мероси, ибратли ҳаёти, таълимоти бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бу меросни ўрганмасликка, таърифламасликка, тарғиб этмасликка ҳаққимиз йўқ.

Ислом КАРИМОВ

Орамизда шундай “билимдон” болалар борки, айтайлик спорт ҳақида гап кетса, дарҳол жаҳон спорти юлдузларини санай бошлайди-ю, ўзимизнинг машҳур спортчиларимизни ниҳоятда кам билишади.

Ёки мусиқа ва қўшиқ санъати тўғрисида суҳбатлашганда ҳам шунга ўхшаш ҳолатга дуч келиш мумкин. Ўша болалар сиз билмаган қандайдир гуруҳлар, антиқа хонандалар ҳақида бир дунё маълумотларни қаторлаштириб ташлашади. Бу бир жиҳатдан яхши. Аслида улар биринчи галда ўзимизнинг машҳур санъаткорларимизни, чемпион бўлган спортчиларимизни, қолаверса, адабиётимиз ва тарихимизни яхши ва пухта билишлари лозим.

Мустақиллик ўзимизни, ўзлигимизни, кимларнинг авлодлари эканлигимизни янада теран ва чуқур билиш имкониятини берди. Ана шу мақсадда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, яқинда институтимизнинг кутубхонасида бўлиб ўтган “Мутоала ҳафталиги” ҳам ана шундай тадбирлар сарасига киради. Ҳафталик давомида қатор янги чиққан китоблар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Айниқса, Имом Бухорий халқаро маркази, “Тафаккур”, “Мовароуннаҳр” нашриётлари ҳамкорликда тайёрлаб чоп этган “Мутафаккирлар” илмий-оммабоп рисолалар туркумининг биринчи тўплами тақдимоти маданий-маърифий ҳаётимизда ҳақиқий воқеа бўлди.

Биринчи тўпламдан ўнта мутафаккир ҳақидаги рисолалар ўрин олган. Улар Имом Доримий, Аҳмад Фарғоний, Ҳаким Термизий, Имом Термизий, Имом Мотурудий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний ҳақида. Китобларнинг ҳажми, босма табоқлари, кўринишлари бир хил бўлиб, асосан ҳар бир мутафаккир ҳақида барча маълумотлар берилган.

Бу қимматли китоблар катталар билан бирга болалар ва ўсмирларга ҳам мўлжалланган бўлиб, кирил ва лотин алифбосида босилган.

Азиз талабалар! Бу туркум китоблар сизнинг ҳам мутоала байрамингизга айланишини истаймиз. Чунки бу китобларда қуёшдек чарақлаб турган мутафаккирлардан таралаётган илм нурларидан сизнинг ҳам баҳраманд бўлишингизни, қалбингиз ҳам ёғдуланишини жуда-жуда хоҳлаймиз. Шунда қаддингиз яна тик, бошингиз баланд, ғурурингиз юксак бўлади. Юртбошимиз айтганидек, ҳеч кимдан кам эмаслигингизни яна бир бор ҳис этасиз. Мустақиллик йилларида бўлаётган улкан ўзгаришлар моҳиятини теран тушуниб етасиз.

Буюк мутафаккир боболаримиз заковатидан баҳраманд бўлиш, уларнинг бебаҳо меросларини ўқиб ўрганиш ва улардек билимдон инсонлар бўлиб вояга етиш ҳар биримиз учун қарз ва фарздир.

Муҳокама учун саволлар:

1. Нима учун китоб инсонни улуғлайдиган,унда маънавият ва маърифат асосларини шакллантиридиган,уни комил қилиб тарбиялайдиган куч, у дунё ва бу дунёни танитиш манбаи ҳисобланади?

2. Интернет, мобил техника каби алоқа воситалари китоб ўрнини боса оладими?

3. Ёшларимиз орасида китоб мутоласига бўлган қизиқиш даражасининг пастлиги сабабларини айтинг.

4. Маънавий – маърифий мерос ва қадриятлар деганда нимани тушунасиз?

5. Абу Насир Форобийнинг қайси асари билан танишсиз?

6. Ибн Синонинг қандай асарларини биласиз?

7. Абу Райҳон Беруний нима учун буюк даҳо ҳисобланади?

8. Мусо ал-Хоразмий асарларининг жахон фани ривожидаги аҳамияти ҳақида айтиб беринг.

ЭЪТИҚОД МАЪНАВИЯТНИНГ ЎЗАК ТОМИРИ

Биз ҳар куни эшитаётган, кўраётган барча-барча нарсалар амалда истакларимизни, дидимизни ўзгартиришга, фикримизга таъсир қилишга йўналтирилган. Кўпчилик севиб томоша қиладиган сериаллардан тортиб, фарзандларига айтиб берадиган эртагигача, боринги, ётиш олдидан ўқийдиган китоби, ҳатто киядиган либоси ҳам қандайдир мафкуравий юкка эга – уларда маълум бир ғоялар тарғиб этилади.

Бу кучларнинг мақсади эса бизни нимагадир ишонтириш, нимагадир ундаш, қандайдир ғояга оғдириб олишдан иборат. Тадбиркор маҳсулотини реклама қилиб, сотиб олишга чақиради. Диний арбоблар эса ўз ақидаларига эътиқод қилишга даъват этадилар. Халқаро майдонда бўлса баъзи давлатлар ўзининг “катта оға” эканини таъкидлаб, “демократия экспорти” орқали “ука” нинг уйига суқилиб киришга уринадилар.

Одатда маъно-мазмуни англанмаган сўз, фикр, ғоянинг таъсири ҳам, қадри ҳам бўлмайди. Ҳар қандай эзгу тилак, даъватларимиз замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши керак. Чунки ғоя эътиқодга айланган тақдирдагина улкан моддий куч ва қудратга эга бўлади. Шахс одатда ўзининг эътиқодига айланган ғоянигина рўёбга чиқаришга ҳаракат қилади. Миллий истиқлол ғоясини яхши тушуниб олган ўқувчи ёки талаба имтиҳонда “аъло” ёхуд “яхши” баҳо олиши мумкин, лекин унда бу ғояга эътиқод шаклланмаган бўлса, олган билимини тезда унутади.

Агар эътиқод экстремистик, ирқий, шовинистик, тор сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан чекланган бўлса, бундай ҳолда у бузғунчиликка, беқарорликка хизмат қилиши ва тараққиётга тўсиқ бўлиши муқаррар. Тараққиётга, ҳурликка етакловчи ишонч ва эътиқод билан бузғунчи, тўғри йўлдан адаштирувчи, ёлғон “эътиқод” ни бир-биридан фарқлай олмоғимиз лозим. Эътиқод шаклланиши учун фақат билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Эътиқод хусусан, ғоявий эътиқод билим ва ҳис-туйғулар ҳосиласидир. Бошқачасига ифодалайдиган бўлсак, ғоявий эътиқоднинг отаси – билим, онаси эса ҳис-туйғулар ҳисобланади. Улар бири бўлмаса, ғоявий эътиқод ҳам бўлмайди.

Шу боисдан ҳам энг аввало илм маърифат билан бирлашмоғи даркор. Фақат шундагина эътиқод мустаҳкамланди.

Илмига амал қилмаган мулладан бешак,
Афзалдир устига китоб ортилган эшак, -

деганда шайх Саъдий билимдон, лекин эътиқодсиз мулла, домлаларни назарда тутганди. Аҳмад Яссавий фикрича, “Агар одамда ишонч бўлмаса, одамда дин бўлмаса, умуман, мафкура бўлмаса, у ҳайвонга ўхшаган бир жинсга айланиб қолади”.

Биз XXI аср ибтидосида ҳам элни ақл, заковат, тафаккурга чорлаб, огоҳликка даъват этаётган Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби буюк алломалар, Имом Бухорий, имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд сингари азиз- авлиёлар билан ғурурланишимиз керак. Улар қолдирган буюк меросга биз, уларнинг авлоди бўлиб, нима улуш қўшамиз, бу бойликни кўпайтиришда бизнинг ҳиссамиз қандай бўлади, деган саволни ҳар бир инсон ўзига бериб яшамоғи даркор. Фақат шундагина аждодларимиз муносиб бўлиб, уларнинг ишини давом эттириш учун булни маҳкам боғлаб, интиламиз, таҳдидларни, мафкуравий хуружларни бартараф этишга куч-қувват топа оламиз.

3 ҲАФТА

Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради

Ислом Каримов

ТИЛ – МИЛАТНИНГ ФАХРИ

Дунё иши шўх мавжланадир она тилимда,
ҳар бир сўзи юз маъноли дурдона тилимда.
Изҳори кўнгил чоғи ипак товланадир ул,
Буррою гўзал, ғолибу мардона тилимда.
Дўстларни ширин даврасида шаҳду шакардир,
ҳар жилваси бир гулхану гулхона тилимда.
Бор унда Навоий руҳи, унда Бобур бор,
ҳар шеваси бир қаср ила кошона тилимда.
Дунёда бор илму ҳунар унда жилобахш,
Сўнгсиз хазина, қомусу афсона тилимда...

Жуманиёз Жаббаров

Тил бениҳоя муқаддас ва мўътабар неъмат, у одам деган мавжудотни шакллантирган, тараққиёт босқичларига олиб чиққан, руҳий такомилга бошлаган, тафаккур гулшанининг дарвозаларини очган сеҳрли бир жилодир. Шунинг учун ҳам тилга нописандлик инсониятнинг ўзлигига нописандлик демакдир. Тилга эҳтиром ва эътибор эса дунёда инсон боласи муҳтарамлигининг эътирофидир. Бежиз эмаски, халқимиз тилга, хусусан, ўзининг она тилига мунтазам муҳаббат билан қараган, уни эъзозлаб ардоқлаган, ўзбек тилининг мукаммаллиги ва бетакрор оҳангларидан фахру ифтихор қилган.

1989 йил 21 октабрда “Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида” ги қонун қабул қилинди. Бу воқеа миллатимиз тақдирида тариҳий воқеа, истиқлол йўлидаги дастлабки ва муҳим қадам бўлди. Шундан буён ҳар йили халқимиз бу кунни табаррук айём сифатида кенг нишонлаб келмоқда. Давлат тили ҳақидаги қонун мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили мақомига эга эканлигини белгилаш билан бирга, бошқа тилларнинг камситилмаслигини ҳам эътиборга олади.

Албатта, биз бу кунга осонликча етиб келмадик. Давлат тили ҳақидаги қонун мухокамага қўйилган чоғда зиёлилар, жумладан сиёсатшунослар орасида ҳам турли фикрларни дастак қилиб чиққанлар бўлди. Уларнинг бир қисми ўша даврнинг сиёсатидан чўчийдиган тоифа бўлса, иккинчи қисми масалани моҳиятини тўғри тушунмаган, таҳлил қилолмаган одамлар эди. Ўша кезда давлат тили икки тилда бўлсин, деган таклифлар ҳам юзага чиқди. Лекин давлат тили битта бўлади. Мамлакатнинг Конституциясидан тортиб ҳар бир ҳужжати битта тайин тилда яратилади. Ва бу тил шу миллатнинг иродаси, кайфияти, билими, савияси, сиёсий ҳуқуқларини намойиш қилувчи ойна ҳисобланади. Мана мустақиллигимизнинг 20 йиллигини нишонладик. Бугун янги авлод, янги қатлам пайдо бўлди. Энди она-тилимизда гапириш ўз кундалик хаётимизга айланди.

Ҳозир ўзбек тили бутун дунёдаги тиллар қатори ўз ўрнинга, обрў ва мақомига эга. Шу билан бирга бугун она тилимиз имкониятларини қай даражада намоён эта оляпмиз, деган ҳақли савол ҳам борки, у ҳар биримизни ўйлантириши керак. Биз фарзандларимизни тилимиз бойликлари билан таъминлашимиз, тил хазинамизнинг нодир меъросини сақлаб турган асарларни уларга кенгроқ ўргатишимиз лозим. Ўзбек тили миллатимизни кўрсатувчи куч, миллий тараққиётимизнинг кўзгуси, бу бебаҳо бойлигимизни асраш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ҳар бир давлат ўз расмий тилининг софлиги ва бойиб боришини таъминлайди ва унинг истъемол доираси кенгайиб бориши учун ғамхўрлик қилади, уни ўрганиш ва ўқитиш учун қулай шарт - шароитлар яратиб берди. Ушбу қонун ҳам она тилимизнинг мавқеи ошиши ва равнақ топиши, янада такомиллашуви учун кенг имкониятларни яратиб берди. Ҳозирги кунда тилимиз янада ривожланмоқда, унга бўлган эътибор янада ошиб бораяпти.

Матбуотда, радио-телевидениеда, Ўзбекистон миллий нашриётларида чоп этилаётган нодир асарлар, дарсликлар, кўп жилдлик Ўзбек Давлат Миллий Энсиклопедиялари ҳам бунинг яққол исботидир . Улуғ боболаримиз ўзбек тили хақида бизга меърос қолдирган не-не ҳикматлари ва нақлларидаги мантиқ, маъно, заковат ва зарофат, битмас-туганмасдир, улар ҳамма замонларда жамият камоли учун камарбаста бўлган. Шу жумладан бобокалонимиз Юсуф Хос Ҳожиб "Одобнинг боши тилдур" деб бежиз ўгит бермаганлар.

Ўзбек тилимизнинг бойлигини яхлит ҳолда тасаввур этиш учун Алишер Навоий асарлари дунёсига бир назар ташлашнинг ўзи кифоя. Қандай бепоён тафаккур ва туйғулар оламига шўнғийсиз. Бу оламда буткул коинот акс этади. Бу ҳазинадан бебаҳра қолиш мумкин эмас. Алишер Навоий бутун ҳаёти ва ижодини она-тили равнақи учун бахшида қилди. У замонларда "Туркий тил" деб юритилган она тилининг сўз бойлиги, бадиий ижод учун яроқли эканлиги ҳақида махсус назарий асар ("Мухокамат ул-луғатийн") ни ёзди. Шарқ мумтоз адабиётининг ҳамма жанр ва турларида бетакрор асарлар яратди. Бу тилда "Хамса"ни ёзди. Мавжуд адабий анъаналарга янгиликлар киритди. Халқ маданияти, маърифати ва маънавиятининг юксалишида тилнинг муҳим восита эканини, тил башарият наслини ўтмиш ва замон билан боғловчи тимсол экани шоир ва арбоб Навоийнинг ҳамиша диққат марказида бўлди.

Мумтоз адабиётимиз вакилларининг халқ достонлари - "Алпомиш", "Гўрўғли" туркумидаги асарларнинг таърифга сиғмас бой тили, шунингдек Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом ва бошқа ижодкорлар яратган гўзалликлар ҳам, "Бобурнома" - дай асарлардаги тафаккур салтанати ҳам ўзбек тили буюклигини намоён этадиган бебаҳо, ўлмас, адабий бойликдир. Нутқнинг гўзаллиги, тилнинг бурролиги, ифоданинг аниқлиги инсон учун ўзига хос ҳусндир, бу ҳусн оғир оқибатда жамиятнинг, миллатнинг ҳуснини кўрсатади.

Тилимиз ва ёзувимиз

1989 йил 21 октябр - "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинди.

1993 йил 2 сентябр - "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Олий мажлиснинг тегишли қарори қабул қилинди

1995 йил 6 май - "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида" ги қонунга ўзгартишлар киритилди ва Олий мажлиснинг тегишли қарори қабул қилинди.

1995 йил 24 август - Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинди. (Янги алифбо тўғрисида).

1995 йил 21 декабр - " Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

1996 йил 10 сентябр - Вазирлар маҳкамасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонунни амалга ошириш "Давлат дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Тил ҳақида

Ҳар қандай халқнинг маънавиятини билмоқчи бўлсанг, енг аввало унинг тилини ўрганишга интил.

Пифогор

Жуда бой, чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифода етиб бўлмайдиган фикр, туйғу, ҳолат йўқ!.

Абдулла Қаҳҳор

Бизнинг тилимиз туркий тиллар орасида енг бой, гўзал ва муҳташам тиллардан бири ҳисобланади.

Абдулла Орипов

"Ўзбек тили куни қандай ўтказилади?"

Илова: Мазкур санани нишонлаш бўйича тадбирлар режасида иштирокчилар ва ижрочилар олдиндан белгилаб олинади,Тадбирга олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорларни жалб этиш, Вилоят маънавият-тарғибот маркази ва Ёзувчилар уюшмаси, Камолот ёшлар ижтимоий харакати, Махалла жамғармалари билан яқиндан хамкорлик қилиш, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

СПОРТ – БАРКАМОЛЛИК МЕЗОНИ СИФАТИДА

Жисмоний маданиятнинг таркибий қисми, жисмоний тарбия воситаси ва усули, жисмоний машқларнинг турли мажмуалари бўйича мусобақалар ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш тизими бўлмиш спорт (инг. sport - ўйин) деган маънони англатади.

Спортнинг мақсади кишиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва умумий жисмоний ривожлантириш билан бирга спорт мусобақаларида юқори натижа ва ғалабаларга эришишдир. Спорт тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Илк спорт мусобақалари милоддан аввал 1580 йилда бўлиб ўтган. Спорт 1894 йилда Халқаро Олимпиада қўмитаси ташкил топганидан кейин жуда тез ривожланди. Замонавий Олимпиада ўйинлари эса 1896 йилда ўтказилган.

Спортнинг асосий 3 та ўзаро боғлиқ ташкилий шакллари мавжуд: оммавий ҳаваскорлик спорти, ўқув фан сифатидаги спорт, юқори натижалар спорти.

Тараққиёт жараёнида спорт жисмоний тарбия доирасидан чиқиб, мустақил умуммаданий, сиёсий, эстетик, иқтисодий аҳамият касб этди. Спортнинг шахс умумий тараққиётида таъсири жуда катта. Жисмоний машқлар организмнинг умумий тонусини сақлаб, кайфиятини кўтаради ва ўз-ўзидан фикрлаш жараёнининг ижодлилигини таъминлайди.

Спорт турларининг 2 асосий гуруҳи мавжуд: *миллий спорт турлари* – ҳар бир халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, дам олиш шароити асосида ривожланган. *Халқаро спорт турлари* – муайян шароитларда мусобақалар ўтказишнинг умумлаштирилган тизимларидан иборат бўлиб, бунда мусобақа муносабатларини, натижаларни ҳисобга олиш ва баҳолашни халқаро миқёсда бир хил тартибга келтириш, ягона қоидалардан фойдаланишга асосланган махсус чеклашлар назарда тутилади. Спорт ер юзидаги халқ ва миллатларни бирлаштириб дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

Мустақил Ўзбекистонда спорт

Ҳозирги кунда мамлакатимизда спортнинг 50 дан зиёд тури оммалашган. Ватанимиз шаънини ҳимоя қилиб жаҳон чемпионлари бўлган юртдошларимиздан курашда С.Қурбонов, Б.Файзиев, С.Ходиев, Р.Қозоқов, қиличбоз С.Рўзиев, баскетболчи Р.Салимова, боксчи Р.Рисқиев, Артур Григорян, Олимпия ўйинлари чемпионлари Э.Саъдий, С.Диомидов, полвонлардан М.Хадарцев, А.Фадзаев, Абдулла Тангриев, машҳур чавандоз М.Исломов, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Эркин Каримов, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, теннис бўйича Ирода Тўлаганова ва бошқа кўпгина спортчилар жаҳонга машҳур.



Тангриев Абдулло
2000-2004 й. - Олимпия ўйинлари қатнашчиси
2003-2005-2007 й.-Осиё чемпионати (1-ўрин)
2003 й.-Жаҳон чемпионати (3-ўрин)
2005 й.- Кураш бўйича Жаҳон чемпионати Тошкент шаҳри (1-ўрин)
2005 й.- Дзюдо бўйича ҳалқаро турнир (класс "А"), АҚШ (1-ўрин)
2006 й.- Осиё ўйинлари, Доха (2-ўрин)



Элшод Расулов
2006 й.- Халқаро турнир, Озарбайжон (1-ўрин)
2006 й.- Халқаро турнир, Германия (1-ўрин)
2006 й.- Ҳарбийлар ўртасида жахон чемпионати, Германия (1-ўрин)
2006 й.- Осиё ўйинлари мусобақаси, Қатар (1-ўрин)
2007 й.- Халқаро турнир, Ерон (1-ўрин)
2007 й.- Халқаро турнир, Танланд (1-ўрин)
2007 й.- Осиё чемпионати, Монголия (1-ўрин)
2008 й.- Ёзги Олимпиада ўйинлари, Хитой (5-ўрин)
2009 й.- Осиё чемпионати, Хитой (1-ўрин)
2009й.- Жаҳон чемпионати, Италия (2-ўрин)



Вадим Менков
2006 й.- XV- Осиё ўйинлари, Қатар (1-ўрин), (2-ўрин)
2007 й.- Осиё чемпионати, Жанубий Корея (1-ўрин)
2008й. - Халқаро турнири, Самарқанд (1-ўрин)
2008й. - Ёзги Олимпиада ўйинлари, Хитой (4-ўрин)
2009й. - Жаҳон чемпионати, Канада (1-ўрин)



Рустам Қосимжонов
1994 й. – Осиё чемпионати, Қатар (ғолиб)
1994 й. – Жаҳон чемпионати, Венгрия (3-ўрин)
1995 й. – Жаҳон Чемпионати, Бразилия (3-ўрин)
1996 й. – Осиё чемпионати, (совриндор)
1997 й. – Осиё чемпионати, Теҳрон (1-ўрин)
2004 й. – Жаҳон чемпионати, Ливия (Триполи) (1-ўрин - Жаҳон чемпиони)



Ирода Тўлаганова
1998 й. – Қизлар ўртасида Уимблдон турнири, Англия (совриндор)
АҚШ Очиқ чемпионати (совриндор)
WTA Очиқ чемпионати, Тошкент (совриндор)
2001й. – WTA таснифи бўйича мусабақалар, Аврталия ва Белгия (1-ўрин)



Артур Григорян
1990 й. – Яхши ният ўйинлари, АҚШ (1-ўрин)
1991 й. – Жаҳон чемпионати, Австралия (2-ўрин)
1995 й. – Интерконтинентал кубоги жанги ғолиби
1996 й. – WБО тоифасида чемпионлик жанги ғолиби, Гамбург (Олмония)



Оксана Чусовитина:
1992 й. – Олимпия ўйинлари, Барселона (олтин медал)
1994 й. – Осиё ўйинлари (2 та бронза медал)
1995 й. – Жаҳон кубоги (1 та олтин, 2 та бронза медаллар)
1996 й. – Олимпия ўйинлари, Атланта
1997 й. – “Жаҳон юлдузи” жаҳон турнири (2 та кумуш медаллар)
2000 й. – Олимпия ўйинлари, Сидней



Руслан Чагаев
1996 й. – Жаҳон чемпионати, Гавана (бронза медал)
1997 й. – Жаҳон чемпионати, Будапешт (ғолиб)
VIII – Осиё ойинлари, Бангкок, Таиланд
1999 й. – Осиё Чемпионати (ғолиб)
2000 й. – Жаҳон чемпионати, Белфаст (чемпион)



Миржалол Қосимов
1994 й. – XII Осиё ўйинлари, Япония (ғолиб)
1995 й. – Россия Чемпионати (олтин медал)
1996 й. – Россия Чемпионати (кумуш медал)
1998 й. – Мамлакатнинг энг яҳши ва кучли футбол ўйинчиси деб тан олинган.



Армен Багдасаров
1992 й. – Европа чемпионати, Изроил (бронза медал)
1996 й. – Осиё чемпионати, Ветнам (олтин медал)
1996 й. – XXVI Олимпиа ўйинлари, Атланта (кумуш медал)
1998 й. – XIII Осиё ўйинлари, Бангкок (кумуш медал)
1999 й. – Осиё чемпионати, Ҳитой (олтин медал)
2001йилдан – дзюдо бўйича Республика бош мураббийси



Баҳром Авазов
1995 й. – Ат-Термизий ҳотирасига бағишланган ҳалқаро мусобақа (ғолиб)
1996 й. – Амир Термур хотирасига бағишланган ҳалқаро мусобақа (ғолиб)
1998 й. – Паҳлавон Маҳмуд ҳотирасига бағишланган ҳалқаро мусобақа (мутлақ ғолиб)
1999 й. – Жаҳон чемпионати, Тошкент (бронза медал)
2000 й. – Жаҳон чемпионати, Туркия (чемпион)



Камол Муродов
1994-95 й. – Ўзбекистон Чемпионати (гўлиб)
1996 й. – Ҳалқаро Мусобақа (ғолиб)
1996 й. – Олимпия ўйинлари, Атланта (иштирокчи)
1997 й. – Жаҳон чемпионати, Ҳорватия (бронза медал)
1998 й. – ХИИИ Осиё ўйинлари (бронза медал)
1998 й. – Гран-при, Олмония (ғолиб)
2000 й. – Осиё чемпионати, Япония (кумуш медал)



Маҳтумқули Маҳмудов
1997 й. – Ҳалқаро беллашув, Туркманистон (олтин медал)
1999 й. – Биринчи жаҳон чемпионати, Тошкент (кумуш медал)
1999 й. – Осиё чемпионати, Термиз, Ўзбекистон (олтин медал)
2000 й. – II Жаҳон чемпионати, Туркия (олтин медал)



Акобир Курбонов
1995 й. – Ёшлар ўртасида Осиё чемпионати
1995 й. – Бутун Жаҳон Универсиадаси, Нови-Содда – 1-ўрин
1995 й. – Жаҳон Чемпионати, София (Болгария) – 1-ўрин
1997 й. – Осиё Чемпионати, Улан-Батор (Монголия) – 1-ўрин
1997 й. – Жаҳон кубоги, Кстов (Россия) – 1-ўрин
1998 й. – Осиё чемпионати, Тошкент (Ўзбекистон) – 1-ўрин
1999 й. – Осиё чемпионати, Сингапур (Сингапур) – 1-ўрин



Дилшод Ёрбеков
1994 й. – Осиё ўйинлари, Ҳиросима (Япония) – 3-ўрин
1995 й. – Жаҳон чемпионати, Берлин (Олмония) – 3-ўрин
1996 й. – Ўрта Осиё ўйинлари, – 1-ўрин
1996 й. – Олимпия ўйинлари, Атланта (АҚШ)
1998 й. – Жаҳон кубоги, Чонг-Кинг (Ҳитой) – 3-ўрин
1998 й. – Яҳши ният ўйинлари, Ню-Ёрк (АҚСҲ) – 3-ўрин
1998 й. – Осиё ўйинлари, Бангкок (Таиланд) – 2-ўрин



Муҳаммадқодир Абдуллаев
1997 й. – Осиё чемпионати, Малайзия (чемпион)
1998 й. – Жаҳон кубоги, Ҳитой (совриндор)
1999 й. – Жаҳон чемпиони, АҚШ (чемпион)
2000 й. – Олимпия ўйинлаир, Сидней (чемпион)



Иброҳим Ҳамроқулов
1998 й. – Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати, Испания (ғолиб)
1998 й. – Осиё чемпионати, Ерон (ғолиб)
2000 й. – Жаҳон чемпиони, Гресия (ғолиб)



Лина Черязова
1990 й. – Европа чемпионати (3-ўрин)
1993 й. – Жаҳон кубоги (ғолиб)
1994 й. – Олимпия ўйинлари (1-ўрин)
1998 й. – Жаҳон кубоги (ғолиб)



Лазизбек Зокиров
1995 й. – Осиё чемпионати, 2-ўрин
1997 й. – Марказий Осиё ўйинлари, Қозоқистон, 1-ўрин
1997 й. – Осиё чемпионати, Куала-Лумпур, 3-ўрин
1998 й. – Жаҳон кубоги, Ҳитой, жаҳон кубоги ғолиби
1998 й. – Осиё ўйинлари, Бангкок (Таиланд), 3-ўрин
2001 й. – “Қироллик кубоги” ҳалқаро беллашув, Таиланд, 1-ўрин.



Саида Искандарова
1995 й. – Марказий-осиё ўйинлари (3-ўрин)
1998 й. – Осиё ўйинлари, Таиланд (2-ўрин)
1999 й. – Осиё-Океани чемпионати (ғолиб)
2000 й. – Олимпия ўйинлари, Сидней



Сергей Войнов
1996 й. – Олимпия ўйинлари, Атланта
1996 й. – Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати, Сидней (ғолиб)
1998 й. – Осиё ўйинлари, Таиланд (чемпион)
1999 й. – Марказий-осиё ўйинлари, Қирғизистон (1-ўрин)
2000 й. – Ҳалқаро Турнир, Италия (1-ўрин)

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Халқаро Олимпия ҳаракатига қўшган катта ҳиссаси учун Халқаро Олимпия қўмитасининг олий мукофоти – Олимпиада Олтин орденига сазовор бўлди. Осиё Олимпия Кенгаши ордени билан мукофотланди.

1994 йилда Хиросима шаҳрида ўтказилган XXII Осиё ўйинларида 12 мамлакат спортчилари орасида Ўзбекистон йигит ва қизлари команда ҳисобида 5 - чи ўринни олиб, 11 та олтин, 10 кумуш, 20 та бронза медалини қўлга киритдилар. Ўзбекистоннинг миллий футбол терма командаси биринчи марта Осиё ўйинлари чемпиони бўлди.

1996 йил февральида Харбинда ўтказилган III қишки Олимпиада ўйинларида фигурачилардан Татьяна Малинина ва Сергей Бренер яхши натижаларга эришдилар.

1994-1999 йилларда Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижонда дунёдаги энг кучли теннисчиларнинг “Челенжер”, “Сателлит”, “Дэвис кубоги” халқаро турнирлари ўтказилди. “Президент кубоги” халқаро турнири дунё спортчилари доирасида катта обрў ва нуфузга эга бўлиб қолди.

Ўзбекистон спортчилари Олимпиада ўйинларида, дунё ва Осиё чемпионатлари ва кубокларида, Осиё ўйинларида ва йирик халқаро турнирларида 740 тадан ортиқ олтин, 700 тадан кўп кумуш, 900 тага яқин бронза медали соҳиби бўлдилар.

4 ҲАФТА

ЎЗБЕКИСТОН – ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ БУЮК МАТАФАККИРЛАРИ ВАТАНИ



Марказий Осиё халқлари, жумладан Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келганлар. Халқимизнинг ўтмиши буюк, ҳар қанча фахрланса арзийдиган даражададир. Ўтмиши буюк бўлган халқнинг келажаги ҳам буюк бўлади. Ўзбекистон ҳудудида етишиб чиққан буюк алломалар фалсафа, жўғрофия, ҳандаса, риёзиёт, фалакиёт, адабиёт, тарих ва бошқа фанларни ўзларининг улуғ кашфиётлари билан бойитдилар, жаҳон маънавияти хазинасига ўлмас асарлар арғумон этдилар. Бошқа соҳалар қатори диний, хусусан, ислом динига оид илмларни бойитдилар, бу диннинг кишилар онги ва қалбига чуқурроқ сингишига, кенг қулоч ёйишига бебаҳо ҳисса қўшдилар.

Бугунги кунда имом Мотуридий, Мажидиддин Боғдодий, Маҳмуд ал-Замахшарий, ал-Марғилоний, Аҳмад ал-Фарғоний, имом Исмоил ал-Бухорий, имом Абу Исо ат-Термизий, ал-Ҳаким ат-Термизий, Қаффол Шоший, Хўжа Аҳрор, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр ва бошқаларнинг номларини фахр-ифтихор билан тилга оламиз.

Шўролар замонида уларни ўрганиш, диний мистик олимлар ва асарларини тарғиб қилишга уриниш сифатида баҳоланарди. Гарчи бу олимлар кўпчилигининг мақбара ва хонақоҳлари ажойиб меъморий обидалар ҳисоблансада, улар қаровсиз ва хароб аҳволда эди. Термиз шаҳри яқинидаги ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси чегара ҳудуди баҳонасида ёпиб ташланган, қаровсизликдан анча ночор аҳволга тушиб қолган эди. Имом Абу Исо Термизийнинг асарларини билиш у ёқда турсин, бу мухтарам зот, улуғ аждодимиз кимлигини ҳам деярли кўпчилик билмасди. Унинг қабрига бориш мутаассиблик саналар, атеизмга зид иш қилган ҳисобланиб қораланарди.

Ўтган асрнинг 80 йилларида Индонезия давлат раҳбари расмий сафар билан Москвага ташриф буюради. Ундан қандай истаги борлиги сўралганида, Имом ал-Бухорий қабрини зиёрат қилмоқчилини айтади. Бир кечадаёқ минерал ўғит омбори қилиб қўйилган улуғ аллома қабри тозаланиб, йўллари текисланиб, камчилик-нуқсонлар юқори мартабали меҳмон назари тушмаслиги учун уни мақбарага кечаси олиб келишади. Аммо зиёратчи тонг отгунича тоат-ибодат қилиб чиқиб, ҳақиқий аҳволни кўради. Эртаси куни у имом Бухорий қабри тупроғидан бир ҳовучни шунча миқдордаги олтин бадалига сўрайди. Бу ерда қандай улуғ зот ётганлигини англаган дипломатлар бунга рози бўлмайдилар, яъни паст тушгилари келмайдилар.

Ўтган асрнинг 80 йиллари охири эди. Шўролар сиёсати, мафкурасига дарз кетиб, қайта қуриш деган ҳавойи гаплар авж олган паллалар. Ўшанда бир гуруҳ ўзбекистонлик

сайёҳлар Болгарияга, унинг пойтахти София шаҳрига борадилар. Бир оз эркинлик бўлиб, сайёҳларнинг диний муассасаларга ҳам киришга рухсат берилган пайт. Маълумки, Болгарияда мусулмонлар ҳам кўп. Уларнинг Софиядаги масжидлари обод ва чиройли. Бир гуруҳ ўзбекистонликлар масжидлардан бирига кириб қолишади. Масжиднинг имом хатиби уларнинг қаердан эканликларини сўраб-суриштиради. “Ўзбекистонданмиз”, дейишади меҳмонлар ғурур билан. Аммо имом хатиб, бундай жой борлигини эшитмаганлигини билдиради. Шунда сайёҳлардан бири “Сурхондарё вилояти” номини тилга олади. Имом хатиб яна бундай жой борлигини билмаслигини билдириб, бош чайқайди. Шунда сайёҳатчилар Термиз шаҳрини тилга олишади. Имом хатибнинг чеҳраси ёришиб кетиб, уларга алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатади ва “Имом Абу Исо ат-Термизийнинг мақбаралари қай аҳволда?” деб сўрайди. Болгарияда масжидларнинг ободлиги, саранжом-саришталигини кўриб лол қолган ва бўш келмасликка интилган термизлик сайёҳатчилардан бири: “Жуда обод, Амударёнинг шундоқ қирғоғида жойлашган, бориб турамиз”, -дейди. Шунда имом хатиб мийиғида кулиб, “Тақсир, назаримда Сиз ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасини айтаётгандирсиз. Биз у улуғ зотни ҳам яхши биламиз ва жуда ҳурмат қиламиз. Аммо мен буюк хадисчи олим Имом Исо Термизийни айтаётирман, дейди. Шунда бундай бобомиз борлигини билмаган ҳамюртларимиз елка қисиб, мулзам бўлиб, бир-бирига қараб қолишади”.

Истиқлол йилларида улуғ боболаримиз ҳаёти ва ижодини, бой маънавий меросини ўрганиш йўлида катта ҳажмдаги ишлар қилинди. Аҳмад ал-Фарғоний, Имом Мотуридий, ал-Марғилоний, имом Бухорий, Баховуддин Нақшбанд ва бошқа қомусий алломаларимизнинг юбилейлари нишонланди. Қадамжолари ва мақбаралари обод қилинди, улар ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ўтказилди, асарлари, уларга ёзилган шарҳ ва изоҳлар нашр қилина бошланди.

Имом Исмоил ал-Бухорий 810 йил 20 июлда Бухора шаҳрида таваллуд топган. У ёшлигидан ақл-идрокли, ўткир зеҳнли ва маърифатга ҳаваси кучли бўлиб, турли илм-фанларни, айниқса, ҳадис илмини зўр қизиқиш билан эгаллайди.

У 10 ёшидан бошлаб шарқ мамлакатларининг кўп шаҳарларида бўлиб, билим олади. Унинг ҳадисларидан Ҳамид ибн Исмоилнинг айтишича, имом Исмоил ал-Бухорий бир неча шериклари билан Басра шаҳрида йирик уламолардан бирига бориб сабоқ оларкан. 15 кун давомида имом Исмоил ал-Бухорий билан бирга сабоқ олаётган шериклари ёзиб ўтиришар, аммо имом Исмоил ал-Бухорий ёзмасдан фақат тинглаб ўтирар экан. Шунда шериклари ундан ёзмай ўтиришининг сабабини сўрашганида “Ёдлаб олаяпман” деб жавоб берган экан. Шунда шериклари “Эй Исмоил, қани, биз дафтардаги ёзувларига қараб турайлик-чи, сен ёддан айтиб бер, тўғри айта оласанми?” деб дафтарларидаги ёзганларига қараб турганлар. Имом Исмоил ал-Бухорий 15 кунлик машғулотларда ўтилганларини шундай бехато айтиб берганки, шериклари машғулот пайтида ёзиб улгурмай қолганларини имом Исмоил ал-Бухорий айтганларига қараб тўғирлаганлар. У киши шундай олим бўлиб етишдиларки, 10 ёшларида 70 минг хадисни ёддан билганлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин унинг хадисларини эл оғзидан йиғиб, ҳақиқий ва ноҳақиқий хадисларга ажратиб, саралаб чиққан буюк хадисчи ҳам имом Исмоил ал-Бухорийдир.

Имом Исмоил ал-Бухорий 18 ёшида ўзининг “Қазоий ас саҳобат ва ват-табиъин” (Саҳобалар ва тобеинлар масалалари, тарихи Кабир – Улуғ тарих) каби асарларини Мадинада пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг мақбараси ёнида туриб ёзган. Кейинчалик унинг машҳур, хадис илмида тенгсиз бошқа китоблари яратилди.

Улардан “Ал-Жомеъ ас - саҳиҳ”, “Ал –адаб ал - муфрад”, “Ат – тарих ас - сағир”, “Ат-тарих ал - авсат”, “Ат – Тарих ал-кабир”, “Китаб ал-илал” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

“Ал-Жомеъ ас - саҳиҳ” буюк алломанинг муҳим асари ҳисобланади. Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳадислар эса 4000 дан иборат. Ушбу йирик асар дунй

юзини кўрганига тахминан 1200 йил бўлди, ўша даврдан бошлаб токи шу вақтгача у ислом таълимотида Қуръондан кейин иккинчи ўринда турадиган муҳим манба сифатида юқори баҳоланиб келмоқда.

Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан 1998 йилнинг кузида Бухорий тавалудининг 1225 йиллиги (ҳижрий ҳисобда) дунё миқёсида кенг кўламда нишонланди.

Президент И.А. Каримовнинг бевосита раҳномалигида Бухорийнинг Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида жойлашган мақбараси замонавий – шарқона услубда батамом қайта қурилиб, мусулмон оламининг энг табаррук зиёратгоҳларидан бирига айланди.

“Ал-Жомеъ ас - саҳиҳ”- дан

***

Бировнинг ота – онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлур.

***

Туҳмат қилмоқ ва ёлғон гувоҳлик бермоқ энг катта гуноҳи азимдир.

***

Мусулмон – қўли бирлан тилидан бошқа мусулмонларга озор бермаган одамдир, муҳожир – Оллоҳ таоло таъқиқлаган нарсалардан ўзини тия билган одамдир.

***

Ҳар бир қўпол, қуруқ, гердайган, беқаноат ва димоғдор одам аҳли дўзахдир.

Президент Ислом Каримовнинг Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқидан
(1998 йил 23 октябр)

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Ассалому алайкум, азиз ватандошларим! Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун юртимиз ва халқимиз тарихида ўчмас из қолдирадиган муборак ва мунаввар кундир. Бугун улуғ аждодимиз Имом ал-Бухорий хазратларининг руҳини шод этиш, бобокалонимиз таваллуд топган муқаддас заминда ул зоти шарифнинг хотирасини ёд этиш кунидир.

Азиз юртдошларим!

Бир муҳим саволга жавоб излаб кўрайлик: Аллоҳ таоло қайси юртда, қайси тупроқда мана шундай улуғ зотларни дунёга келтиради? Парвардигори олам буюк зотларни ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса, ер юзида саноқли. Биз чексиз шукроналик билан айтамизки, она Ватанимиз Аллоҳнинг назари тушган ана шундай муқаддас диёрдир. Юртнинг муқаддаслиги нима билан белгиланади? Бутун умрини имон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг, мўътабар зотларнинг хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин тупроқ бўлиб қолаверади.

Қадрли дўстлар! Нима учун биз келажагимизнинг ёруғ ва фаровон бўлишига қатъий ишонамиз? Халқимизни, айниқса ўсиб келаётган навқирон авлодларимизни нега айнан шу эътиқод асосида тарбия этмоқдамиз? Бу мураккаб ва қалтис замонда йўлимизда оғир синов ва тўсиқлар дуч келганда, улар қаршисида чорасиз қолганда, мислсиз машаққатлар ҳолдан тойдирганда ҳам биз куч-қудратни қаердан оламиз? Энг аввало Аллоҳ таолонинг бизга кўрсатаётган марҳаматидан оламиз. Мана шундай вазиятларда метин ирода, саботматонат, ғайрат ва жасорат бахш этадиган буюк ва чексиз яна бир манба бор. Бу манба — улуғ аждодларимизнинг қонимизда жўш ураётган азму шижоатидир. Бу манба ал-Бухорийдек мумтоз боболаримиз даҳосининг ҳаётбахш қудратидир. Бу манба уларнинг бизга ҳамиша мададкор бўладиган ўлмас руҳи покларидир.

Азиз биродарларим!

Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир.

Олти буюк муҳаддиснинг иккинчиси ҳисобланган Имом Муслимнинг ал-Бухорийга қарата: «Эй, устозларнинг устози, муҳаддисларнинг султони, ҳадисларнинг табиби! Пойингизни ўпишга ижозат беринг», дея қилган хитоб аҳли исломнинг улуғ бобомизга ҳурмат ва эътирофи нақадар юксаклигини кўрсатади. Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи — энг ишончли ҳадислар тўплами- «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» ислом динида Қуръони каримдан кейин еъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонлари эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир.

Муҳтарам биродарларим!

Ал-Бухорий мажмуи лойиҳасининг ташаббускори бўлганимдан, уни шу шаклда, шу мазмунда барпо етилишида ҳиссам борлигидан умрим борича фахрланиб юраман. Бу Аллоҳ таоло олдида, аждодлар рухи олдида, халқим олдида менинг инсоний бурчим эди.

Муҳтарам жамоат! Маълумки, Ислом динининг бош ғояси, бу «Ла илаҳа иллаллоҳу, Муҳаммадун расуллуллоҳ» калимасидир. Мана шу иймон калимасини рўйи заминдаги ҳар бир мусулмон қалбига сингдиришда ал-Бухорий беқиёс жасорат кўрсатди. Шул сабабли ҳам ул ҳазратнинг муборак номи абадул-абад инсоният хотирасидан учмагай, иншоаллоҳ. Ушбу саодатли дамларда Имом ал-Бухорий бобомизнинг руҳи поклари шод бўлиб, қабрлари нури илоҳийга тўлган бўлсин! Ул муборак зотнинг пойида дуогўй бўлиб турганларнинг, бутун халқимизнинг, жамики аҳли исломнинг ҳайрли ва савобли ишларида Раббимизнинг ўзи мададкор бўлсин!

МУТОЛАА – МУЛОҚОТ АСОСИ

Деярли ҳар куни кўча-кўйларда ҳеч бир мақсадсиз, бекорчиликдан зерикиб юрган ёш йигит-қизларга кўзингиз тушади. Уларнинг кўпчилигини, асосан, мактаб ёшидаги болалар ташкил этади. Бу ёш психологик тил билан айтганда сензитив – билим, кўникма ва малакаларни ортиқча қийинчиликларсиз, тез ва осон ўзлаштириш учун энг қулай давр ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, бу ёшда бирон нарсани ўрганиш ёки бирон-бир эзгу мақсадларга эришиш орзусидаги ёшларга табиатнинг ўзи ёрдам беради. Шунинг учун ҳам бу давр инсоннинг умр босқичлари ичида ҳар жиҳатдан энг самарали давр ҳисобланади. Агар улар бекорчиликни бас қилиб, фаолиятнинг ўзларига ёққан биронта тури – у ўқиш ёки меҳнат бўлсин – билан астойдил шуғуллансалар, ўзлари учун ҳам, қолаверса, оилалари ва жамият учун ҳам катта наф келтирадилар.

Улар кўпинча, мен ёшман, ҳаётдаги мақсадларимга эришишга ҳали улгураман, дейишлари мумкин, аммо ҳар бир кунни қадрламаслик ёмон оқибатларга олиб келади. “Ҳар бир кунингни, - деган эди донишмандлардан бири, - худди қисқа бир умрни яшагандек яша!” Халқимизда “бугунги ишни эртага қўйма” деган пурмаъно мақол бор. Бунинг маъноси шуки, бугундан сўнг келадиган эрта ҳам ўз муаммолари ва ташвишларини ўзи билан етаклаб келади. Унда бугун биз қилолмаган ёки қилишни ҳлҳламаган юмушлар учун жой ҳам, имконият ҳам бўлмайди.

Кўпчилик ёшларнинг китобдан ва умуман мутолаадан узоқлашиб қолганлиги рост. Албатта, бу муаммонинг сабаблари ҳақида узоқ баҳслашиш мумкин. Бироқ, бу унчалик муҳим эмас. Муҳими – уни бартараф этиш йўлларини излашда! Мен муаммони ечиш йўли сифатида оила даврасида газета мутолаа қилишни танладим – аввалари бир ўзим кундалик газета ва журналларни ўқиган бўлсам, энди эса бу ишни бугун оила аъзоларим билан биргаликда амалга оширадиган бўлдик. Ишонасизми, натижа кутилганидек ҳам зиёда бўлди – фарзандларимнинг мактабдаги ўзлаштиришлари ижобий томонга ўзгара бошлади. Шунда газета мутолааси оила аъзолари ўртасидаги мулоқотни жонлантирувчи манба эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Уларнинг мамлакатимизда ва дунёда юз бераётган

ҳар хил ижтимоий-сиёсий воқеаларга бўлган қизиқишлари кун сайин ошиб борди. Натижа шу бўлдики, орадан бир ой ўтиб, уйимизда “Жаҳоннинг сиёсий харитаси”, яна озгина фурсатдан кейин эса она-сайёрамизнинг мўъжазгина макети – глобус пайдо бўлди.

Вақт ўтган сари оила даврасидаги мулоқот аста-секинлик билан ўзига хос маърифий суҳбатларга айлана борди. Биз катталар фарзандларимизга ўзимиз қачонлардир ўқиган ёки ҳозир мутолаа қилаётган китобларимизнинг мазмун моҳияти тўғрисида сўзлаб берабошладик. Шунингдек, баъзи бир саргузашт ва оммабоп жанрдаги асарларни ҳаммамиз ўзаро навбати билан овоз чиқариб ўқиш усули билан мутолаа қилдик. Масалан, ёзувчи Қамчибек Кенжанинг “Андижондан Даккагача” ва Муҳаммад алининг “Мен кўрган Америка” китобларини шу тартибда ўқиш болаларимиз тугул ўзимизнинг ҳам наинки буюк аждодларимиз – бобурийлар сулоласининг ҳаёт фаолияти, балки улар тақдир тақозоси билан бориб қолган ўлкалар, мамлакатларнинг тарихи ва бугунги ҳаёти, географияси, иқтисодиёти каби кўплаб масалалар билан боғлиқ билим ҳамда тасаввурларимизни кенгайтирди.

НОЯБР
(5 ҳафта)

т/р	Ноябр ойининг тахминий иш режаси	Ҳафта	Кунлари
1	Октябр ойи иш режаси таҳлили	1-ҳафта	1-6 ноябр
2	Абу Мансур ал-Мотуридий ижодий мероси ҳақида давра суҳбати ўтказиш		
3	“Соғлом авлод” тарбиясидаги устувор йўналишлар ва вазифалар		
4	Талабаларнинг яшаш шароитлари билан танишиш		
5	“Келажагимиз - ёшлар қўлида” мавзусида мулоқот		
6	17-ноябр - халқаро талабалар куни муносабати билан “Талабалик олтин даврим” мавзусида давра суҳбати	2-ҳафта	8-13 ноябр
7	Талабаларнинг ота-оналари билан учрашиш ташкил этиш.		
8	“Маънавий жасорат” мавзусида давра суҳбати		
9	Бўш вақт нима? Уни қандай ташкил этиш керак? – баҳс – мунозара кечасини ўтказиш		
10	Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасдиқланган кун муносабати билан жамият равнақида рамзларнинг аҳамияти мавзусида семинар-тренинг ташкил этиш	3-ҳафта	15-20 ноябр
11	Иқтидорли талабалар билан “Илмий ижод” мавзусида семинар ташкил этиш		
12	Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги қарорлари, лойиҳалари хусусида давра суҳбати ўтказиш		
13	21 ноябр – Бутун жахон телевидения куни муносабати билан **“**Ўзбек миллий киноси: анъана ва истиқболлар” мавзуида мулоқот	4-ҳафта	22-27 ноябр
14	Тозалик кунларини ўтказиш		
15	“Ёшлар маънавий тарбиясига Интернетнинг таъсири” мавзусида маъруза қилиш	5-ҳафта	29-30 ноябр

Ноябр ойининг муҳим саналари

1-ноябр. Ўзбекистон Халк Демократик Партияси ташкил топган кун (ХДП) (1991й.).
10 - ноябр. Бутунжахон Ёшлар куни (1945 й.).

10-17 ноябр. Талабаларнинг тинчлик ва дўстлик учун курашининг Халкаро Хафталиги куни.

16-ноябр. Ўзбекистонда БМТ ваколатхонаси очилган кун (1992 й); Халқаро бағрикенглик куни (1995 й.).

17-ноябр. Самарқандда Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги муносабати билан олимнинг мақбараси очилган кун (2000 й); Халқаро талабалар куни (1946 й.).

18-ноябр. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасдиқланган кун (1991й.).

18-ноябр. Халқаро фалсафа куни.

19 - ноябр. Ўзбекистон Куролли Кучлари артиллерияси куни.

20 - ноябр. Бола Хукуклари Декларацияси кабул килинган кун (1959 й.).

21-ноябр. Бутунжахон телевидения куни (1996 й.); Марказий Осиё халклари маданияти Ассамблеяси ташкил топган кун (1995 й.).

26-ноябр. Халқаро ахборот куни (1988 й.).

1 ҲАФТА

АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙ – БУЮК АЛЛОМА

2000 йилда буюк мутафаккир Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Мазкур юбилейда Президент И.А. Каримов нутқ сўзлаб, аллома юртдошимизнинг инсоният маънавиятига қўшган ҳиссаси тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён қилган эди: “Аллома бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва таъсирини йўқотмаган ҳаётбахш куч, яъни ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат йўлини танлади ва умрининг охирига қадар шу йўлда собит қолди... Ҳазрат Мотуридийнинг асарларидаги илмий асос ва мантиқ қудрати шу қадар кучли эдики, уни ҳатто алломанинг мухолифлари ҳам охир – оқибатда тан олишга мажбур бўлдилар. Шунинг учун ҳам Мотуридий бобомиз ислом оламида “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга сазовар бўлди. Мана шу маънода, бу мўътабар зот ўзининг теран илми, пок эътиқоди, сабот ва матонати билан ислом динининг софлиги учун курашар экан, келажак авлодлар манфаатини,... ҳимоя қилган, деб ишонч билан айтишга ҳақлимиз”.

Мотуридий Абу Мансур Самарқанднинг Мотурид қишлоғида туғилган. Мотуридий ўрта асрларда кенг тарқалган калом илмининг мусулмон оламидаги машҳур назариётчиларидан бири, йирик фақиҳ (мусулмон қонуншуноси) ва муфассир (Қуръони Карим тафсирчиси), ислом оламида кенг тарқалган илоҳиётчи мутафаккир ҳисобланади.

Маълумотларга кўра “Китаби Тавҳид”, “Китаб Мақомат”, “Китаб рад авомил лил адила лил ка-бий” (“Каъбий залолатларининг бошланишини рад қилишга бағишланган китоб”), “Китаб байон ва ҳум ул-маътазила” (“Муътазила ғав-ғолари ва ундан қўрқмаслик ҳақидаги китоб баёни”), “Китаб Таъвилот ал-қуръон” (“Қуръон таъвили китоби”) алломанинг машҳур асарлари ҳисобланади.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Ма ҳази аш-шариъа” (“Шариат асос-лари сараси”), “Китаб ал-жадал” (“Диалектика ҳақида китоб”) каби асарлари ҳам бўлган. Булардан ташқари ал-Мотуридийнинг “Китаб ал-усул” (“Диний-таълимот усули китоби”) асари ҳам маълум.

Алломанинг “Таъвилот аҳли ас-сунна” асрининг илмий ва амалий аҳамияти жуда катта бўлиб, у аҳли сунна уламолари томонидан Қуръони каримни шарҳлаш бўйича қилинган дастлабки жиддий уруниш бўлиб, бу шарҳ ақл ва нақл нуқтаи назаридан амалга оширилганлиги билан ажралиб туради.

Ал-Мотуридий ислом оламида жуда нозик ҳисобланган “Китоб ат-тавҳид” (“Якка худолик ҳақида китоб”) асари бизнинг давримизга етиб келган ва у 1970 йилда Фатҳуллоҳ Хулиф томонидан Байрутда нашр этилган.

“Китоб ат-тавҳид” асари билиш назариясига бағишланган. Аллоҳнинг зоту сифатлари, унинг каломи Қуръони Каримни чуқур идрок этиш, оламнинг яратилиши, аллоҳ ва инсон ўртасидаги муносабатлар, инсон фаолиятини белгиловчи омиллар каби масалалар тўғрисидаги ўзига хос таълимоти аниқ далиллар ва исботларга асосланганлиги билан ажралиб туради.

Имом ал-Мотуридийнинг илмий – маънавий меросида ўша даврда фаолият кўрсатиб, диннинг асл мазмун – моҳиятини нотўғри талқин қилиб, эътиқод, билиш масалаларида чалкаш ва ҳато қарашларга эга бўлган турли оқим ва гуруҳларга қарши раддиялар билдириш асосий ўринни эгаллайди. Лекин шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, имом ал-Мотуридий ўз рақиблари билан мунозара қилиб, уларга раддия берганда, ҳар доим исломий одоб – ахлоққа оғишмай риоя қилган ҳолда ғоятда андиша ва камтарлик билан, айни вақтда ўз нуқтаи назарини собитқадамлик ва қатъият билан изчил ҳимоя қилган тарзда олиб борган.

Ал-Мотуридий ўз даврининг исломий илмлари соҳасида энг етук билим соҳиби ҳисобланиб, мусулмон дунёси олимлари томонидан тан олинган ва ҳозирда ҳам турли диний асарларда зўр эҳтиром билан тилга олинади.

Имом Ал-Мотуридий ўгитлари

Дин йўлидаги барча адашувларнинг бош сабаби – риёкор кимсаларга кўр-кўрона эргашишдадир.

***

Аллоҳ таоло инсонларга ўз эркини қўлига берган ҳолда яратган, яъни унинг ҳаракатлари азалдан тақдир этиб қўйилган бўлсада, инсоннинг баъзи ишларга соҳиб ихтиёрлигини ҳам бергандир.

***

Мусулмони комил киши иймон – эътиқодли бўлиб, бардавом солиҳ ишлар билан шуғулланади, ҳар хил ёмон ишлардан ўзини тияди, шариат ҳалол билган нарсани ҳалол, шариат харом ҳисоблаган нарсани харом деб билади.

***

Иймоннинг комил бўлиши учун амал ҳам шартдир

МАЪНАВИЙ ИДЕАЛ

Ўзбекистон демократик жамиятнинг ҳозирги ривожланиш жараёнида маънавий идеал муҳим ўрин тутади.

Инсон жамиятда муайян мақсад-мудаосиз яшай олмайди. Ҳар бир киши ўзининг келажагини бирон-бир мақсад шаклида олдиндан тасаввур қила олмаса, унинг бунёдкорлик ҳаракати сусаяди, натижада инсоннинг кайфиятини тушкунлик, фаолиятини эса бепарволик, лоқайдлик ва дахлсизлик каби иллатлар эгаллаб олади. Шу маънода “маънавий идеал” ҳам шахсга жамиятда ўз ўрнига ва муайян ижтимоий мавқега эга бўлиб яшаши учун йўналтирувчи ғоялар, тушунчалар ва ахлоқий қарашлар тизимини тақдим этади.

Маънавий идеал мазмун-моҳиятига кўра ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлади. У инсоннинг онги, фикрри, ахлоқи ва фаолиятини ижтимоий қонунлар асосида йўналтиради. Инсоннинг ижтимоий шаклланишида маънавий идеал негиз, асоа бўлиб

хизмат қилади. Шу маънода шахснинг ўз жамиятида фаол яшаб ўтишида маънавий идеал асосларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Маънавий идеал шахснинг онги, тафаккури, идроки, ҳиссий дунёси – умуман маънавий (ички) оламида шаклланса-да, лекин у муайян жамиятнинг маънавий даражаси учун ижтимоий эҳтиёжлар, талабалар ва заруриятлар сифатида пайдо бўлади. Шу маънода ҳар бир жамиятда даврий ва умумий маънавий идеаллар юзага келади. Даврий маънавий идеаллар бир жамиятниниг эҳтиёжларини рўёбга чиқарса, умумий маънавий идеаллар эса барча жамиятга хос бўлади. Масалан, ҳозирги жамиятимиз учун инсоннинг соғлом эътиқодга эга бўлиши долзарб маънавий идеал бўлса, инсон қадрини сақлаш эса умумий маънавий идеалга хос бўлган ғоядир.

Фаробий инсоннинг маънавий-ахлоқий идеал асосида камолотга етказиш “маданий ҳаётда босқичма-босқич кечиши”ни таъкидлаб, уни мана бу тартибда белгилайди (пастдан юқорига):



Бизнинг фикримизча, бу концепция бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Форобий фозил инсон қуйидаги ўн икки фазилатга эга бўлишни уқтиради:

1. Тўрт мучаси соғлом бўлиши.
2. Фаросатли бўлиши.
3. Хотираси кучли бўлиши.
4. Заковатли бўлиши.
5. Нотиқ бўлиши.
6. Билимли бўлиши.
7. Барча нарсадан кўзи тўқ бўлиши.
8. Хақгўй ва одил бўлиши.
9. Донишманд ва ориятли бўлиши.
10. Нафсини енга оладиган бўлиши.
11. Адолатпарвар бўлиши.
12. Қаътий ҳукумли бўлиши.

Бундай фазилатларга эга шахс инсонийликни суиистеъмол қилмайди, Оллоҳдан кўрқади ва унинг бу туйғуси фозил шахс бўлиб етишишга олиб келади. Айни пайтда, Форобий бундай фазилатларнинг барчасини мужассам этган одамни топиш баъзида

мушкул бўлишини таъкидлайди ва шундай ҳолатда ушбу фазилатларнинг “беш-олтитаси бўлган одамни етук деб ҳисоблаш мумкин” лигини айдати.

Муҳокама учун саволлар:

1. ”Идеал” деганда нимани тушунасиз?

2. “Ахлоқий идеал”, “ижтимоий идеал”, “маънавий идеал” тушунчаларига таъриф беринг. Уларга хос категорияларни айтинг.

3. Жамиятда яшашдан мақсад нима?

4. Фуқаролик ҳисси ва маъсулияти деганда нимани тушунасиз?

5. Ижтимоий фаол шахс деганда нимани тушунасиз?

6. Тўлақонли шахс ўзида нималарни ифодалайди?

2 ҲАФТА

“ТАЛАБАЛИК ОЛТИН ДАВРИМ”

(17 - ноябрь Халқаро талабалр куни)

Дарвоқе, нега айнан 17- ноябрь Халқаро талабалар куни дея танланганини биласизми? Билмасангиз билиб олинг.

Бундан роппа роса 70 йил олдин, яъни 1941 йилнинг 17-ноябрида Буюк Британия маркази Лондонда фашизмга қарши кураш олиб борган талабаларнинг конгресси бўлиб ўтган. Конгресс давомида бир қатор долзабр муаммоларни ҳал қилган талабалар, 1939 йили Прага шаҳрида ўтган намойиш вақтида фашистлар қўлида ҳалок бўлган ва таъқибларга учраган Чехословакия талабалари хотирасига 17-ноябрни Халқаро талабалар куни дея эълон қилишган.

Бу куннинг бундай қайғули тарихга эгалигини билмаган талабаларнинг аксарияти эса бу кунни ўйин-кулгу билан нишонлайди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Халқаро талабалар кунини қандай мазмун ва моҳиятга эга бўлишини хохлардингиз?
2. “Талабалик олтин даврим” деганда нимани тушунасиз?
3. Талабалик даври ҳар томонлама мазмунли ўтишига оид таклифларингизни айтинг.

ЎҒЛИМ ВА ҚИЗИМ! СЕНГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

Ёдингда бўлсинки, “ўғил” дегани “нор-ғул” дегани! “Йигит” дегани “бургут” дегани ва “ўғлон” дегани “полвон” деганидир! Бошқача бўлишга ҳаққинг йўқ, балки полвон бўлишинг қийиндир, аммо полвонликка интилишинг шарт, чунки сен ўзинг туғилган остонанинг бору йўғига жавоб берасан. Мўйлабинг сабза ургандан бошлаб, отанг четга чиқиб, ўртага сен тушасан. Энди посбон ўзинг, уйингдагилар бошига қор-ёмғир ёғдирмайдиган ёпинчиқ ўзинг, уларнинг кўча ишларини тенг бўлишадиган суянчиқ ўзингсан. Қоматингга, феълингга бир назар сол-чи, шу юмушларга ярайсанми ё йўқ? Ўғил боланинг ўзи ҳам, сўзи ҳам йирик бўлиши керак! Ҳамма онасидан бир парча эт бўлиб туғилади. Оилангга қўрғон бўлмоққа БЎЛИМЛИ бўлишинг керак-бунинг учун аввало муштарақларингни етилтир. Аёлингга, болангга сарбонликка яраш учун ИЛМЛИ

бўлишинг керак экан, демак, биринчи ишинг уйлангунингча илмли, ҳунарли бўлиб олишдир!

Ўғлоним, “шаън” деган қимматбаҳо сўз бор, уйда сен туриб оиланинг жисмоний ишларига ота-онангнинг бошқаларга юкинишлари ёки сен турганда болға, кетмон кўтариб юришлари, “биз яроқсиз бола боқиб қўйдик, на қилайлик”, дея сени эл ўртасида сазойи қилишлари билан тенгдир.

Сени бутунликка етаклайдиган нарса “йигитманми, йигитдай бўлишим шарт” деган ОРИЯТдир! Ўғлоним, умринг бўйи ўзингни “сен”лаб, ОРИЯТНИ “СИЗ”ЛАБ ЎТГИН! Бўйингдан ориятинг баланд бўлсин! Ўғил боланинг биринчи ярашиғи шу!

Ёқтириш билан муҳаббатни фарқла. Муҳаббат битта бўлади ва кишининг жисмида инқилоб ясаб келади.

Бировни ёқтирдинг дейлик, шу лаҳзадан бошлаб ўзинг ўзингдан кўнглинг тўлмай қолади, бирдан жами айбинг юзага чиқади-да, қаттиқ уялишга тушасан, балки, бу – муҳаббат! Ҳамма хатоингни у қиз кўриб турганга ўхшаб. Жон аччиғида ўнгланиш заруратини сезасан, шу – муҳаббат! Ишларингда ўқишларингда, уйдаги турмушингда афзаллик. Саранжомлик кўрина бошласа, феълинг ҳалимлашса, бу ўша қутлуғ ишқдир! Бундай покланишлар муҳаббатнинг қадамларидан!

Илоҳо, у сенга хуш келсин, муборак келсин, ўғлоним!

Ўғлоним, муҳаббат бошқа, рўзғор бошқа нарса. Муҳаббат эркин – истасанг заминий, истасанг осмоний малакни сев! Чунки у ҳеч кимга халақит бермай юрагингда яшайди. Аммо умр йўлдошлик ғоят жиддий ҳисоб-китоб билан тузилиши шарт. Чунки бу ўзинггача бўлган сулолани давом эттириш ва ўзингдан авлод қолдиришдан маъсул, жавобгарлик ишидир. “Тенг тенги билан” деган нақлга бўш қарама. Зот суриш, аслига тортиш деган гап бор., олманинг тагига олма, беҳининг тагига беҳи тушади, ўғлоним. Имкон борича яхши авлоднинг, яъни ҳалол, тоза луқма еган, ота-онасининг келиб чиқишитайинли, айниқса, онаси яхши қизга боғланиш насиб этсин. Дадам раҳматлининг бир гаплари қулоғимга зирак бўлиб қолган: “Отаси ёмон – биттаси ёмон, онаси ёмон – ҳаммаси ёмон”, дердилар. Агар сенинг болаларингдан бошлаб сифат белгиси тушиб кетса, билгинки, энди ота-бувиларингнинг руҳи сени тақиб қилади, қолаверса, ноқис феълли фарзандлар қолдираётганинг учун икки дунёинг мотамсародир.

Инсон гувоҳ йўқ жойда ҳам бурчларни ҳалол адо этсагина, Оллоҳнинг розилигига муяссар бўлади, яъни ниятларига етади. Қиз болаликнинг, аёлликнинг асосий шарти жисмонан покликдир ва ёдингда бўлсин.

“ Тонггидан кўра, тунги уйқудан олдинги ювинишининг мукаммалроқ бўлсин.

“ Тоза баданга тоза кийим кий ва тоза чойшаб ёпин.

“ Кўйлакни эмас, ички кийимни кўпайтир ва уларнинг кундузгиси ва тунгиси алоҳида бўлсин. Пастки ички кийимни ҳар тонг ва ҳар тунда, албатта, тозасига алмаштир!

“ Ечган ички кийимингни ўша зоҳати ювиб қўй ва биров кўрмайдиган жойда қурит!

“ Умуман кир тўплама, кир кийимлар турган сари ўзидан ёмон бўй чиқаради. Ва бу бад ҳид матоларнинг қат-қатига сингиб қолади. Бундай уйда яхши қиз яшамайди.

“ Яхши қизнинг ювмоқчи бўлган кийимларидан ҳам ёқимли ҳид келади.

“ Қизойим, ўз баҳоингни бил, сен қатига шабнам қўнган гул каби оҳорликсан, ҳар ер сенга муносиб эмас, ювинишдан аввал ювиниш жойларини обдан тозала, сочиқларинг, совун ва бошқа ювиниш анжомларинг алоҳида бўлсин.

“Фарида исмли дугонамдан бир ибрат ўргангандим: ҳар куни ўқишдан қайтган, дарҳол кўча кўйлагини қоқиб-силкиб ташарига илиб қўяр, қарабсизки, кўйлак шабадада ғубори кетиб, мусаффоланиб қоларди ...

Сенинг иқлиминг мусаффолик бўлсин!

Сен киймларига ихлос қўйган ўша европалик ўз юртларида бизнинг миллий либосларимизни, осори атиқаларимиздан кўргазмалар тузиб, шаънимизга олқишлар айтаётган бир пайтда, ораларингда бу либосларни кийишга, тақишга уяладиган, дўппини,

сочларини қирқ кокил ўришни “эскича” “ўтган замоннинг қолдиғи” дея бурун жийирадиганлар бор! Айрим илмсиз ёшларнинг бу гапини бегоналар эшитиб қолишдан мустарлик тортасан киши. Қадриятимиз, улуғ аждодларимиз номини тиклаш учун ялпи уриниб турган пайтимизда бу гаплар кони илмсизлик бўлмай нима? Ўз миллати қиёфасида кўриниш, унга ўхшаб кийинишдан орланган фарзанднинг оти – хиёнат! Бу ўз отасининг кўзига қараб туриб, “сиз мен учун ҳеч ким эмассиз”, дейиш билан тенг!

Зуваласи шариф ойим, қани айт-чи, ҳатто ўғил болалар кийишга уяладиган калта майка, тору танқис шимларда юрган, ўзини шу туришини “замонавий” атаган қизни ҳавас қилиб бўладими? Одатда яхшилик келтирадиган янгиликни ҳавас қиладилар! Тафаккурли одам тоборо афзаллашиб бориши лозим. Хўш, тумонат халқнинг ичида ярим яланғоч кетаётган ҳалиги қиз шу кийими билан нима демоқчи?

Аёнки, либос танлашдан мақсад – атрофга мақул келиш. Сен бир гапимга ишонавер: агар бели очиқ, елкаси очиқ, сақич чайнаб, бурунини осмонга қадаб кетиб бораётган ўша “замонавий” қизу рисоладагидай кўйлак, ярақлаган ироқи дўппи кийган, узун сочларини иккита ё майда ўриб ташлаб, кўзларини ерга тикиб бораётган “эски” қизни кўрикка қўйсанг, ҳамма ошиқ, дўппилик қизнинг орқасидан кетиши аниқ!

3 ҲАФТА

ИЛМИЙ ИЖОД

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик хукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.

Ислом Каримов

Маълумки, ижод хилма – хил ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни қондириш бўйича сон – саноқсиз вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган фаолиятдир. Бунинг негизида одамлар ижодий фаолиятининг жуда кўп турлари, типлари ва шакллари вужудга келади. У бадиий, илмий тадқиқот, конструкторлик, сиёсат соҳаларда намоён бўлиши мумкин. Беморда ўзига хос жарроҳлик операциясини амалга оширган врач ҳам, рационализаторлик таклифини киритган ишчи ҳам ижодкор шахслардир. Шунингдек, лабороторияда мураккаб тадқиқотлар ўтказган олимни ҳам, янги роман ва шеърлар ёзган ёзувчи, шоирни ҳам, бетакрор мусиқа асрлари яратувчи бастакорни ҳам ижодкор шахслар деб аташ мумкин.

Ҳар қандай шахснинг ички маънавий салоҳияти фақат сифат жиҳатидан янги нарсани вужудга келтирадиган ижод жараёнида ўзини тўлиқ намоён этиши мумкин. Умуман ижод жараёнида, айниқса илмий ижод жараёнида инсон моҳияти ривожланади. Бу билан инсон нафақат ташқи муҳитда, балки ўзида ҳам ўзгариш ясайди. Шунинг учун ҳам фан ва техника жадал ривожланаётган, ижтимоий муносабатлар янгиланаётган ҳозирги замонда ёшларни ижодга ўргатиш, ижодий қобилиятли шахсларни шакллантириш масалалари, айниқса, долзарб аҳамият касб этади.

Демак, ижод – бу субъектнинг тафаккури, ақли ва идроки назорат қилувчи, тартибга солувчи, йўналтирувчи, шу билан бирга ижтимоий амалиётга мувофиқ равишда муттасил ўзгариб борувчи объектив оламининг субъект онгидаги фаол иньикосидир.

Улар орасида фан, илмий – ижодий фаолият кишилик тараққиётининг ҳозирги даврида ижодий фаолиятнинг муҳим турларидандир. Ҳар қандай илмий ёки техникавий

кашфиёт фанга илгари маълум бўлмаган объектив қонуниятлар, ҳодисалар, ҳоссалар, эффектларни аниқлайди, мавжуд илмий билимларга туб ўзгаришлар киритади.

Илмий факт, ғоя, гипотеза, концепция, назария, илмий қонун илмий билиш тизимининг таркибий элементларидир. Илмий ижод фан тизимидаги барча таркибий элементларнинг мазмунини ривожлантиради ва бойитади.

Масалан, А.Эйнштейннинг илмий фаолияти улкан даражада илмий фаоллиги билан ажралиб туради. Унинг илмий кашфиётлари нафақат ҳозирги замон физикасининг қиёфасини, балки дунёнинг ҳозирги замон манзарасини ҳам ўзгартириб юборди.

Илмий ижод ***илмий муаммони*** қўйишдан бошланади. Илмий тадқиқотнинг мақсади – юзага келган муаммоларни ҳал қилиш, олинган ечимлардан воқейликни амалий – ижодий ўзлаштиришда, борлиқнинг моҳиятини янада теран билиш, тушуниш ва англаб етишда фойдаланишдир.

Илмий ижод жарёнида – индукция, дедукция, анализ, синтез, абстраклаштириш, аналогия, моделлаштириш илмий методлари муҳим ўрин тутади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Илмий ижод жараёни нимадан бошланади?
2. Илмий ижод жараёнида илмий билишнинг қайси шакл ва усулларидан фойдаланилади?
3. Илмий метод деганда нимани тушунасиз?

ЗАКОВАТ кечаси

1. Турли давлатларда таълим бериш воситалари ҳар хил экан. Ҳатто айрим давлатларда почта орқали, телефон орқали, радио орқали дарс бериш йўлга қўйилган. Қайси ривожланган давлатда радио орқали таълим йўлга қўйилган ва нима учун?

2. Инсонлар орасидаги муносабатда ҳақиқат ва ёлғон иборалари мавжуд. Сизнинг тасаввурингизда ҳақиқат билан ёлғонни жисман кўриниши мавжудми? Ҳақиқат ва ёлғон қандай кўринишга эга, улар орасида масофа борми, бор бўлса у қанча?

3. Арасту (Аристотель) – Афлотуннинг шогирди, у томонидан ташкил этилган академия талабаси эди. У устознинг олдида 20 йил таҳсил олди. Аммо Арасту ўзига ҳам, ён-атрофдагилар, ҳатто устозига ҳам талабчан эди. Устоздан эшитганларини ҳам текширар эди. У устозига ишонмас эдими?

4. Луқмони Ҳаким азиа фарзандига 100 та насиҳат қилди. 100 та насиҳатдан 3000 та сўз ёзиб, учта калимани танлаб олди. Бу учта сўзни иккитасини эсда сақлаб, биттасини унутиб юбор, дейди. Нимани эсда сақлаб, нимани унутиб юбориш керак, деб ҳисоблайсиз?

5. Ҳожа Аҳмад Яссавий ўз фалсафий, дунёвий қарашлари орқали шундай ибораларни қайд этганлар: мен жуда узоқ умр кўрдим. Ҳаётим мабайнида 3 нарсага гувоҳ бўлдим. Бир умрлик хазида нима эканлигини билдим, энг оғир дард нелигини англадим. Энг яхши қасосни олмоқликни тушуниб етдим. Яссавий ҳазратлари айтишларича, бир умрлик хазина – бу сабр – тоқат қилиш экан. Энг ёмон дард – ўз касалига боғланиб қолиш экан. Энг яхшиси қасос олиш деб Аҳмад Яссавий қандай ҳислатни назарда тутганлар?

6. XIX аср ўрталаригача Англияда саводхонлик жуда юқори бўлган. Ёшлар учун мактаблар кам, кексаларга савод ўргатиш жуда оғир бўлган. Кўпчилик таълим мутасаддилари амалга ошира олмаган ишни бир ошпаз ҳал қилади. Ўзи бойиб кетиш билан бирга, ёшу қарини саводли қилиш муаммосини осонлик билан ҳал қилади. Ўша ошпаз миллат саводсизлигига қандай барҳам берган?

7. Биз ўзбекларда оила аъзолари орасида дастурхон атрофида ўтириш ва овқатланиш катта аҳамият. Масалан, қўлни тоза ювиш, овқатланаётганда ёнбошламаслик,

албатта “Бисмилоҳ” каломи билан бошлаш, овқат еб бўлгач юзга фотиҳа тортиш. Бу ўзбек расм-русумлари ҳозиргача сақланиб қолган. Лекин бир анъанага, бир одатга бироз эътибор сусайгандай бўлмоқда. Қайсидир оилаларда бу одат ҳалигача мавжуд. Хўш, ўша мен санамаган овқатланаётган пайтдаги миллий одат нимадан иборат?

8. Пифогорнинг геометрия, математика ва бошқа табиий фанлар ривожига қўшган ҳиссасини эшитгансиз. Қарангки, Пифагор мусиқа санъати ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган экан. Пифагор мусиқага оид қандай янгиликни жорий этган?

9. Ал-Форобий ўзларининг фалсафий рисолаларида таъкидлаганлар: математик фанлар 4 хил экан. 1-математика, 2-геометрия, 3-астрономия, 4-бир қарашда математик фан ҳисобланмайди. Лекин ал-Форобийнинг ёзишича, бу аниқ математик фан эмиш. Ўша математик кўринишга эга бўлмаган математик фаннинг номини топинг.

10. Қадим Юнонистон билимдону – файласуфлар ўчоғи. Билимдон бўлиш, ўқимишли бўлиш учун Юнонистонда фақат китоб ва билим камлик қилар экан, ўқимишли бўлиш учун яна қандайдир хусусият бўлиши талаб этилар экан. Хўш, юнонлар қандай кишиларни, қандай хусусияти бўлмагани учун ўқимишли деб ҳисоблашмаган?

4 ҲАФТА

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КИНОСИ: АНЪАНА ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида кино санъатининг қадри ва аҳамиятига юксак баҳо бериб, жумладан шундай деган эдилар: ***“Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири беқиёс эканини ҳисобга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий кинематографияни ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмоқда, улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ турли масалалар ёритилмоқда. Ўзбек кинолари нуфузли халқаро фестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлаётгани, албатта, қувонарлидир”.***

Дарҳақиқат, кино санъати ўзининг жозибадорлиги, таъсирчанлиги билан санъат турлари орасида алоҳида ажралиб туради. Шу боис ушбу санъат тури пайдо бўлибдики, бутун дунёда унга бўлган қизиқиш ҳамиша юқори бўлиб келган. Замонавий тараққиёт юксак даражага эришган, фан-техника ютуқлари инсоният ҳаётига шитоб билан кириб келаётган бугунги даврда ҳам кино санъатига бўлган эътибор заррача сусайгани йўқ.. Бу бежиз эмас. Зотан, инсоният маънавий дунёсининг ажралмас қисмига айланиб улгурган кино санъати кишиларга ўзига хос руҳий озуқа бериб, уларнинг маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпаниясини ташкил этилиши мустақил Ўзбекистонда миллий кинематография тармоғини тараққий этишига мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилган бўлса, Президентимизнинг 1996 йил 29 апрельдаги “Ўзбеккино” давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 июлдаги “Ўзбеккино” давлат-акционерлик компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги қарори мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиш даврида миллий кинематография тараққиётини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилиб, зарур бўлган барча тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, уларни ҳаётга тадбиқ этишга имкон яратиб берди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 16 мартдаги “Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги “Ўзбеккино” Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда кино санъатининг янада ривожланишида янги имкониятларни очиб берди.

Ҳозирги вақтда республика бўйича “Ўзбекфильм” киностудияси, “Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудияси” масъулияти чекланган жамияти, “Қорақалпоқфильм” киностудияси, “5-студия” ёшлар тажриба ижодий уюшмаси каби 10 дан ортиқ давлат студиялари ҳамда “Қорақалпоққино” агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳудудий бўлимлари фаолият юритмоқда. Булардан ташқари, кинематография соҳасида 200 га яқин ташкилотлар, лицензияси бўлган хусусий студия ва ижодий жамоалар мавжуд бўлиб, шулардан 85 таси фильмлар ишлаб чиқариш билан фаол шуғулланмоқда. Уларнинг кўпчилиги халқаро талабларга жавоб бера оладиган даражада замонавий техникалар билан жиҳозланган.

Киновидеофильмлар ишлаб чиқариш жараёнига хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳам кенг жалб этиш йўлга қўйилмоқда. Шу жумладан, “Байрам-студио”, “Караван Синема”, “Синема Фильмс”, “Шарқ Синема”, “Давр” сингари қатор студиялар замонавий кинотехнологик асбоб-ускуналар билан юқори даражада таъминланган бўлгани учун уларда мультфильмлар, мураккаб компьютер графика тасвирларига бой бўлган бадиий фильмларини суратга олиш имкониятлари очилди.

2000-2010 йиллар давомида жами 283 та кино-видеофильм яратилган бўлиб, улардан:

— 93 та – бадиий фильм давлат буюртмалари асосида;

— 190 та – бадиий фильм (хусусий студия маблағлари эвазига).

Ўзбекистон Республикасининг янги тарихий даврида, яъни мустақиллик йилларида мамлакатимиз киноижодкорлари томонидан қатор давр талаблари ва руҳиятига мос фильмлар яратишга эътибор қаратилди. Жумладан,

2000 йилда “Чаёнгул”, “Ойижон” (“Ўзбекфильм” киностудияси), “Алпомиш” (“Инсон” киностудияси) сингари 3 та бадиий фильм;

2001 йилда “Бахт қадри” (“Ўзбекфильм” киностудияси) номли 1 та бадиий фильм;

2002 йилда “Дилхирож”, “Ўртоқ Бойкенжаев”, “Осмондаги болалар — 1”, “Мешполвон” (“Ўзбекфильм” киностудияси) каби жами 4 та бадиий фильм;

2003 йилда “Қор қўйнида лола”, «Ёдгор» (“5-студия” ЁТИУ), «Нотаниш полвон», «Танка» (“Ўзбекфильм” киностудияси) 4 та бадиий фильм;

2004 йилда драма жанрида “Орзу ортида” (“5-студия” ЁТИУ), “Осмондаги болалар — 2”, “Дард”, комедия жанридаги “Дев билан пакана”, “Афанди ва Азроил” (“Ўзбекфильм” киностудияси) сингари 5 та бадиий фильмлар яратилди.

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмаси асосида 2000-2010 йиллар мобайнида жами 603 та ҳужжатли фильм яратилган. Ушбу фильмлар ижтимоий-сиёсий, спорт ва ватанпарварлик, халқаро муносабатлар, илм-фан, техника тараққиёти ва маданият, санъат, миллий ҳунармандчилик, маънавият ва маърифат каби мавзуларда яратилган бўлиб, шулардан:

— 200 дан зиёди мамлакатимизда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеликлар, муҳим сиёсий жараёнлар;

— 150 га яқини мамлакатимизда маънавий соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ишлар, маърифат, илм-фан, техника тараққиёти соҳасида эришилаётган ютуқлар, ёш ҳамда тажрибали олимларимиз томонидан қўлга киритилаётган оламшмул кашфиётлар;

— 100 дан зиёди юртимизда миллий санъатимиз, хусусан, ўзбек миллий кино ва театр санъатига ҳисса қўшиб, ўзидан бой маънавий мерос қолдирган устоз санъаткорларимизнинг ижод ва ҳаёт йўллари, йиллар оша сақланиб келинаётган миллий ҳунармандчилик билан шуғулланаётган ва бу бебаҳо касбни ўз шогирдлари орқали келажак авлодга қолдиришдек улуғ ишларга камарбаста бўлаётган моҳир ҳунарманд усталар фаолияти;

— 100 ортиқ фильмлар ҳарбий ватанпарварлик, ўз она Ватанига содиқ руҳда камол топиб, юртимиз сарҳадларида хизмат қилаётган ёшлар, республикамиз ҳарбий тизимида рўй бераётган кенг қамровли ислоҳотлар, шунингдек спортчиларимизнинг жаҳон ареналарида эришаётган оламшмул натижалари;

— 60 дан зиёд фильмларда эса ўтмишда яшаб ижод этиб, ўзидан ёрқин из қолдирган, ўз илмий ва ижодий кашфиётлари билан дунёни лол қолдирган аллома ва мутафаккирларимизнинг ҳаёт ва ижод йўллари кенг акс этирилган.

Президентимиз томонидан ҳар бир йилнинг алоҳида ном билан эълон қилиниши муносабати билан ушбу йўналишда Агентлик буртмасига мувофиқ, 20 дан ортиқ ҳужжатли фильмлар суратга олинган бўлиб, жумладан, 2010 йилда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб, 6 та ҳужжатли видеофильм ишлаб чиқарилди.

Диний-ақидапарастлик, гиёҳвандлик сингари салбий иллатларга қарши кураш мавзуларига бағишланган фильмларни яратишда республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, тегишли вазирликлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. "Афюн гирдоби", "Таҳдид", "Аросат", "Тузоқ", "Алданган аёл"сингари бадиий, "Ўргимчак тўри", "Ҳалол" ўғирлик", "Жаҳолат чангалида" бадиий-публицистик фильмлари ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида яратилди.

Ўзбекистонда мунтазам равишда қатор Халқаро кинофестивалларни ўтказиш анъана тусини олган. Жумладан, "Ижодий парвоз" Халқаро ёшлар кинофестивали, "Кино ва ТВда Спорт" Халқаро кинофестивали, Марказий Осиё ва МДҲ давлатларининг "Возобновлённые диалоги" ҳужжатли фильмлар халқ аро кинофестивали ўтказилиб келинмоқда.

— режиссёр Ю.Розиқовнинг "Эркак" номли бадиий фильми Москва шаҳрида ўтказилган Халқаро Москва кинофестивалда махсус соврин ва диплом билан;

— режиссёр Ё.Тўйчиевнинг "Чашма" номли бадиий фильми Москва шаҳрида ўтказилган XXVIII Халқаро кинофестивалда "Преспектива" Ёшлар танлови "Гран-при"соврини билан; 2006 йилда эса Францияниг Везувль шаҳрида ўтказилган Халқаро Осиё давлатлари киноси кинофестивалида махсус соврин билан;

— режиссёр Х.Файзиевнинг "Кичкина одамлар" номли бадиий фильми Қозоқистоннинг Остана шаҳрида ўтказилган 5-халқаро кинофестивалида актёр Д.Раҳматовга "Энг яхши эркак" роли учун соврини билан (2008 йил);

— режиссёр Н.Аббосовнинг "Ойдиной" номли бадиий фильми Инсбург шаҳрида ўтказилган Халқаро кинофестивалда "Энг яхши актриса" номинацияси соврини билан;

— режиссёр А.Шаҳобиддиновнинг "Ўтов" номли бадиий фильми 10 дан ортиқ халқаро кинофестивалларда махсус соврин ва дипломлар билан;

— режиссёр Т.Калимбетовнинг "Отбеги" номли ҳужжатли фильми Германиянинг Фрибург шаҳрида ўтказилган Халқаро кинофестивалда махсус соврин билан; "Қудуқ" номли ҳужжатли фильми Испания шаҳрида ўтказилган Халқаро кинофестивалда энг яхши ҳужжатли фильм деб топилиб, махсус соврин билан;

— режиссёр Ж.Қосимовнинг "Сув ёқалаб" бадиий фильми Қозон шаҳрида (Россия) ташкил этилган "Олтин минбар" халқаро кинофестивалининг кумуш соврини билан тақдирланди;

— режиссёр Р.Муҳаммаджонов "Чол ва набира" фильми учун 2009 йилда республикамиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб ташкил этилган "Энг улуғ, энг азиз" танловида бош мукофот билан тақдирланди;

— "Таҳдид" бадиий фильми Қозон шаҳрида (Россия) бўлиб ўтган "Олтин минбар" халқаро кинофестивалида махсус совринни қўлга киритди;

— режиссёр Д.Власовнинг “Бор барака” мультфильми Белоруссиянинг Минск шаҳрида ўтказилган “Листопад” Халқаро кинофестивалида “Биллур қалам” совриниг билан тақдирланди;

— ўзбек халқининг қадимий миллий-спорт ўйинларидан бири бўлмиш улоқ-кўпкари мусобақасининг ўзига хос жозибаси, мард ва ориятли чавандозларнинг ҳаёт тарзи ҳақида ҳикоя қилувчи “Чавандоз” фильми Италиянинг Милан шаҳрида бўлиб ўтган спорт мавзусидаги фильмлар халқаро кинофестивалининг “Орият ва ғурур” номинациясида ғолиб деб топилди;


— “Кичкина одамлар” фильмидаги бош рол ижроси учун ўзбек актёри Д.Раҳматов Қозоғистондаги Евроосиё халқаро кинофестивалида “Энг яхши эркак роли ижрочиси учун” номинациясида бош совринни қўлга киритди;

— “Соғинч соҳили” бадиий фильми Тошкентда ўтказилган Миллий фильмлар фестивалида “Энг яхши режиссёрлик иши учун” йўналишида ғолиб деб топилди;

— “Илова” бадиий фильми ҳам бир қатор халқаро кинофестивалларда муваффақиятли иштирок этди. Ўз навбатида фильм 2010 йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган дунёдаги энг нуфузли кино анжуманларидан бири бўлмиш Токио (Япония) халқаро кинофестивалининг конкурс дастурида намойиш этилди. 2011 йил февральь ойида Франциянинг Везувль шаҳрида ўтказилган 17-Халқаро Осиё киноси фестивалида “Олтин циклодор” Гран-прига, шунингдек, Париж халқ санъати музейининг Эмил Гуймет номидаги мукофоти ҳамда Осиё киносини ривожлантириш халқаро тармоғи ҳайъатининг “Нетпас” совринига сазовор бўлди.

5 ҲАФТА

Ёшлар маънавий тарбиясига Интернетнинг таъсири



Бугун компьютер технологиялари ҳаётимизда мустаҳкам ўринга эга, компьютер саводхонлиги кўрсаткичи эса кўп ҳолларда инсоннинг юқори савиясини белгилаб берадиган омилга айланиб бормоқда. Эндиликда компьютерда ишлашни билмайдиган ходимни яхши мутахассис дейиш қийин. Агар ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида ёшларнинг энг севимли машғулотлари мусиқа тинглаш ва телекўрсатувлар кўриш бўлган бўлса, ҳозирги пайтда эса компьютер ва Интернет аввалги қизиқишларни ёш авлод ҳаётидан сиқиб чиқарди. Замонамиз ёшларининг 70 фоизи ўз қизиқиш ва севимли машғулотлари ҳақида сўз юритганда спорт, дўстлар билан суҳбатлашиш, маънавий ва маданий ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда компьютер технологиялари, Интернетга бўлган қизиқишини биринчи ўринда тилга олади. Nielsen/Net Ratings компанияси ўтказган сўнгги илмий текширув натижаларига кўра, бутун дунё тармоғига уланаётган ёш болаларнинг сони кун эмас, соат сайин ошмоқда: биргина 2007 йили Европада ёш авлод вакилларининг учдан бир қисми онлайн тизимидан фойдалангани кузатилган.

2008 йили дунё ахборот тармоғидан 10 миллион бола фойдаланган бўлса, ҳозирда уларнинг сони аллақачон 13 миллиондан ошиб кетди. Бу кўрсаткич кундан-кунга кўпаймоқда. Ўз ҳаёт мазмунини бундай онлайн тизимида кўраётган ёшларнинг катта қисми – 4,5 миллиони Буюк Британияга тўғри келади. Улар ҳар куни электрон манзилларини текширади, турли хил сайтлардан маълумот излайди ва чат (глобал тармоқдаги суҳбатхона)лар орқали мулоқотда бўлишади. Германияда ҳозирча 3 миллион ва Францияда эса 1,5 миллион бола вақтини асосан онлайн тизимида ўтказади. Бир йилдан сўнг бу кўрсаткич икки баробарга ошиши кутилмоқда. Ёш авлоднинг компьютер саводхонлиги баланд, бугун ҳатто олти яшар болалар ҳам блутус (bluetooth) ва спам нималигини катталарга нисбатан яхши билади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидан

бири Канадада ўн етти ёшгача бўлган 6 минг бола ўртасида ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, Интернетдан фақат ахборот олиш мақсадида фойдаланмас экан. Сўровда иштирок этганларнинг 99 фоизи Интернетдан фойдаланишини, уларнинг ҳар ўнтасидан саккиз нафари уйда уланиш имкониятига эга эканини билдирган. Канада ёшларининг ярмидан кўпи Интернет ва компьютер технологияларини ота-оналаридан яхшироқ билишини айтган. Уларнинг 80 фоизи мустақил равишда Интернетга уланишини, ота-оналари компьютерга ҳимоя воситаси бўлган фильтрлаш дастурини ўрнатиб қўймагани ва фарзандлари қандай сайтларга киришини назорат қилмаслигини тан олишди. Умуман олганда, аксарият ота-оналар, аниқроғи, уларнинг 65 фоизи фарзандлари Интернетдан фақат уй вазифасини тайёрлаш учун фойдаланади, деган фикрдадир.

Ёшлар онгу шуурини эгаллаш қуролларидан бири компьютердаги Интернет тармоғи ҳисобланиб, у бошқа воситаларга қараганда етакчилик қилмоқда. Кун тартибидаги машғулотларни даражага бўлсак, бунда ёшлар илм олишни энг охирги ўринга қўяр экан. Улар асосан интернет орқали мусиқа тинглайди, электрон манзилни текширади, хуллас, вақтичоғлик қилади. Ёшларнинг учдан икки қисми Интернетга янги дўстлар орттириш ва ким биландир суҳбатлашиш мақсадида уланади, уларнинг 15 фоизи бу муносабатларни кейинчалик реал ҳаётда давом эттирар экан. Мулоқотнинг бу каби шакллари яхши, албатта. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам борки, унга чуқурроқ назар ташлаш лозим. Алоҳида эътибор талаб этадиган жиҳат – Интернет орқали таҳдид деб номланади.

Хукуматимиз раҳбарининг бу борада куюнчаклик билан айтган сўзига хали кўп вақт бўлгани йўқ. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, “…баъзан беозор бўлиб туюладиган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади” Бу фикрлар айнан компьютер, Интернет ва ундан фойдаланиш масаласига ҳам тегишли. Зохирда беозор кўринадиган компьютер ўйинлари остида нималар яширинганини билиш қийин эмас.

Сўнгги пайтларда Интернет орқали таҳдид этиш ёки илмий тилда айтадиган бўлсак, грифинг ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Бу каби тармоқ безорилигининг энг биринчи қурбонлари айнан ёшлар қатлами ҳисобланади. Бир қарашда беозор туюлган чат хоналар ёки махсус мулоқот дастурлари орқали кечадиган суҳбатлар тафаккури энди шаклланаётган болаларни баъзан жиноятгача етаклаб бораётгани ҳаётий ҳақиқат. Виртуал секта ёки грифинг билан шуғулланадиганлар ёҳуд грифёрлар замонавий ёшларнинг қизиқишларидан жуда яхши хабардор бўлиб, онлайн конференция, форум хоналарида исталган мавзуда суҳбат юритиши, ўзларини уларнинг муаммоларини тушунадиган одамлар сифатида кўрсатиши мумкин, бунинг устига, веб тармоқда анонимликни сақлаш хусусияти қисқа фурсат ичида ишончга кириб олишга имкон яратади.

Грифинг билан курашишнинг энг оддий усули — компьютерга махсус тақиқлов дастурлари (энг машҳурлари Киберпатруль ёки Кидсконтрол)ни ўрнатиш. Шунда зарарли манбалардан келадиган барча хабарлар автоматик тарзда фильтрланади ёки дастурга ота-оналар томонидан киритилган чеклов туфайли боланинг ўзи қизиқиб ножўя ахборотни олмоқчи бўлганда, автоматик тақиқ ишга тушади. Айни пайтда мазкур дастурлар ҳам тўлиқ хафвсизликни кафолатлай олмайди, чунки баъзида улар фойдали ахборотни чеклаб қўйиши ёки кераксизини ўтказиб юбориши мумкин.

Аниқлашимизча, Интернетдаги баъзи мураккаб ўйинларни фақат ёшларгина эмас, катталар ҳам ўйнашмоқда. Ундаги виртуал қаҳрамонларнинг ёвуз мақсадлари ўйновчининг мақсади билан уйғунлашуви кишидан совуқ тер чиқарадиган даражада даҳшатлидир.

Ундаги ўйинларни хавфлилик даражасига қараб шундай тавсифлаш мумкин:

– ахлоқан бузуқликка тарғиб қилувчи, маиший кўзни очувчи ўйинлар қуйидагилар – Shiper ops, Red aylerd, SPOR, стрип-шашки, стрип-нарди, Вовичка;

– кўнгил қаттиқлиги ва шафқатсизлик туйғуларини кучайтирувчи жанговар ўйинлар – Star craft, Line age, GTA, Catwoman, Spiderman, Transformers, Lift4dead, Sims sity, Mortal combat, War Craft, Call of Duty Jj3;

– психосоматик, кишида салбий руҳий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ўйинлар – Line age, Lift4dead, NeighboursFromHell; қимор ўйинлари – Покер онлайн, жокер онлайн, очко, ва ҳ.к.;

– олис масофадаги "админ"лар назорат қилаётган Интернетаро ўйналаётган Line age ўйини хавфлилик жиҳатдан юқори даражададир.

Виртуал оламда кечаётган зўравонлик, сотқинлик, бехаёлик, ўғирлик, бузуқлик эртага реал ҳаётга кўчмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Чунки, ёшларнинг маиший кўзини очган, нафсини, шайтонини қувватлантираётган, яширин, "парваришланмаса" ҳеч қачон юзага чиқмайдиган туйғулари кўча-куйда "юз бермайди", деёлмаймиз. Шунинг учун, Интернет кафеларда, уйдаги компьютерда сайтларни "кавлаётган" болаларнинг оталари дўппини ерга қўйиб, оналари бир озгина қозон – чўмичларини бир четга қўйиб ўйлаб, мулоҳаза юритсалар, фарзандларининг тарбиясига озроқ вақт ажратсалар яхши бўлур эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бунинг учун ота-оналарнинг ўзлари озгина бўлса-да (айтайлик 10%) компьютер бўйича саводларини оширишлари фойдадан холи эмас. Бу, азбаройи фарзандларига тўғри йўл кўрсатишга ёрдам беради. Чунки, юқоридаги ҳолатлардан нафақат ўзлари, балки жамият ҳам зарар кўради. Масалан, 2007 йилдаги маълумотга назар солайлик: "BBC News хабарига кўра, Германиядаги мутасаддилар мамлакатдаги Интернет тармоғида ишловчи 12 минг кишини болалар порнографиясига оид материал алмашув тармоғи аъзоси деб гумон қилган. UPI агентлигининг қайд этишича, улардан 1700 нафарига айблов эълон қилинган. 2008 йилнинг ёз ойида бошланган глобал рейд Саксония-Анхальт федерал ерида 300 нафар гумондорнинг хатти-ҳаракатини текширишдан старт олиб ушбу тадбир бутун дунёнинг 70 мамлакатида давом этиб келаяпти. Associated Press ахборот агентлигининг илк хабарига асосланган мазкур жиноятни очилишида Интернет-провайдерлардан бирининг ахбороти далил бўлган. Ушбу жиноятда болалар порнографиясини тарғиб қилувчи порталга кириш билан боғлиқ жуда кўп ҳолатлар аниқланган". Буларни назорат қилиш осонмас деймиз. Ундай Ўзбекистон телевидениесининг баъзи каналларида ғарб компанияларининг шарму хаёсиз маҳсулотларини узлуксиз тарғиб этилаётгани ҳам яхши эмас. Кўз ўнгимизда фарзандларимиз кутубхонага эмас, балки, Интернет кафеларга бормоқдалар, бир четда чанг босиб ётган мумтоз куй-қўшиқлар ёзилган граммапластинкани эмас, кичкина уяли алоқа телефонидан махсус мослама орқали замонавий эстрада ва яллаларни тингламоқда. Уяли алоқа компанияларининг арзон бонуслари сабабли эндиликда ўсмирлар қўл телефонлари орқали Интернет сайтларига кирмоқдалар. Бугун нафақат кичкина фарзандларимизнинг, балки ўсмирларни ҳам тарбия жараёни мураккаб бир ҳолатдадир. Интернет сайтларидаги маҳсулотларни танқид қилиш осон. Уларга муқобил миллий, болалар ва ўсмирларга мос, уларнинг қизиқиш оламларига хос маҳсулотларни биз ҳам ишлаб чиқарсак бўлади. Бугун агар фарзандингиз китоб ўқимаса расмли китоб келтирсангиз ва тушунтирисангизки, шу расмдаги воқеани китобга ёзган, десангиз, у албатта ўқийди. Худди шу нарсани компьютер оламига кўчирсангиз, у шубҳасиз бошқа чалғитувчи сайтларга кирмайди. Чунки одатда бирор нимани тақиқлашдан аввал унга муқобил бошқа яхши нарса таклиф қилинади.

ЎЗИНГИЗНИ ТОПИБ, ЎЗИНГИЗ БИЛАН ҚОЛИНГ!

Эдик Оллерд. "Болалигимданоқ феълимда тортинчоқлик ва инжиқлик мавжуд эди. Менинг онам эски урф – одатларни қадрловчи, қаттиққўл аёл эдилар. Кийиниш борасида ҳам ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мени албатта ўз қарашлари асосида кийинтирардилар. Мен кўнгилочар оқшомларга, турли тадбирларга мутлақо бормасдим. Мактабда ҳам ҳеч кимга қўшилмасдим. Тоза ҳавода сайр қилиш, спорт билан шуғулланиш

гўё менга ман этилган. Ёшимга нисбатан вазним ҳам мутаносиб эмаслигини айтмасам ҳам бўлади. Ана шундай феъл – атвор, хусусиятлар билан ўзимдан каттагина кишига турмушга чиқдим. Янада ташвишларим кўпайди. Эримнинг яқинлари ҳамма билан чиқишиб кета оладиган, паст – баландни ажратадиган кишилар эди. Мен улардек бўлишни хохласам – да, аралашиб, қўшилиб кетолмасдим. Аллақандай ташвишлар мени доим иккилантириб турарди. Яқинларим турли давра, суҳбатларга мени тортишган сари ўжар инжиқликларим ҳаддидан ўтарди. Шу алфозда асабийлашиш, салдан – салга зарда қилиш одат тусига кириб қолди. Танишларимдан ўзимни олиб қочардим. Ҳолат шунга етиб келдики, эшик ногоҳ тақиллаб ёки қўнғироқ чалиниб қолса, аввалига қўрқув босади, кейин жахлим чиқарди. Хуллас, ўзимни омадсиз, якка ҳис қилардим. Мендаги бу ғайритабиий ҳолатларни эрим пайқаб қолишидан, айниқса, хавотирда эдим. Шунинг учун ҳам жамоатчилик жойларига, меҳмондорчиликка, таклиф қилинган тадбирларга турмуш ўртоғим билан борар эканман, таниш – билишлар, атрофдагилар билан ясама табассум, зўраки кулгулар ичра ўзимни тутишга мажбур қилардим. Бошқачароқ ифодаласак, рол ўйнашдан ўзга чорам йўқ эди. Бундай вазиятда мен учун ҳаётнинг қизиғи қолмаганди.

Тўсатдан менга айтилган бир оғиз сўз ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди. Танишларимиздан бири ўз болаларини қандай тарбиялагани ҳақида сўзлаб қолди. “Мен ҳар қандай вазиятда ҳам болалардан ўзларини эркин тутишларини, тортинмасдан бор гапни айтишни талаб қилардим”. Унинг бу сўзлари мени анча ўйлантириб қўйди. “Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини эркин тутиш, тортинмаслик” ҳаётимда мен эшитган ажойиб танбеҳ эди. Мен бир кечада ўзгардим – қолдим, десам, ишонаверинг.

Мен ўзимни эмас, ўзгаларнинг ролини ўйнаётганимни тушиниб етдим. Ўзимни эркин тутишга, тортинчоқликни бас қилишга интилдим. Ўз шахсиятимни шакллантиришга, имкониятларимни ҳаракатга келтиришга, одамлар билан яқиндан муносабатга киришишга бел боғладим. Аста – секин кийм ва рангларни фарқлаш, муносиб ва замонавий кийиниш сирлари билан танишдим. Бу орада янги дўст – дугоналарим ҳам кўпайиб борди. Мен жамоат ишларига шўнғиб кетдим. Илк бор жамоатчилик йиғилишида маъруза қилишга тўғри келганда қанчалар чўчиганим, ҳаяжонланганим ҳамон эсимда. Аста атрофимдагилар билан муносабатим мустаҳкамланиб борди. Очиғини айтганда, ўзимни кашф қилиш, янги орзу ва мақсадлар сари интилиш, ҳаётдан муносиб завқланиб яшай билиш учун осон кечмади.

Ҳозир фарзандларимни тарбиялар эканман, эркин қадам ташлашларга имконият яратаман.

ЭМЕРСОН. Инсон ўзига берилган ақл – заковат, куч – қувват, табиатига яраша феъл – атвор билан у нималарга қодир эканини билиши шарт. Аксинча, ўзида бу жараёнларни ҳис қилиб, синаб кўрмагунча шахс сифатида шакллана олмайди.” Шоир Дуглас Мэллок:

Чўққида яшнаган қарғай бўлмасанг,
Водийда тик ўсган дарахтга айлан!
Жилғага етишган дарахтмассан гар,
Бу ҳаётда лоақал бута бўлиб қол.
Бута бўлолмасанг, йўл четин ўпган
Майса сиймосида бахш этгил толеъ.
Ҳамма ҳам кемага дарға бўлолмас,
Денгизчи бўлмоғи шарт кимдир вале.
Бу ерда барчага етади юмуш,
Ҳар ким ишлар ўз имкон қадар.
Кенг йўл бўлолмасанг, майли, сўқмоқ бўл,
Қуёшга етмасанг, ой ҳам кифоя!
Ғолибми ё мағлуб – фақи не, фақат –
Сен кимсан ҳаётда, ўзингни кўрсат!

Дейл Карнеги. Йиллаб эҳтимол, умрбод ўзгалардан хафа бўлмасликни хоҳласак, биз ҳам ҳеч кимни ранжитмаслигимиз лозим. Бинобарин, энг аввал ўзимизни танқид қилишни, камчиликларимизни холис тан олиб, бартараф этишни ўрганайлик. Ҳар қандай нодон ҳам танқид, муҳокама қилиш, норозилик билдиришни ўрнига қўя олади. Шунинг учун ҳам бундайлар нодонлигича қолади. Бошқаларни тинглай билиш, зарур вазиятларда сал ён бериш, қўллаш иродали кишиларга хос фазилатдир.

***

Карлейл: "Буюкларнинг буюклиги оддий кишилар билан бўладиган муомалаларида кўзга ташланади", дейди. Биз дуч келган кишини муҳокама қилишга ташланавермасдан, келинглар, уни тушунишни ҳам ўрганайлик. Инсон атрофидагилар билан камолат сари одимлайди. Тушуниш ва кечиришни билиш одамийликдаги бош мезондир.

Адвокат Георг Ронан бирор фирманинг мухбири сифатида иш бошламоқчи бўлади. Шу мақсадда бир неча таниқли фирмаларга иш сўраб ариза юборади. Кўпчилик фирмалар бундай "мутахассис" га эҳтиёж йўқлигини билдириб жавоб беришади. Бошқа бир фирма эгаси эса Ронага шундай жавоб йўллаганди: "Афтидан, сиз менинг фирмам нима билан шуғилланишни ҳам билмайсиз. Менинг тасаввуримда гўлроқ туюласиз. Менга ҳеч қандай мухбир керак эмас. Бордию бунга эҳтиёж туғилганида ҳам сизни ишга қабул қилмас эдим. Негаки, шведча имлода саводсиз эканингиз кўриниб турибди. Хатингиз бошдан – оёқ хатоларга тўла".

Георг Рона бу мактубни ўқир экан, тепа сочи тикка бўлди. Ўзини қўйгани жой топа олмай қолди. "Қаранг – а, аллақандай бир швед мени швед тилида тўғри ёзолмасликда айблаб, масхара қиляпти! Ваҳолангки, шведнинг хатида ҳам бошдан охиригача хатолар тўлиб ётибди. Мен сенга кўрсатиб қўяман ҳали", дея қоғоз – ручка тайёрлади. Мақсади – унинг адабини бериб қўйиш! Ёзишга киришган паллада ўйланиб қолди: "Балки бу одам ҳақдир? Гарчанд мен швед тилини билсам – да, у менинг она тилим эмас – ку. Ўзим билмаган нарса ҳақида хато қилишим табиий. Мен Шведциядан иш топишим учун бу тилни янада яхшироқ ўрганишимга тўғри келади. Ундан кўра фирма бошлиғига "маслаҳат" лари учун ташаккур билдиришим қулайроқ". Унинг ақл кўзи очилиб, ҳушёр тортди ва навбатдаги хатини ёзди: "Сиз томонингиздан мен учун кўрсатилган марҳаматингиздан ғоят миннатдорман. Вақтингиз тиғиз бўлишга қарамай, мен учун оғир меҳнатни зиммангизга олганингиз, фирмангизга мухбир керак бўлмагани ҳолда қимматли маслаҳатлар берганингиздан ғоят таъсирландим. Чиндан ҳам фирмангиз фаолияти ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасман. Сизга хат ёзишимнинг боиси маълумотхонада сиз энг зўр фирма лидерларидан бири эканингизни тушинтиришган эди. Қолаверса, ёзган хатимдан грамматик хатоларга йўл қўймаганимни ҳам билмовдим. Бу борада жудаям хижолатдаман. Энди эса эътибор билан швед тилини ўрганиб, хатоларимни тузатишга киришаман. Сиз менга ўз малакамни ошириш учун тўғри йўл топиб берганингиз боис яна бир карра ташаккур изҳор қилишга ижозат беринг".

Бир неча кундан сўнг фирма бошлиғидан жавоб хати келди. Унда Рона учрашувга таклиф қилинганди. Учрашди. Танишди. Ишга ҳам қабул қилинди. Ғазабни ўчириб, мияни совутиб иш тутиш ҳамиша руҳий иқлимни мусаффо сақлайди.

***

Ким нимани экса, ўшани олади. Менинг ота – онам нафақат фарзандларига, ўзгаларга ҳам кўмак беришни, шафқатли бўлишни бахт, қувонч деб билишарди. Биз ўртача ҳолда яшашимизга қарамай, кишиларни кўмак беришни бурч даражасида англардик. Етимлар уйига, қашшоқларга, турли хайрия жамоаларига баҳоли қудрат ёрдамлашардик. Эвазига бирор табрик – ташаккур хати ҳам кутмасдик.

Мен оиладан узоқда ўқиб, ишлаб юрган кезларимда турли байрам муносабати билан ота – онамга банк чеки юборардим. Бу пулга ўзлари учун ёқимли бўлган харидлар қилишларини сўрардим. Қачонки, уйга қайтсам, отам менга "Юборган пулинг вақтида келди, фалончи – фалончилар жуда қийналиб кетишибди. Уларга озиқ – овқат, кийим – кечак, қишга кўмир олиб беришга тўғри келди", дерди беғараз. Бу беминнат эди.

ДЕКАБР

(5 хафта)

т/р	Декабр ойининг тахминий иш режаси	Ҳафта	Кунлари
1	Ноябр ойи бажарилишининг иш режаси	1- ҳафта	1-3 декабр
2	Ҳалқаро ОИТС (СПИД) га қарши курашиш ҳақида мулоқот		
3	“Танлаш ихтиёри ўзингизда” – рукнида баҳс мунозара ўтказиш		
4	“Конституция – бахтимиз қомуси” мавзусида давра суҳбати ўтказиш	2 - ҳафта	5 – 10 декабр
5	“Мутафаккирлар адолат ҳақида” мавзусида семинар ташкил этиш		
6	Фанлардан талабалрнинг ўзлаштиришини назорат қилиш		
7	Маҳалла – демократия мактаби эканлиги хусусида суҳбат уюштириш	3 - ҳафта	12 – 17 декабр
8	Зукколар мусобақасини ўтказиш		
9	Ўзбекистон давлат мадҳияси ҳақида суҳбатлар		
10	“Ҳамид Олимжон баҳор ва бахт куйчиси” давра суҳбати	4 - ҳафта	19 – 24 декабр
11	Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига талабаларнинг саёҳатини уюштириш		
12	Талабалар уйида “Соғлом мафкура” мавзусида суҳбат уюштириш		
13	“Инсон хуқуқлари олий қадрият” мавзусида суҳбатлар ўтказиш	5 - ҳафта	26 – 30 декабр
14	Талабаларнинг яшаш шароитлари билан танишиш		
15	Талабаларнинг қишки таътилини мароқли ўтказиши тўғрисида суҳбат. Янги йил байрамини ўтказиш тадбирини тузиш		

Декабр ойининг муҳим саналари

1 – декабр. Ҳалқаро ОИТС(СПИД)га қарши курашиш куни (1988 й.).

3 – декабр. Халқаро ногиронлар куни (1992 й.).

7 – декабр. “Мустахкам оила йили” давлат дастурини эълон қилиниши (2011 й.).

8 – декабр. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси қабул қилинган кун (1992 й.).

10 – декабр. Инсон хуқуқлари халқаро куни (1948 й.);Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун (1992 й.).

12 –декабр. Шоир ва ёзувчи Ҳамид Олимжон таваллуд топган кун.

28-декбр. Ҳалқаро кино куни (1985 й.).

31 – декабр. Янги йил.

1 ҲАФТА

Ҳалқаро ОИТС (СПИД) га қарши курашиш куни

Статистик маълумотлар ва фактлар



ОИТС касаллиги даставвал бундан 20 йил олдин аниқланган бўлиб, ҳозиргача ОИТСдан вафот этганларнинг сони жаҳон бўйича 25 миллион кишидан ошиб кетди. Ҳар куни 15 000 киши янгидан ОИВни юқтиради. ОИТС билан боғлиқ касалликлардан кунига 8000 одам вафот этмоқда. Бу касаллик туфайли ҳар йили 3 миллионга яқин инсон ҳаётдан кўз юммоқда. Дунё янгидан ОИВ юқтирганларнинг 50 фоизига яқини ёшлардир. Ҳар йили 8,8 миллион кишида сил касаллиги аниқланади. Жаҳонда сил туфайли ҳар куни 5500 киши вафот этади, бу эса бир йилда миллиондан зиёдни ташкил этади. Бундай ҳолатнинг 80 фоизи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади. Безгак касали билан оғриш ҳолатлари ҳар йили 500 миллионгача етди. Шундан бир миллиондан ортиғи ўлим билан якун топмоқда. 5 ёшгача бўлган болалар ўлимнинг асосий сабаби бўлган бу хасталикнинг 90 фоизига яқини тропик Африкага тўғри келади. БМТнинг ОИТСга қарши кураш дастури (УНАИДС) БМТ тизимидаги ҳамма ташкилотларнинг кучини глобал ва миллий миқёсда ОИВ/ОИТСга қарши курашга бирлаштирмоқда. Барчага маълумки, 1-декабр Халқаро ОИТСга қарши курашиш куни. Дунёда ақл бовар қилмас даражада кўпайиб бораётган ОИТС касаллигига чалиниш бухронини тўхтатиш бугуннинг энг муҳим масалаларидан бири эканини англаш ва тушуниш ҳар бир фикрловчи фуқароларга таалуқлидир.



Одамларни бу офатдан сақлашда асосий эътиборни жамиятимизнинг қадимдан одат бўлиб келган соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, халқимиз томонидан қораланган иллатлар (наркомания, фохишабозлик, ичкиликбозлик)ни таг-томири билан йўқотиш каби масалаларга қаратиш даркор.

Шу ўринда:

- ОИТС ўз гирдобига кўпроқ ўсмирлар, ёшларни қамраб олиб, ўлимга олиб келишини;
- Бу ҳол ота-оанларга тузатиб бўлмас руҳий таъсир ўтказишини;
- Халқ хўжалигида энг самарали ишчилар сонига салбий таъсир кўрсатиши;
- Ватанимиз мудофаа қувватининг сусайишига;
- Келажак авлоднинг соғлиғи ва фаолиятини ишдан чиқишига олиб келиши ва буни ҳотиржамлик билан кузатиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Геллап хизматининг маълумотига биноан 12 % сўралганлар: “ОИТС – ахлоқ-маънавий меъёрларининг сусайгани учун жазо”, деб жавоб берганлар. Гомосексуализм ва наркоманияни қораловчилар ОИТС инсоннинг яшаш қоидаларини бузган гуноҳкорлар учун ҳақиқий жазо деб ҳисоблайдилар. Бошқа фикрдагилар “ОИТС бу бахтсизлик” деб ҳисоблайдилар. Машхур олимлар ва амалиётчилар фикрича:

- Келиб чиқиши, тиббий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муаммолар масштаби бўйича ОИТС эпидемиясини ядровий фалокатга тенглаштириш мумкин. (Россия Академияси Президенти В.И.Покровский)

- Келиб, кетувчи вабодан фарқли ўлароқ ОИТС ҳеч қачон кетмайди, доимо қолади. Баъзи мамлакатлар аҳолиси бутунлай қирилиб кетиш хавфи бор. (“ОИТС кузатувчиси” ни АҚШда биринчи бор очганлардан Р.Галл.)

- Ҳозирда инсоният шундай глобал портлаш юз берганидан дахшатда. Биз буни сезмай қолдик. Ҳозирда планетамизда 5 млн инсон ушбу вирусни юқтирган бўлса, натижада яқин бир неча йил ичида миллионлаб касаллар пайдо бўлади. Инсоният ОИТСнинг янги эпидемияси олдида турибди ва бу урушда инсоният ютқазиш хавфига дуч

келди. (ОИТС билан кураш ва уни олдини олиш бўйича ВОЗнинг глобал лойиҳа директори Д.Манн)

Баъзи Африка мамлакатларида, касалхонага ётқизилганларнинг 80 % ида ОИТВга антителолар бўлса, кимдан бола туғилади? Транзит рейслар, автомобил ҳайдовчиларининг 33% инфексия билан зарарланган ва улар вирус ташувчилардир. (Буюк Британиянинг Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлигининг бош тиб экспорти Д. Эдисон)

ОИТС нима? ОИТС- орттирилган иммунитет танқислиги синдоми сўзларининг қисқартмасидир. Яъни орттирилган – туғилмаган, балки вирус (ОИТВ) нинг таъсири оқибатида олинган; иммунитет – тизимга таалуқли; танқислиги – касалликни чақирувчи вируслар ҳозир бўлганда иммунитет тизими томонидан жавоб бўлмаслигидир; синдром – бу инсоннинг касал эканлигини кўрсатиб берувчи бир қатор аломатлар ва симптомлардир.

Иммун тақчиллиги қонқувватлик ва ҳатто организмнинг касалликка қарши курашувчи ҳимоя тизимининг зарарланишига олиб келади. Таъкидлаш жоизки, вируснинг ўзи эмас, касалликлари ўлимга сабабчи бўлади. Касаллик ҳужайралар ва иммуне тизимини чуқур издан чиқаради. Бундай ҳолатлар эса сўзсиз юқумли касалликлар, соматис касалликлар ва ўсма касалликларни келтириб чиқаради. ОИТС инсонлар иммун тизимининг бирламчи касалланиши бўлиб, аввало бу иммуна компонент тўқималарнинг Т-лимфотситлар (ҳелпер)ларни парчаланиши ҳамда патологик жараёнларга макрофагларни ҳам жалб этади.

1981-йилнинг июн ойида биринчи марта АҚШнинг Ню-Йорк ва Сан-Франсизко шаҳарларида ёш эркаклар орасида юқумли касаллик ва тери ўсмаларининг кўпайгани ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Уларда, ўпка яллиғланишининг, паразитлар кузатувчиси пневмотсица (каринини) келтириб чиқараётгани, ҳамда шиллиқ қаватларнинг замбуруғлар (кандида) билан зарарланиши, ўсмалар (лимфома) пайдо бўлиши, споралар ва вирус билан зарарланганларда бош мия касалликлари келиб чиқиши кузатилган. Бу микроорганизмлар соғлом одамлар учун хафвсиз бўлгани ҳолда, унинг иммун тизими пасайганда, жадаллик билан ривожланиш хусусиятига эга. 1986-йилда дунёда 40 минг киши ОИТС билан касалланган, АҚШда 30 мингга яқин, Франсия ва Бразилияда 1 мингга яқин, Марказий Африкада 4 мингга яқин, Англия ва бошқа мамлакатларда 0.5 минг атрофида касалланганлар қайд этилган. 1987-йилда Эфиопия, Мозамбик, Гвинея-Бисаудан келган фуқароларнинг ОИТВ билан зарарлангани аниқланган. 1989-йил мамлакатимиз фуқаросида ҳам ОИТВ инфексияси аниқланади: бу аёл Африка фуқаросига эрга тегиб, унинг ота-онасиникига боради. У ерда фарзандли бўлади, аммо оилавий келишмовчилик натижасида қайтиб келади. Қайтгандан сўнг унда мазкур вирус аниқланади.

XXI аср вабоси бўлмиш бу касаллик ОИТС номини олгунча “Саёқ юрганлар чумаси”, “4 Г” (яъни, гомосексуалицлар (75-77%), ўзига героин юборувчилар (16%), донорлар қонидан тайёрланган дорилардан зарарланган гемофилия касаллари ҳамда Америкадан ташқари энг кўп касаллик кузатилган Гаити аҳолиси) каби номлар билан аталган.

Фуқаролик жамияти учун энг оғир оқибат бизнинг наслимиз-болаларимизни ОИТВ билан зарарланиши ва ОИТС билан оғришидир. Ҳомиладор аёл учун ОИТВ билан зарарланиш ёки касалланиши туғилажак бола учун ўлим хавфини келтириб чиқаради. Чунки бола инфексияга ўта берилувчан бўлади. Бундай ҳолатда боланинг туғилиши, сунъий туғдириш (кесарево сечение) ҳам ёрдам беролмайди. Болаларда ОИТВ она қорнида ва қон қуйиш натижасида, шу билан бирга касалланган онани эмиш натижасида тарқалади.

Касал бўлган болаларнинг 80% ини 6 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. ОИТВ билан зарарланган болаларнинг ўлими ҳолати илк маротаба 1988-йилда Одессада рўй берган. Енгил табиатли она ўз боласини туғруқхонадан олиб кетмаган…

Болаларда ОИТС касаллигининг хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Касалликнинг юқиши вирус юқтирган оналардан ҳомиладорлик даврида, туғиш вақтида ва эмизишда содир бўлади. Бундай ҳолатда касаллик юққанидан 4-6 ой ўтгач бошланади;

2. ОИТВ инфексиясининг инкубаион даври болаларда катталардагига қараганда йил эмас, ойларни ташкил этади;

3. ОИТСнинг клиник белгилари эрта, кучли ва яққол кўринади;

4. Бош миянинг органис зарарланиши касалликни тезлатади;

5. Ўсишдан қолиш ҳисобига жисмоний ривожланишнинг сусайиши, тана вазнининг камайиши ҳамда руҳиятнинг бузилиши натижасида: ақлсизлик келиб чиқиши, гапириш қобилиятини йўқотиш;

6. Ўпка ва ичак фаолиятининг тез-тез бузилиши кузатилади;

7. Ёмон сифатли ва даволаниши қийин кечадиган иккиламчи инфексиялар – бактериялар, замбуруғлар пайдо бўлади;

8. 1-2 йил ичида кузатувда бўлганларнинг 60 % ўлади (катталарда бу кўрсаткич 50 % ни ташкил этади.)

Дунёда ҳозирги даврда аҳолиси кўплиги натижасида, ОИТВ инфексиясининг янада тарқалиши хавфи бўлган 5 та стратегик мамлакатлар: Хитой, Ҳиндицон, Нигерия, Эфиопия, Россия деб белгиланган. Касалланишнинг кўпайиб бориши муносабати билан ицицболлилар фикрича бу мамлакатларда касалланиш 2010 йилда Марказий ва Жанубий Африкада 30-35 млн га етиш эҳтимоли бор. Дунёда ОИТС тарқалмаган мамлакат қолмади. Ер юзида ОИТВ билан зарарланганлар сони 42 млн га етди. Улардан 3.5 млн ини 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этмоқда.

МДҲ мамлакатларида ОИТС билан касалланиш тўхтамай ўсиб бормоқда.2008 йил 1 январ ҳолатига кўра ОИТС га чалинганлар
(ҳар юз минг киши ҳисобида)

1. Россия 250.6
2. Украина 161
3. Белорусия 79.5
4. Қозоғистон 49
5. Қирғизистон 20.8
6. Тожикистон 7.2
7. Ўзбекистон 37.7

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотига кўра дунёда ҳар дақиқада 18 киши, бир кунда 16000 инсон мазкур хасталик билан касалланмоқда. Ушбу инфекция билан зарарланганлар сони жаҳон миқёсида 70 миллиондан ортиб кетган. Дунёда ОИТСга олиб борувчи иммунитет тақчиллиги вирусига йўлиққанларнинг 60 фоизини 15 дан 24 ёшгача бўлганлар, 10 фоизини эса 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этади.

Ўзбекистон мутахассисларига кўра, республикада бу турдаги беморларнинг асосий қисми 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Сабаб ёшларга бу хавфли вирус ҳақида мактабда ва жамоатчилик орасида етарлича маълумот берилмайди.

Таъкидланганидек, ОИТС дунё бўйича жуда тез ва кенг миқёсда тарқалиб бормоқда. Табиийки, хасталик асоратлари нафақат инсонларга балки, мамлакатларнинг маънавий, ижтимоий-иқтисодий, эртанги келажак истиқболларига ҳам жиддий таҳдид солмоқда.

Шу боис, одам иммунитети танқислиги вируси юқишининг олдини олиш ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар, соғлом турмуш тарзини аҳоли ўртасида айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилишдан бошлаш зарур. Шунингдек, касалликни жинсий алоқа йўли орқали ўтишидан ташқари вирусни зарарланган қон ва қон маҳсулотлари орқали ҳамда тери бутунлигининг бузилиши билан олиб бориладиган барча муолажалар орқали юқишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ўтказилиши лозим. Касаллик вирусидан сақланишда эътибор бериладиган муҳим жараёнлардан яна бири инфекция аломатларини инсонларда ўз вақтида аниқлашдир. Шунинг учун аҳолини айрим гуруҳлари орасида эпидемиологик назорат ўрнатилади.

Ушбу касалликнинг олдини олиш, ундан ҳимояланиш борасида мамлакатимиз тиббиёт соҳасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Юртбошимиз томонидан 2008 йилнинг 26 декабрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишни қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги «ОИТСга қарши кураш марказларини ташкилий тузилмалари ва фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори хасталик билан жиддий кураш олиб боришнинг ҳуқуқий асосини белгилаб бермоқда.

Биз сизлардан ўз маҳаллий сиёсатчиларингизга, маҳалла қўмиталарига, аёллар кенгашларига мурожаат қилиш ва уларнинг барчалари билан ОИВ/ОИТС масаласи ва бу муаммо юзасидан нима қилиш мумкинлигини муҳокама қилиш орқали ўз ёрдамингизни беришингизни истаймиз.

Ўз дўстларингиз ва ҳамкасбларингизни ушбу кампанияни қўллаб-қувватлашга чақиринг. Барча инсонлар, ҳозирда ОИВ/ОИТСдан миллионлаб болалар зарар кўраётганлиги ва бу муаммо дунё бўйлаб ўсиб бораётганлигини билсинлар.

“ТАНЛАШ ИХТИЁРИ ЎЗИНГИЗДА”

(Омаднинг пиллапоялари)

Қадрдон талаба! Сиз қаерда бўлишингиздан қатъий назар, яъни илм майдонидами ёки қарорлар водийсидами ёки иккиланишлар тепалигида, мансаб пиллапоянгиз ёки шахсий ҳаётингизда чўққиларни забт этиш учун белбоғингизни маҳкамроқ боғлаб илдам қадам ташлашингиз учун ёрдамчи бўлишга ижозат бергайсиз.

Суҳбатимиз жуда эркин кечиши учун ўзингизни келажагингизни муҳокама этаётгандек, ўта шахсий суҳбат қураётгандек ҳис қилишингиз керак. Ишонаманки, ушбу суҳбат ва “Танлаш ихтиёри ўзингизда” қоидалари сизга умид ва ишонч, куч ва ғайрат бахш этади.

Биринчи бўлим. Ўз – ўзини англаш

- Тафакурингизни барча ғоялар учун очинг
- Юксакликка элтувчи мезон қалбингизда эканига ишонинг
- Ўзингизни ўзгартиринг. Муваффақиятлар калити қўлингизда
- Ичингиздаги кучни уйғотинг

Иккинчи бўлим. Муҳим инсонлар билан танишиш

- Ўзингиз ҳақингиздаги салбий фикрлар сабабини ўрганинг
- Турли аломатлардан халос бўлинг ва ўзингизни қабул қилишни ўрганинг
- Муҳим инсонлар билан танишинг

Учинчи бўлим. Ижобий руҳий дастурни эгалланг

- Ғалаба ва мағлубият орасидаги фарқни аниқланг
- Ақл банкизни ижобий ғоялар билан тўлдиринг
- Ўз йўналишингизни муваффақиятга тўғирланг

Тўртинчи бўлим. Ўзингиз танланг: ҳаракат қиласизми ёки кутасиз

- Рад жавобларга таслим бўлманг
- Ўзингизни мунтазам равишда мукаммаллаштиринг
- Ўзингиздаги қатъиятни кучайтиринг

Бешинчи бўлим. Салбий одатлардан халос бўлиш

- Аввал одатга эга бўлинг, кейин одат сизга эгалик қилади
- Ёмон одатларга барҳам беришни яхши одатларга эгалик қилишдан бошланг

Иккинчи бўлимдан.

Сиз учун жуда муҳим ва ҳаётингизга тегишли бўлган энг муҳим инсон – бу сизсиз! Ўзингизга назар солинг. Бир томондан ижобий, иккинчи томонида салбий руҳий дастур бўлган туморни ўзингиз билан олиб юрган сиз эмасмисиз? Бунинг қандай туморлиги ва унинг кучи нимада эканини билишни истайсизми? Бу онгингиз.

Муваффақиятнинг сири жуда оддий. У ижобий руҳий дастурда жойлашган. Ижобий руҳий дастур соғлом руҳий каяфият дегани. Соғлом руҳий кайфият нима? Бу ишонч, умид, некбинлик, ташаббускорлик, бағрикенглик, далиллик, сабр, меҳрибонлик, соғлом ақл, юқори интизом, тафаккур ва фикрлар равонлигидан ташкил топган маънавий оламдир.

Ҳаётда сизга раҳбар бўла оладиган 14 та қоида

1. мақсаднинг аниқлиги
2. муфассал ўйлаб олиш
3. ортиқча қадамдан қўрқмаслик
4. ўз – ўзини тарбиялаш
5. соғлом ақл
6. эътиқодга суяниш
7. хушмуомалалик
8. завқ – шавқ ва ғайрат билан ишга киришиш
9. диққатни бир жойга жамлаш
10. жамоавийлик
11. ҳатолардан сабоқ олиш
12. ижодий тасаввур
13. вақтни ва харажатни режалаштириш
14. соғлом руҳият ва соғлом тана

Тўртинчи бўлимдан

Қатъият – таслим бўлмайдиган омадли инсонлардаги ягона умумий сифат. Қанчалик қатъиятли бўлсангиз, ҳаётингизда хайрли воқеалар шу қадар кўпайиб боради. Нақадар қийин бўлмасин, қатъий бўлсангиз, албатта муваффақиятга эришасиз. Осон йўлларни қидирманг. Бу йўлдаги қоидалар:

- етти марта йиқилган бўлсангиз, саккиз марта ўрнингиздан туришни ўрганинг;
- ҳеч қачон орзуингиздан воз кечманг, умидларингиз йўлида чекинманг
- чекиниш нималигини тасаввурингизга сиғдирманг
- тўсиққа дуч келар экансиз, уни айланиб ўтиш йўлини топинг
- битта эшик ёпилганда бошқа эшик очилади
- ҳар куни мақсадингиз сари яқинлаштирадиган бешта аниқ амални белгиланг ва бажаринг.

2 ҲАФТА

КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

“Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни қўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг, адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсун”

Амир Темур

Юқоридаги жумла буюк саркарда, соҳибқироннинг “Темур тузуклари” асарига тегишли бўлиб, ўз даврининг “Конституция”си мақомига эга бўлган. Айниқса ҳозирги даврда ушбу жумлалар ўзининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ акс эттирмоқда. XX

асрнинг 2-ярми охирига келиб дунё харитасидаги ўзгаришлар натижасида вужудга келган мустақил давлатлар олдида юзага келган асосий вазифалардан бири миллий Кoституцияларини ишлаб чиқиш бўлган бўлса, эндигина мустақилликни қўлга киритган юртимизда эса ушбу ҳаракатлар бирмунча олдин, яъни “Мустақиллик Декларацияси”нинг қабул қилиниши билан Президентимиз И.А.Каримов раислигида Конституциявий комиссия ташкил этиш билан бошланган эди. Бир неча ишчи гуруҳлар томонидан турли давлатларнинг Конституциялари андоза қилиб олинган бўлишига қарамасдан асосий гуруҳ томонидан инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига асосланган бош қомусимизнинг матни тайёрланиб умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқилиб, мустақил Ўзбекистон Республикаси тарихида илк бор 1992 йил 8 декабрда “Миллий Коституция”миз қабул қилинди. Зеро, ҳар қандай давлатнинг Коституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтиомий онги ва маданиятини умумий қилиб айтганда миллий менталитетимизни ўзида акс эттириб ёш республиканинг мустақиллигини мустаҳкамлади.

Шуни айтиш лозимки миллий Конституциямиз ўз қадр-қиммати нуқтаи назаридан, қад ростлаётган демократик давлатчилигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворидир. Унда халқимизнинг олий иродаси, адолатли фуқаролик жамият барпо этиш борасидаги интилишлари, эзгу истаклари ифодаланган. Бугунги кунда қомусимиз истиқлолнинг буюк неъмати сифатида барчамиз учун мўътабар ижтимоий-ҳуқуқий қадрият саналиши лозим.

Биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, аввало, шуни эътироф этиб ўтишимиз лозимки, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир.

Биз қураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг тақдири ва келажаги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, одамлар дунёқараши ва фаоллиги, уларнинг онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқдир. Инсоннинг онгу тафаккури эса бир кунда ўзгармайди, албатта. Унинг дунёқараши ўзгариши ва кенгайишига вақт керак, тажриба керак. Четдан туриб қандай ташвиқот ва тарғибот, борингки, қандай зўравонлик бўлмасин, одам зоти ўз ҳаёти мисолида, тажрибасида таклиф этилаётган ва амалга оширилаётган ўзгаришлар унга нима бераётганини, қандай наф келтираётганини кўриши керак ва иқрор бўлиши даркор. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ўзининг миллий тараққиёт йўлини белгилашда инқилобий сакрашлар йўлини эмас, балки, имкон қадар ҳеч кимга зарар етказмайдиган, босқичма-босқич ривожланиш йўлини танлади.

Бугунги кунда келажаги буюк давлат, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган жамият қуриш каби мақсад йўлида эришган ютуқларимизни бутун дунё тан олмоқда. Таниқли чет эл сиёсатчилари, эксперт ва шарҳловчилари ҳозирги пайтда қўлга киритилган натижаларни баҳолаб, "Ўзбекистон ўзи белгилаб олган принципларига оғишмай амал қилса, албатта, келажаги буюк бўлади", - деган фикрни билдиришмоқда.

Албатта, бундай ютуқларга эришиш учун, биринчи навбатда, бизда демократик принциплар асосида яратилган Конституциямизнинг мавжудлиги асос бўлди десак, ҳеч ҳам хато бўлмайди. Барчамизга маълумки, Ўзбекистоннинг 1927, 1937 ва 1978 йилларда қабул қилинган Конституциялари шаклан республиканинг Асосий қонуни ҳисобланган бўлсада, улар мазмун-моҳияти, ундаги нормаларга кўра ҳақиқий мустақил давлатнинг Асосий қонуни талабларига жавоб бермаган, улар собиқ Иттифоқ Конституциясининг тоталитар тизимни тарғиб этувчи, ҳаётий кучга эга бўлмаган миллий республикалар шароитига мувофиқлаштириб кўчирилган нусхалари бўлган.

Ўша вақтларда мафкурафий тоталитар тизим ўзининг бор кучи билан таълим тизимимизни, ахолининг онгини ўзига лозим бўлган усулда ўзгартиришга, миллий ва

диний эътиқодимизни камситишга, тарих ҳақиқатларини ўзгартиришга ҳаракат қилинган, миллий ғоя ва онгимизни ривожлантириш борасидаги ҳаракатларимиз таъқиб остига олинган, кўплаб миллий байрамларимиз, жумладан Навруз, Рамазон, Қурбон ҳайит ва бошқа байрамлар таъқиқлаб қўйилган ди.

Ўзбекистоннинг Собиқ Иттифоқ давридаги Конституциясига кўра биринчи ўринга давлат манфаати қўйилиб, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига иккинчи даражали деб қаралган, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда барча моддий бойликлар давлат тасарруфида бўлиб, фуқаролар хусусий мулк эгаси бўлишлари, мустақил равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари чеклаб қўйилган эди. Бу мисоллар давлатнинг келажаги, халқ тақдири, юрт фаравонлиги қанчалик Конституцияга, унинг нормаларига боғликлигини кўрсатиб бермоқда.

Мустақил давлатда ички ва ташқи сиёсатни, демократия ва ижтимоий адолатни, инсон ҳуқуқларини ва давлат кафолатини, одилликни таъминланиши, биринчи навбатда, шу давлатнинг асосий бош қонунини – Конституциясининг мавжудлиги билан бевосита боғлиқдир. Шу боис, Ўзбекистонда ҳам давлатимиз раҳбарининг яратувчилиги, ижодкорлиги ва ташаббускорлиги асосида бундай Конституция яратилди ва қабул қилинди.

Дунёдаги 220 дан ортиқ давлатларнинг атиги 120 таси, яъни 55 фоизида ўз Конституциялари мавжуд. Шу жумладан, Ўзбекистон ҳам ўзининг жахон стандартларига жавоб берадиган Конституциясига эгадир. Ўзбекистон Конституцияси жахондаги энг мукаммал Конституциялардан бири бўлиб, ихчамлиги ва кенг қамровлилиги, инсонпарварлиги билан ажралиб туради.

Конституциямиз — қад ростлаётган демократик давлатчилигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори этиб яратилди. Уни қабул қилиниши билан мамлакатимиз ҳаётида кескин ўзгаришлар амалга оширила бошлади. Жумладан, Конституция қабул қилиниши билан ўзбек халқи учун ўз келажагини ўз қўли билан белгилаш ва қуриш учун қонуний асоси яратилди, собиқ Иттифоқидан қолган мафкуравий, маъмурий-буйруқбозлик тизими йўқ қилинди, ўз халқи ва келажаги йўлида барча табиий ресурслардан, олтин конларидан, минерал хом-ашё бойликлардан, бутун имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш ҳуқуқи қўлга киритилди.

Дунё харитасида пайдо бўлган янги давлат – Ўзбекистон бугунги кунда бутун халқаро хамжамият томонидан тўлиқ тан олинди, давлатимиз манфаатига ҳамда халқаро хамжамият ўртасида ўз ўрни ва обрўини оширилишига жавоб бера оладиган ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқалар шакллантирилди, ҳаётимиздаги тарихий, миллий, маъданий ва маърифий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, жамиятимиз шаклланишида муқаддас бўлган динимизнинг ўрни белгилаб олинди.

Конституцияни қабул қилиниши билан ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатланди, улар ўзларининг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, сиёсий дунёқарашидан қатъий назар қонун олдида тенглиги ва бир хил ҳуқуқларга эга эканликлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон кўп миллатли давлат ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 100 дан ортиқ турли миллий-маданий марказлар, 17 та конфессиялар фаолият кўрсатиб келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик даврида Ўзбекистон ҳудудида бирон маротаба ҳам миллий, миллатлараро ёки диний туқнашувлар рўй бермаган.

Ўйлайманки, ўтиш давридаги қийинчиларга қарамасдан Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, тинчлик, миллатлараро ва диний тотувликни сақланиб келаётганлиги барчамизнинг ютуғимиздир.

“Мустаҳкам оила йили” да амалга оширилаётган ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва уларнинг натижалари, ўйлаймизки, жамиятда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-

оқибат, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади.

Назорат учун саволлар

1. Нима сабабдан Ўзбекитон Республикасининг янги Конституциясини кабул килиш зарурияти туғилди?
2. Ўзбекистон янги Конституциясининг лойиҳаси кандай тайёрланди?
3. Мустакил Ўзбекистон Конституциясида аввалгисига нисбатан кандай янгиликлар мавжуд?
4. Нима учун Конституция давлатнинг асосий қонуни хисобланади?
5. Мустакиллика эришгандан сўнг Конституциянинг давлат ва жамиятда тутган ўрни қандай?

АСОСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

Инсоннинг асосий ҳуқуқ эркинликларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) Шахсий ҳуқуқ ва эркинлаиклар (шахсий ҳаёт ва индивидуал эркинлик соҳасида) – яшаш ҳуқуқи (конституциянинг 24-моддаси), эркинлик ва шахсий дахлсизлик, ҳеч ким озодликдан махрум этилиши мумкин эмас (25-модда), жиноят содир этганликда айбланаётган хар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмаган айбдор ҳисобланмайди (26-модда), ҳар бир инсонга ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан шахсий хаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги уқуқига эга (27-модда), эркин кўчиш ҳуқуқи (28-модда), ҳар бир инсонга фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш эркинлиги (29-модда), шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва яшаш фаолиятларини ҳимоя қилишда давлат органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий қоидалар билан уларини таништириш (30-модда), ҳамма учун виждон эркинлиги мустаҳкамланган (31-модда).

2) Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар – фуқаролик жамият ва давлат ишларини бажаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар (32-модда), фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар (33-модда), фуқаролар касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига, оммавий харакатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар (34-модда), ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда (34-модда), ҳар бир шахш бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (35-модда).

3) Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар – хар бир шахс мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга (36-модда), ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга (37-модда), ёнланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар (38-модда), ҳар ким қариганда, меҳнатга лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганида ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга (39-модда), ҳар бир инсон малакали тиббий хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга (40-модда), ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга (41-модда), ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият юруқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади (42-модда), давлат фуқароларининг конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди (43-модда), ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайри қонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади (44-модда), вояга етмаганлар, меҳнатга

лаёқатсизлар ёки ёлғиз кексаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир (45-модда), хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар (46-модда).

Билим олиш ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида" ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, билим олиш, шахснинг келиб чиқиши, жинси, ёши, ирқи, қайси миллатга мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий аҳволи, машғулот тури, яшаш жойи, Республика ҳудудида қанчалик бери яшаётганидан қаъи назар, ҳар ким учун тенгдир.

Республика таълим тизимида мулкчиликнинг барча шаклларидаги ўқув юртлари учун мажбурий бўлган таълим даражасига ва фанлар бўйича юртлари учун мажбурий бўлган таълим даражасига ва фанлар бўйича ўтиладиган дарслар ҳажмига нисбатан, асосий талабларни белгилаб берадиган жаҳон амалиёти низомларига мувофиқ келадиган давлат андозалари жорий этилган.

"Таълим тўғрисида" ги Қонун Ўзбекистон таълим тизимини янада такомиллаштирди. Ўқув режалари ва дастурлари янгилади. Ўқитиш босқичлари ва шаклларини ўзгартирди. Бу эса Республикада таълимни юқори даражага кўтаришни таъминлади.

Ўзбекистон Республикасида билим олиш тизими, оила ва мактабгача тарбия муассасаларида, фуқароларнинг бошланғич, таянч, ўрта мактабларда бошқа таълим юртлари (гимназия, лицей ва бошқалар) умумий таълим олиш, шунингдек олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш тизими шаклланган.

Виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида белгилаб қўйилган эркинликлардан иборат бўлиб, унга кўра "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдириш йўл қўйилмайди".

Кўпинча виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги тушунчаси ўхшаш тушунчалар сифатида қўлланилади. Мазкур тушунчалар бир-бирига яқин тушунчалар бўлсада, улар мустақил тушунчалардир.

Виждон эркинлиги – бу инсоннинг аҳлоқий-этик дунё қарашидир (масалан, инсоннинг эзгулик ва ёвузликка бўлган муносабати). Диний эътиқод эркинлиги – бу илоҳий кучнинг мавжуд эканлиги ёки мавжуд эмаслигига ишонишдир. Бу ҳар кимнинг шахсий ишидир.

Виждон ва диний эътиқод эркинлигининг моҳияти "Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси" ҳамда "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро пакти" нормаларида ҳам ўз ифодасини топган. Шу сабабли виждон ва диний эътиқод эркинлиги дунёдаги кўпчилик демократик давлатларнинг конституцияларида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 31-моддасини амалга ошириш механизми Ўзбекистон парламенти – Олий Мажлис томонидан 1998 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний бирлашмалар тўғрисида" ги Қонунида очиб берилган. Мазкур қонундаги нормаларнинг биринчи гуруҳи виждон эркинлиги бўйича коституциявий ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ бўлса, иккинчи гуруҳи мавжуд ва юзага келаётган диний бирлашмалар фаолиятига тегишлидир.

"Виждон эркинлиги ва диний бирлашмалар тўғрисида" ги қонун нормалари инсон ҳуқуқлари тўғрисида қбул қилинган халқар ҳужжатларнинг асосий қоида ва талабларини исобга лган ҳолда яратилган бўлиб, виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги амалга оширишнинг принциплари ва тартибини белгилайди.

Мамлакатимозда прозелитизмга, яъни диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди, шунингдек, виждон эркинлиги ва динга эътиқод қилиш ҳуқуқини амалга оширишга ҳам тўсқинлик қилинишига йўл қўйилмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг "Виждон эркинлигини бузиш ҳақида" ги 145-моддасига мувофиқ, диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш – энг кам ойлик иш ҳаққининг эллик бараваригача миқдорда

жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари тайинлаш билан жазоланади.

МУТАФАККИРЛАР АДОЛАТ ҲАҚИДА

Қадим замонлардан то ҳозирги замонамизга қадар яратилиб, қанчалаб авлодларнинг эзгу ишларига ҳизмат қилиб келган бой ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий меросимизни ўрганиш зарур ва аҳамиятлидир.

***

Мамлакатда тартиб интизом ва осойишталик ўрнатилиши одил подшоҳга боғлиқ, аскарлар фаровонлиги ва давлатнинг гуллаб – яшнаши унинг одиллигидан. Фуқаролар подшоҳнинг хазинаси ҳисобланади. Хазина бўш бўлса, подшоҳ камбағал бўлиб қолади.

***

Жамиятда бир одамнинг ёмон ҳулқи ҳаммага таъсир қилади. Сачраган озгина лой минг чандон кўп ҳажмдаги сувни булғайди.

Мажид Хавофий

***

Адолат бутун камолот мажмуи бўлса, ёмонлик унинг акси, яъни бутун камчиликлар мажмуидир.

***

Модомики подшоҳнинг фаолияти адолат қонунларига асосланар экан, у ҳар бир тоифадаги кишиларни қонун олдида ўзига тенг ҳисоблайди, тазйиқ ва зулм ўтказишни ҳамда керагидан ортиқча талаб қилишни ман этади. Давлатнинг ҳар бир фармойиши навбати билан бажарилади. Агар ушбу қонунга хилоф иш тутиладиган бўлса, у ҳолда ҳар қайси тоифа ўз шахсий манфаатини қондиришга интилади ва бошқаларга зиён етказиб ҳаракат қилади. Мана шундай суъистемолчилик ёки камчиликлар натижасида дўстлик муносабатлари бузилади.

Жалолиддин Давоний

***

Агар адолат ҳимоя қилинмаса, заиф ва кучли одамлар йўқолиб кетади. Модомики заифлар қирилиб кетар экан, кучлилар ҳам омон қолмайди, чунки кишилар турмуши бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Хулласи калом, ҳалқнинг ахволи адолатсиз яхшиланмайди.

***

Адолат бу – кишилар ўртасидаги тенгликни назорат қилишдирким, токи бир тоифа бошқа тоифа устидан ҳукумрон бўлмасин, ҳар қайси табақа ушбу қоидага риоя қилсин.

Ҳусаин Воиз Кошифий

***

Агар замона ҳукумдорлари солиҳ бўлсалар, халқ учун улардан яхшироқ одам йўқ. Агар ҳукмдорлар бузуқ, фосит бўлсалар, халқ учун улардан ёмонроқ кимса йўқ. Ҳукмдорнинг фуқарога нисбатан тутган ўрни руҳнинг танадаги мақомига, инсоннинг бошқа аъзоларига нисбатан бошнинг тутган мавқеига ўхшайди. Руҳсиз тананинг ўлими муқаррар, бошсиз инсоннинг бошқа аъзолари ҳам омон қолмайди.

***

Адолатли киши мағрурланиб кетишдан ва гердайишдан сақланади, чунки нимадан ва қаердан пайдо бўлганини ўзи билади ва қаерга боришини ҳам яхши тушунади.

Арасту

***

Адолат буюк ва қудратли Худонинг ер юзидаги ўлчови эрур. Заиф бўлган хақ одам унинг ёрдамида кучли бўлган ноҳақдан ўз ҳақини олади.

Афлотун

3 ҲАФТА

МАҲАЛЛА – ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келди. Тўй-маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлсиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса ҳалқимизнинг турмуш тарзи, ото боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб – қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим

Ислом Каримов

“Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили ўз-ўзидан маълумки, у давлат органларининг ваколотларини аста секинлик билан босқичма-босқич фуқаролик жамиятига ўтказишни тақоза этади. Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бу ғояни илгари сурган эди. Шу боисдан ҳам 1999 йил 14-15 апрельда Олий Мажлис 14-сессиясида **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”** ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди**.** Бу қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мақоми тўлиқ белгиланиб берилди. Улар фаолиятининг асосий принциплари демократик, ошкорлик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий ҳокимиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам ҳолатлари белгилаб берилди. Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгилаб қўйилди.

Республика миқёсида оқсоқоллар Кенгашининг тузилиши жаҳон тажрибасида янгиликдир. Бу билан Ўзбекистон дунёдаги давлат бошқаруви соҳасида чинакам халқчил швклидаги ўзига хос миллий давлат тузилмасининг асосчиси бўлиб қолишидан даракдир.

Демак, қонунга кўра фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳалла давлатга, жамиятга энг яқин идорадир. Ўзини ўзи бошқариш тизимининг, маҳалланинг туб маъносига, моҳиятига Президентимиз юксак баҳо бериб келмоқда. 1999 йил 26 мартда Хоразм **“ёшулли”** сўзини таърифлаб берганларидек, чин маънода комил оқсоқол бўла олса, давлат-мамлакат, кўпчилик аҳоли манфаатини ҳисобга олиб, халққа таяниб, ёшидан, хизмат вазифасидан, эътиқодидан қаътий назар, якка-якка шахсларнинг руҳий кечинмалари, хатти-ҳаракатларини, интилишларини эзгуликка йўналтиришга муяссар бўла олади. Қонунда таъкидланишича, маҳалланинг 3 та таянчи бор: 1) маҳалла йиғини вакиллари, 2) дин уломалари (имомлар), 3) маҳалла посбонлари-нозирлар.

Мустақилликнинг илк давридан бошлаб Президент И.А.Каримов маҳалаларни фуқаролик жамиятининг асоси деб билди ва уларни ҳар томонлама ривожлантириш чора – тадбирларини амалга ошириб келмоқда.

Ҳозирги даврда маҳалла йўналишида олиб борилаётган ишлар иккита йўналишни назарда тутади. Биринчиси маънавий вазифа бўлиб, у халқимизнинг минг йиллик тарихидаги ноёб, энг азиа анъаналарни, қадриятларни қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборат. Иккинчиси, сиёсий вазифа бўлиб, у Президент И.А. Каримовнинг маҳалла институтини бугунги замон талабларига мувофиқ тарзда тиклаш, шунингдек, вилоят, туман ҳокимликлари зиммасига юкланган кўпчилик вазифа ва ҳуқуқларни фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига, яъни маҳалаларга бериб,

улармақомини жой-жойига қўйиб, шу тариқа жамиятимиз ҳаётини демократиялашда янги ва жуда муҳим имкониятларга эришишдан иборатдир.

Давлат томонидан маҳаллаларга катта бошқарув ваколатларини беришда аввало, уларнинг аҳоли фаоллигини оширишдаги ўрнини юксалтириш кўзда тутилди. Чунки, маҳалла фуқаролар йиғинларида етарлича ҳуқуқ бўлмаса, улар ўзини ўзи бошқариш функцияларини бажариш қобилиятига эга бўла олмас эдилар. Шунинг учун фуқаролар йиғинларига бошқарувнинг турли йўналишларига етакчилик қилиш ваколатлари берилди. Маҳаллалар ўз ҳудудида яшаётган фуқароларнинг турли ижтимоий муаммоларини ҳал қилиб беришда бевосита иштирок этадилар: қариялар, фахрийлар, етимлар байналмилал – ҳарбийлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар манфаатлари ҳимоя қилинади. Маҳалла фаолларининг мазкур фаолиятда иштирок этишига бошчилик қилади ҳамда инсонни маънавий юксалиши ва амалий ташаббусларини намоён бўлиши учун шарт-шароит яратади.

Маҳалла фуқаролар йиғини ижтимоий таъминот органлари ва бошқа ҳомий ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий ёрдам, кам таъминланган оилалар ва ёлғиз кишиларга беғараз моддий ёрдам ажратиш ишининг барча ташкилий жиҳатларини ўзи мустақил равишда бажаради. Шу билан бирга, маҳаллалар ўз ҳудудларида экологик муаммоларни ечиш ва аҳоли моддий аҳволини яхшилаш, ҳашар йўли билан кўкаламзорлаштириш, тозалаш ишларига жалб қилиш, маҳаллий аҳоли ўртасида атроф-муҳитни асраш юзасидан тушунтириш ва тарбия ишлар олиб боришга ҳам маъсулдир.

Умуман олганда, маҳаллалар сиёсий қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштирокини фаоллаштиришнинг муҳим воситаси эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди.

Жиззах шаҳри маҳаллалари - Заргарлик, Сайилжойи, Ўратепалик, Тошлоқ, Киёгар, Кўтарма, Қассоблик, Оққўрғонлик, Ҳамзаобод, Олмазор, Улуғбек, Наврўз, Дўстлик, Зилол, Жиззахлик, Қипчоқ, Қалия, Маданият, Навоий, Равллиқ, Ҳайробод, Тинчлик, Иттифоқ, Ёшлик, Халқабод ва б.

ЗУККОЛАР МУСОБАҚАСИ

Интеллектуал ўйинлар тарихига назар солсак, қадимги Юнонистонга бориб тақалади. Юнон файласуфларининг ўз шогирдлари билан савол-жавоблар бахси ташкил қилганликлари тарихда мухрланиб қолган. Бугунги кунга келиб, XX аср ҳам тўлалигича интеллектуал салоҳият барқ урган даврлар деб аталмоқда.

САВОЛЛАР

1. Абу Райҳон Берунийнинг қимматбаҳо тошлар ҳақидаги китобида: Қадимги заргарлар нима сабабдандир марваридни силлиқлашдек нозик жараённи оддийгина шогирдларга ишонишган. Хўш, нимага заргар ўз шогирдига шундай масъулиятли ишни топширган?

2. Киши кўзгуга қараганда ўз аксини кўради. Кўзгу инсоннинг аксини қайтаради. Француз олими Рене Декарт инсондаги бир жараённи ойнага қиёслаган. Бу қандай жараён бўлиши мумкин?

3. Мухаммад С.А.В сафарларидан бирида йўл ёқасидаги катта бир дарахт соясида ҳордиқ чиқариб, кетар пайтлари ўша дарахтни кестириб ташлабдилар. Нега пайғамбаримиз бу соя солиб турган дарахтни кестириб ташлатганлар?

4. Наврўзнинг ўзига яраша узоқ тарихи бор. Биз уни янги кун, яъни янги йил кириб келган кунда 21 март куни нишонлаймиз. Асосий байрам бир кун – 21 март куни бўлади.

Аммо қадимги Эронда Наврўз байрами 6 кун нишонланган. 6 кун бир хил даражада ҳар куни байрам қилинган. Нима учун Наврўз қадимги Эронда 6 кун байрам қилинган?

5. Имом Ал Бухорий ўз китобларида келтирган ҳадисларда: “Агар сен бу дунёда яхши яшашни ҳохласанг – савдогар бўл, агар сен у дунёда яхши яшашни ҳахласанг – тақводор бўл, агар сен икки дунё саодатига эришаман десанг, яъни ҳам савоб, ҳам рўзғор тебратаман десанг...” ким бўл деганлар?

6. Уларнинг ёзилиши жуда осон. Аммо айтилиши жуда катта эҳтиёткорлик ва жавобгарликни талаб қилади. Юқорида нималар ҳақида сўз юритилади?

7. Миср эҳромлари жойлашган воҳага кечалари махсус юк автомобилларида майда тошлар олиб келиб тўкиб кетилади. Бу нима мақсадда амалга оширилади?

8. Хитойда 3 кишидан қайси бири ўғри эканлигини билиш учун учаласига бир ҳовучдан гуруч берилар экан. 10 дақиқадан сўнг қайси бири ўғри эканлигини билишган. Қандай қилиб?

9. 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Ушбк тарихий ахамиятга молик иш махсус фармон билан илгари ҳам, бир неча асрлар олдин бир ҳукмдор томонидан амалга оширилган эди. Бу иш ким томонидан амалга оширилган деб ўйлайсиз?

10. Ота – онанг сен учун ҳазина, жигарларинг сенга таянч, дўстинг эса.... Дўст ким бўлиши мумкин?

4 ҲАФТА

ҲАМИД ОЛИМЖОН БАҲОР ВА БАХТ КУЙЧИСИ



Шодлик ва бахт куйчиси, истеъдодли шоир, драматург, олим, давлат ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида дунёга келди. Наримонов номидаги бошланғич мактабни тугатгач, Самарқанд педагогика билим юртида (1923-1926), ўзбек Педакадемиясида (1926-1931) ўқиди.

Ҳамид Олимжон талабалик йилларидаёқ шеър ёзди. Унинг асарлари 1926 йилдан «Зарафшон» газетасида чиқа бошлади. 1927 йилда шоир мазкур рўзнома муҳарририятига ишга ўтди.

Ҳамид Олимжоннинг «Кўклам» номли илк шеърий тўплами 1929 йилда босилиб чиқди. Шундан сўнг «Олов сочлар» (1931), «Ўлим ёвга» (1932), «Пойга» (1932) каби шеърий тўпламлари нашр этилди.

Давр билан бирга одим ташлаган, ўз ижодида халқимизнинг меҳнат қаҳрамонлигини тасвирлаган шоир 30-йилларда адабиётимизда сиёсий лириканинг энг яхши намуналарини яратди.

Ҳамид Олимжон поезиясининг лирик қаҳрамони — ватанпарвар инсон, «Водийларни яёв кезганда» ўша лирик қаҳрамонга янги турмуш яратувчиси сифатида жаҳонга танилди. Ана ўша лирик қаҳрамон Улуғ Ватан уруши йилларида «Жангчи Турсун» бўлиб гавдаланди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси (1943) Ҳамид Олимжон ўзбек адабиётпнинг долзарб масалалари бўйича қатор илмий-танқидий асарлар яратди.

Ҳамид Олимжон А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, М.Горкий, В.Маяковский, А.Серафимович, Т.Шевченко, М.Лермонтов, Н.Островский, А.Корнейчук асарларини таржима қилди ва улар ҳақида мақолалар ёзди.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг ажойиб дурдона асари «Алпомиш» достони биринчи марта Ҳамид Олимжон томонидан нашрга тайёрланиб, сўз боши билан (1938) чоп этилди. У Алишер Навоийнинг 500 йиллигини ўтказиш юбилейи комитетининг аъзоси сифатида улуғ шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб борди.

Ҳамид Олимжон 1939 йилдан то умрининг охирига қадар Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига раҳбарлик қилди.

Ҳамид Олимжон ўзининг «Дарё кечаси» (1936), «Чирчиқ соҳилларида» (1937), «Ўлка» (1939), «Бахт» (1940) тўпламлари, «Икки қизнинг ҳикояси» (1935-1937), «Ойгул билан Бахтиёр» (1937), «Зайнаб ва Омон» (1938), «Семурғ» (1939) достонлари билан новатор шоир сифатида даврининг илғор ғояларини тараннум этди.

Улуғ Ватан урушнинг оловли йилларида унинг «Муқанна» номли шеърий драмаси яратилдики, у ҳанузгача драматургиямизнинг гултожи бўлиб келаётир. Уни «Жиноят» драмаси замонавий мавзуда ёзилган. Бу даврда унинг бир неча шеърий тўпламлари билан бир қаторда «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» каби қатор балладалари ҳам яратилди.

Истеъдодли шоир Ҳамид Олимжоннинг кўпчилик асарлари қардош халқлар ва хорижий халқлар тилларига таржима қилинган.



Ўрик гуллаганда

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...
Новдаларни безаб ғунчалар,
Тонгда айтди ҳаёт отини
Ва шаббода қурғур илк саҳар
Олиб кетди гулнинг тотини.
Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади,
Қанча тиришсам ҳам у беор
Еллар мени алдаб кетади.
Майли, дейман ва қилмайман ғаш,
Хаёлимни гулга ўрайман;
Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,
Бахтим борми, дея сўрайман.
Юзларимни силаб, сийпалаб,
Бахтинг бор, деб эсади еллар.
Этган каби гўё бир талаб,
Бахтинг бор, деб қушлар чийиллар...
Ҳамма нарса мени қаршилар,
Ҳар бир куртак менга сўйлар роз,
Мен юрганда боғларга тўлар
Фақат бахтни мақтаган овоз:
«Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сиққанича ол,
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол
Умрида ҳеч гул кўрмай, йиғлаб
Ўтганларнинг ҳаққи ҳам сенда,

Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб
Кетганларнинг ҳаққи ҳам сенда...»
Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...



Хаёлимда бўлдинг узун кун...

Хаёлимда бўлдинг узун кун,
Сени излаб қирғоққа бордим.
Оч тўлқинлар пишқирган тунда,
Топиб бер, деб ойга ёлвордим.
Ишон, бунда сени доимо
Эсга солар чиройли тунлар,
Шўх юлдузлар, салқин саҳарлар,
Эсга солар бахтиёр кунлар.
Толеимнинг ошиноси сен,
Сен севгимнинг кўкарган боғи.
Сенинг билан бирга иқболим,
Ишончимнинг сен вафо тоғи.
Мени қуршар салқин бир ҳаво,
Сув устидан тун қуюлади.
Шунда қанча-қанча гапларни
Эсга солиб ой ҳам тўлади.
Кеча жим-жит, ёлғиз тўлқинлар
Пишқиради билмай тинимни.
Ҳийлагар ой, сеҳргар дилбар,
Солиб қўйдинг ёдимга кимни

СОҒЛОМ МАФКУРА

Жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатадиган, одатда унинг тааззули, ҳалокатига сабаб бўладиган фашизм, коммунизм, диний экстремизм каби носоғлом мафкура шаклларидан фарқли ўлароқ, соғлом мафкура инсоният тарққиётини тезлаштиради, юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, Ватан равнақига имкон яратади.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, соғлом мафкура жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма – хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, тоифа ва гуруҳларнинг интилиш ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз, давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл – юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоядир.

Соғлом мафкура жамиятдаги мулкий плюрализм, фикрлар ранг-баранглиги, кўппартиявийлик шароитига мос келади. У давлат доктринаси эмас, балки муайян жамиятнинг ҳаёти ва тараққиётини таъминлайдиган умумий тамойилларни ифодалайди.

Бундай шароитда давлат ана шу тамойилларга барча фуқароларнинг амал қилишини ҳуқуқий кафолатлайди.

Маълумки, кишилар онгига ўрнашиб қолган эскича мафкуравий қарашлар қолипидан чиқиш мураккаб руҳий жараёндир. Зеро, эски мустабид тузум даврида кишилар онгига фақатгина бир мафкура “абадий”, “ўзгармас”, “мутлақ” деб сингдирилган эди. Бугунги кунга келиб ана шундай мафкуравий яккаҳокимликка барҳам берадиган, умумхалқ манфаатларига мос келадиган, аҳолининг барча табақалари, қатламларининг талаб – эҳтиёжлари, мақсад ва интилишлари, орзу – истакларини қондирадиган соғлом мафкура пайдо бўлди. Миллий ғоя ана шу заруратнинг натижаси сифатида вужудга келди.

Шунга кўра, эндиги вазифа мустақил Ўзбекистон ёшларини соғлом мафкура асосида вояга етказиш ҳисобланади.

Ёш авлод вакиллари мустақиллик, миллатпарварлик, байналмилаллик ғояларига асосланган соғлом мафкура билан қуроллансагина, улар Ватан ва халқ, инсон, она юрт қадрига етадиган фуқаролар бўлиб улғаяди.

Ботир Широқ, ватанпарвар Тўмарис, мард ва ёвқур Жалолиддин Мангуберди, фидойи Нажмиддин Кубро, мустақил ва марказлашган давлат қуриш йўлида ақл – идрокини, қудратини сарфлаган Соҳибқирон Амир Темур каби жасур боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганмоғимиз даркор.

5 ҲАФТА

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган эътибор, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш каби ғоялар бош мақсад сифатида мустаҳкамланган.

Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар, аввало, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган бўлиб, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, жамият ривожланишининг стратегик йўналишлари, бошқарувнинг адолатли ва демократик принциплари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан халқимизнинг миллий ғурур ҳамда ифтихор туйғулари шаклланди, давлат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ислоҳотчиси сифатида майдонга чиқди. Хусусан, Конституциямизнинг 13-моддасида қайд этилишича, "Ўзбекистонда демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади". Мазкур меъёрларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясида ҳаётий тасдиғини топаётганлигини суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини жамиятнинг ривожи ва давлат қурилишида энг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг асосий ўзагини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Конституция давлатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳалардаги устувор мақсад ва вазифалари, жамият ривожланишининг стратегик йўналишлари, бошқарувнинг адолатли ва демократик тамо-

йиллари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди. Конституциядаги демократик тамойиллардан бири сифатида мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас, деб эълон қилиниб, давлат ҳимоясига олинди. Қолаверса, давлатнинг бу борада фуқаролар олдида масъул эканлиги, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи лозимлиги қатъий белгилаб берилди. Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши давлат тизимини янгилаш, уни халқаро ҳуқуқий талабларга мос тарзда ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди.

Ўтган давр мобайнида қонунчилик, суд-ҳуқуқ, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни такомиллаштириш юзасидан тизимли ва изчил ислоҳотлар амалга оширилди, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий тизим шакллантирилди. Конституциявий нормаларни амалиётга тадбиқ этиш юзасидан сайлов, сиёсий партиялар, нодавлат ва диний ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга ҳамда инсон ҳуқуқларига қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланаётган асосий мақсад, халқаро ҳамжамиятга уни кўз-кўз қилиш эмас, аксинча, халқимизнинг миллий ўзлигини англаш ҳамда тарихий тажрибалар асосида демократик принципларни ривожлантиришдан иборатдир.

Бундан ташқари, қуллик ва одам савдосига тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда қулликни ва мажбурий меҳнатни таъқиқлашнинг барча тамойиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўз аксини топган. Одам савдоси муаммосининг маҳаллий ва халқаро даражада долзарб эканлигини эътиборга олиб, 2008 йил 17 апрельда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунда "одам савдоси" ва "одамлардан фойдаланиш" тушунчалари белгиланганлиги, одам савдосига қарши курашиш тизими, ваколатли органлар ва уларнинг мазкур жиноятга қарши кураш вазифалари, шунингдек, одам савдоси қурбонларининг ҳимояси ва ижтимоий ҳуқуқий реабилитацияси масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ёшларнинг меҳнатга бўлган ҳуқуқи ҳимоясига қаратилган Давлатимизнинг сиёсати "Меҳнат кодекси", "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Эришилган ютуқларга қарамасдан, доимий асосда бола ҳуқуқлари соҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда. Бунда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган Халқаро меҳнат ташкилотининг "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги ва "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги Женева Конвенцияларини ратификация қилиниши ва "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Болалар ва ёшларнинг меҳнат ҳуқуқлари тўғрисидаги кўрсатиб ўтилган халқаро нормаларни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида, Ўзбекистонда тегишли қонуний ва ташкилий чоралар кўрилмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг эркинлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдаги энг муҳим вазифа ҳисобланади. Шу боисдан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши қонун ҳужжатлари билан тўлиқ кафолатланди. Биринчи навбатда, асосий Қонунимизда инсон манфаатлари давлат манфаатидан устун эканлиги белгилаб қўйилди. Инсон, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши ва демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши мустаҳкамлаб қўйилди.

Инсоннинг шахсий ҳуқуқларидан энг олийси унинг яшаш ҳуқуқи бўлиб, мустақиллик арафасида жиноят қонунчилигида 30 дан ортиқ моддада содир этилган жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган эди. Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан мустақиллик йилларида ўлим жазосини бекор қилиш мақсадида изчиллик билан

мазкур жиноий жазо либераллаштириб борилди ва 2008 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазоси бутунлай бекор қилинди.

Шу билан биргаликда, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, фуқароларнинг шахсий даҳлсизлик ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига алоҳида урғу бердилар. Жумладан, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши, бу борадаги ислоҳотлар муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига боғлиқлиги ҳамда юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичи эканлигини таъкидлаб ўтди. Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ушбу йўналишдаги таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишга, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғуси янада ортишига хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор, умуминсоний қадриятлар устувор бўлган, маънавий меросни ва диний қадриятларни тиклаб, инсон ҳуқуқларини устувор соҳа даражасига кўтара олган мамлакатдир. Шундай экан, мамлакатимизда тарихан таркиб топган миллий маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиб, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириб, аҳоли ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиб, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат ғояларини тушунтириб ва тарғибот ишларини олиб бориб, инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни умуммиллат даражасида ривожлантириб, ўтмишимизни теран ҳис этиб, халқимизнинг руҳиятини, унинг тарихий ва миллий ўзига хос жиҳатларини, анъана ва урф-одатларини, инобатга олган ҳолда иш тутишимиз даркор.

ЯНВАР
(5 ҳафта)

т/р	Январ ойининг тахминий иш режаси	Ҳафта	Кунлари
1	Декабр ойи иш режаси таҳлили	1-ҳафта	10-14 январ
2	Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг "Янги йил" табриги асосидаги давра суҳбати.		
3	2012- йил – **"**Мустаҳкам оила" йили Давлат дастурини тузишга доир таклифлар.		
4	"Оиланинг қонун асосида шаклланишининг бошланиши" мавзусида давра суҳбати ташкил қилиш		
5	Талабаларнинг ўқув фанларидан ўзлаштириши мониторинг қилиш.		
6	14 январ **—** Ватан ҳимоячилари куни.	2-ҳафта	16-21 январ
7	"Ватан азиз, жасорат мангу" мавзусида бадиий кеча ташкил этиш.		
8	Каримов. И. А. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асари асосида иншолар танловини ташкил қилиш.		
9	30 январ **—** Ўзбекистон Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик		

	Ташкилотига қабул қилинган кун		
10	“Авесто” ва унинг баркамол инсон маънавиятини шакллантиришдаги ўрни	3-ҳафта	23-28 январь
11	Мустақиллик ва оила ҳуқуқи		
12	Миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни		
13	Президентимиз И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари маънавий баркамолликнинг асоси		
14	23 январ - Камолиддин Беҳзод номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти таъсис этилган кунига бағишланган маъруза.	4-ҳафта	30-31 январ
15	Талабалар билан Жиззах вилояти худудида жойлашган Ўлкашунослик музейига сайёҳат		

Январ ойининг муҳим саналар

2- январ. Ўзбекистон Республикаси Жаҳон метеорология ташкилотига (ЖМТ) аъзо бўлган кун (1993 й.).

3-январ. Ўзбекистон Республикаси Миллий давлат китоб палатаси ташкил топган кун (1926 й.).

10-январ. Ички қўшинлар ташкил топган кун (1992 й.).

14-январ. Ватан ҳимоячилари куни (1993 й.).

23-январ. Камолиддин Беҳзод номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти таъсис этилган кун (1997 й.).

24-январ. Республика "Байналмилал" маданият маркази ташкил топган кун (1992 й.).

26-январ. Бутунжаҳон Божхоначилар куни (1983 й.).

28-январ. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпания ташкил топган кун (1992 й.).

30-январ.Ўзбекистон Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига қабул қилинган кун (1992 й.).

30-январь. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти, давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов туғилган кун (1938 й.).

1 ҲАФТА

ЯНГИ ЙИЛ ҲАР КИМНИНГ ВА ҲАР КУНИМИЗНИНГ БАЙРАМИ СИФАТИДА КИРИБ КЕЛМОҚДА!

Янги йил: у қаерда қандай кутиб олинади?

Италияликлар Янги йил кечасида деразаларидан эски буюмларини улоқтиришлари сизга маълум бўлса керак. Уларнинг деразасидан кўчага гул тувак, эски стуллар, оёқ кийимлар, майда буюмлар ва яна шунга ўхшаш кўплаб ашёлар «учиб тушади». Баъзида улар орасида қимматбаҳо жиҳозлар ҳам бўлади. Улар бундан зинҳор ҳайиқишмайди. Сабаби италияликларнинг фикрича, қанча кўп нарсани ирғитишса, уларга Янги йилда шунча кўп бойлик олиб келади.

Венгрияда Янги йил куни пулга ювинишар экан. Уларнинг фикрича, бундай қилишса уларга йил бўйи муҳтожлик яқин йўламас эмиш.

Хитойда Янги йил базми мушакбозликсиз ўтмайди. Янги йил кечасида турли хил шаклдаги мушаклар Хитой осмонини безайди. Хитойда яна бир ажойиб одат бор – Янги йилнинг биринчи кунида сўкиниш ва ўзаро жанжаллашиш қатъий таъқиқланган.

Янги йил кирган куни Японияда 108 марта қўнғироқ чалинади. Кун чиқар юрт вакиллари ишонишадики, ҳар бир қўнғироқ чалинганда улардаги салбий ҳислатлар биттадан камаяди. Хусусан, очкўзлик, бахиллик, ёвузлик, калтабинлик, ялқовлик шулар жумласидандир. Шунингдек, Японлар Янги йил куни эшикларини учта дарахт барглари билан безайдилар. Буни ўзига хос маъноси бор. Яъни қарағай – узоқ умр рамзи, бамбук – садоқат рамзи, олхўри – ҳаётни севиш рамзи.

Янги йил дастурхони

Буюк Британияда янги йил дастурхони катта торт билан безатилади. Қадимий урф-одатга кўра унинг таркиби ҳозиргача ўзгармай келяпти. Байрам тортига кейинги йил тақдирини белгилаб берувчи қуйидаги нарсалар албатта қўшилиши керак: узук – оила рамзи, танга пул – бойлик рамзи, кичкина тақа – омад рамзи.

Данияда янги йил дастурхонидаги асосий таом олма билан қўшиб қовурилган ғоз ҳисобланади. Шунингдек уларда майиз ва долчин қўшилган гуручли бўтқа ҳам пиширилади. Одатга кўра уни ўзлари ейишмайди, балки бўтқа пиширилган идиш оғзини бутун янги йил кечасида очиқ қолдиришади. Уларнинг фикрича, уй ажиналари ўша ширин бўтқани ейишади ва йил бўйи хонадон эгаларига ёмонлик қилишмас экан.

Германияда янги йил кечаси парранда гўштидан овқат тайёрлаш анъана ҳисобланади. Англияда албатта дастурхонга арча шохлари билан безатилган пудинг (гуруч ва бошқа ёрмалардан творог ва мевалар қўшиб товада пиширилган овқат) қўйилиши шарт.

Вьетнамда эса аксинча, дастурхонга парранда гўшти қўйилмайди. Улар агар парранда гўштидан қўйсак, омадимиз учиб кетади дея ҳисоблашади. Уларда асосан ширинликлар дастурхонга тортилади.

Қорбобо ким ўзи?

Янги йилни қорбобосиз тасаввур қилиб бўлмайди албатта. Айниқса болажонлар учун у муҳим аҳамият касб этади. «Узоқ-узоқ ўрмонлардан ўтиб келган» инсоннинг совғасини олиш уларга ёқмайди дейсизми. Агар билсангиз қорбобо турли давлатларда ҳар хил ном билан айтилади. Масалан, Испанияда – Ноэль ота, Руминияда – Мош Джарилэ, Голландияда – Синте-Клаас, Англия ва Америкада – Санта-Клаус, Японияда - Сегацу-сан, Россияда Дед Мороз, Ўзбекистонда Қорбобо ва ҳоказо...

Қорбобонинг ўзига хос кўриниши бутун дунёда деярли бир хил. Ўша сиз билган қизил-оқ кийим, ажойиб қалпоқча ва «сеҳрли» соқол. Аммо бу кўринишни Қорбобомиз дарров ола қолмаган. Аввал бошида у плашда тасвирланган. XIX аср бошида голландияликлар унга хушбичим мўри тозаловчи «ролини» тақдим этишган ва уларнинг варианти бўйича у трубка ҳам чекар эди. Шу асрнинг охирларида ниҳоят унга ҳозиргидек четига мўйна тикилган қизил пўстинни «раво кўришди». 1860 йилда америкалик рассом Томас Найт Қорбобони илк маротаба соқол билан тасвирлади. Инглиз рассоми Тенниел эса кўп ўтмай кўнгли очиқ, хушмуомала ва қорин қўйган чол қиёфасини яратди. Буларнинг барчаси бирлашиб ҳозирги ўзимизнинг қадрдон Қорбобомизни «дунёга келтирди».

Қорбобо ҳақида турли хил қизиқарли фактлар, фильмлар ва асарлар ҳам мавжуд. Хусусан, америкаликларда шундай ҳазил бор экан. Янги йил кечасида ҳар бир америкалик эркак фарзандларини Қорбобо борлигига, хотинини эса унинг йўқлигига ишонтиришга ҳаракат қилар экан. Чунки аёллар Қорбободан сўрайдиган совғасини олиб беришга эрлари қийналиб қолишса керак-да.

Янги йил ҳақида қизиқарли фактлар

Жеймс Белуши исмли актёр ҳали унчалик машҳур бўлмаган вақтларида янги йил арафасида илк марта Қорбобо кийимини кийиб қўшимча пул ишлаб топган экан. Бир сафар унинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйишади. Аммо у барибир тарқатилмай

қолган совғаларни ўз манзилларига элтишга қарор қилади. Албатта уни биринчи чорраҳадаёқ тўхтатишади. Унинг гувоҳномаси йўқлигини билишгач эса, қўлига кишан солишади (шаҳардан ташқарида ҳайдовчилик гувоҳномасисиз юриш оғир жиноят ҳисобланган). Лекин кутилмаганда кўчадан ўтаётган болалар бу ҳолатни кўриб, бақириб дод-вой солишни бошлашади. Улар кўзида ёш билан «Санта Клаусимизни қайтариб беринг!» дея кўчани бошларига кўтаришади.

***

Ёзувчи О'Генри айнан Янги йил байрамидан миннатдор бўлиши керак. Уилям Сидней Портер (бу унинг ҳақиқий исми) ҳали ёзувчиликка қадам қўймаган вақтда 34 627 рақами билан америкадаги турмалардан бирига тушиб қолган эди. Озодликда унинг бир қизалоғи қолган ва у Янги йилда қизига бирор совға қилишни жуда хоҳлайди. Турмадагиларда ўз-ўзидан пул бўлмайди. Шунда у тақдирини ўзгартиришга аҳд қилади. У ҳикоя ёзади ҳамда уни журналлардан бирига юборади. Ва мўжиза ўзини узоқ куттирмади – Сидней Портернинг ҳикояси журналнинг Янги йил сонида О'Генри тахаллуси билан (бу унинг хаёлига келган биринчи исм эди) босиб чиқарилди. Ҳикоядан келган гонорар эвазига эса у қизалоғига ажойиб совға сотиб олади. Шу-шу, машҳур ёзувчи О'Генри дунёга келади.

ОИЛАНИНГ ҚОНУН АСОСИДА ШАКЛЛАНИШИНИНГ БОШЛАНИШИ

Оила халқ, миллат ҳаёти тарихининг бир бўлаги.
Унда аввало аждодлар насли руҳи, турмуш тарзи ва ўтмиш кечинмалари яшайди. Томчида қўёш акс этгани каби оилада аждодлар ҳаётининг наслий қадриятлари яшайди.
Т. Ҳўжаниёзов

Оиланинг қонун асосида шаклланишининг бошланиши" мавзусидаги давра суҳбатини ташкил этишдан **мақсад** Ўзбек миллий оиласининг тарихий ривожланиш босқичлари, ўзига-хос урф-одатлар ва қадриятларнинг шаклланиши жараёнида унинг ҳуқуқий асосини юзага келишини қарор топтиришдан иборат воқейликни талабалар онгига етказишдан иборат.

ОИЛА -МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСКАНИ

Оила- жисмонан соғлом, маънан баркамол, аҳлоқан пок ва юксак маънавиятли ёш авлодни тарбиялаш масканидир. Президентимиз И.А.Каримов, "Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда хаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди"[1] деган эди. Оиланинг маънавий-аҳлоқий ҳамда ижтимоий функцияларини кенгайтириш ҳамда давлат ва жамият томонидан ушбу жиҳатларни қўллаб-қувватлашни янада кўчайтириш мақсадида Президентимиз томонидан 1998 йилни "Оила йили" деб эълон қилинди. Натижада оиланинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган давлат дастури ишлаб чиқилиб, ижтимоий ҳаётга тадбиқ этилди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган оила сиёсати - бу давлат органлари, сиёсий партиялар, ННТ ларнинг шахс ва жамият манфаатига мос келадиган эр-хотин ҳамда уларнинг фарзандларидан иборат ижтимоий тузилмани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятидир. 1998 йил қабул қилинган "Оила кодекси" да муносабатларнинг барча жабҳалари регламентация қилинган. Олий Мажлис томонидан

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2008. -Б.56

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар айнан “Оила кодекси” мазмунида кўрсатилган мезонларнинг узвий давомидир.

Давлат дастурларида кўп болали ва кам таъминланган оилалар давлат томонидан муҳофаза этилган. Улар: “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни ташкил қилиш масалалари ҳақида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори (1994 йил); “Ишлаётган нафақахўрларга нафақаларни тўлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори (1995 йил); Президентимизнинг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (25 май 2004 йил) ва Вазирлар Маҳкамасининг Фармон ижросини таъминлаш бўйича 299-сонли қарори; “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги Фармони ва бошқа ўнлаб норматив хужжатлар ва қарорларни келтириб ўтиш мумкин.

Оила ўз мазмунига кўра жуда кенг кўламга эга бўлиб, юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий босқичларини ташкил этади. Шунинг учун ҳам оила махсус ўрганиладиган соҳа сифатида ҳозирги давр жамият ижтимоий-маънавий ҳаётини илмий жиҳатдан ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, давлатнинг вужудга келиши билан оилавий ҳаётни бошқариш ҳуқуқий характерга эга бўлган. Никоҳ – юридик жиҳатдан расмийлаштириш – нафақат эр-хотин олдига, балки оилага ҳам муайян даражада жавобгарлик қўйди. Ўзбек оиласининг ташқаридан сезилмайдиган ўзига хос ички қонун-қоидалари, ахлоқий мезонлари бор. Ўзбек оиласи болажон, бу ҳам бизга суннатдир. Ҳазрат Муҳаммад пайғамбаримиз ўз ҳадиси шарифларида марҳамат қилиб айтибдиларки, “Мен қиёматда ўз умматларимнинг кўп бўлиши билан севинишни истайман”.

Оилавий муносабатлар мустақил ҳодиса бўлиб унинг ички ишларига ҳеч ким беҳуда аралашишга ҳақли эмас. Шу сабабли оила муқаддас ва дахлсиз ҳисобланади. Расмий қилиб айтганда оила ўзига хос кичик бир давлатдир. Лекин оила осмондан тушмайди, оила жамият ташқарисида эмас, унинг таркибидадир. Оилавий муносабатлар жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, маънавий муносабатлар билан белгиланади ва улар таъсирида ўзгариб бораверади. Шунга кўра, ҳар бир жамият ўзига хос ва мос оила турини танлайди. Жамиятнинг ташкил топишида, унинг давомийлигини таъминлашда оила ижтимоий-демографик манба ҳисобланади.

2 ҲАФТА

14 ЯНВАР - ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ҳамда ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, сарҳадларимиз дахлсизлигини, осмонимиз мусаффолигини, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида улкан ишлар қилинди.

Мустақил Ўзбекистонда ушбу байрам 1992 йил 14 январда мамлакат парламенти мамлакат ҳудудидаги ҳарбий ўқув юртлар ва бошқа ҳарбий шаклларининг барча қисмлари ва бирлашмаларини Ўзбекистон Республикаси юрисдикция қарамоғига ўтиши тўғрисида қарори қабул қилингандан сўнг, 1993 йилда 29 декабрдаги қарорга кўра, 14 январ - Ватан

ҳимоячилари куни деб эълон қилинди. 2011 йили 31 октабр куни Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишони таъсис этиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Фармоннинг мазмунида давлатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларини барпо етишда салмоқли ҳисса қўшган шахслар, юқори профессионал маҳорати, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён қилган ҳарбий хизматчилар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича жанговар ҳаракатларда иштирок этган, заҳирага бўшатилган ёки истеъфога чиқарилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажаришда ҳалок бўлган ёхуд ярадор бўлган ва шикастланган ҳарбий хизматчиларни тақдирлаш масаласи кўтарилган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг олдига қўйидаги вазифалар қўйилган;

- Сарҳадларимиз хавфсизлигини таъминлаш, барқарор турмуш-тарзини таъмин этиш учун доимий ҳарбий тайёргарликка эга бўлиш, ўзининг профессионал тайёргарлигини замонавий билимлар билан бойитиб бориш;
- Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган кадрларни модернизация талабларига мос равишда ахборот-коммуникация тармоғлари билан самарали ишлай оладиган кадр қилиб тайёрлаш ва уларда ватанпарварлик руҳини юксалтириш;
- Офицер ва сержант кадрларни тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва уларни доимий равишда малакасини ошириб борадиган муассасаларда интелектуал жиҳатдан юксак аналитик ва стратегик фикрлаш қобилиятига эга жанговар ҳаракатларни моҳирлик билан режалаштирадиган соғлом аҳлоқий руҳий муҳитни юзага келтириш;
- Ҳарбий соҳада олиб борадиган ислоҳотларнинг муваффақияти калити маънавий-маърифий жиҳатдан етуклигига боғлиқ, шунинг учун ҳарбий мутахассис кадрларни ҳар томонлама юксак маънавиятли бўлишига эришишдан иборат...

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилаётган мутахассис кадрларга яратиб берилаётган имкониятлар қўйидагилардан иборат;

Биринчидан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, жумладан, яшашлари учун замонавий турар-жойлар бунёд этилиб хизматчиларга топширилмоқда.

Иккинчидан, харбий хизматчиларни замонавий тиббий хизматдан фойдаланишида катта имтиёзлар бериш, моддий-маиший шароитини яхшилаш мақсадида давлат дастурлари эълон қилиниб, дастурлар ижроси таъмин этиб келинмоқда.

Учинчидан, сўнгги беш йилда ҳарбий унвонлар бўйича бериладиган ойлик маошлар, ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули саккиз мартадан кўпроқ оширилди.

Тўртинчидан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини янада ошириш мақсадида, олий ўқув юртига киришда имтиёзлар белгилаб қўйилиб, уларнинг ишга жойлашишида ҳам амалий ёрдамлар бериб борилмоқда.

Умуман олганда, Озод ва обод Ватанимиздаги бугунги тинч ва осуда хаёт ҳамжиҳатлик ва фаровонлик бебаҳо бойлигимиздир. Халқимиз азалдан тинчлик ва осойишталикни Ватан, она, озодлик каби муқаддас тушунчалар қаторида улуғлаб, эьзозлаб келади. Ватан озодлиги, тинчлиги ва хавфсизлиги ҳимоячилари эса мудом ҳурмат –эьтиборда. Куролли Кучлар сафида хизмат қилишнинг нуфузи ортиб бу йигитларимиз учун эзгу орзуга айланди. Ҳарбий хизмат ёшларимизни жисмонан ва маънан чиниқтириши билан бирга, улар қалби ва онгида ватанпарварлик, фидоийлик Ватани ва халқига садокат каби фазилатларни мустаҳкамламоқда.

3 ҲАФТА

МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ, АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР – ИБРАТ ЎЧОҒИ

Халқимиз томонидан миллий муомила маданияти, ўзаро муносабат этикаси ва меъёри яратилган.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ И.А. КАРИМОВНИНГ “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ” АСАРИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИКНИНГ АСОСИ

“Маънавият” тушунчасининг мазмуни фақат “маъни”, “маъно” деган сўзлар доирасида чегараланиб қолмаслиги, инсоннинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланганлиги ва бу тушунча одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутиши таъкидланган

“Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир” деб таъкидлайди Ислом Каримов. Бугунги кунда маънавият тушунчаси инсон билан боғлик бошқа тушунчалар билан бирга онгу тафаккуримизда яхлит тизим сифатида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда.

Асарда маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар, инсоннинг руҳий покланиши ва қалбан улғайиши ҳақида гапирганда қуйидаги масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган:

Ҳалол ва пок яшашни ҳаётий эътиқод, олий мақсад дегувчиларнинг борлиги;

Ҳаётнинг маъно-мазмунини ўзича талқин қиладиганлар ҳам оз эмаслиги;

Президентимиз юқоридаги фикрларга изоҳ бериш мақсадида муқаддас китоблар, мутафаккир аждодлар меросига мурожаат қилади, уларда инсон ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка чақирилиши, лекин турли қийинчиликлар, азоб-уқубатларга дуч келиши, ҳозирги кунда ҳам машаққат, оғир синов ва тўсиқлар, муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келаётганини ёзган.

Инсон маънавий оламининг юксалиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш – одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон эканлиги кўрсатилган.

Маънавиятнинг яна бир муҳим хусусияти одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қилишида намоён бўлиши асарда кўрсатиб ўтилган. 150 йиллик мазлумлик даври мисол келтирилиб, халқимиз, ўзини, ўзлигини йўқотмаганлиги, тилини ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолганлиги, ноҳақликлар, зўравонликларга қарамасдан халқ халқ бўлиб қолганлигини, ўзининг беқиёс ички қобилият ва салоҳиятини ишга солиш, уни руёбга чиқариш ҳисобидан эса тараққиётга эришаётганимиз келтирилган.

“Юксак маънавият — енгилмас куч” китоби ўз салоҳиятимиз ва имкониятларимизга бўлган ишончимизни янада мустахкамлайди. Чунки у халқимизнинг ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган буюк маънавият сохиби эканини, аждодларимизнинг қандай улуғ зотлар бўлганини, она юртимизнинг беқиёс имкониятларини кўз олдимизда ёркин гавдалантириб беради, уни ўқиган ҳар бир ўқувчининг виждонини уйғотади.

Шунингдек, асарда маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган муқаддас динимиз ҳақида, тарихий жараёнлар, келиб чиқиши ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

И.А. Каримов динимиз эзгулик, тинчлик, меҳр-оқибат дини эканини ўқтириб, бундай деб ёзади: “Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб,ҳаёт

маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз”

Дин миллат, халқ,таъбир жоиз бўлса , инсоният маънавиятининг таркибий қисмидир. Аждодларимиз зардуштий динида оловга сиғинишган. Ислом динига эътиқод қилишимизга 1300 йилдан ошган бўлса-да, ҳамон зардуштийликнинг элементлари учраб туради – момоларимизнинг қора пилиги, чироғида, келинларимизни никоҳ куни оловдан айлантиришимизда.

Маълумки, бугунги кунда ислом динини ниқоб қилиб, ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишга уринаётган ҳар хил фирқа ва оқимлар билан динимиз ўртасида ҳеч қандай боғликлик йўқ. Китоб муаллифи бу ҳақда жуда куйиниб, дину диёнатимизни бузадиган бундай ҳолатларга қарши доимо сергак ва хушёр туриш, бу каби ҳаракатларга ҳеч қачон йўл қўймаслик зарурлигини алоҳида уқтириб ўтади.

Асарда катта ифтихор ва мамнуният билан ислом маданияти равнақи ва тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган ватандошларимиз, буюк мутафаккир ва алломаларимиз, уларнинг инсониятга келтирган фойдасига тўхталиб ўтилган. Масалан:

“Муҳаддислар султони” Имом Бухорий, унинг китоби – “Ал-жомеъ- ас-саҳиҳ” асари;

Шарқ оламида “Бурҳониддин ва миллат”, яъни “Дин ва миллатнинг ҳужжати” деган юксак унвонга сазовор бўлган Марғиноний ва унинг эллик етти китобдан иборат “Ҳидоя” – “Тўғри йўл” асари;

Шунингдек, Абдуҳолиқ Ғиждивоний ва Баҳоуддин Нақшбандий ва уларнинг ибратли ишлари тўғрисида тўхталиб ўтилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мазкур асарда маънавий баркамол шахсни тарбиялаш масаласининг устивор жиҳатлари акс этагн бўлиб, маънавиятни ўрганиш уни яна бир бор ҳис этиш учун концептуал асар ҳисобланади.

4 ҲАФТА

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД

Шарқ мусаввирлик (рассомлик) санъатида ёрқин юлдуз бўлиб порлаган алломалардан бири – Камолиддин Беҳзод. У ўз замондошлари томонидан мусаввирлар пешвоси, музаҳҳиблар етакчиси, устози деб эътироф етилган. «Иккинчи Моний» деган фахрий унвонга сазовор бўлган, Европада «Шарқ Рафаэли» деб тан олинган.

Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод Ҳиротда туғилган, шу ерда ўсиб, шу ерда мусаввир сифатида шаклланган. Тарихчиларнинг ёзишича, ёш Беҳзодни таниқли мусаввир Мирак Наққош ўз тарбиясига олган. Ёш рассом ўзидан олдин ўтган мусаввирлар анъаналарини ўрганди, уни янада ривожлантирди, бойитди, камолга етказди. Бунда мутафаккир Алишер Навоийнинг мураббийлик фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Навоийнинг кутубхонасида замонасининг етук санъаткор (мусаввир ва хаттот)лари ижод билан банд бўлганлар. Беҳзод ана шу муҳитда камол топган.

Беҳзод рассом сифатида танилгач, Султон Ҳусайн Бойқаро саройига хизматга чақирилди. Маълум вақтдан сўнг сарой кутубхонасининг раҳбари етиб тайинланди. Кейинчалик «Беҳзод академияси» деб аталган бу ерда қизғин ижод билан банд бўлди, кўплаб мўтабар қўлёзмаларни яратишга раҳнамолик қилди, маълум қисмини зийнатлашда шахсан иштирок етди. Бир қатор замондошларининг (Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон) портретларини чизди.

1520-йилда сафавийлар шоҳи Шоҳ Исмоил Беҳзодни ўғлига расм ўргатиш учун Табризга таклиф этади, кейинчалик ўз кутубхонасидаги барча китобат аҳли (котиб, наққош, музаҳҳиб, жадвалкаш, ҳалкор, заркўб ва бошқалар)га мутасадди қилиб

тайинлайди. Беҳзод кўп йиллар Табризда Султон Муҳаммад, Оға Мирак, Мир Мансур каби мусаввирлар билан ҳамкорликда ижод қилди. Тарихий маълумотларга кўра Беҳзод ҳаётининг охирида Ҳиротга қайтган ва шу ерда вафот этган.

Ўз фаолияти ва ижоди билан мусаввирлик (миниатюра) санъатининг кейинги тараққиётини белгилаб берган Беҳзод ўз замондошлари томонидан юқори баҳоланган. Унинг асарларида табиат жонли, ҳаёт манзаралари аниқ, ҳаққоний, ишонарли ва таъсирчан тасвирланган. Чизиқлар нозик, ранглар нафис ишланган. Портретларида инсон, унинг руҳи, қиёфаси, ҳис-туйғуларини акс эттиришга аҳамият берган. Саъдийнинг «Бўстон», «Гулистон», Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут тайр», Низомий, Хисрав Деҳлавий, Алишер Навоийларнинг «Хамса», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» каби асарларига миниатюралар ишлаган. Беҳзод асарлари билан безатилган қўлёзмалар Ўзбекистон, АҚШ, Буюк Британия, Эрон, Россия ва бошқа давлатлардаги кутубхона, қўлёзма фондлари, музейлар ва шахсий мажмуаларда сақланади.

Беҳзод ўз ижоди ва фаолияти билан шарқ миниатюра санъати хусусиятларини сақлаган ҳолда, уни янги ижодий анъаналар, мазмун ва янги мавзулар билан бойитди. У анъанавий маиший лавҳалар, учрашувлар, жанг лавҳалари, зиёфат, расмий қабул маросимлари, қалъа қамали кабилар билан бир қаторда масжид қурилиши, ариқ қазиш, боғ бунёд етиш каби мавзуларда асарлар яратди. Шунингдек, замондошларининг қиёфалари акс этган портретлар ишлади.

Беҳзод устоз санъаткор сифатида Ҳирот ва Табризда бир қанча шогирдларни тарбиялаган. Қосим Али, Дарвиш Муҳаммад, Мақсуд, Музаффар Али, Маҳмуд Музаҳҳиб каби шогирдлари Беҳзод анъаналарини Ўрта Шарққа ёйиб, Беҳзод миниатюра мактабини шакллантирдилар.

Ўзбекистонда Беҳзод анъаналари 20-асрга келиб Усто Мўмин (А.Николаев), Ш. Ҳасанова, Ч. Аҳмаров, Қ. Башаров, Т. Муҳамедов, Т. Саъдуллаев, Ж. Умарбеков, Ш. Муҳаммаджонов каби рассомлар ижодига ижобий таъсир кўрсатди. Беҳзод ижоди ва мероси кенг ўрганилмоқда. Унинг номини абадийлаштириб Камолиддин Беҳзод номидаги давлат мукофоти таъсис этилган (1997). Миллий рассомлик ва дизайн институтига Беҳзод номи берилган. Тошкентда Беҳзод номидаги мемориал боғга асос солинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ - МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ ЭГАСИ

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати - ўзбек. Олий маълумотли, Ўрта Осиё Политехника ва Тошкент Халқ хўжалиги институтларини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлаган. 1961 йилдан 1966 йилгача В.П.Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан Республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда И.Каримов Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида И.Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни И.Каримов тарихий воқеа - Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрида муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1995 йил 26 мартида бўлиб ўтган умухалқ референдуми якунларига кўра И.Кармиовнинг Президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди.

И.Каримов оилали, икки нафар фарзанди, уч набираси бор. Рафиқаси Т.А.Каримова - иқтисодчи илмий ходим.

И.Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик хуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони, “Мустақиллик” ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган.

И.Каримов Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айни пайтда у тўққиз ҳорижий мамлакат университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиклигига сайланган.

Ўзбекистон халқи қуйидаги ютуқларни хақли равишда И.Каримов номи билан боғлайди:

- Давлат мустақиллигига эришиш ва уни мустаҳкамлаш;
- Демократик, хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши;
-Ўз тараққиёт йўлини аниқлаб олиш, бозор ислоҳотларини муваффақиятли ўтказиб бориш;
- Кучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши;
- Жамиятнинг маънавий янгиланиши;
- маданий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш;
- инсоният, жамият келажаги бўлган соғлом авлод учун кураш;
- мамлакат халқаро обрў-эътиборининг ошиши, жаҳон миқёсида иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши;
- сиёсий барқарорлик, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиб туриши.

Президент асарлари

И.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон - келажаги буюк давлат” “Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати”,“Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари”, “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”, “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” “Бунёдкорлик йўлидан”, “Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”, “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”, “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”, “Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезон ва мақсадидир”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, “Ватанимизнинг босқичма – босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш бизнинг олий мақсадимиз”, “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устивор мақсадимиздир”, “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”, “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”, “Юксак маънавият-енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”.

И. А. Каримов олган мукофот ва унвонлари

1992 йил 16 декабр - Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга Қохира “Ал-Ахзар” университетининг фахрий доктори унвони берилди. Бу унвон И.Каримовга ислом динини ҳимоя қилиш ва диний олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдаги хизматлари учун берилди.

1993 йил июн - Президент И.Каримов ўзбек-америка муносабатларини ривожлантиришдаги ҳиссаси учун Ню-Жерси штатининг фахрий фуқароси этиб сайланди.

1995 йил 25 январ - Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Калифорния Фан, таълим, ишлаб чиқариш ва санъат халқаро Академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди. Бу унвон Президентимизга Ўзбекистонда тинчликни сақлаш ва миллатлараро келишмовчиликларни бартараф этишдаги кўрсатган хизматлари учун берилди.

1995 йил 6 февраль - Лозанна шаҳрида Халқаро Олимпия қўмитасининг қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовга тантанали равишда Олимпия олтин ордени топширилди.

1996 йил 7 май - Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) Ўзбекистон Республикаси Президентини Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳимоячиси сифатида эътироф етиб, И.Каримовни Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Олтин медали билан тақдирлаш ҳақида Қарор қабул қилди. И.Каримов жаҳон давлатлари орасида бу медал билан тақдирланган биринчи президент бўлди.

1996 йил 27-28 май - Баку университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовга тантанали тарзда Баку университетининг фахрий доктори унвони берилди.

1996 йил 29 май - Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти раҳбари Арпад Богш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов билан учрашиб, уни ЖИМТ нинг 7 майдаги И.Каримовни Олтин медал билан тақдирлаш ҳақидаги қарори билан таништирди ва бу медални И.Каримовга топширди.

1996 йил 29 август - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовни “Мустақиллик” ордени билан тақдирлаш тўғрисида”ги Қарори.

ФЕВРАЛ
(4 ҳафта)

т/р	Феврал ойининг тахминий режаси	Ҳафта	Кунлари
1	Январ ойи иш режасининг бажарилиш таҳлили	1-ҳафта	1-4 феврал
2	Тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш		
3	“Мустаҳкам оила йили” Давлат Дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар бўйича мулоқот уюштириш		
4	“Мустақиллик ва эзгулик монументи” ўзбек ҳалқининг миллий ғоясининг рамзи” эканлиги ҳақида суҳбат		
5	“Буюк ўзбек шоири, мутаффаккир, давлат арбоби Алишер Навоий - миллий маънавиятимизнинг буюк сиймоси” мавзусида мулоқот	2-ҳафта	6-11 феврал
6	Орол муаммосига бағишланган матбуот конференцияси ташкил этиш		
7	Институт “Талабалар уйи”да ва ижарада яшовчи талабаларнинг яшаш шароити билан танишиш		
8	Бобур таваллуд топган кунга бағишлаб давра суҳбати ўтказиш	3-ҳафта	13-18 феврал
9	Огоҳлик ва хушёрлик ҳақида мулоқот		
10	Иккинчи ёзги семестр бошланишини назорат қилиш		
11	Уч авлод учрашуви тадбирини ташкил этиш		

12	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари тақдимотини ўтказиш	4-ҳафта	20-25 феврал
13	Фан янгиликлари ҳақида иқтидорли талабалар билан суҳбат ўтказиш		
14	Институт раҳбарияти билан талабаларнинг очиқ мулоқоти	5-ҳафта	27-29 феврал
15	Талабаларнинг ўқув фанларидан ўзлаштириши мониторинг қилиш.		

Феврал ойининг муҳим саналари

1-феврал. Ҳалқаро кураш ассоциацияси (ўзбек кураши) ташкил топган кун. (1999 й.).

2 - феврал. Республика “Оила” илмий – амалий маркази ташкил топган кун (1998 й.).

9-феврал. Буюк ўзбек шоири, мутаффаккир, давлат арбоби Алишер Навоий таваллуд топган кун.

14-феврал. Шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласининг асосчиси Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун.

1 ҲАФТА

МАЪНАВИЯТНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Албатта, ҳар қайси ҳалқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Ислом Каримов

Халқимиз маънавиятининг тарихий илдизлари заминимизда яратилган қадимги тош битиклар, ривоялар, афсоналар, ҳикоятлар ва достонларга, яъни халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Спитамен, Алпомиш, Гўрўғли, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги ривоят ва достонларда ватанпарварлик, мардлик, дўстлик, садоқат, вафо, халқ ва юрт озодлиги улуғланган.

“Алпомиш” достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, “Алпомиш” ана шу достоннинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади. “Алпомиш” достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз қўрғонини қўриқлашга, дўст ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади. Алпомиш тимсолида биз Ватанимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрашга қодир, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган азамат ўғлонларимиз – бугунги алпомишларнинг маънавий қиёфасини кўрамиз.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган ёдгорликлар орасида бундан қарийиб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган, “Авесто” деб аталадига бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутади. “Авеасто” нинг туб маъно – моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган

бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идиалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир.

Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби мутафаккирлар, ал-Бухорий, ат-Темизий, Марғиноний, Замаҳшарий, Насафий, Нажмиддин Кубро, Нақшбанд каби илоҳиёт илмининг забардаст алломалари, Лутфий, Новоий, Бобур, Бедил каби зотларнинг бой мероси маънавиятимизнинг бой заминлари ҳисобланади.

Замонавий ислом илоҳиётчиларининг Имом Бухорий асрларини Қуръондан кейинги муқаддас китоблар сифатида тан олаётгани, Имом Термизий ва Нақшбанд қабрлари муқаддас қадамжоларга айлангани бежиз эмас.

Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Новоий каби улуғ зотларнинг бутун жаҳонга машҳур бўлган “Саодатнома”, “Гулистон” ва “Бўстон”, “Баҳористон”, “Ҳамса” каби асарлари маданиятимиз хазинасида катта ўрин эгаллаган.

Маданий маънавий меросимизда Амир Темурнинг “Темур тузуклари” катта аҳамиятга эга. “Темур тузуклари” да ижтимоий – сиёсий масалалар билан бирга маънавият масаласига ҳам катта аҳамият берилган. Ушбу асар Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган, кўп марта чоп этилган. Унда сиёсатдоннинг юриш – туриши, сиёсат бобидаги фаолияти, халқ, қўшин, уламолар, арқони давлат учун асосий мезон бўладиган маънавият тамойиллари ўша замон нуқтаи назаридан баён қилинган.

Амир Темурнинг тарихимиздаги ўрни ва мамлакатни озод қилишдаги хизмати катта. Унинг моҳир давлат арбоби, тажрибали сиёсатдон сифатидаги ўгит ва насиҳатлари кейинги даврнинг сиёсий арбоблари учун ҳам қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек “Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади”.

2012 йил – “Мустаҳкам оила йили”

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Конститутциямиз қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган тантанадаги нутқида 2012 йилни “Мустаҳкам оила” йили деб эълон қилишининг сабаблари **(Ахборот гуруҳи)**

2.”Мустаҳкам оила” тушунчасининг мазмун-моҳиятини ёритиш. **(Таҳлил гуруҳи)**

3. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари. **(Ахборот гуруҳи)**

4. Мустаҳкам Оилани мустаҳкамловчи омиллар **(Эксперт гуруҳи)**

Муҳокама учун саволлар:

1.2012 йил нима учун Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинди?

2.Оила тотувлиги нималарда деб биласиз?

3.Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила масаласи ҳақида нималар дейилган?

4. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг тузилиши қандай ва унинг бандларида қайси масалаларга алоҳида эътибор берилган?

5. “Оила” илмий – амалий маркази ҳақида нима биласиз?

Оила ижтимоий институт

Оиланинг ҳаёти моддий ва маънавий жараёнлар билан характерланади. Оиланинг маънавий олами серқирра ҳодиса бўлиб, наинки оиланинг жамиятдаги сиёсий – ижтимоий мавқеини, балки тарихий тараққиётга хос хусусиятлари, шунингдек, иқтисодий имкониятлари, демографик ва этнографик, этнопедагогик ва этнопсихологик анъаналарни ҳам қамраб олади.

Оиланинг шакл ва функциялари мавжуд ижтимоий муносабатлар характери, шунингдек, жамиятнинг маданий тараққиёти даражасига боғлиқ. Айни вақтда, оила

Оила жамият ижтимоий таркибининг муҳим элементи сифатида ўзига хос ижтимоий вазиффаларни бажаради. Оиланинг ижтимоий вазифаси деганда, оила ва унинг аъзолари ҳаёт фаолияти, фаолликни намоён қилиш усулига бағишланади, яъни биологик кўпайиш, тарбиявий, хўжалик-иқтисодий, ўзаро ёрдам, коммуникатив, регулятив.

Оиланинг вазифаларига, асосан – авлодни давом эттириш, болалар тўғрисида ғамхўрлик, уй-хўжалик ишларини юритиш, қариялар тўғрисида ғамхўрлик, бурч ва мажбуриятларни ҳис қилиш, муомала талабларини қондириш, бўш вақтдан унумли фойдаланиш кабилар киради.

Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари:

1. Фарзанд дунёга келгач, унга чиройли исм қўйиш.

2. Фарзанднинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир айтиш.

3.Фарзандга ақиқа қилиш (“Ақиқа” – ҳар бир чақалоқнинг она қорнидалик вақтида чиққан сочи бўлиб, у чақалоқ туғилганига бир ҳафта бўлган куни олб ташланади. Шу муносабат билан қурбонлик қилинадиган жонлиғ ҳам “ақиқа” деб аталади. Агар янги туғилган чақалоққа ақиқа қилинмаса, унга исм қўйилиб, танглайи хурмо билан кўтариб қўйилади.).

4. Фарзандга илм ўргатиш (Диний ва дунёвий илмлар, касб – ҳунарни ўргатиш).

5. Фарзанд вояга етгач, ўғил бўлса, уйлантириш, қиз бўлса, кечиктирмай турмушга бериш.

Фарзанднинг ота – она олдидаги бурчлари:

1. Муҳтож бўлганда таомлантирмоқ.

2. Хизматини қилмоқ.

3. Чақирганда лаббай, деб жавоб бермоқ.

4. Гуноҳдан бошқа ишларга буюрса итоат этмоқ.

5. Ота-она билан юмшоқ муомалада гаплашмоқ.

6. Ота-онани, қодир бўлса, либос билан таъминламоқ.

7. Ота-онанинг орқасида юрмоқ.

8. Ўзи рози бўладиган нарсани ота-онасига ҳам раво кўрмоқ.

9. Ўзига ёмон кўрган нарсани ота-онага раво кўрмаслик.

10. Доимо ўзи учун дуо қилганда, ота-онага раво мағфират сўраб дуо қилмоқ.

Алломалар оила ҳақида

Одам фақат оиладан ҳақиқий маънавий ва руҳий озуқа олади, инсон бўлишни ўрганади.

Форобий

***

Ҳеч бир халқ оила, никоҳ муносабатларидан ҳоли эмас, оила қуриш ҳамма миллат ва халқ учун табиий ҳол. Ҳиндистонда ёшларни ўспиринлик вақтида уйлантирадилар. Эр билан хотин ўртасини ўлимдан бошқа ҳеч нима айира олмайди, ҳиндларда талоқ қилиш йўқ.

Беруний

****

Оилада ёшлигидан бошлаб, ҳар бир инсоннинг негизи шаклланади, у яхши ёки ёмон, бахтли ёки бахтсиз бўлишига шу ерда асос солинади.

Фитрат

***

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму хаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади.

И.Каримов

2 ҲАФТА

АЛИШЕР НАВОИЙ - МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ БУЮК СИЙМОСИ

Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.

Ислом Каримов

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат арбоби, ўзбек адабиёти ва тилининг асосчиси Алишер Навоий Ўрта Осиёнинг маънавий ва маърифий фикр тараққиётида алоҳида ўрин тутади.У адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига оид қирқдан ортиқ асар яратди. “Чор девон”, “Ҳамса”, “Маҳбубул қулуб”, “Муҳокаматул луғатайн”, “Мажолисун нафоис”, “Лисонут-тайр” ва бошқалар шулар жумласидандир.

Навоий ўз асарларида золим, мустабид, нодон, маишатпараст шоҳ ва ҳукмдорларни қоралаб, уларга қарши инсонпарвар, ҳалқпарвар одил, адолатли ҳукмдор образини қўяди.

Одами эрсанг демагил одами.
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

Мазкур байт Навоий маънавияти ва инсонпарварлигининг марказий нуқтаси десак, ҳеч янглишмаймиз. Навоий бутун умри бўйича инсонпарварликни, одамийликни куйлаб, уни улуғлаб ўтган. Кишилар ғамида бўлиш, яхшилик қилиш, мурувват кўрсатиш бу буюк зот ҳаётининг мазмуни бўлган. Унинг қабрида мана бу сўзлар битиб қўйилган: “Шоҳи ғарибон”, яъни ғариблар, ёлғизлар, фақирлар шоҳи.

Навоий саховат ва мурувватда абеназир инсон бўлган.Ўзиинг жойларидаги ер-сувлари, мол-мулкларидан келган даромадларини тўлалигича хайрия ишларига сарфлаган.

Биргина Ҳирот шаҳрида ўзининг жамғармаси ҳисобидан қанчадан-қанча бинолар, иншоотлар барпо этган. Инжил каналининг жануб томонида катта тиббиёт ўқув юрти ва шифохона барпо эттирган, уларга таниқли табиб ва дришуносларни жалб этган.Ихлосия мадрасаси ёнида катта сарой қурдириб, ундаги меҳмонхонада камбағал бева-бечораларни текин овқат билан таъминлаган.Муҳтож кишиларга ҳар йили икки мингпўстин ва кийим кечак тарқатган.Бундан ташқари канал қаздириб, Машҳад шаҳрига сув келтирган.

Навоий бундан 570 йил аввал илгари сурган ғоялари асрлар оша аҳамиятини, ҳаётийлигини йўқотгани йўқ, Президентимиз Ислом Каримовнинг инсонпарварлик, халқлар тинчлиги учун олиб бораётган кураши билан ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда.

Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлардан бири заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари эканлигини таъкидлаб, Алишер Навоий бобомиз ҳақида қуйидаги

фикрларни билдирганлар: “...Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан яна бири – бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз.

Алишер Навоий:

А) халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс;

Б) миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси;

С) миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир.

Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон бир инсон йўққи, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз”.

Алломанинг “Бадойи ул-бидоя” (“Бадиийлик ибтидоси”), “Вақфия”, “Хамса” (“Хайрат ул-аброр”, (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”), “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” (“Етти сайёр”), “Садди Искандарий”), “Наводир ун-ниҳоя” (“Беҳад нодирликлар”), “Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар қаймоғи”), “Ҳолоти Сайид Хасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” (“Беш ҳайрат”), “Насоим ул-муҳаббат” (“Муҳаббат шаббодаси”), “Мезон ул-авзон” (“Вазнлар ўлчови”), “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”), “Ғаройиб ус-сиғар” (“Болалик ажойиботлари”), “Наводир уш-шабоб” (“Йигитлик даври нодирликлари”), “Бадойеъ ул-васат” (“Ўрта ёш кашфиётлари”), “Фавойид ул-кибор” (“Кексаликдаги фойдали мулоҳазалар”) , “Муфрадот”, “Ситтайи зарурия”, “Фусули арбаа”, “Лисон ут-тайр”, “Муҳокамат ул-лўғатайн”, “Маҳбуб ул-қулуб” каби асарлари жаҳон дурдонаси ҳисобланади.

Аллома ҳикматларидан:

Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,
Эрур ҳамомдин нопок чиқмоқ.

***

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

***

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ҳам ўзини, ҳам элини гумроҳ этар.

***

Билмаганни сўраб ўрганган олим ва орланиб
Сўрамаган ўзига золим.

***

Илм ўқуб қилмаган амал мақбул,
Доно сочиб кўтармади маҳсул

***

Илм, Навоий сенга мақсуд бил,
Эмдики, илм ўлди, амал айлагил.

****

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

***

Бу дин илмики хомам қилди таҳрир,
Эрур фиқҳу ҳадису сўнгра тафсир.
Чу такмил ўлди бу уч илм, сен,бил
Яна ҳар илм майлин қилма, ё қил.

***

Жаҳон илмики бу кун менга ёд эрур,
Анга барча жаҳл аҳли устод эрур.

***

Камол эт касбим, олам уйидин
Сенга фарз ўлмагай ғамнок қиқмоқ.

***

Ким бўлса ҳунарсиз иши – ўқ ранжи эрур,
Бу важҳ ила ҳунари ганжи эрур.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри 1923 йилда ташкил этилган мусиқавий ансамбл, кейинчалик мусиқавий театрга айлантирилган жамоа негизида 1939 йилда ташкил топган. 1948 йил 26 мартда театрга Алишер Навоий номи, 1959 йил 11 июнда театрга Академик мақоми, 1966 йилда театр номига “Катта” мақоми берилган.

Театрнинг биринчи бадиий раҳбари “Халқ ҳофизи” унвонига сазовор бўлган машҳур хонанда Муҳиддин Қори Ёқубов бўлган. Театр таркибида дастлаб Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Зуҳур Қобулов, Бобораҳим Мирзаев, Нурхон Йўлдошхўжаева, Пўлатжон Раҳимов, Лутфихоним Саримсоқова, миллий рақс усталаридан Уста Олим Комилов, Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова ва Гавҳар Раҳимовалар, ёш ўзбек композиторларидан Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиқов, бастакорлардан Тўхтасин Жалиловлар ижод қила бошлайдилар. Драматурглардан Комил Яшин, Ғулом Зафарий, Шарофиддин Хуршидлар мусиқали театрнинг ривожланишида салмоқли ҳисса қўшганлар.

1947 йилда театр жамоаси А.Щусев лойиҳаси бўйича янги қурилган бинога кўчиб ўтади. 1950 йилларга келиб, ўзбек композиторлари томонидан мусиқали драматургиянинг талабларига тўлақонли жавоб бера оладиган мураккаб опера ва балет асарлари яратила бошланади. М.Ашрафийнинг “Дилором”, С.Юдаковнинг “Майсаранинг иши”, Т.Содиқов ва Р.Глиэрларнинг “Гулсара” опералари шулар жумласидандир.

Ўзининг санъати билан халқимиз меҳрини қозона олган бир қатор санъат усталари етишиб чиқдилар. Ўзбекистон халқ артистлари – Г.Измаилова, Б.Қориева, С.Қобулова, З.Давлетмурадова, Г.Ҳамроева, С.Ярашев, Н.Ҳошимов, Ж.Низомхўжаев, А.Азимов, С.Беняминов, Э.Йўлдошев, О.Кучликова, Р.Кучликова, Р.Лаут, В.Браун, А.Лёушкин, В.Гринченко, Г.Ханеданьян, Р.Боруховлар ва бошқалар.

Д.Вердининг “Риголетто”, А.Петровнинг “Пётр I”, Д.Вердининг “Отелло”, “Травиата”, “Дон Карлос”, А.Бородиннинг “Княз Игор” опералари, Р.Шедриннинг “Анна Каренина”, С.Прокофьевнинг “Золушка”, П.Чайковскийнинг “Оқ қуш кўли” ва “Уйқудаги гўзал” балет спектакллари М.Ашрафийнинг “Шоир қалби”, И.Акбаровнинг “Сўғд элининг қоплони”, опералари, А.Козловскийнинг “Тановор”, М.Левиевнинг “Суҳайл ва Меҳр”, У.Мусаевнинг “Тўмарис” балетлари муваффақият қозонади.

Республикамиз Мустақилликка эришганидан сўнг Давлат Академик Катта театрига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Театрнинг моддий ва техника базаси замонавий ускуналар билан қайта жиҳозланди.

АҚШ, Италия, Франция, Германия, Тайланд, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Малазия, Сингапур, Россия, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Жаҳон опера ва балет санъатининг йирик намоёндалари П.Д.Понелли, У.Фогель, П.Лонго, С.Сальвато, Г.Беркут, В.Спиваков, Е.Образцова, Г.Алексидзе, З.Соткилавалар билан ижодий ҳамкорлик қилинмоқда.

Сўнги йилларда ўзбек ва Европа композиторларининг бир қатор опера ва балет асарлари саҳналаштирилди. М.Бафоевнинг “Умар Ҳайём”, “Ал-Фарғоний” опералари, асарлари қоторларида Г.Мушелнинг “Қадимги Афросиёб афсонаси” балети, шунингдек М.Ашрафийнинг “Дилором”, С.Юдаковнинг “Майсаранинг иши”, И.Акбаровнинг “Сўғд элининг қоплони”, Масканьининг ”Қишлоқ ғурури”, Россининининг “Сивилия сартароши”, Т.Жалилов ва Б.Бровценларнинг “Тоҳир ва Зуҳра” опералари янги талқинда саҳналаштирилди.

М.Эргашевнинг “Хумо” миллий балети 2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг биринчи даражали Давлат мукофотига сазовор бўлди. М.Бафоевнинг “Севгим самоси” опера-балет спектакли 2009 йилги Давлат мукофотига номзодликка лойиқ деб топилди.

3 ҲАФТА

БОБУР ЎЗБЕК ҲАЛҚИНИНГ БУЮК ФАРЗАНДИ, МИЛЛИЙ ҒУРУРИ

(Заковот гуруҳлари)

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти ***(1-гуруҳ)***

2. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий, бадиий-адабий мероси ***(2-гуруҳ)***

3.”Бобур”номидаги халқаро экспедиция фаолияти ***(3-гуруҳ)***

Заковот саволлари:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Андижон тахтига чиққан пайтда Моваруннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол қандай эди?

2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур қандай тарихий зарурат ўз Ватанидан кетишга мажбур қилди?

3. Бобурнинг Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, инсоний фазилатлар, яхшилик, адолат, инсонпарварлик, юксак инсоний туйғуларни улуғловчи шеърларидан айтиб беринг.

4. Ҳиндистонда Бобур асос солган “Бобурийлар сулоласи”нинг Ҳиндистон тарихидаги ўрни ҳақида ҳинд ва жаҳон давлат арбоблари, тарихчи, адабиётшунос олимларининг фикрларидан мисоллар келтиринг.

5. ”Бобур”номидаги халқаро экспедиция қачон ва қаерда ташкил этилган?

6. Мустақиллик йилларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур қадриятини тиклаш бўйича қандай ишлар амалга оширилди?

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеъриятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, “Мубаййин” (“Баён этилган”), “Хатти Бобурий”, “Ҳарб иши”, Аруз ҳақидаги рисолалари эса ислом қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотиқ масалаларини тўғри йўлга қўйиш, боғ-роғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш, айниқса, унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг миқёсга ёйилди. Хиндистон санъати ва меъморчилигига Марказий Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади. Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илғор ва зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукаммал бир маънавий-руҳий муҳит вужудга келди. Бобурийлар давлатидаги маданий муҳигнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жавахарлаъл Неру шундай ёзган эди: “Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошка соҳалари эса бир-бирларига туташиб кетди”.

Бобур Ҳиндистонда катта ҳажмдаги давлат ишлари билаи бир қаторда ўзининг адабий-бадиий фаолиятини ҳам давом эттирди ва юқорида зикр этилган асарларини яратди. Бобурнинг бутун жаҳон оммасига машҳур бўлган шоҳ асари “Бобурнома”дир. Маълумки, унда Бобур яшаган давр оралиғида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган. Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи кисми — XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеаларни; иккинчи қисми — XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни; учинчи кисми — XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган. “Бобурнома” да ўша даврнинг сиёсий воқеалари мукаммал баён қилинар экан, ўз юрти Фарғона вилоятининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошка шаҳарлар ҳақида ниҳоятда нодир маълумотлар келтирилган. Унда Кобул улусининг йирик шаҳарлари Кобул, Ғазна ва улар ихтиёридаги кўпдан-кўп туманлар, вилоятлар, Шимолий Ҳиндистон ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

“Бобурнома” ни варақларканмиз, кўз олдимиздан Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларига хос бўлган фазилат ва нуқсонлар, уларнинг тафаккур оламини кенглиги ва мураккаблиги билан бирга, ўша даврдаги ҳаёт муаммолари, Бобур давлатидаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг тўлиқ манзараси намоён бўлади. «Бобурнома»да келтирилган бу тарздаги маълумотлар Бобур даврида ёзилган бошқа тарихий манбалар: Мирхонд, Хондамир, Муҳаммад Солиҳ, Биноий, Муҳаммад Ҳайдар, Фаришта, Абул-Фазл Алломий ва бошка тарихчиларнинг асарларида бу даражада аниқ ва мукаммал ёритилган эмас. Муаллиф “Бобурнома”да Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Беҳзод, Мирзо Улуғбек ва бошқа алломалар ҳақида ўзининг энг юқори фикр ва мулоҳазаларини билдиради.

“Бобурнома” — Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон халқларининг XV аср охири — XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўзида акс эттирган бўлса ҳам, шу билан бирга жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юқорида номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий

мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, халқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари — ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзида қамраб олган шоҳ асардир. Шу боис «Бобурнома» тарихий ва адабий мерос сифатида дунё олимларини ҳайратда қолдириб келмоқда.

Узоқ йиллар давомида Ғарб ва Шарқнинг машҳур шарқшунос олимлари «Бобурнома» мазмунини жаҳон жамоатчилигига етказиш борасида катта фаолият кўрсатдилар. Масалан, голландиялик олим Витсен, англиялик олимлар Ж. Лейден, В. Эрскин, Р. Колдекот, А. Бевереж, Т. Албот, германиялик Ю. Клайнрат ва А. Кейзер, франциялик Паве де Куртейл, ҳиндистонлик Мирзо Насриддин Ҳайдар Ризви, туркиялик Р. Р. Арт ва Н. И. Баюр ва бизнинг давримиздаги франциялик олим Бакке Громон, афғонистонлик олим Абулҳай Ҳабибий, покистонлик олимлар Рашид Ахтар, Надви ва Шоҳҳ Олам Мавлиёт шулар жумласидандир. “Бобурнома” ни ўрганиш соҳасида жаҳоннинг машҳур шарқшунослари қаторидан япониялик олимлар ҳам жой олмоқдалар.

Маълумки, Бобурнинг тарихий, илмий ва адабий меросини ўрганиш ва оммалаштиришда Ўзбекистан, Тожикистон, Россия олимларининг фаолиятлари ҳам диққатга сазовордир. XIX—XX асрлар давомида Георг Кер, Н. Ильминский, О. Сенковский, М. Салье, Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев, В. Зоҳидов, Я. Ғуломов, Р. Набиев, С. Азимжонова, А. Қаюмов каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан «Бобурнома» бир неча бор рус ва ўзбек тилларида чоп этилди, уларга сўзбоши ёзилди ва кенг китобхонлар оммасининг маънавий мулкига айлантирилди, унинг шеърлари ҳам бир неча бор нашр этилди.

Бобур ўзбек адабиётида ўзининг нозик лирик асарлари билан ҳам машҳурдир. Унинг ҳаёти ва адабий фаолияти Мовароуннаҳрда сиёсий ҳаёт ниҳоят мураккаблашган феодал гуруҳларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари авжига чиққан ва Темурийлар давлатининг инқирози давом этаётган бир даврга тўғри келган эди. Бундай мураккабликлар инъикосини “Бобурнома”да кўрган бўлсак, шоир руҳиятида қандай акс этгани эса, унинг шеърларида намоён бўлади. Мовароуннахрни бирлаштиришга уринишлари натижа бермагач, Бобур руҳан қийиналган, амалдорларнинг хиёнатлари таъсирида умидсизликка тушган кезлардаги кайфияти шеърларида акс этган. Кейинча-лик ўз юртини тарк этиб, Афғонистон ва Ҳиндистонга юз тутганда Бобур шеъриятида Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, унга қайтиш умиди мавж ура бошлади.

Толеъ йўқки жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишниким, айладим хатолиғ бўлди,
Ўз ерин қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Шу билан бирга Бобур лирикасида шеъриятнинг асосий мазмуни бўлган инсоний фазилатлар, ёр васли, унинг гўзаллиги, унга чексиз муҳаббат, ҳижрон азоби, айрилиғ аламлари ва висол қувончлари ниҳоят гўзал ва моҳирона ифода этилган.

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лола руҳ, бу чехраи зардим.

Сен эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Аёғингта тушуб барги хазондек мунча ёлвордим.

Бобур ўз лирик шеърларида ҳар доим одамларни яхшиликка, адолат, инсонпарварликка, юксак инсоний туйғуларни қадрлашга чақирди:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо килса, жафо топқусидур.

Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ямон бўлса, жазо топқусидур.

Бобур лирик шеърлари ва тарихий “Бобурнома”сидан ташқари, ислом қонуншунослиги ва бошқа соҳаларда ҳам асарлар яратган. 1522 йилда ўғли Ҳумоюнга атаб ёзган “Мубаййин” номли асарида ўша замон солиқ тизимини, солиқ йиғишнинг қонун-қоидаларини, шариат бўйича кимдан қанча солиқ олиниши ва бошқа масалаларни назмда изоҳлаб берган. “Хатти Бобурий” деб аталган рисоласида араб алифбосини туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили нуқтаи назаридан бирмунча соддалаштириб беришга ҳаракат қилган. У, тажриба сифатида “Хатти Бобурий” алифбосида Қуръони Каримни кўчирган. Бобурнинг аруз вазни ва қофия масалаларига бағишланган “Муфассал” номли асари ҳам бўлганлиги маълум, бироқ бу асар бизгача етиб келмаган.

Бобур ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган олим сифатида халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди. Унинг Ватан мадҳи, Юрт соғинчи, адолат ва инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари мана беш аср ўтса ҳам миллий маънавиятимизнинг гултожи бўлиб келмоқда.

4 ҲАФТА

ОМБУДСМАН-ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИСИ

(Семинар тренинг)

1. Омбудсман институти тарихи ***(1 - гуруҳ)***

2. Омбудсман институтининг ташкил этилиш турлари ***(2-гуруҳ)***

3. Ўзбекистонда “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институтининг жорий этилиши Нақшбандниг маънавий тарбия тариқати ***(3 - гуруҳ)***

4. Ўзбекистон Республикасида Омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асослари***(4-гуруҳ)***

Муҳокама учун саволлар:

1. “Омбудсман” сўзининг луғавий маъноси нима?

2. Омбудсман қандай вазифаларни бажаради?

3. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбдусман) фаолиятининг асосий принципларини айтиб беринг.

4. “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига кўра Омбудсманга қандай ваколатлар берилган?

Омбудсман (шведча ombudsman – бирон киши манфаатларининг вакили) – турли хил маъмурий органлар, баъзи мамлакатларда эса – шунингдек, хусусий шахслар ва бирлашмаларнинг инсон ҳуқуқларига риоя этишини назорат қилиш учун махсус сайлаб (тайинлаб) қўйиладиган мансабдор шахс. Омбудсман назоратни амалга оширади ва прокуратурадан фарқли равишда нафақат қонунийлик, балки шу билан бирга самарадорлик, мақсадга мувофиқлиқ, адолатпарварлик нуқтаи назаридан ҳам текшириш олиб боради. Бу хилдаги мансабдор шахслар ҳар хил ном билан аталади: Скандинавия мамлакатларида — Омбудсман; Испания ва Колумбияда — халқ ҳимоячиси; Францияда — воситачи, Руминияда — халқ адвокати ва ш.к. Омбудсман турли йўллар билан сайланиши ёки тайинланиши мумкин. Испанияда у парламент томонилан 5 йилга сайланади. Намибияда президент томонидан, Францияда — Вазирлар кенгаши-нинг декрети

билан тайинланади.

Аксарият кўпчилик мамлакатларда ҳар бир фуқаро Омбудсманга бевосита мурожаат қилишга ҳақлидир. Омбудсман камчилик ёки суиистеъмолларни аниқлаб, тегишди орган ёки мансабдор шахсга кўрсатади ва уларни бартараф этишни таклиф этади. Агар улар Омбудсман нинг таклифидан бош тортса, Омбудсман суд органлари ёки парламентга мурожаат қилиши мумкин. Омбудсман фуқароларнинг шикоятлари бўйича, шунингдек, ўз ташаббуси билан иш олиб боради. Францияда фуқаролар воситачига бевосита эмас, балки ўз сенатор ёки де-путатлари орқали мурожаат қиладилар. Дунёда биринч марта Омбудсман лавозими 1709 йил Швеция қироллиги ҳузурида жорий қилинган.

Ҳозирги вақтда у жаҳоннинг 110 дан ортиқ мамлакатида мавжуд. Омбудсман институтини ташкил этилишига қараб 2 турга бўлиш мумкин: парламент томонидан тайинланадиган (сайланадиган) классик типдаги Омбудсман ва ижроия ҳокимияти органлари томонидан тайинланадиган Омбудсман. Классик типдаги Омбудсман ҳар қандай ташкилот, корхона, муассаса ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга. Классик Омбудсман қаторига Швеция, Норвегия, Дания, Португалия, Испания ва ш.к. кўпгина мам-лакатлар Омбудсманлари киради. Ўзбекистан Омбудсмани ҳам классик Омбудсман ҳисобланади. Ижроия ҳокимияти органлари томонидан тайинланадиган Омбудсман ҳуқуқлари бироз чегараланган. Улар алоҳида соҳалар бўйича текшириш ҳуқуқига эга. Масалан, касалхоналар, жазони ўташ муассасалари, болалар, ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматчилар, жиноятлардан жабрланганлар, солиқ муассасалари бўйича шуғулланадиган алоҳида соҳалар Омбудсманлари.

Омбудсманнинг алоҳида обрў-эътибори ва замонавийлиги унинг демократик хусусиятлари билан тавсифланади. Омбудсманлар давлат органлари тизимидан мустақиллиги, парламентнинг белгиланган муддати давомида ўзгармаслиги, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгалиги, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга муҳтож бўлган барча фуқароларга очиқлиги, шикоят ва мурожаатларни таҳлил этишда расмиятчиликка йўл қўймаслиги, аҳолига бепул хизмат кўрсатиши билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикасида омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асослари “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида” ги Қонунда булгилаб берилган. Мазкур Қонунга биноан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили мансабдор шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган. Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ва воситаларини тўлдиради. Вакил Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормаларига асасланади. Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради.

Вакил олий Мажлис томонидан депутатлар орасидан Олий Мажлиснинг ваколатлари муддатига сайланади. Олий Мажлиснинг ваколатлари муддати тугагач, вакил янги Вакил сайлангунига қадар ўз вазифаларини бажариб туради. Вакилнинг Олий

Мажлис томонидан сайланадиган ўринбосари бўлади. Вакил ўринбосарига Вакил учун белгиланган ҳуқуқлар ва кафолатлар татбиқ этилади.

Вакил фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, адолатпарварлик, демократизм, инсонпарварлик, ошкорлик, ҳар бир киши учун очиқликдир. Вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати бўлиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Қонунга мувофиқ, Вакил Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг харакатлари ёки харакатсизлиги устидан бурган шикоятларни кўриб чиқади ва ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Вакил қўйидаги ҳуқуқларга эга: шикоят кўриб чиқиш; аризачи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган воситалар ва шаклларни кўрсатиш; шикоятни унинг моҳиятига кўра хал қилишга ваколатли бўлган ташкилот ёки мансабдор шахсга юбориш; аризачини унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таништириш; шикоят кўриб чиқишни сабабини албатта кўрсатган ҳолда рад этиш; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни кўриш.

Вакилнинг хулосасидан қуйидаги тавсиялар назарда тутилиши мумкин: иш ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан охирига етказилиши зарурлиги; ташкилот ёки мансабдор шахснинг қарори ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши кераклиги; ташкилот ёки мансабдор шахснинг қарори асосланиши зарурлиги; ташкилот ёки мансаблар шахс қўшимча қарор қабул қилиши лозимлиги. Вакилнинг хулосасида бошқа тавсиялар ҳам ифодаланиши мумкин.

ШАХС ЭРКИНЛИГИ

Қадимдан эркинлик, озодлик, тенгликни барча инсонларнинг ижтимоий мавқеи, дини, ирқи, жинси, миллатидан қатий назар, қонунлар олдида тенг ҳуқуқлигини таъминлаши одамзотнинг асосий мақсади бўлиб келган.

Шахснинг дахлсизлиги қоидалари қадимги ва ўрта асрларда чекланиб келинган. Инсоният тарихида шахс эркинлигини рўёбга чиқаришда АҚШда XVIII аср охирида қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Билл” ва буюк француз инқилоби даврида қабул қилинган “Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари декларацияси” муҳим ўрин тутади. Бу борада БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган ва унинг Низомига киритилган “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси” катта аҳамит касб этади.

Ҳозирги даврдаги илғор, демократик жамиятларнинг қонунларида, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам шахс эркинлиги кафолатланган. Шахс эркинлигига дахл қилиб, моддий ва маънавий зарар етказган, жабр – зулм қилган шахслар қонуний жазога тортилади. Давлат, қонун томонидан инсон ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши фуқароларнинг илм олиш, меҳнат қилиш, жамият ҳаётида юз бераётган воқеа – ҳодисалар ҳақида эркин сўзлаш, ижобий ёки танқидий фикрни айтиш, ҳалол меҳнат билан топилган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқларидан фойдаланишга имкон беради.

Шахс эркинлигининг таркибий қисмлари шахснинг дахлсизлиги, қадр- қиммати, диний эътиқод, виждон, сўз, ижод эркинлиги, хусусий мулкка эгалик ҳуқуқи кабилардан иборат. Шахс эркинлиги Ватан, халқ жамият олдидаги инсоний бурч ва маъсулиятни инкор қилмаслиги керак. Бурч ва маъсулият шахс эркинлигини оқилона бошқариб туради. Бурчини, маъсулиятини яхши билган одамларнинг эл-юрт олдида обрўйи, қадр-қиммати ҳам ошиб боради. Бундай кишиларни халқ эъзозлайди.

Шахс эркинлигини юзаки, бир ёқлама тушунган одамлар барча ишларда фақат ўз манфаатини ўйлаб, бошқаларнинг ҳақ – ҳуқуқларини топташга уринади.

Бугун Ўзбекистонда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, эътиқод, меҳнат ва касбни эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиш, ижтимоий муҳофаза ва бошқа имкониятлар қонун билан ҳимоя қилинган.

Бугунги мураккаб ва зиддиятли даврда, мамлакатимиз сарҳадларига яқин жойларда уруш оқибатида бегуноҳ одамлар қурбон бўлиб, сарсон- саргардон кишилар кўпайиб бораётган бир шароитда Ўзбекистонда инсон учун энг олий неъмат – яшаш ҳуқуқи ва осойишта ҳаёт кечириш ҳуқуқ тўлиқ таъмин этилган.

5 ҲАФТА

ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДАГИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

(семинар - тренинг)

1. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асарида миллий муомала маданияти, ўзаро муносабат этикаси ва меъёрининг ифодаланиши ***(1-гуруҳ).***

2. Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асарида ўзбек аёлига хос одат, белги ва фазилатлар ифодаси ***(2-гуруҳ).***

3. Абдулла Қодирий асрларида ифодаланган маънавий – ахлоқий қадриятлардан ибрат олишимиз зарур ***(3-гуруҳ).***

Мунозара учун саволлар:

1. Ҳозир айрим ёшларимиз, йигит – қизлар орасидаги андишасизлик, ҳаддан зиёд оврупача кийиниш, ҳаё, иффат, назокат пардаларининг кўтарилишига нима сабаб бўлмоқда?

2. Баъзи ёшларимизнинг муомала маданиятидаги нуқсонлар тақлидми ёки тарбиясизликми?

3. Ҳозирги ёшлар севги, муҳаббат, садоқат туйғуларини тўлақонли англаб етадими?

4. Нима учун ҳозирги кўплаб ёшлар катталарнинг оила, турмуш, эр ва хотин бурчи, вазифалари ҳақидаги панд – насихатлари ва ўгитларини “эскилик” деб тушунади?

5. Сиз турмушга тайёрмисиз?

6. Сизда бахтли бўлиш учун сабр, қаноат, меҳр, садоқат ва бурч етарлими?

МАРТ

(5 ҳафта)

т/р	Март ойининг тахминий иш режаси	Ҳафта	Кунлари
1	Феврал ойи иш режасининг бажарилиш таҳлили	1 - ҳафта	1-3 март
2	Шоира Зулфия Исроилова ва жасоратли сўз соҳиби Озод Шараффуддиновлар туғилган кунига бағишлаб тафаккур синови ўтказиш		
3	Гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддалар билан савдо қилишга қарши курашиш ҳақида мулоқот уюштириш		
4	Талабаларнинг вилоят “Ўлкашунослик”, “Ҳамид Олимжон” ҳамда “Хотира” ҳиёбонига саёҳатини уюштириш	2 - ҳафта	5-10 март
5	Халқаро хотин – қизлар кунига бағишлаб “Аёл – оила таянчи” мавзусида матбуот конференцияси ташкил этиш.		
6	Баркамол авлод дастурининг бажарилиши ҳақида суҳбат		
7	Нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд туғилган кунига бағишлаб семинар тренинг ўтказиш		

8	Талабалар уйи атрофида “Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги”ни ташкил этиш	3- ҳафта	12-17 март
9	Ўзбекистонда инсон тараққиёти концепцияси ва БМТ нинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларга эришиш йўлида ютуқлар хусусида давра суҳбати		
10	Буюк аллома Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий туғилган кунига бағишлаб тадбир ташкил этиш	4 - ҳафта	19-24 март
11	“Наврўз”- умумхалқ байрами куни муносабати билан “Ҳар кунинг бўлсин Наврўз” номли китоб-суратли кўргазма ташкил этиш		
12	Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов туғилган кунига бағишлаб “Абдулла Орипов – миллий уйғониш шоири” мавзусида мулоқот ўтказиш		
13	Халқаро Она сайёра куни ҳақида маъруза тинглаш		
14	Жаҳон поэзия кунига бағишлаб “Ўзбек шеъриятининг жаҳон поэзиясида тутган ўрни” мавзусида адабий давра суҳбати ўтказиш		
15	Мутафаккир Муҳаммад Тарағай Улуғбек туғилган кунига бағишлаб “Юлдузларни кашф этган аллома” мавзусида матбуот конференция ўтказиш	5 - ҳафта	26-30 март
16	“Халқаро оби – ҳаёт куни”га бағишлаб атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида маъруза тинглаш.		
17	Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинлари ташкил этилган кунга бағишлаб “Ўзбек йигити – мустақиллик посбони” мавзусида давра суҳбати ўтказиш		
18	Халқаро театр куни муносабати билан талабаларни театрга олиб бориш		
19	Республикамизда таъсис этилган орден ва медаллар хусусида суҳбат		

Март ойининг муҳим саналари

1 - март. Шоира Зулфия Исроилова туғилган кун (1915 й.); Жаҳон фуқаро муҳофазаси куни (1972 й.); Гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддалар билан савдо қилишга қарши Халқаро кураш куни.

2 - март. Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун (1992 й.).

3 - март. Бутун жаҳон ёзувчилар куни.

4 - март. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси “Соғлом авлод учун” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинган кун (1993 й.).

6 - март. Менделеев даврий системани илк бор эълон қилган кун (1869 й.).

7 - март. Шоир ва драматург, бастакор ва режиссёр, маърифатпарвар-педагог ва жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кун (1889 й.).

8 - март. Халқаро хотин – қизлар куни (1910 й.).

13-март. Муҳаммад ибн Муҳаммад Фазл Бухорий – Баҳоуддин Нақшбанд туғилган кун (милодий 1318 й.).

15- март. Вилоятлардаги педагогика институтлари негизида Урганч, Андижон, Бухоро, Термиз, Қарши Давлат Университетлари ташкил қилинган кун (1992 й.).

16 - март. Асакадаги автомобиль заводида машиналарнинг дастлабки синов нусхалари чиққан кун (1996 й.).

19 - март. Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий туғилган кун (1075 й.).

21 - март. “Наврўз”- умумхалқ байрами куни; Ўзбекистон Давлат тарихи музейи очилган кун (1995 й.);

22 - март. Муҳаммад Тарағай Улуғбек туғилган кун (1394 й.);

23- март. Жаҳон метерологлар куни (1961 й.); Ўзбекистон Республикаси Халқаро Олимпия қўмитасига аъзо бўлган кун (1992 й.).

24 - март. Ўзбекистон Республикасида Президентлик лавозими таъсис этилган кун (1990 й.); Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сайланган кун (1990й.). Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинлари ташкил этилган кун (1992 й.).

26 - март.“Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган кун (1998 й.).

27- март. Халқаро театр куни (1961й.).

1 ҲАФТА

Шоира Зулфия Исроилова ва сўз соҳиби Озод Шарофиддинов

(Тафаккур синови)

Режа:

1. Шоира Зулфия Исроилованинг ҳаёти ва фаолияти (1-гуруҳ)
2. Озод Шараффуддинов ижоди ва фаолияти (2-гуруҳ)

Мунозара учун саволлар

1. Шоиранинг поэтик асарларида қандай туйғулар мужассам?
2. Қандай мукофотлар соҳибаси?
3. Ватанни улуғловчи шеърларидан айтиб беринг.
4. Озод Шарафиддиновнинг жасоратли сўз соҳиби эканлигини асосланг.
5. Қандай мукофотлар соҳиби?
6. Озод Шарафуддинов сабоқларидан намуналар келтиринг.



Ўзбек халқининг севимли шоираси, таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири **Зулфия Исроилова** 1915 йилнинг 1 мартида Тошкентда, ҳунарманд оиласида туғилган. У хотин-қизлар билим юртида ўқиган вақтларидаёқ (1931-1934йй.) адабий тўгаракларга қатнашиб, шеърлар машқ қилади. 1935-1938 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олди. 1938-1948 йилларда нашриётларда муҳаррир, бўлим бошлиғи, 1950-1953 йилларда эса “Ўзбекистон хотин – қизлари” (ҳозирги “Саодат”) журналида бўлим бошлиғи, 1953-1980 йилларда эса бош муҳаррир бўлиб ишлади. Зулфия 17 ёшида нашр этилган “Ҳаёт варақлари” (1932й.) номли биринчи шеърлар тўплами билан Ойдин, Музайяна Алавия, Хосият Тиллахоновалар сафига кириб келди.

Зулфиянинг ижодий камолотида ўзбек ва рус классиклари, халқ оғзаки ижодиёти ва жаҳон адабиёти анъаналарининг роли бениҳоя бўлди. Шоира “Шеърлар” ва “Қизлар қўшиғи” (1938й.) каби поэтик асарларини она Ватан ва унинг дала, чўлларида меҳнат қилаётган пахтакорлар, тракторчи қизларнинг қайноқ ҳаётларига бағишлайди. Айни чоғда, мазкур тўпламлардаги шеърлари шоиранинг маҳорат сирларини эгаллаётган даврини характерловчи асарлар сифатида ҳам муҳим эди. Уруш даврида “Уни Фарҳод дердилар” (1943й.), “Ҳижрон кунларида” (1944й.) каби тўпламларининг нашр этилиши Зулфиянинг пешқадам шоирлар қаторига дадил кириб келаётганлигидан далолат берди. Бу тўпламдаги шеърлар Ватанга муҳаббат, душманга нафрат ва ғалабага ишонч руҳида яратилганлиги билан характерлидир. Зулфиянинг “Менинг Ватаним”, “Қўлимда қуролу

устимда шинел”, “Бизни кут” каби умидбахш шеърлари уруш даври ўзбек шеъриятининг жанговар руҳини ифодаловчи асарлар қаторидан ўрин олган.

Шоиранинг урушдан сўнгги йилларда яратилган “Далада бир кун” (1948й.), “Тонг қўшиғи” (1953й.) каби шеърлар туркуми, шунингдек, “Мен тонгни куйлайман”, “Юрагимга яқин кишилар” (1958й.), “Куйларим сизга” (1965й.) тўпламларида Ватан мадҳи, меҳнат жараёнида фидокорлик кўрсатаётган кишилар ҳаёти жўшиб куйланади. Унинг “Сўроқлайди шоирни шеърим” (1960й.), “Ойдин” (1953й.), “Қуёшли қалам” (1967й.) каби очерк ва достонлари Ҳамза, Ойбек, Ойдин, Ҳамид Олимжон каби устозларнинг ёрқин хотираларига бағишланган.

Зулфия Ҳ.Олимжоннинг “Семурғ”, “Зайнаб ва Омон” достонлари асосида пьеса ва опера либреттосини ҳам яратган. Зулфия “Ўйлар”, “Шалола” каби шеърий тўпламлари учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Атоқли шоира 81 ёшида, 1996 йил августида вафот этган. Зулфиянинг ижодий камолотида ўзбек ва рус классиклари, халқ оғзаки ижодиёти ва жаҳон адабиёти анъаналарининг роли бениҳоя бўлди. Шоира Ҳиндистон, Югославия, Шри Ланка, Миср, Бирма, Австрия каби мамлакатларда бўлди. У 1956 йилда Осиё ва Африка ёзувчиларининг Деҳлида ўтказилган биринчи конференциясида қатнашиб, машҳур “Мушоира” (1958) асарини яратди.Унинг шеърлари рус, инглиз, немис, ҳинд, болгар, хитой, араб, форс ва бошқа тилларга таржима қилинган. Шоира Н.А.Некрасов, М.Ю.Лермонтов, Вера Инбер, Леся Украинка, Эди Огнетсвет, Марварид Дилбозий, Амрита Притам асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган. У Меҳнат Қаҳрамони ҳам эди.



Озод Шарафиддинов ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўзининг ҳаққоний сўзи, ирода ва матонати билан юртдошларимизга, аввалambор ёшларимизга ибрат бўлаётган, том маънодаги маърифатпарвар инсондир.

Киши исмига тортади деган таъбир - доно ҳикмат. Озод Шарафиддинов Ўзбекистон ва ўзбек адабиётининг XX аср тарихида чинакамига ўз шахси, ўз дунёқараши, ўз эътиқоди, ўз истеъдоди, ўз имкониятлари озодлигини бир бутун такрорланмас ҳодиса деб билган, бу юксак қадриятлар тақозо этадиган машаққатлар юкига елкасини оғринмай тутган, бир зум эл назаридан четда эмаслигини ҳис этиб яшаган алломалардан.

Ҳазрат Маҳмуд Қошғарий қомусини туркий тилда тузиб кетган, Юсуф Хос Хожиб ва Навоий руҳий қудрати билан буюк маънавий обидалар яратилганидан кейин асрлар ўтиб Мавлоно Абдулла Қодирий қаламидан дилбар наср дунёга келгани ҳаммага аён. Ана шу силсилада давр тақозоси билан узилиш содир бўлганида Озод Шарафиддинов деган мунаққид дунёга келиши табиий эди. Гап шундаки, Одил Ёқубов насри ва Абдулла Орипов назми янги бир авлод дунёга келганини исботлаши учун уларни назорат - таҳлилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш керак эди.

Ана шу залворли юкни зиммасига олган адабий танқидчимиз ўзбек адабиёти силсиласида узилиш бўлмасилиги учун курашди, масъулиятини тенгдошлари билан баҳам кўрди, ранг-баранг асарларни қўллаб-қувватлади, жавобини ололмаган саволларига жаҳон адабиёти ва фалсафаси уммонидан талқин излади, нималарнидир топгандек бўлди. Қарабсизки, нафақат 60-йиллар авлодлари қолаверса, янги авлодлар ҳам Озод Шарафиддинов нуқтаи назари билан ҳисоблашадиган бўлди. Бунинг боиси аллома яратган мақолалар ва асарлар наинки адабий, шунинг баробарида фалсафий танқид эди.

Озод Шарафиддинов ҳақиқатпараст сифатида наинки ижод аҳлига, ҳатто ўзига нисбатан ҳам шафқатсиз экани ҳайратланарлидир. Акс ҳолда "Эътиқодимни нега ўзгартирдим?" мақоласида олим ўз шахсиятига, ҳаётий аъмолига бобурона нигоҳ ташлай билармиди?! Ёхуд "Мувашшаҳ" сарлавҳали эссесида: "... мен адабиётшунос сифатида Абдуллажоннинг ижодидан уч-тўртта мақола эълон қилганману, лекин унинг ижодини ҳар томонлама тадқиқ этувчи, XX аср шеъриятида, қолаверса, жаҳон шеъриятида Абдулла Орипов феноменини тўла бўлмасада, бир қадар мукаммалроқ очиб берадиган дурустроқ

бир мақола ҳам ёзган эмасман. Ҳар гал бу ишга киришмоқчи бўлганимда, бу шеърият қаршисида қаламимнинг бениҳоя ожизлигини ҳис қилардим", тарзидаги эътирофларни ёза олармиди?!

Озод Шарафиддинов истеъдодини, келажакда катта ижодкор олим бўлишини Абдулла Қаҳҳордек улуғ, халқимиз севган адибимиз кўра билган ва меҳр қўйиб, бағрига олган эди. Абдулла Қаҳҳор суҳбатларининг бирида Озод Шарафиддиновни тилга олиб: "Шундай ёзмоқ керакки, носфуруш сенинг китобинг саҳифасига нос ўраб сотган бўлса, уйида уни очиб, матнига кўзи тушган одам: "Ие, бу Озоднинг гаплари-ку", дея саҳифани эҳтиёт қилиб, олиб қўйсин".

Бу ҳақ гапни тан олган ва қадрлай билган Озод Шарафиддинов "... бундек мукаммал ёзмоқ учун, бу даражада баркамол санъат намунасини яратмоқ учун ижодкор Абдулла Қаҳҳордек меҳнаткаш бўлмоғи лозим. Бу эса ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Фақат ўз Ватанини жон дилидан яхши кўрган, ўз халқини ҳар томонлама баркамол кўришни истаган, кўксида истиқлол ёлқини барқ уриб турган санъаткоргина бу бахтга мушарраф бўлади", деб қайд этган эди.

Озод Шарафиддиновнинг "Замон", "Қалб", "Поэзия", "Яловбардорлар", "Истеъдод жи- лолари", "Биринчи мўъжиза", "Адабиёт - ҳаёт дарслиги", "Чўлпонни англаш", "Ижодни англаш бахти", "Давондаги ўйлар" каби адабий- танқидий рисолалари чоп этилди. Умуман олганда, Озод Шарафиддинов яратган адабий меросни сарҳисоб қиладиган бўлсак, алоҳида чоп этилган асарларининг ўзи - 28 тага, вақтли матбуотдаги мақола ва суҳбатлари 385 тага етади. Тўпламлардаги мақолалар, кириш сўзлар, сўзбоши ва сўнгсўзлар 50 дан зиёд, таржима асарлари эса 150 тага яқин. Олимнинг раҳбарлигида 29 киши номзодлик диссертациясини ёқлади.

Озод Шарафиддинов сабоқлари

Ўтмишдаги шон-шуҳрат, муваффақият ва парвозлар яхши нарса, албатта! Аммо улар шунақа нарсаки, ҳар бир янги авлод бу шуҳратга шуҳрат қўшиб турмаса, эски ютуқлар қаторини янгилари билан бойитиб бормаса, миллатнинг қаноти қайрилиб, парвози сусайиб қолади.

* * *

Ҳаётни гаровга қўйиб эришилган маҳорат санъаткорни ҳеч қачон тарк этмайди, унинг мангу мулки бўлиб қолади.

* * *

Ижод эркинлиги халққа, ватанга фидокорлик билан хизмат қилиш эркинлигидир.

* * *

Ҳеч қаерда ҳеч қайси инсонлар жамияти фақат моддий манфа атларга суянибгина, фақат моддий эҳтиёжларини қондирибгина ҳаёт кечира олмайди - инсон ҳаётининг саодатманд бўлмоғи учун виждон ва имон унинг ҳаётида устувор бўлмоғи керак.

* * *

Муҳаббатни ўз ҳолига ташлаб қўймай, ақл чироғи билан ёритиб турилса, нур устига нур бўларди.

* * *

Одамларни одам қиладиган, жамиятни жамият қиладиган қудрат - виждон, инсоф, диёнат, адолат ва ҳақиқатнинг барқарорлиги.

* * *

Тилни менсимаслик миллатни менсимаслик, ватанни менсимасликни кўрсатадиган ўта нохуш ҳолдир.

* * *

Зиёли ўзини халқнинг узвий қисми деб ҳисобламоғи, халққа қарши бўҳтонларни рад этмоғи, халқнинг маънавий бойлигининг посбони бўлмоғи лозим.

2 ҲАФТА

8 – МАРТ ҲАЛҚАРО ХОТИН – ҚИЗЛАР БАЙРАМИ КУНИ

Хотин-қизлар байрамининг тарихи узоқ ва қизиқарлидир. Аксарият кишилар бу байрам XX асрда вужудга келган деб ўйлашади. Аммо қадимий тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, хотин-қизлар байрами Ўрта Осиёда қадимдан оналик уруғи ҳукмдорлиги (матриархат) даврида ҳам бўлган экан.

Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида ҳам узоқ ўтмишда аёллар байрами мавжуд бўлганлиги ҳақида қизиқарли маълумотларни қайд этган. Маълум бўлишича баҳор арафасидаги ой – “исфандар- мўз” деб номланиб, бу ой аёллар ойи ҳисобланган. Шу ойнинг бешинчи куни эса аёлларнинг энг катта байрами ҳисобланган. Беруний “Ўтмиш замонларда бу ой ва кун хотинлар ҳаётига хос бўлиб, эрлар уларга эҳсон қилар эдилар”,-деб ёзади.Исфанадармўз сўзининг маъноси “ақл” ва “мулоҳаза” демакдир. “Исфандармўз” – гўзал соҳиба, номусли, яхши ишлар қилувчи ва эрига муҳаббатли хотинга вакил қилинган фариштанинг номи ҳамдир.

XX аср бошида Европада вужудга келган халқаро хотин-қизлар куни, бизга яна ўша қадимий байрамимизни қайтарди, десак муболаға бўлмайди.

Дунё хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий тенглиги, эркинлиги учун кураш кунини жорий қилиш ташаббуси илк бор 1910 йил Копенгагенда бўлиб ўтган II Халқаро аёллар конференциясида Клара Цеткин томонидан ўртага ташланди. Бу ташаббус 1911 йил Австрия, Дания, Германия, Нидерландия, Швейцария илғор аёллари томонидан қўллаб-қувватланди. 1914 йилга келиб, Россия, АҚШ, Германия, Австрия, Франция каби мамлакатларда 23 февраль (8 март) да хотин-қизлар байрами ўтказила бошланди.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам 8-март хотин - қизлар байрами катта тантаналар билан нишонланади. Шу куни дам олиш куни бўлиб, барча жойда байрам тадбирлари ўтказилади.

АЁЛ – ОИЛА ТАЯНЧИ

Ўзбекистон республикаси учун аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, мавқеи, фаоллик даражаси, маънавий ва тарихий қадриятларни ўзлаштириш, янги қадриятларни шакллантиришдаги роли жамият тараққиётини белгиловчи энг муҳим омиллардан биридир.

Маърифатпарвар мутафаккиримиз М.Беҳбудий айтганидек, “Хотин-қизларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида қабул қилмасдан, оила масаласини тўғри ҳал қилмасдан, ёш авлодни тўғри йўлдан тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, уни тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас, охир-оқибат миллат тақдири унинг аёллари ва оиласининг ҳолатига боғлиқдир”. Аёлларнинг жамиятда тутган ўрнига берилган бу баҳо ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аёлларга алоҳида диққат-эътибор қаратиб: “Аёлларни, оналарни асраш керак, дегани - бу фарзандларни асраш, наслни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир”, деган эди.

Ўзбекистонда миллий мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардан бошлаб хотин-қизларга муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президент И.Каримов ташаббусига кўра 1991 йилнинг ёзиданоқ, жамиятда аёллар роли ва айниқса мамлакатда демографик вазиятнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, собиқ СССРда биринчилардан бўлиб Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси қайта тикланди. 1992 йилда Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганидан сўнг, БМТнинг “Хотин-қизларни камситишнинг ҳар қандай шаклларини тугатиш тўғрисида”ги Конвенциясига қўшилди.

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 1998 йилнинг “Оила йили”, 1999 йилнинг “Аёллар йили» деб эълон қилиниши, 1999 йил 17 мартдаги “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларда ишлаётган аёлларнинг даромадларига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида»ги Қарори, 2000 йилнинг “Соғлом авлод йили”, 2001 йилнинг “Оналар ва болалар” йили деб эълон қилиниши, 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2004 йил 30 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори, 2008 йилнинг “Ёшлар йили”, 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили”, 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши фикримизнинг далилидир.

2004 йилда парламентимиз томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиришлар киритилди, жумладан сиёсий партиялардан кўрсатилаётган жами номзодларнинг камида 30% ни хотин-қизлар ташкил этиши лозимлиги белгилаб қўйилди (22 модда).

Зеро, бугун мамлакатимиз аҳолисининг 51%ни, ишчи кучининг 45%ни аёллар ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида 39, илм-фанда 37, соғлиқни сақлашда 73, халқ таълимида – 59 дан 70 фоизгача хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг 84 % ўрта ва олий маълумотга эга. Масалан олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассис аёлларимиз бир миллионга яқин бўлиб, илмий соҳада 150 мингдан ортиқ аёллар фаолият олиб бормоқда. Улардан 200 нафари фан докторлари, 4 мингдан ортиқ нафари эса фан номзодларидир.

1993 йилда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан “Олима аёллар” жамияти ташкил этилди, кейинчалик “Олима аёллар Ассоциацияси” деб номланди. Ушбу бирлашманинг мақсади мамлакатдаги фаол зиёли аёлларни бирлаштириш, жамиятда кечаётган глобал ўзгаришларда, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда, олима аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда иштирок этиш, аёлларни замонавий технологияларга ўқитиш ва шунингдек, аёлларни консультатив, ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий ва бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кабиларни ўз ичига олади.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида 18%, Сенатда эса 15% аёлларимиз фаолият олиб боришмоқда. Бугунги кунда хотин-қизлар 1043 та ўзини ўзи бошқариш органларида раҳбарлик қилишмоқда, 7704 та маҳаллада Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи этиб тайинланганлар.

Аёлларнинг нодавлат ташкилотлари бугун республикамизда турли соҳада фаолият юритаётган кўплаб аёлларни бирлаштириб, уларга ўз соҳаларида самарали фаол иш юритишларига кўмаклашмоқда. Бу эса мамлакатнинг демократик тараққиётига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бугун мамлакатимизда 91 та хотин-қизлар ноҳукумат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Уларнинг 55% таълим йўналишидаги лойиҳалар билан ишламоқда.

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги хотин-қизларга бўлган муносабат билан белгиланади. Бугунги аёлларимиз турли соҳаларда, сиёсат ва иқтисодда, илм-фанда, ишлаб-чиқаришда мамлакат тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқда.

“БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар

томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилингани муносабати билан:

1. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тасдиқлансин. Унда қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгилансин:

• болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

• "Соғлом она – соғлом бола" дастурини изчил амалга ошириш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини устувор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ҳамда маслаҳат ишларини кучайтириш;

• тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

• таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-ҳунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш;

• замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш;

• ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини, стадионлар ва иншоотларни қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил кучайтириш;

• иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг муҳим йўналиши, аҳоли ва ўрта синф мулкдорлари даромадларини шакллантириш асоси бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ёшлар, аввалambор, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароит яратиш;

• илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

• ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

• ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 9 декабрдаги 3329-фармойишига биноан тузилган Республика комиссиясига “Баркамол авлод йили” Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва унинг ижроси мониторингини амалга ошириш вазифаси юклансин.

3. “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев):

• икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик, идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича ҳудудлар ҳамда тармоқларга оид “Баркамол авлод йили” дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласин;

• мазкур Дастурнинг бўлимлари ва бандларини давлат ҳамда хўжалик бошқаруви республика органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар даражасида тўлиқ ва ўз вақтида бажариш ишларини мувофиқлаштирсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ҳар чорак якуни бўйича “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари раҳбарлигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш бўйича шахсий жавобгарлик юкласин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари:

• аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини кенг тушунтириш;

• Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида мунтазам ахборот бериб бориш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотларнинг Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича қўшган амалий ҳиссасини ёритишни таъминласин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

ЎзбекистонРеспубликаси
Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2010 йил 27 январ

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан таълим – тарбия жараёнига ёндашувдаги ўзига хос эътиборли жиҳат – бу ёшларимизнинг ҳар тамонлома баркамол бўлиб етишларини таъминлашдан иборатдир. Бунда ёш мутахассис кадрларнинг кенг дунёқараш, замонавий билим, кўникма ва малака билан бир қаторда жисмонан соғлом бўлиши ҳам энг муҳим талаблардан биридир.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури қамровига кўра репродуктив саломатлик (оналар саломатлиги), мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта – махсус таълим (коллеж, лицей), олий таълим, ёш мутахассисларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон республикасида 1990 – 2010 йиллар давомида олий таълим муассасаларининг ривожлантирилишига катта эътибор берилди.

кўрсаткич	объектлар сони, дона
Янгидан қурилган ва фойдаланишга топширилган бино ва иншоотлар:	
- ўқув – лаборатория бинолари сони	35 та
- ўқувчи ўринлари сони, нафар	32328
- талабалар турар жойлари сони	3 та
- улардаги ўринлар сони, нафар	948
- стадионлар	11 та
- уларда шуғулланиши мумкин бўлганлар сони, нафар	5934
- ёпиқ спорт иншоотлари сони	11
- уларда шуғулланиши мумкин бўлганлар сони, нафар	1070

3 ҲАФТА

Кўнгил худода бўлсин-у,
қўл иш билан банд бўлсин.
Нақшбандий

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД – НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ АСОСЧИСИ

(Семинар - тренинг)

Режа:

1. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ***(1 - гуруҳ)***
2. Алломанинг ижодий мероси ***(2-гуруҳ)***
3. Нақшбанднинг маънавий тарбия тариқати ***(3 - гуруҳ)***

Муҳокама учун саволлар:

1. Тариқат нима?
2. Нақшбандия тариқатининг асосини нима ташкил этади?
3. “Мақомати Нақшбандий” асарининг моҳияти нимадан иборат?
4. “Зикри хуфия” амалининг муҳим жиҳати?
5. Аллома томонидан умуминсоний ғоялар, маънавий камолот, ботиний поклик қай йўсинда тарғиб этилган?

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА БМТ НИНГ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

2010 йил мамлакатимизда “Баркамол авлод йили” деб эълон қилингани муносабати билан қабул қилинган дастурни амалга оширишда соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ва маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш, атроф – муҳит ҳолатини яхшилаш, табиат ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги билан боғлиқ масалалар муҳим устувор аҳамиятга эга. Буларнинг ҳаммаси моҳият эътибори билан инсон камолотига, унинг маънавий ҳамда моддий талаб – эҳтиёжларини таъминлаш учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратишга қаратилган. Инсон тараққиёти концепциясига батамом мос ва мувофиқдир.

Инсон тарққиёти концепциясига асосан айнан инсон миллатнинг бойлиги ҳисобланади. Инсонларга жамият ижтимоий – иқтисодий ривожининг қуроли сифатида эмас, балки бош мақсади деб қаралиши лозим. Ҳар қандай тараққиётнинг пировард мақсади ва муваффақият мезони бўлган инсон учун танловнинг кенгайиши, ўз эркинлигини амалга ошириш, узоқ ва соғлом турмуш кечириш имкони, билим олиш ва

муносиб ҳаёт даражасининг яратилиши жамият ривожида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бугунги кунда Инсон тараққиёти концепцияси истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” деган ҳаётий қоида асосида ислоҳот жараёнларни амалга ошираётган мамлакатимизда барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказидаги устувор масалага айланмоқда. Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрланиб қўйилганлигини қайд этиш ўринли бўлади.

Маълумки, БМТ нинг 2000 йилда бўлиб ўтган Мингйиллик самметида Мингйиллик декларацияси қабул қилиниб, унда Инсон тараққиёти концепциясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган эди. Мазкур декларацияда БМТга аъзо давлатларнинг тинчликсеварлик, юксак тараққиёт ва адолатли дунё тўғрисидаги орзу – интилишлари ўз ифодасини топиб, инсон ҳуқуқлари, давлат бошқаруви ва демократия соҳасидаги умумий мажбуриятларнинг кенг доираси Глобал мингйиллик ривожланиш мақсадлари кўринишида белгилаб берилган эди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда мамлакатимизнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда миллий тараққиётимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, 2015 йилгача эришилиши кўзда тутилган Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ва уларни амалга ошириш юзасидан аниқ мақсадлар белгилаб олинди.

Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари:

Мақсад	Миллий вазифалар
1. Кам таъминланганлигини камайтириш, овқатланиш сифати ва маданиятини ошириш	2015 йилга бориб кам таъминланганлар даражасини икки баробар камайтириш
2. Бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш	2015 йилга бориб бошланғич ва асосий ўрта таълим сифатини ошириш ва шу билан бирга, таълимдан умумий баҳраманд бўлиш даражасини сақлаб туриш
3. Гендер тенглигини рағбатлантириш ва хотин – қизларга ваколат бери	2015 йилга бориб олий таълим тизимида гендер балансини яхшилаш
4. Болалар ўлимини янада камайтириш	2015 йилга бориб болалар ўлимини учдан икки қисмга камайтириш
5. Оналар соғлиғини янада яхшилаш	2015 йилга бориб оналар ўлимини учдан бир қисмга камайтириш
6. ОИТС/ОИВ (СПИД), безгак ва бошқа касалликларга қарши курашиш	ОИТС/ОИВ (СПИД) касалликлари тарқалишини камайтириш ва 2015 йилга бориб унинг тарқалишини бутунлай тўхтатиш
7. Экологик барқарорликни таъминлаш	2015 йилга қадар яхшиланган сув манбаларидан ва санитария хизматларидан баҳраманд бўладиган шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг улушини кўпайтириш

Ўзбекистон ҳукумати ўз зиммасига мамлакатимизда кам таъминланган тоифа миқдорини камайтириш ва жамиятимиз ҳаётида инсонпарварлик тамойилларининг янада ривожланишига кўмаклашиш мақсадимда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари борасида маълум бир мажбуриятларни ўз зиммасига олган.

Ўзбекистоннинг 2015 йилгача бўлган даврдаги вазифаси кам таъминланган аҳоли ҳиссасини 50 фоизга қисқартиришдан иборат.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит – қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама етук шахслар вояга етказиш учун

зарур шарт – шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли чора – тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2010 йил юртимизда “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди. Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган ҳаражатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10 – 12 фоизини ташкил этмоқда. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3 – 5 фоиздан ошмайди. “Баркамол авлод йили” давлат дастурида белгиланган комплекс чора – тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3, 3 триллион сўмлик кредитлари ва маъсул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағлари йўналтирилди. Жаҳонда ҳеч бир давлат ёш авлод камолоти учун бунчалик катта эътибор ва маблағ ажтармаган.

4 ҲАФТА

“ҲАР КУНИНГ БЎЛСИН НАВРЎЗ”

(китоб – суратли кўргазма)

1-бўлим: Наврўз байрами тарихи. (Наврўз байрамининг келиб чиқиш тарихи ҳақидаги адабиётлар).

Дилимизда баҳор у,
Тилимизда гавҳар сўз
Яна келдингми, Наврўз?
Яна келдингми, Наврўз?

Салим Ашур

2-бўлим: Наврўз байрами тантаналари. (Наврўз байрами кунларида ўтказиладиган тадбирлар, байрам дастурлари ҳақидаги адабиётлар, рангли расмлар билан безатиш)

“Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саҳоватининг, шу билан бирга бизнинг бир неча йиллик қиёфамизнинг, урф- одатларимизнинг мангулик ифодаси тасдиғидир”

Ислом Каримов

3-бўлим: Сумалак сайли. (Баҳор фаслининг тансиқ таоми сумалак тарихи, сумалак сайли ҳақидаги адабиётлар ва суратлар қўйилади.)

Ҳар тунинг қадр ўлибон, ҳар кунинг ўлсин наврўз!

Алишер Навоий

4-бўлим: Шоирлар тилида Наврўз. (Наврўз, баҳор ҳақидаги асарлари)

Аввал баҳор бўлса, кулур чаманлар,
Баргак ёзур гуллар, ғунча даҳанлар.
Барча қушлар учар, ўқур чаманда,
Боғу бўстон, тоғу саҳро, ўрмонда.

Абдулла Авлоний

Наврўз ҳақида

Беруний шундай ёзади: “Наврўз ўтмиш замонларда қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра, у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, ҳайвонларда уйғониш мавсуми бошлани- шидан то насл вужудга келгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун “Наврўз” оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган”.

“Наврўз”нинг пайдо бўлиши ҳақида кўплаб афсона- лар мавжуд. Масалан, зардуштийлар даврида эзгулик худоси Ахурамазда (Ҳурмуз) баҳор, ёзда, ёвузлик худоси Анхарамайню (Ахриман) – кузда ва қишда ҳукмронлик қилади, деган қараш мавжуд

бўлган. Баҳорнинг биринчи кунини эзгулик худоси ёвузлик худоси устидан ғалаба қилган муқаддас сана, деб байрам қилишган. Бу сана “Наврўз” кунига айнан тўғри келган.

Яна бир қадимий афсонага кўра, Одам Ато ва Момо Ҳаво илк бор учрашган кун “Наврўз” байрами деб тан олинган эмиш.

Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида эса янги йил (“Наврўз”)нинг пайдо бўлиши шоҳ Жамшид номи билан боғланади. Жамшид одамларга яхшилик қилиш мақсадида уларни касбга ўргатади, темирни эритиб қурол ясатади, ип йигиртириб, кийим тўқитади, ҳаммом, уй, саройлар бунёд қилдиради, табиблик сирларини очади, кема ясатади, боғ барпо қилдиради. Ниҳоят, Жамшиднинг ишлари гуркираб, мева берган кунда ўзига тахт ясатиб, унда осонгина кўтарилади. Бу “Шоҳнома”да қуйидагича таърифланади:

Тахт кўкда чарх урар мисоли қуёш,
Фармондор ўтирар, унда ирғаб бош.
Барча жам, одамлар қарар тахтига,
Жаҳон қойил бўлиб шукуҳ-бахтига.
Жамшидга сочишар олтину гавҳар,
Шу кунни янги йил – байрам дейишар.
Йил боши Хурмузу эди фарвардин,
Дилда на ғам қолди, на адоват-кин.
Улуғлар шодлик-ла базм қурдилар,
Юзларин чолғуга, мойга бурдилар.

Алишер Навоий ҳам “Тарихи мулки ажам” номли асарида Жамшиднинг буюк кашфиётлари сўнггида улуғ Наврўзни ихтиро қилганлигини баён қилади. Навоий ёзишича: “Жамшид “Чихил минор” номли одамзод кўрма- ган ва ақл бовар қилолмайдиган баланд бино қуриб...: “бу иморат туганди, олам салотин ва ашров ва аҳборин йиғиб, анда азим жашн қилди. Ул вақтиким, қуёш нуқта эътиқодли рабиийға таҳвил қилиб эрди ул бинода тахт устига ўлтириб, адолат сайт ва садосин оламға мунташир қилди ва ул куни- нинг отин наврўз қўйди”.

Беруний асарида келтирилган афсона бўйича ҳам Наврўзнинг келиб чиқиши Жамшид шоҳга боғланади: “Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша куни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбован (Дамованд тоғи)дан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг (арава учишига) тақлид қилиб, арғимчоқларга учдилар”.

“Наврўз”нинг пайдо бўлиши ҳақидаги бу каби афсоналарни турлича талқин қилиш мумкин. Бироқ “Наврўз”нинг қачон ва қандай вужудга келганлигини аниқ кўрсатиш қийин. Шундай бўлсада, ишонч билан айтиш мумкинки, бу байрам доно кишилар томонидан кашф қилинган. Чунки “Наврўз” коинот ва табиат қонуниятлари, яъни қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланиш юз бериши, баҳорнинг келиши билан боғлиқ тарзда илмий асосланиб белгиланган. Бу эса ҳар қандай жамиятда “йил боши” (қачон келишидан қатъи назар) “Наврўз”ни табиат байрами сифатида нишонлаш учун асос бўлган. Аслида “Наврўз” ибтидоий жамоа даврида одамлар деҳқончиликка янги иш мавсуми бошлашдан олдин ўтказадиган баҳор байрами сифатида шаклланган.

Замонлар ўтиши билан бу байрам такомиллашиб, унга мос кун аниқланган. У “йил боши” сифатида белгиланиб, унга “Наврўз” (яъни, “Янги кун”) деган ном берилган, деб

тахмин қилиш мумкин. Мана шу тариқа Наврўз байрами ҳар йили 21 мартда нишонланиб келинади.

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ

ЎЗБЕГИМ

Эркин Вохидов

Тарихингдир минг асрлар

Ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.
Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Ўрхун хати,
Кўҳна тарих шодасида,
Битта маржон, ўзбегим.
Ал Беруний, Ал Хоразмий,
Ал Фароб авлодидан,
Асли насли балки Ўзлуқ,
Балки Тархон, ўзбегим.
Ўтдилар шўрлик бошингдан
Ўйнатиб шамширларин
Неча қоон, неча султон,
Неча минг хон, ўзбегим.
Тоғларинг тенгрангда гўё
Бўғма аждар бўлди-ю,
Икки дарё – икки чашминг,
Чашми гирён, ўзбегим.
Қайсари Рум найзасидан
Бағрида доғ узра доғ,
Чингизу Боту тиғига
Кўкси қалқон, ўзбегим.
Ёғди тўрт ёндин асрлар
Бошингга тийри камон,
Умри қурбон, мулки торож,
Юрти вайрон, ўзбегим.
Давр зулмига ва лекин
Бир умр бош эгмадинг,
Сен – Муқанна, сарбадор – сен,
Эрксевар қон, ўзбегим.
Сен на зардушт, сен на буддий
Сенга на оташ, санам,
Одамийлик дини бирла
Тоза имон ўзбегим.
Маърифатнинг шуласига
Толпиниб зулмат аро,
Кўзларингдан оқди тунлар
Кавкабистон, ўзбегим.
Туздию Мирзо Улуғбек
Кўрагоний жадвалин,
Сирли осмон тоқига илк –
Қўйди нарвон ўзбегим.
Мир Алишер наърасига
Акс садо берди жаҳон,
Шеърият мулкида бўлди
Шоҳу султон ўзбегим.
Илму шеърда шоҳу султон,
Лек тақдирига қул,
Ўз элида чекди ғурбат,
Зору нолон ўзбегим.
Мирза Бобур – сен, фиғонинг

Солди олам узра ўт,
Шоҳ Машраб қони сенда
Урди туғён, ўзбегим.
Шеъриятнинг гулшанида
Сўлди маҳзун Нодира,
Сийм танни ювди кўз ёш,
Қўмди армон, ўзбегим.
Йиғлади фурқатда Фурқат
Ҳам муқимликда Муқийм,
Нолишингдан Ҳинду Афғон
Қилди афғон, ўзбегим.
Тарихинг битмакка, халқим,
Мингта Фирдавсий керак,
Чунки бир бор чеккан оҳинг
Мингта достон, ўзбегим.
Отрда қолди кўҳна тарих,
Ортда қолди дард, ситам,
Кетди ваҳминг, битди заҳминг,
Топди дармон, ўзбегим.
Бўлди осмонинг чароғон
Толе хуршиди билан,
Бўлди асрий тийра шоминг
Шуъла афшон, ўзбегим.
Мен Ватанни боғ деб айтсам,
Сенсан унда битта гул,
Мен Ватанни кўз деб айтсам,
Битта мужгом ўзбегим.
Фахр этарман, она халқим,
Кўкрагимни тоғ қилиб,
Кўкрагида тоғ кўтарган
Танти деҳқон, ўзбегим.
Ўзбегим деб кенг жаҳонга
Не учун мадҳ этмайин!
Ўзлигим билмоққа даврим
Берди имкон, ўзбегим.
Мен буюк юрт ўғлидурман,
Мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам
Содиқ ўғлон, ўзбегим.
Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўкси осмон, ўзбегим.
Қайга бормай бошда дўппим,
Шуҳратим, қадрим буюк.
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.

Бу қасидам сенга, халқим,
Оқ суту туз ҳурмати,
Эркин ўғлингман, қабул эт,
Ўзбегим, жон ўзбегим.

5 ҲАФТА

УЛУҒБЕК - ЮЛДУЗЛАРНИ КАШФ ЭТГАН АЛЛОМА

Буюк Амир Темурнинг набираси, беназир аллома Мирзо Улуғбекнинг ўрта асрлар шароитида намоён этган илмий жасорати бугунги кун олимларини ҳам ҳайратга солмасдан қўймайди... Бу беназир аллома ўзида минглаб юлдузларнинг ҳаракатини жамлаган мукаммал астрономик жадвалини яратди. Ушбу жадвалда зикр этилган илмий маълумотларнинг нақадар аниқ ва тўғри эканини бугунги кун замонавий асбоблар ҳам тасдиқлайди. Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий фаолияти халқимиз маънавиятининг пойдеворига қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, юртимизда бундан неча замонлар олдин фундаментал фанларни ривожлантиришга қанчалик катта аҳамият берилганини кўрсатади.

Ислом Каримов

Мирзо Улуғбек Ўрта Осиё халқлари илм – фани ва маданиятини ўрта аср шароитида дунё фанининг энг юқори поғонасига олиб чиқди.

Унинг қилган энг буюк иши — Самарқанд илмий мактабини ўша давр академиясини барпо этганлиги бўлди. Бу илмий мактабда 200 дан ортиқ олимлар фаолият олиб борган.

Фан ва маданият тарихида сўнмас из қолдирган Улуғбекнинг илмий мероси унинг “Зиж”идир. Бу асар сайёралар, Қуёш ва Ой ҳаракатини талқин қилиш, юлдузлар каталоги ва унда қўлланилган математик усуллари бўйича ўрта асрлардаги астрономик асарларнинг энг мукаммали бўлганлиги учун аввалambор у мусулмон мамлакатларидаги олимларнинг диққатини жалб қилган.

Алишер Навоий “Хамса” асарида Улуғбекнинг хизматларини улуғлаб, шундай ёзган эди:

Темурхон наслидан Мирзо Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.
Ки давр аҳли биридин айламас ёд,
Анинг обнойи жинси бўлди барбод.
Валек ул илми сари топди чун даст,
Кўзи олдинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш — зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу нав илми осмони,
Ки ондин ёзди “Зижи Кўрагони”.

Улуғбекнинг сиймони Пулково расадхонаси, Москва университети конференц — залларида дунёдаги машҳур олимларнинг портретлари қаторидан жой олган. Самарқандда Улуғбекнинг мемориал музейи ташкил этилган. Тошкентда Ўзбекистон Миллий университети, туман, планетарий, кўча, маҳалла, метро станцияси, истироҳат боғи, шаҳарча Улуғбек номи билан аталади. Фарғона педагогика университетига, Самарқанд архитектура-қурулиш институтига, Китоб халқаро кенглик станцияси, қишлоқ, мактаб ва бошқаларга Улуғбек номи берилган.

Мунозара учун саволлар:

1. Мирзо Улуғбекнинг фан тараққиётидаги хизматлари хусусида Оврупа олимлари қандай фикрлар билдиришган?
2. Улуғбек қаламига мансуб энг машҳур асарлар нусхаси қайси мамлакат кутубхоналарида сақланади?
3. Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асари мазмунини айтиб беринг.
4. Улуғбекнинг устози ким бўлган? Унинг олим бўлиб шаклланишига таъсир кўрсатган алломалар ҳақида гапириб беринг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ УНВОНЛАРИ



“Ўзбекистон Республикасининг фаҳрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида”ги 1996 йил 26 апрелдаги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида қуйидаги фаҳрий унвонлар таъсис этилган:

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби; фан арбоби; халқ артисти; халқ ёзувчиси; халқ рассоми; халқ шоири; халқ ўқитувчиси; халқ хофизи.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган: коммунал, маиший ва савдо соҳасидаги ходим; алоқа ходими; артист; ёшлар мураббийси; журналист; ирригатор; ихтирочи; маданият ходими; меъмор; пахтакор; пиллачи; санъат ходими; соғлиқни сақлаш ходими; спорт устаси; спортчи; транспорт ходими; халқ таълим ходими; чорвадор; юрист; қишлоқ хўжалиги ходими; қурувчи.

Ушбу фаҳрий унвонлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан фуқароларнинг меҳнатдаги хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун рағбатлантириш мақсадида “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мукофотланади.

Фаҳрий унвонлар билан тақдирланган шахслар қонун хужжатларида белгилаб қўйилган имтиёзлардан фойдаланадилар.


















Муҳокама учун саволлар:

1. “Жасорат” ва “Шуҳрат” медали кимларга берилади?
2. “Дўстлик” ва “Амир Темур” орденлари фуқароларимизнинг қандай хизматлари учун берилади?
3. “Буюк хизматлари учун” орденига кимлар сазовор бўлади?

4. Жиззах вилоятидан “Ўзбекистон қаҳрамони” медали ва “Олтин юлдуз” орденига сазовор бўлганларни айтиб беринг.

АПРЕЛ
(5 ҲАФТА)

т/р	Апрел ойининг тахминий иш режаси	Ҳафта	Кунлари
1	Март ойининг иш режаси таҳлили	1-ҳафта	2-7 апрел
2	Тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш		
3	Гиёҳвандлик ва унинг салбий оқибатлари ҳақида мулоқот		
4	“Одам савдоси” мавзусида давра суҳбати ўтказиш		
5	Талабаларнинг жорий ва оралиқ назоратларидаги ўзлаштиришини таҳлил этиш		
6	“Амир Темур фахримиз, ғуруримиз” мавзусида давра суҳбати	2-ҳафта	9-14 апрел
7	Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза		
8	Ўзбекистонда таълим соҳасида олиб борилаётган ўзгаришлар ҳақида давра суҳбати		
9	“Асрлар садоси”		
10	Садриддин Айний маънавий мероси ҳақида суҳбат	3-ҳафта	16-21 апрел
11	22- Апрель куни Халқаро она-ер куни хақида мулоқот		
12	Талабалар турар жойларида “Соғлом танда – соғ ақл” мавзусида суҳбат ва тадбирлар ўтказиш		
13	"Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти ҳақида маъруза	4-ҳафта	23-28 апрел
14	Бутун жаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб “Ижтимоий ҳимоя сиёсати – тараққиёт кафолати” мавзуида давра суҳбати		
15	Ўзбекистоннинг Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлиги ҳақида маъруза		

Апрел ойининг муҳим саналари

5 - апрел. Ўзбекистон Республикаси ёшлар иттифоқи ташкил топган кун (1993 й.)
7 - апрел. Бутунжаҳон саломатлик куни (1948 й.); Тошкент Ислом университети ташкил топган кун (1999й.).
9 - апрел. Соҳибқирон, буюк саркарда Амир Темур таваллуд топган кун.
10 - апрел. Абдулла Қодирий таваллуд топган кун.
15 -апрел. Садриддин Айний таваллуд топган кун.
17-апрел. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари куни; Халқаро оламни асраш куни (1990 й.).
18 - апрел. Халқаро ёдгорликларни ва тарихий жойларни асраш куни.
23 - апрел. Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни (1995 й.).
23 - апрел. Республика Маънавият ва Маърифат маркази ташкил этилган кун(1994 й.).
24 - апрел. Ёшларнинг халқаро бирдамлик куни (1957 й.).
25 - апрел."Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топган кун (2001й.).
26 - апрел. Амир Темур ордени таъсис этилган кун (1996 й.).
28 - апрел. Бутун жаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни (2003 й.).

1 ҲАФТА

ГИЁҲВАНДЛИК ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ

Одам боласи ақлли, ғайратли бўлиб дунёга келади, лекин унинг ақлини, ғайрат ва шижоатини ичкилик битиради. Дунёда ҳар нарсани аксини кўрсатиб турувчи нарса ичимликдир. Бир кишига ичкилик қадағини берувчи одам у бечоранинг виждонини ва бир оиланинг умидини сўндириб, энг буюк жиноят қилган бўлади.

Ризоуддин ибн Фахруддин.



Гиёҳвандлик иллати вабо каби оқибати оғир, тарқалиши тез, аммо чекиниши, барҳам топиши жуда мураккаб бўлган офатдир. Гиёҳвандлик инсоният соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солиш билан бирга муайян ҳудудда криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий-маданий негизига салбий таъсир кўрсатади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг баёнотида таъкидланишича, инсоният саломатлигининг бугуни ва келажаги учун энг катта глобал таҳдид гиёҳвандликдир. Нью-Йоркдаги халқаро антинаркотик марказининг маълумотларига кўра, айни пайтда ер юзи аҳолисининг 1 миллиардга яқини қайсидир даражада гиёҳвандликка мубтало бўлган. Энг ачинарлиси, уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади.

Баъзи ота-оналарнинг гиёҳвандликка муккасидан кетиши, харом-хариш жинсий турмуш оқибатида ақлан заиф, ногирон, қолаверса, ОИТС ва бошқа шу каби касалликлар билан туғилган болаларнинг борлиги ҳам ҳақ гап. Бу масала анча йиллардан буён, башарият учун катта таҳлика туғдириб келмоқда. Баъзида “Гиёҳвандлик моддалари фалон касалга даво бўлармиш, шунинг учун уни истеъмол қиламан”, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Гиёҳванд моддалар бирон дардга даво эмас, балки хасталик ва ажал элчиси. Шу гапни айтаётган кимсалар гиёҳвандлик оқибатида ҳаётдан эрта кўз юмган инсонлар, пароканда бўлган оилалар ҳақида, наҳотки эшитмаган бўлишса?! Гиёҳвандлик оқибатида неча минглаб инсонларнинг ёстиғи қурияпти, кўплаб оилаларда ногирон фарзандлар туғилаяпти, бу - миллат илдизига болта уриш, Ватан келажагига путур етказишдан бошқа нарса эмас.

Маълумотларга кўра, бир гиёҳванд бир йилда ўн-ўн беш кишини гиёҳвандлик домига тортиши мумкин экан. Демак, гиёҳвандлик шундай юқумли касаликки, бу касалликка қарши шафқатсиз курашилмаса, олди олинмаса, турмуш тарзимизни бузиб, жамиятимизга жиддий зиён етказади.



Гиёҳвандлик нима? Гиёҳвандлик(наркомания) – наркотик моддаларга ўрганиб қолиш, ружу қилиш,аниқроғи табиий ёки синтетик заҳарли моддаларни вақтинча ёки сурункасига истеьмол қилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик ҳолати. Гиёҳвандлик инсон маънавиятига зид бўлган, унинг ижтимоий руҳий ҳолатини буткул издан чиқарадиган ғоят хатарли иллат ҳисобланади.Унга чалинган кишилар борган сари ҳолдан тояди, ҳиссиётлари қўполлашади, маънавий қиёфасидан маҳрум бўлади, феъл – атворида ахлоқ – одоб меъёрларига беписандлик, ҳатти – ҳаракатларида тажавузкорлик намоён бўлади.

Бу касаллик туфайли хар йили дунё бўйича миллионлаб кишиларнинг ёстиғи қуримоқда. Наркоманларнинг ўртача яшаш умрлари статистика маълумотларига кўра 35-40 ёшни ташкил этади.

Наркомания ва токсикомания келтириб чиқарадиган моддаларга биологик мухтожлик борлиги тасдиқланмаган. Бу наркомания касаллигининг ривожланишда ижтимоий (нототўғри тарбия, теварак-атрофнинг таъсири, оиладаги салбий келишмовчиликлар), Наркомания наркотик моддаларни доимо қабул қилиш натижасида вужудга келади, чунки ушбу касаллик билан оғриган кишининг жисмоний ва рухий холати хуморини босадиган тегишли наркотик модда исеъмол қилишига боғлиқ.

Наркомания организмда чуқур ўзгаришларга сабаб бўлади ва уни таназулга олиб келади. Касаллик секин-аста ривожланиб бориб сурункали давом этади. Наркотик моддалар хурсандчилик, вақтичоқлик, хотиржамлик хиссини уйғотиб, кайф қилдириши сабабли истемол қилиниб, бора-бора касалликка айланади. Қуйидаги икки холда наркотик моддаларга ўрганиб қолиш мумкин.

Биринчи холда киши ўз хохишидан ташқари, эътиборсизлиги натижасида наркотик моддалар хумор қиладиган бўлиб қолади. Бундай бангилик кўпинча врач бюрган наркотик моддаларни нотўқри истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Сал нарса таъсир қилиб, ташвиш кучайиб кетади, баъзи касаллар оқриқ, уйқусизлик ва дарднинг бошқа томонларидан қутилиш мақсадида охирини ўйламай, врач кўрсатмасини ҳам писанд қилмай, ўзбошимчалик билан наркотик модда дозасини ошириб қабул қилишади. Бундай беморлар одатда ўз ахволларининг яхшиланиши дори туфайли бўлаётганини сезиб, уни ичишни давом этира бошлайдилар ва кўпинча ахволларининг оқирлигидан нолиб, врачни олдайдилар. Шу зайилда иш тутишнинг оқибати ёмон бўлиб, наркотик моддаларга унчалик зарурат бўлмаса ҳам, уни қабул қилинаверади, дорининг эса организмга наркотик таъсири янада орта боради ва натижада наркотик моддага мойиллик кучайиб, у хумор қиладиган бўлиб қолади. Наркотик модда дозасини ўзбошимчалик билан ўзгартира бориш, уни тез-тез ва узоқ муддат қабул қилиш наркоманияга олиб келади.

Иккинчи ҳол онгли равишда кайф қилиш мақсадида наркотик моддаларга ўрганишдир. Наркоманияга одатда ўзини тия билмаган, рухан заиф, иродаси кучсиз, бировларга тахлид қиладиган, хуморини тарқатишдан бошқа нарсани билмайдиган, ўта худбин кишиларгина берилади. Бундай кишилар ўз майилларига қарши юролмайдилар. Шунинг учн уларнинг кайф қилишга мойилликлари кучли бўлади. Бангиллик авж олиб кетади. Бу касалликка учраганларда касалик жуда ҳам оғир кечиб, одатда кутилмаган ёмон оқибатларга олиб келади.

Бангиликка мубтало бўлганлар наркотик моддаларни қайта-қайта ва кўпроқ миқдорда исеъмол қилгиси келаверади. Кейинчалик эса наркотик моддаларни қабул қилмасдан тура олмайдиган, ўша бўлмаса худди "бирор нарса етишмаётгандай" бўлиб қолади. Бундай аҳволдан қутилиш ва ўзини бир оз енгил хис қилиш учун яна наркотик моддага ружу қилади. Шу тариқа наркотик моддаларга мойиллик шу даражада кучайиб кетадики, наркотик моддалар кучини йўқотгандек бўлиб қолади, энди аввалгидек хумор тарқатиш учун доридан кўпроқ миқдорда исеъмол қилгиси келади. Олдинига наркотик модда бир мунча салъбий таъсир кўрсатган бўлса, кейинчалик гўёки, унинг ҳолатини "нормаллаштирганга" ўхшайди, бемор ўзини бирмунч яхши ҳис қилади, демак организм энди ҳақиқий бангиликка берилиб қолган бўлади. Агар наркоманларда аввал рухий ўзгаришлар (тажанглик, кайфият бузиқлиги, хотира пасайиши) пайдо бўлган бўлса, кейинчалик жисмоний ўзгаришлар терлаш, юрак тез уриши, оғиз қуриши, озиб кетиш, қўл-оёқ титраши, рангининг синиқиши, кўз қорачиқининг кенгайиши рўй беради. Агар наркоман ўз вақтида наркотик қабул қилмаса, организмда кучли рухий ва жисмоний ўзгаришлар пайдо бўлади. Банги одам навбатдаги кайфни суриш учун ҳар қандай паскашликларга боради сотқинлик, алдаш, зўрлик, ўғриликлардан тоймайди. Организмга наркотик модда кирмаса хуморлик бошланади: организм оғир ахволда қолиб чуқур рухий ва жисмоний ўзгаришлар юз беради, хатто хаёт учун хавфли воқеалар юз бериши мумкин. Организмнинг ҳамма системаларида чуқур ўзгаришлар содир бўлади. Касалик ривожланган сари организмда дармон қуриши хам кучая боради, энди наркотик модданинг кучи организм учун оғирлик қилади. Наркотик моддаларнинг олдинги

исътемол қилиб юрган дозаси энди ёмон таъсир қила бошлайди. Захарланиш оғир кечади. Наркотик модданинг дозаси, озгина ошиши билан бемор ўлиб қолиши мумкин.

Наркоманияни даволаш фақат наркология ва психиатрия шифохоналарида врачларнинг қаттиқ назорати остида олиб борилиши керак. ОИТС- Ортирилган иммунитет танқислиги синдроми бутун дунё бўйлаб бу касаллик шиддат билан тарқалаётган бир даврда, унга қарши кураш ҳам шундай кучли шиддат билан давом этиши лозим. Айниқса ўсиб келаётган ёш авлод онгига бундай фожеали хасталиклар оқибатини, келиб чиқишини турли сухбатлар, тадбирлар, давра сухбатлари орқали тушунтириб бориш лозим.

Юртбошимиз Ислом Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида гиёҳванд модда тайёрловчи дунёдаги етакчи давлат – Афғонистондан бу заҳри қотил тоборо кўпроқ миқдорда кириб келаётгани ҳақида тўхталиб, унинг бир қисми минтақамизга сингиб кетаётгани жиноятчиликнинг ўсишига, ёшларнинг бузилишига, ҳатто миллат гинофондининг айнишига олиб келиши мумкинлигини уқтирган.

Республикамиздаги қонунчилик актларида наркотик моддаларни сақлаш, тайёрлаш ва ишлатиш қоидаларини бузиш қатъий жиноий жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган. Қонунда наркотик моддаларни қабул қилишга ундаганлиги учун ҳам жиноий жавогарликка тортилиши кўзда тутилган. Айниқса балоғатга етмаган болаларни шу ишга ундаш, унга жалб этиш оғир жиноят хисобланади.

ОДАМ САВДОСИ – ГЛОБАЛ МУАММО СИФАТИДА



Тарихдан маълумки, барча давр ва замонларда ҳам ахлоқсизлик қаттиқ қораланган. Ота-боболаримиз номуссиз, ҳаёсиз одамларни даврага қўшишмаган. Аёллар эркак кишининг юзига тик қарамаган, кўча-куйда уларнинг олдини кесиб ўтишмаган. Ўз ўрнида аёл шаъни миллат шаънидек асралган, ҳимояланган. Ўтмишга мурожаат қиладиган бўлсак, саркарда Жалолиддин Мангуберди Чингизхон тазйиқи кучаявергач, ўз яқинларини, айниқса, аёллар ва болаларни сувга чўктириб юборади. Зеро, жасур ҳукмдор душман қўлидаги хўрлик ва хорликдан кўра ўлимни афзал билган. Уят ўлимдан қаттиқ, деган нақл бежиз айтилмаган. Минг афсуски, бугунги кунга келиб, бундай бебаҳо ҳикматларнинг қадри топталмоқда.



Ер юзидаги қабиҳ ишлар камлик қилгандай, кейинги йилларда одам савдоси билан шуғулланувчи гуруҳлар пайдо бўлди. Бунинг оқибатидан жабр чекканлар, оила деган улуғ масканнинг гуноҳига ботаётганлар сони ортиб бормоқда. Негаки, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, аёллар ва болалар савдоси муаммоси бугун дунё миқёсида долзарб масалалардан бирига айланди. Одамларни турли мақсадларда эксплуатация қилишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ортгани, бундай қилмишларнинг уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилаётгани, айниқса, бундан кўпинча аёллар ва болалар жабрланаётгани, трансмиллий жиноятчиликнинг асосий даромад манбаига айлангани унга қарши кураш чораларини кучайтиришни талаб этмоқда. Маълумотларга кўра, жаҳон бозорида одам савдосидан кўрилаётган йиллик даромад 7 миллиард доллар миқдорида баҳоланмоқда.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти ва Қочоқлар бўйича халқаро ташкилотлар экспертларининг баҳосига кўра, сўнгги йилларда бу хилдаги жиноятчилик шиддат билан ўсиб бормоқда. Тахминларга кўра, ушбу қабиҳликдан жабрланганлар сони йилига ўртача 2,7 миллион кишига етмоқда. Одам савдоси бозори жуда катта даромад келтирадиган соҳа бўлиб, у наркотик савдоси ва қурол савдосидан кейин учинчи ўринни эгаллайди.



Одам савдосини бир ёки икки давлатнинг муаммоси сифатида эмас, балки бутун дунё мамлакатларининг муаммоси сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Мазкур жиноят асосан трансмиллий хусусият касб этганлиги боис, юртимизга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказиши турган гап. Шу сабабдан ҳам мамлакатимизда мазкур муаммонинг олдини олишга қаратилган тегишли чоралар кўрилмоқда. Хусусан, 2003 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТнинг 1949 йилдаги «Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида»ги, 2000 йилдаги «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги конвенциялари ратификация қилинди. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлда «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, Идоралараро комиссия бу борада изчил фаолият олиб бормоқда.



Одам савдоси давримизнинг ўткир муаммоларидан бири. Жинсий эксплуатация қилиш, мажбурий меҳнат, болаларни эксплуатация қилиш, тиламчилик, одам органлари ва тўқималарини кўчириш мақсадида одамфурушлик билан шуғулланиш — барчаси ушбу жиноятнинг мудҳиш шаклларидан саналади. Ўзбекистон Республикасида одам савдоси ишлари бўйича 2003 йилда 79 та жиноят иши қўзғатилган бўлса, 2007 йилга келиб 273 та жиноят иши қўзғатилган. Унда 303 нафар айбланувчи, 1124 нафар жабрланганлар аниқланган.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида хавфсизлигимизга ҳамда ижтимоий-маънавий барқарорлигимизга раҳна солувчи иллатлардан бўлган одам савдоси – бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Ноқонуний пул айланмаси ҳамда ўзига жалб қилган инсонлар сони жиҳатидан дунёда наркотик моддалар ва ноқонуний қурол-яроғ савдосидан кейин учинчи ўринда турадиган одам савдоси – энг аввало халқаро-ҳуқуқий меъёрларга жиддий тажовуз сифатида инсон шаъни ва қадр-қимматини камситиш, унга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишдан иборат трансмиллий уюшган жиноятчилик тури ҳисобланади.

Маълумки, ҳар йили дунёда тахминан 3 млн.га яқин киши одам савдоси қурбонига айланади, ушбу жиноят орқасида олинаётган йиллик ноқонуний даромад эса 10 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетади. Афсусланарлиси шундаки, одам савдосидан жабрланганларнинг аксарият қисмини аёллар ва вояга етмаган шахслар ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат, яъни 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 4-моддасида ҳамда 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 8-моддасида ҳеч ким инсонни қулликда тутишга ҳаққи йўқлиги, ҳар қандай қуллик ва одам савдоси қатъий ман этилиши таъкидланган. Шунингдек, БМТ томонидан махсус қабул қилинган Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланишига қарши кураш тўғрисидаги Конвенция, Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенция ва ушбу Конвенцияни тўлдирувчи одам савдосига, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги қўшимча протокол, Болаларнинг қуролли можароларда иштирок этиши, болалар савдоси ва порнографиясига қарши кураш тўғрисидаги Конвенциялар давлатимиз томонидан ратификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этган ҳолда халқаро стандартларга тўла мувофиқ келади. Хусусан, Асосий қонунимизнинг 26-моддасида ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа

дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Ушбу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий нормалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш мақсадида 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун билан республикада одам савдосига қарши курашиш тизими, ваколатли давлат органлари ва уларнинг вазифалари, шунингдек, одам савдоси қурбонларининг ҳимояси ва уларни ижтимоий, тиббий-психологик реабилитация қилишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Шунингдек, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-911-сонли Қарори қабул қилиниб, 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси тасдиқланди. Мазкур қонун ҳужжатлари асосида мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш борасида ўзига хос миллий тизим яратилди, шунингдек ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириб бориш мақсадида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ҳамда вилоятлар ва туманлар ҳудудий идоралараро комиссиялар ташкил этилди. Комиссияларнинг асосий вазифалари этиб давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш, одам савдосига қарши курашиш масалалари ҳақида аҳолини хабардор қилиш тадбирларини ташкил этиш юклатилган.

Шу билан бирга, юртимизда одам савдоси жиноятини олдини олиш, бундай жиноят билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ва фош этиш, одам савдосидан жабрланган шахсларни ижтимоий-психологик реабилитация қилиш юзасидан зарур ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилмоқда. Жумладан, 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги Қонуни одам савдоси жинояти учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 240-сонли қарори билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида Республика реабилитация маркази ташкил этилди. Унда одам савдосидан жабр кўрган фуқаролар 30 кун (тегишли ҳолларда уч ой ва ундан ҳам узоқроқ муддат) давомида сақланишлари, ушбу давр мобайнида уларга зарур тиббий, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатилиши белгиланди.

Таъкидлаш ўринлики, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ушбу соҳада олиб борилаётган оқилона чора-тадбирлар, аввало, миллатнинг келажагига ва унинг софлигига таҳдид солувчи одам савдосидек жиноий қилмишга барҳам беришга ҳамда унинг салбий оқибатларидан огоҳ бўлишга қаратилган.

2 ҲАФТА



АМИР ТЕМУР ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Ислом Каримов

Тарихда мўғулларнинг бир ярим асрлик зулмидан халқимизни халос этган, марказлашган давлат барпо этиш орқали юртда тинчлик, барқарорлик ва юксалишни таъминлаган, ўз истеъдоди, сиёсий иқтидори, қатъияти, раҳбарлик салоҳияти билан шуҳрат топган Соҳибқирон Амир Темур шахси миллат довруғини кўтарган ҳукумдор сифатида муносиб баҳосини топиб келмоқда. Президент И.А. Каримов айтганидек, “Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат-хусусиятларини намоён қилишга замин яратади”. Албатта, “бундай юксак баҳога сазовор бўлмоқ учун ҳар бир ҳукумдор Амир Темурдек забардаст салоҳиятини мўътабар халқи, азиз Ватани тақдирига бағишламоғи жоиз. Агар ана шу қудратли куч халқнинг қайғусини тинглаб, армонларини рўёбга чиқариб, Ватанни истибдоддан халос этиб “қонунлар ва қадриятларга” асосланган улуғвор давлатни оёққа қўйса, эл-юрт ҳам, тарих ҳам у зотни Амир Темурдек хотира ва ҳурмат шоҳсупасида асрлар оша ардоқлагай”.

Дарҳақиқат, Амир Темур кучли салтанатни оёққа қўя билди. Турон заминини қайтадан тамаддун бешигига айлантирди. Бу билан Мовароуннаҳрдаги илм-фан ва маданият довруғи жаҳонга юз тутди ва кўплаб олимлар, ижодкорлар дунёга келди. Қудратли ва мустаҳкам салтанатда Шарқ ва Ғарб иқтисодий-маданий алоқалари жонланди. Маданиятлар ҳамкорлиги натижасида Турон юрти бошқа мамлакатлар орасида ўз салобатини тиклади. Деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг кенг тармоқларида ривожланиши учун барча имкониятлар юзага келди. Бир сўз билан айтганда, Амир Темур даврида давлатчилигимизда оламшумул ўзгаришлар содир бўлди.

Амир Темур даврида диний илмлар ва дунёвий фанлар барқарор бўлган. Соҳибқирон ўз даврининг фан ва маданияти жонкуяри сифатида шуҳрат қозонди. Темур тақводор руҳонийларга чуқур ҳурмат билан қаради. Уларнинг дуоларини олди, доимо камситилган мазҳаб тарафдорларини ўз ҳимоясига олди. Дарвеш, фақир ва мискинларни ўзига яқин тутиб, уларни ранжитмаслик учун барча талабларини бажарди. Ўрта Осиё халқларининг маънавий тараққиётида Темурнинг диний ва дунёвий билимларига эътибор бериши катта аҳамиятга эга эди. Соҳибқирон доимо илм аҳли ва уламо билан суҳбатда бўлиб, қалби тоза кишиларга талпинган. Темур давридаги илм-фан, меъморчилик, санъат соҳалари ўз даврига нисбатан ўта даражада ривожланиб, юксак маънавий бойлик даражасига кўтарилди. Шу даврнинг нодир қўлёзмалари тарихнинг мўжизасига айланиб қолди. Дин жамиятда мафкуранинг устунларидан бири бўлганлиги сабабли соҳибқирон динга кенг эътибор берди. У нафақат аскарларини, балки барча фуқароларини мусулмончилик руҳида тарбиялашга ҳаракат қилган. Унинг доимо амал қилиб келган “Куч адолатдадир” деган сўзлари унинг давлатни бошқаришдаги юксак қобилиятидан далолат беради. Машҳур муаррихлардан бири Низомиддин Шомий ўзининг “Зафарнома” асарида шундай ёзади: “... унинг адолатию сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннаҳрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хўтан чегарасидан Деҳли ва Канбойит атрофигача, Бобил Абвобдан то Миср ва Рум ҳудудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ерда турсин, болалару, бева хотинлар ҳам ипакли матолар, олтин-кумуш ва энг зарур тижорат моллари келтирардилар ва олиб кетардилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир донига ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамига ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидандир.

Амир Темурнинг миллий давлатчилигимиз анъаналарини мукаммаллаштиришдаги хизматлардан бири давлат бошқарувининг тўққиз улушини машварат, кенгаш ва

тадбиркорлик орқали амалга оширганлиги билан белгиланади. Амир Темур давлат бошқарувида кенгаш, машварат ва маслаҳатларга амал қилишни янги босқичга кўтарди. Қўшни мамлакатлар билан тинч музокара, сулуҳ, келишув асосида ҳаёт кечириш, ташқи сиёсатнинг муҳим тамойилларини белгилаш ва қўллаш, мамлакатни барқарорлаштириш, зарурат бўлганда ҳарбий юришни бошлаш, қўшин таъминотини ҳал этиш, унинг бошқарувини ташкил қилиш, аскарларнинг эҳтиёжларини таъминлаш ва уларга ғамхўрлик қилиш, жанг усулларини ишлаб чиқиш ва бошқа масалаларда кенгаш, машварат ва маҳлаҳатга қатъий таянди. Сиёсий мулоҳаза, сабр ва чидам билан ички ва ташқи сиёсатни адолатли тарзда бошқарди. Бу – Амир Темур давлат бошқаруви санъатининг ёрқин кўзгуси бўлиб қолганлигини кўрсатувчи ўзига хос далилдир.



Президент И.А.Каримов Соҳибқирон бобомизнинг ушбу тажрибасига тўхталиб шундай дейди: “Амир Темур давлат қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Ғарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди... Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баробар фойдалироқдир, деган доно сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, огоҳлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради”.

Ушбу эътироф бугунги кунда Амир Темурнинг давлат бошқарувида кўпчилик фикрларига таяниб кенгашу маҳлаҳат билан иш тутганлигига холисона баҳосидир.

Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асари жаҳоннинг машҳур кутубхоналаридан жой олган. “Темур тузуклари” да Амир Темурнинг қирқ йилдан ортиқ фаолиятида амалга оширилган ҳарбий юришларидаги муваффақиятлар, салтанат қуриш, уни мустаҳкамлаш ва давлат ҳудудини кенгайтиришга сабаб бўлган муҳорабалар ва тадбирлар ҳақида баён қилинган.

Бу асардан кўплаб шарқ ҳукмдорлари ўзларининг фаолиятлари давомида фойдаланганлар ва унга юқори баҳо берганлар. Жумладан, Шоҳ Жаҳон (1628-1657), Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821-1842), Бухоро амири Абдуллаҳадхон (1885-1910) “Тузукот” дан парчалар кўчиртириб, улардан ўз фаолиятларида фойдаланганлар.

Темур тузукларидан:

1-сифат: "Мен сифатларимнинг энг аввалги деб бегаразликни тушундим. Хаммага хам бир хил жиддий ва одил карадим, бойни камбагалдан устун куймадим".

2-сифат: "Исломга каъий риоя килдим ва Оллох Таолонинг амри билан улугланган шахсларга хурмат билан карадим".

3-сифат:"Мен камбагалларга куп хайри-эхсон килдим. Хар можаро ва муаммони диккат билан текширдим ва уни мумкин кадар тугри хал килишга бутун жахдимни сарф килдим".

4-сифат: "Халойикка рахм килдим, барчага наф еткурдим. Бундда бировга нохак озор етказмадим ва мендан ёрдам сураб келганларни кукрагидан итармадим. Куръондаги парвардигорнинг Оллохнинг амрига буйсуниш ва халкига шафкат килиш даркор, деган оятини узимга фарз килиб, укиб олдим ва умр буйи барча юмушларимда унга амал килдим".

5-сифат:"Исломга таълукли ишларни мен хар доим кундалик ва дунёвий ишлардан устун куйиб келдим. Аввал Тангри итоатини адо этиб булгандан кейингина кундалик ишларга кул урдим".

6-сифат:"Барча сузларимда доимо хакикатгуйликка амал килдим. Бу дунё ва у дунё хакидаги эшитганларимдаги хакикатни ёлгондан ажрата билдим."

7-сифат: "Мен хар кимгаки ваъда берсам, унга вафо килдим. Харгиз ваъдага хилоф иш килмадим. Мен доимо ваъдаларимни аник бажарсам, шундагина одил булишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим".

8-сифат: "Доимо узимни Оллохнинг ердаги мулкининг посбони деб билдим ва парвардигорнинг ёки унинг ноибларининг изнисиз уни сарф этмадим. Тангрининг иродасисиз унинг бандаларининг хеч бирига зарар етказмадим. Олий мартабадагиларга хам, фукарога хам бирдек хайрия килишга интилдим. Мен хеч качон бировнинг мулкига эга булишга интилмадим ва шунингдек хеч качон купрок бойлик орттиришга харакат килмадим. Бу борада Амир Хусайн билан булган вокеа менга ибратли булди. Уз фукороларининг мол - мулкига нисбатан очкузлиги пировардида уни халокатга олиб келади".

9-сифат: "Мен хар доим тангримнинг амрини ва унинг пайгамбарларини, хадисларини тула адо этишга интилдим. Барча килмишларимда шариат йусинларига буткул амал килдим ва унинг сахобаларини узимнинг ягона ва энг яхши дустларим деб билдим".

10-сифат: "Мен хар диом инсоф байрогини баланд кутардим ва иймон таркатишни уз буюклигимнинг кудрати замини деб билдим. Мен инсон бир онадан тугилган деб ишондим. Шунинг учун мустахкам кудратга таянган буюк булади".

11-сифат: "Мен доим саидларга эхтиром билан карадим, уламо ва шайхларни эъзозлардим. Бу кишиларни доимо мажлисларимга чакирардим. Уларни дин масаласи юзасидан айтганларини диккат билан тинглаб олардим ва унга амал килардим. Шунинг учун менга нисбатан халкнинг мехри баланд эди ва хамма мендан миннатдор эди".

***

Дину шариат ишлари тузукини тартибга келтирганимдан сўнг, салтанатим корхонасининг тузукини тузишга киришдим. Салтанат ишларини қонун ва қоидалар (тўра ва тузук)ка солиб, унинг мартабалари (аҳволи)ни мустаҳкамладим. Салтанатнинг мартабалари тузукини қуйидагиларга таяниб туздим:

Биринчидан, салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад) нинг шариатига боғлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдирган ҳолда уларни мустаҳкамладим. Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақла- димки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди.

Иккинчидан, сипоҳу раиятни умид ва қўрқув орасида сақладим. Дўст-душманни муросаю мадора мартабасида тутдим. Қилмишла рини, айтган гапларини гоҳида сабр-тоқат, гоҳида билиб-билмас- ликка олиш билан ўтказдим. Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутма- дим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назарим- дан четда қолдирмадим.

Давлатим ва салтанатим қуёши кўтарилиб келаётган вақтда менга илтижо қилиб келган никукор ва бадкирдор одамлар, хоҳ менга яхшилик қилган бўлсинлар, хоҳ ёмонлик, салтанат тахтига ўтирганимдан кейин уларни хайр-эҳсонларим билан хижолатга қўйдим. Менга қилган ёмонликларини қилмагандек кўриб, уларни ёмон қилмишлари дафтари устига афв қаламини тортдим.

Учинчидан, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топшир- дим. Иш кўрган, синалган, шижоатли эр-йигитларни қошимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

Тўртинчидан, очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

«Хирожни йиғиш вақтида,— дейилади ушбу асарда,— икки вазир тайинлансин. Бири тўпланган молни ёзиб раият аҳволини текшириб турсин, бож олувчилар фуқарога зулм қилиб, уларнинг аҳволига хароблик етказмасинлар».

Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўяр эдим. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, чинлик-чидамлилик кўрсатиб, эҳтиётқорлик билан узоқни кўриб, ортини ўйлаган ҳолда охирига етказардим.

Лекин бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олға, кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон ҳукми билан иш қилур эдим.

АСРЛАР САДОСИ





2008 йилда Фестивал Шаҳрисабз яқинида, 2009 йилда эса Тошкент вилоятида ўтди. 2009 йилдан бошлаб "Асрлар садоси" анаъанавий санъат Фестивали ЮНЕСКО хамкорлигида ўтказилмоқда. 2010 йили Фестиваль Хивада Ичан-Қалъа тарихий ёдгорлиги ҳудудида ўтказилди.

2011 йилда "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири, ҳақли равида Шарқ дурдонаси дея таъриф берилган, умумжаҳон маданий мероси сифатида ЮНЕСКО рўйҳатга киритилган Бухоро шаҳрида ўтказилади. Бухоро шаҳри тарихи қарийб 2500 йилга бориб тақалади. Шаҳарнинг меъморий мероси, анъаналар ва халқ урф-одатлари минг йиллик қадимий маданиятини сақлаб қолганидан далолат беради. Шаҳардаги турли тарихий даврларга оид ёдгорликлар кўпасрлик меъморчилик бу ерда ҳар томонлама ривожланганлигини намоён этади. Қадимий Бухоро шаҳри эрамизнинг илк асрларида қад ростлаган бўлиб, VI асрга келиб дастлабки феодал ерларига кирган Бухоро воҳасининг марказига айланган. Бухоро шаҳри (Шаҳристон) қадимий арқ қад ростлаган сунъий тепалик теварагида жойлашган. Секин–аста шаҳар атрофида ҳунармандлар қишлоқлари барпо бўлиб, қўриқловчи девор билан ўралган. Унинг XVI асрга оид қолдиқлари бизгача етиб келган. Бухоронинг кўпасрлик тарихи шаҳар атрофида излар қолдирган бўлиб, улар бугунги кунда ҳам катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда.



Бухоро ўзбек санъатининг турли йўналишлари маркази ҳисобланади. Бу ерда жаҳонга донғи кетган каштачилик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик ва мисгарлик, кулолчилик сингари санъат йўналишлари ҳамма вақтларда гуллаб-яшнаган. Айниқса, Бухоро ипак ишлаб чиқариш ва қадимий услублар асосида ипакдан тўқилган гиламлар яратиш билан машҳур бўлиб, ушбу услублар замонавий уста-сулолалар саъй-ҳаракати билан қайта тикланган.

Фестиваль доирасидаги барча тадбирлар ўтказилиши режалаштирилаётгган шаҳарнинг қадимий меъморчилиги Фонд Форумнинг ушбу кенгқамровли лойиҳаси иштирокчилари ва меҳмонларини бирдек ўзига мафтун этишига шубҳа йуқ.

Фестивалда фольклор ва театр гуруҳлари, хонандалар, мусиқачилар, раққослар, халқ бахшилари, масхарабозлар, дизайнерлар, рассомлар, амалий санъатнинг атоқли вакиллари, маҳоратли ошпазлари иштирок этишади. Фестиваль дастури шунингдек, халқ ўйинлари, кўпкари, кураш, хўроз жанги, дорбозлар чиқиши, мамлакатнинг турли чеккаларидан келган ошпазлар танловини ҳам ўз ичига олган. Фестивалда амалий санъат ярмарка-кўргазмаси ҳам ўтказилади, унда кулолчилик, кандакорлик, каштачилик,

миниатюра, тикиш ва ўймакорлик усталари ўз маҳсулотларини ва уларнинг яратилиш жараёнини намойиш этадилар.



Фольклордан ташқари 2009 йилдаги Фестиваль дастури илмийликни ҳам қамраб олди. Фестивал-2009нинг биринчи куни машҳур академик Эдвард Ртвеладзенинг "Марказий Осиё тамаддунлари, давлатлари ва маданиятлари" китобининг тақдимотига бағишланган илмий конференциядан бошланди. Китоб Марказий Осиё ҳудуди давлатлари ва тамаддунлари тарихига, Евросиёнинг турли давлатлари маданиятларининг ўзаро алоқаларига бағишланган. Нашр Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника соҳасидаги давлат мукофотига сазовор бўлган, инглиз тилида Фонд Форум томонидан чоп этилган. Бундан ташқари 2 май куни Оққўрғон туманида жойлашган, қадимда Тошкент воҳасининг энг йирик марказиларидан бири бўлган Қанҳа шаҳарчасида археологлар Геннадий Богомолов ва Юрий Буряковларнинг маҳорат-дарслари ўтказилди.

Фестивалга 15 минг нафар меҳмон ташриф буюрди. Улар орасида Россия, Франция, АҚШ, Туркия, Корея, Италия, Япония, Швейцария, Австрия каби давлатлардан 100 нафардан ортиқ маданият ва санъат арбоблари, олим ва тадқиқотчилар, нуфузли халкаро ОАВ вакиллари, дипломатик корпус ва халкаро ташкилотлар ҳодимлари бор эди. Улардан, Каролина Саркози (Франция), Габсбурглар императорлик сулоласи вакили, Австрия эрцгерцоги шаҳзода Тосканский, кашфиётчи ва меценат, «Дунё алангаси» фонди асосчиси Шандор фон Габсбург-Лотарингский, «Дунё алангаси» фонди президенти Франсуа Ле Трокер, «Чаумет» компанияси вице-президенти Бенуа Тулин (Франция), МНВ компанияси президенти Мари-Элен Берар (Швейцария), ASAP компанияси вакили Луис Гиберт (Испания), Arredi contracrt Design S. r.I. дизайнерлик уйи бош менежери Оскар Далан (Италия), Strategic Consalting Firm компанияси президенти Шинобу Фуджита (Япония), шунингдек, халқаро ОАВ вакилларидан: Fashion TV вице-президенти Жан Пьер Партош (Франция), «Society» дипломатик журнали бош муҳаррири Гертруд Трухаммер (Австрия), FBC Media ижрочи директори, «Wall Street Journal» муҳбири Алан Фридман (АКШ), йирик медиа компания - JoongAng SUNDAY муҳбири Ах Синг Кью (Корея Республикаси). «Tatler Russia» журнали ва «Россия» телеканали вакилларини айтиб ўтиш мумкин.



Фестивалнинг илмий қисмида археологик қазилмалар ўтказилаётган ерда маҳорат дарслари ва ўзбек олимларининг маърузалари, шунингдек, Ўзбекистон ҳамда хорижлик 100 нафар тарихий ва этнографик мерос соҳасидаги нуфузли олимлари иштирокидаги "Ўзбекистоннинг маданий мероси: ҳаттотлик ва меъморий эпиграфика санъати" деб номланган анжуман ўтказилди. Анжуман доирасида ҳамда Фонд Форум томонидан нашр этилган "Шарқона ҳаттотлик намуналари ва миниатюра санъати" китобининг тақдимоти ўтказилди. Шу билан бир қаторда "Ўзбекистон археологик ҳаритаси", "Ўзбекистон меъморий ёдгорликлар каталоги"ни яратиш бўйича лойиҳаларнинг тадқиқот лойиҳалари натижалари бўйича маърузалар тингланди.

"Асрлар садоси-2010" анъанавий маданият фестивалининг иккинчи кунида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун Ичан-Қалъанинг ғарбий дарвозасида байрам дастурхони тузалди. Ҳайрия дастурхони лойиҳанинг халқ тархи ва анъаналарига ҳурмат ҳиссини уйғотишга ҳисса қўшувчи умуммиллий маданий лойиҳа эканини яна бир бора исботлади.

Фестивалда хорижий меҳмонлар иштирок этиб, улар Австрия, Буюк Британия, Франция, Испания, Италия, Корея, Норвегия, Россия, АҚШ, Туркия, Чехия, Швейцария, Япония дан махсус ташриф буюришган. Улар орасида таниқли маданият ва санъат арбоблари, олим ва тадқиқотчилар, нуфузли халқаро ОАВ вакиллари, шунингдек, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар бор. Улардан

дизайнер, графиня Марта Марзотто (Италия), Sonosite компанияси ҳудудий директори Хельмут Баблер (Австрия), Sothebys аукцион уйининг МДҲ мамлакатларидаги бош директори Михаил Каменский ва Москвадаги вакили Ирина Степанова (Россия), дипломат, мустақил маслаҳатчи Дэвид Меркель (США), Лувр музейи археологи Рокко Ранте (Франция), Бранли музейи вакили Бранли Мадлен Леклэр (Франция), Лондонинг Шарқ ва Африка тадқиқотлар университети лектори проф. Ширин Акинер (Буюк Британия), «Casa Asia» вакили, «Марказий Осиё обсерваторияси» лойиҳаси Эва Сомс Бах (Испания), Саіха Игнаси жамғармаси маданий алоқалар бўлими директори Миро Боррас ўринбосари Изабелла Сальгадо Гисперт (Испания) билан, мусиқачи-олим, жамоат арбоби, журналист, проф. Хан Мёнг Хи (Корея), CKD Group назорат кенгаши раиси Либор Трубелик (Чехия), мусиқачи ва продюсер Максим Фадеев (Россия), «Биринчи канал кино дирекцияси раҳбари Анатолий Максимов (Россия), «Condй Nast Россия» НУ президенти Карина Добротворская, «Коммерсант» НУ маданият бўлими муҳарири Алексей Тарханов (Россия), Таълим вазирлиги мутахассис Ким Бонг Гиль, «Wooil» архитектура компанияси директори Ким Хёрг Ун (Корея Республикаси), россиялик кинопродюсерлар Михаэль Шлихт ва Алексей Кублицкий, либослар рассоми Анна Лазарева (Россия), «LOfficiel» журналисти Бенджамин Эймере (Франция), «Diva International» бош муҳаррири Марит Фосс (Швейцария), «Diplomatic news» бош муҳаррири Роберт Блум (Швейцария), «Diplomat» журнали раҳбари ва бош муҳаррири Венеция де Блок ван Куффелер (Буюк Британия), «Korea Post» газетаси вакили, шарқона яккакураш устаси Мин Кён-сик (Корея республикаси), «The Bukharian Times» асосчиси ва бош муҳаррири, журналист-культуролог, АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси қошидаги Ўзбекистон-Америка фонди раиси Рафаэль Некталов (США), «Vanity Fair» ва «Sette» журналларингинг таниқли сураткаши Массимо Гатти (Италия), «ART+AUCTION Russia» журнали бош муҳаррири Анна Арутюнова (Россия), «Io Donna» журнали ижодий гуруҳи (Италия), TRT телеканали (Туркия), Hachette Filipacchi Shkulev/"ИнтерМедиаГруп" НУ приезиденти ва «Elle» журнали бош муҳаррири Елена Сотникова, "Саёҳатлар" бўлими муҳаррири, ELLE-decor журнали бош муҳаррири Алексей Дорожкин, таниқли сураткаш Ярослав Филиппов; журналист, HFS НУнин Санкт-Петербургдаги муҳаррири Надежда Кожевникова (Россия) ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

75 минг нафарга яқин одам, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, маданият ва санъат арбоблари, Австрия, Франция, Испания, Италия, Турция, Корея республикаси, Швейцария, Хитой, Болгария, Россия, Буюк Британия, Норвегия, Чехия, Япониядан келган меҳмонлар Фестиваль иштирокчиси бўлишди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида олий таълим соҳасида давлат сиёсатидаги ўзгаришларга назар ташлайдиган бўлсак, унинг қуйидаги жиҳатларини таъкидлаш мумкин:

Биринчидан, мустақиллик йилларида давлатнинг олий таълим соҳасидаги сиёсати тубдан янгиланди. Олий таълим соҳасида миллий қадриятларимизни ҳам ҳисобга олган ҳолда, янги узлуксиз таълим модели шаклланди.

Иккинчидан, жамиятнинг янгиланиши, демократик, фуқаролик жамиятини қуриш вазифаларини амалга ошириш замон талабига жавоб берадиган, юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳисобга олинди. Хукуматимизнинг бу борадаги сиёсатини олий таълим соҳасидаги янгиланиш ва модернизациялаш жараёнларининг ёрқин ифодаси деб қараш мумкин.

Ўзбекистоннинг олий таълим соҳаси давлат сиёсатида амалга оширилган ўзгаришларни қуйидаги йўналишлардан аниқ кўриш мумкин:

1) Олий таълим соҳасида талабаликка қабул қилиш, ўқитишда амал қилиб келган “ўқитувчи ва ўқувчи” муносабатидаги имтиҳон шаклининг ўрнида тест усулининг жорий

этилганлиги. Бу ўзига хос янгиланиш, таълимнинг модернизацияси билан боғлиқ ислоҳот эди.

2) Университетнинг анъанавий якка, монопол кўринишига чек қўйилиб, вилоятлар марказларида педагогика институтларининг университетларга айлантирилиши ва жойларда ўқув юртларига юқори таъсис низоми берилганлиги.

3) Мамлакатимизда ташкил этилган миллий ташкилот ва халқаро жамғармалар ҳисобидан чет элларда тажриба алмашиш ва талабаларни ўқишга юбориш йўлга қўйилганлиги. Бу олий таълим соҳасида дунё мамлакатларида эришилган ютуқлардан баҳраманд бўлиш, замонавий таълим технологияларини эгаллаш имкониятини берди.

4) Олий таълим соҳасида янги йўналишлар бўйича профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ, аниқ мақсадга йўналтирилган ташкилий ишлар амалга оширилди.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида давлатнинг олий таълим соҳасидаги сиёсати муҳим ўзгаришларни комплекс ҳолда амалга оширишга қаратилган кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ишлаб чиқилди. Унда эски шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос ягона мафкуравий қарашларга барҳам бериш, олий таълим соҳасини ҳам миллий истиқлол ғояси негизига асосланган ҳолда амалга ошириш узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил этишга киришилди. Мустақиллик шароитида амалдаги “анъанавий” таълим-тарбия тизими замонавий, тараққий топган демократик давлатларда амалга оширилаётган таълим-тарбия талабларига жавоб бермасдан қолаётганлиги аниқ ҳисобга олинди.

Ўзбекистоннинг олий таълим соҳасидаги сиёсати олий ўқув юртларида тайёрланаётган талабаларни олдиндан аниқланган фан ва техника, ишлаб чиқариш ҳамда бошқа соҳаларнинг эҳтиёжига, яъни ҳаёт талабларига қарб ташкил этилаётганлигида ўзининг ечимини топмоқда. Бу бугун бозор иқтисодиёти, демократик жамият қуриш талабларига жавоб берадиган ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги сиёсатини амалга оширишда тегишли вазирликлар, олий таълим муассасаларидаги бўғинлар, шунингдек, ўқитувчилари томонидан муҳим ишлар амалга оширилди. Хусусан, олий ўқув юртини битираётганларга қўйилаётган талаблар концепцияси ҳар бир фан, мутахассислик бўйича аниқ ишлаб чиқилди. Уларга, ўзларининг қизиқишлари бўйича танланган йўналишда тегишли билимларни олишлари учун зарур шарт-шароит яратиб берилмоқда. Шунингдек, олий ўқув юртларида қайси мутахассисликлар бўйича таълим берилиши, тегишли фанлар, кафедралар тузилиши аниқ ишлаб чиқилиб ҳаётга тадбиқ этилди ва ўзининг самарасини бермоқда.

Ўтган йилларда, давлатнинг олий таълим сиёсатидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, олий таълим бакалаврлик ва магистрлик даражасини бермоқда. Бу мустақиллик шарофати билан олий таълим соҳасида жорий этилган муҳим янгилик ва ўзгаришлардир. Мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг расмий тизимида якунловчи бир босқич аспирантура ва доктурантура орқали амалга оширилади.

Давлат ўзининг олий таълим соҳасидаги оқилона сиёсати туфайлигина кутилган натижаларни қўлга кирита олади. Ммазкур сиёсат нафақат давлатнинг юқори органлари томонидан, балки унинг қуйи бўғинлари фаолиятлари орқали ҳам амалга оширилади. Ҳар бир ходимдан тортиб, мансабдор шахсгач ўз фаолиятларини қонунлар белгилаб берган доирадагина олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Зеро, олий таълим соҳасида давлат сиёсатини белгилаб берган миллий қонунчилигимиз такомиллашиб бормоқда, бунда инсон манфаатлари устувор даражага чиқмоқда.

Ўзбекистонда олий таълим олувчилар эркин фикр юрита олишлари, замонавий билимларни эгаллашнинг барча имкониятларига эга бўлишлари муҳим. Бу борада дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларига назар ташлайдиган бўлсак, олий таълим тизимида аудитория машғулотлари асосий ўринни эгаллашлари, аммо, талабанинг ўз билимларини оширишнинг турли имкониятлари мавжудлигига, яъни ҳохлаган жойда таълим тушунчасининг амалий ифодасига гувоҳ бўламиз.

Мамлакатимиздаги ҳозирги ислоҳотлар жараёнларида барча соҳалар сингари олий таълимда ҳам бундай ҳаракатлар давом этмоқда. Сиёсий ислоҳотлар умумий маънода жамиятни тубдан ўзгартириш, ижтимоий-сиёсий ҳаракат, янгиланишлар ва ўзгаришлардир. Негаки, қонунларнинг мақсади – жамиятнинг, унинг аъзоларининг ҳаётини яхшилашгагина хизмат қилишга қаратилгандир.

Биринчидан, мустақиллик туфайли Ўзбекистон давлатининг олий талимни ислоҳ этишга ва уни ўзгартиришга қаратилган сиёсати олий таълимнинг ривожланишининг миллий модели билан боғлиқ бўлган хусусиятларини, миллий-маънавий қадриятларини ҳисобга олиш билан боғлиқ умумий қонуниятларни ифода этади.

Иккинчидан, умуман таълим соҳасининг ривожи ва унинг натижалари умуминсоний маъно-мазмун касб этади. Олий таълим ривожи бир томонлама “мафкуравий ақидалардан” холос этилганлиги, унинг дунёдаги илғор мамлакатлар фан ва таълим соҳасидаги эришилган ютуқлардан баҳраманд бўлишига, ҳамда таълимнинг энг замонавий ютуқ ва янгиликлари асосида ташкил этишга имконият яратиб берилди.

Учинчидан, Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги сиёсати таълим тизимини дунё таълим тизимидаги мавжуд тажриба билан бойитиш, мамлакатда олий таълим соҳасидаги ўзгаришлар билан таълимнинг сиёсий фалсафаси, миллий ва умуминсоний мезонлар, мақсад ва манфаатлар билан боғлиқ истиқболига эга бўлди.

Тўртинчидан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида шахснинг эркинлиги, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришга биринчи ўринда эътибор қаратилган. Эркинлик таъминланган жамиятдагина эркин фикрлаш ривожланади. Шунингдек, эркинлик бир неча имкониятлардан бирини танлашни ўз ичига олади. Янги таълим тизимида ёшларга худди шундай имкониятлар яратилган бўлса-да, уни янада такомиллаштириш чораларини кўриш зарур. Бунинг учун мутахассисликлар бўйича ўқитилаётган фанларни танлаш имкониятини, рақобат ҳамда мулоқот муҳитини янада такомиллаштириш заруриятини ҳисобга олиш муҳим.

Бешинчидан, ҳозирги кундаги муаммолардан бири айрим касбларнинг нуфузига қараб интилиш ҳолатлари мавжуд. Муаммоларнинг ҳал этилиши кадрларнинг салоҳияти билан боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда мазкур таълимнинг қайси турига ёшларнинг қобилияти борлигига қараб йўл-йўриқ ва ёрдам кўрсатиш (касб танлашда)да Педагогик-психологик ташҳис марказларининг фаолиятини янада кучайтириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Олтинчидан, ишлаб чиқаришнинг мавқеини кучайтиришда турли мулк шаклларини ҳисобга олиб, уни кадрлар тайёрлашда ҳам буюртмачи, ҳам истемолчи сифатида иштирокини амалда таъминлаш муҳим. Айнан ишлаб чиқариш соҳасидаги талаб ва таклифни ҳисобга олиш кадрлар тайёрлашда уни ижтимоий ҳаёт билан боғлаш имкониятини беради. Бу шартнома асосида ўқиш ва ишга жойлашишни амалда таъминлайди. Бунга талаб ва таклифнинг амалдаги кўринишларини мисол қилиб келтириш мумкин: етишиб чиққан кадр албатт ўзининг сифатлилиги билан ишлаб чиқаришга тортилиши мақсадга мувофиқдир. Шунда, мутахассислик бўйича билим ва салоҳият асосий мезонга айланиб боради. Бу ҳолат эса, албатта етишиб чиқаётган қадрнинг ҳали талабалигидаёқ ўз устида ишлашига, аудиторияга ўз ихтиёри, хохиши билан, онгли равишда, ўзи учун ўқишга, билим олишга интилишига сабаб бўлади ва шу билан бирга айрим бошқа салбий иллатларни ҳам бартараф этади.

Еттинчидан, таълим жараёнида тест синовларининг жорий этилиши олий таълимда қобилиятли, иқтидорли ёшларни танлаб олишда муҳим ўзгаришлар амалга оширилаётганлигини ҳисобга олиш мумкин. Аммо, уни янада ривожлантириш, модернизациялаш жараёнлари тўғрисида кўпроқ ўйлаш керак. Айниқса тест жавобларининг аниқ бўлиш муддатларини янада қисқа қилишга эришиш лозим.

Саккизинчидан, Таълим соҳасида жорий этилаётган янгиликларни профессор-ўқитувчилар томонидан қабул қилиш ҳолатлари ҳам силлиқ кўчаётгани йўқ. Айрим ҳолатларда талабаларнинг қандай баҳо олиши ҳам “ўқитувчи” га боғлиқлик муҳити сақланиб қолмоқда. Ундан тезроқ қутилиш учун деканат, факультет ва кафедраларнинг олдига қўйилган талабни яънада кучайтириш, ҳамда ўқув жараёнида талабанинг фаолияти

алоҳида рағбатлантириб борилиши, яъни индивидуал ёндошиш, истеъдодни рағбатлантириш лозим.

Тўққизинчидан, олий таълимнинг моддий техника баъзаси янгиланиб, ўзгариб бораётган бўлсада, ҳали замонавий фан ва техника ютуқларидан амалда фойдаланиш етарли эмас. Шунинг учун ҳам уни тарғибот ва ташвиқот этадиган илми-амалий, услубий анжуман, тадбирларни кўпроқ ташкил этиш зарур.

Ўнинчидан, олий таълимдаги ўзгаришлар бўйича мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган айрим илғор университетлар баъзасида уни ўзганишни ташкил этиш ҳамда оммалаштириш чораларини кўриш лозим.

Ўн биринчидан, олий таълимга талабаликка қабул қилишда нафақат тест синовлари, айни пайтда йўналиши ва мутахассислиги хусусиятларини ҳисобга олиб, бўлғуси мутахассиснинг касбга лаёқати, қизиқишини аниқлаб берадиган синов механизмларини ҳам жорий этиш, фойдадан ҳоли эмас. Бу таълим соҳасидаги айрим носоғлом ҳолатларининг олдини олиши ёки камайтириш имкониятини беради.

Ўн иккинчидан, олий таълим муассасаларида сиртқи таълим шаклида кадрлар тайёрлашга имкониятлар яратиш, абитуриентларни биринчи курсдан ўқитишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу биринчидан, ишлаб чиқариш билан мунтазам алоқада бўлган тажрибали кадрларни етказиб беришга имконият бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, бундай таълим турида ҳаққонийликка, талабаларнинг ўзи танлаган касб билан талабалик давридаёқ шуғулланаётганлигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Республика олий таълим тизимидаги ўзгаришлар, олий ўқув юртларини дунёдаги тегишли таълим соҳалари билан яқинлаштиради. Таълим соҳасидаги ҳар бир ютуқ глобал ўзгаришларига ўзининг таъсирини кўрсатиши мумкин. Лекин, миллий таълим тизими ҳар бир халқнинг миллий-маънавий қадриятларидан узилиб қолмаслиги учун, ёшларда миллий ғояни чуқур ўргатиш, уларда ўзига бўлган ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлаш, ҳар бир профессор-ўқитувчи кафедра, деканат, факультетларининг, олий таълим муассасаси илмий жамоатчилигининг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим.

Шунингдек, миллий олий таълим билан боғлиқ ўзгаришлар давлат сиёсати билан боғлиқ ҳолда, миллий манфаатларга хизмат қилмоқда. Мамлакатда эркин ва фаровон ҳаёт қурилишига қаратилган миллий ғоя-мақсадлари билан муштарак ҳолда тегишли шарт-шароитлар яратилди.

3 ҲАФТА

САДРИДДИН АЙНИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

XX аср тожик ва ўзбек адабиётининг буюк намояндаларидан бири атоқли санъаткор Садриддин Айнийдир. У ўзининг „Дохунда", „Қуллар" романлари, „Одина", „Етим", „Судхўрнинг ўлими" сингари қиссалари, тўрт қисмдан иборат „Эсдаликлар" асарлари орқали янги хилдаги, замонавий тожик адабиётига асос солди, шунингдек қардош ўзбек маданияти, адабиёти ва санъати тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди. Шу сабабли, Садриддин Айний ижодиёти ҳар иккала қардош халқ учун қадрли ва қимматлидир.

Садриддин Айний халқимизнинг XX аср тарихида юз берган энг муҳим ўзгаришларнинг шоҳиди ва фаол иштирокчиси бўлган адиб. У XX аср бошидаги миллий озодлик ҳаракатларини ҳам, маърифатпарварлик интилишларини ҳам, Октабр тўнтариши ва ундан кейинги юз берган талай мураккаб давр воқеа-ҳодисаларини ҳам ўз кўзи билан кўрди, жамият ҳаётида фаол иштирок этди. Халқ тарихий тақдири ҳақида ғоявий-бадиий тўлақонли, севиб ўқиладиган асарлар яратди.

Садриддин Айний (Садриддин Саидмуродов) 1878-йил 15-апрельда Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги Соктаре қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида дунёга келди. 1884—87- йилларда қишлоқдаги бошланғич мактабда, 1890—1900- йилларда,

қарийб ўн йил давомида Мир Араб, Олимжон, Бадалбек, Ҳожи Зоҳид, Кўкалдош мадрасаларида таҳсил кўрди. Талабалик йилларида у форс-тожик ва туркий халқлар маданий меросини, яъни Фирдавсий, Рўдакий, Жомий, Навоий каби буюк санъаткорлар ижодини қунт билан ўрганади. Шу даврда бўлғуси ёзувчи уларнинг таъсирида шеърий асарлар машқ қила бошлайди. Жумладан, Садриддиннинг „Гули сурх" („Қизил гул") номли илк ғазали 1895- йилда ёзилгандир.

Айтиш керакки, Садриддиннинг болалиги, ўсмирлик ва талабалик йиллари улкан моддий қийинчиликлар исканжасида ўтади. У кун кечириш, илм-маърифат эгаллаш учун ўзгалар, ўзига тўқ талабалар, мударрислар хизматини қилади, таътил пайтларида оғир жисмоний ишлами бажаради. Бу ҳақда кейинчалик адиб ўз таржимаи ҳолида, „Эсдаликлар" асарида батафсил тўхталиб ўтади.

Садриддин Айний мадрасада таҳсил кўрар экан, фақат диний билимлар доираси билан чекланиб қолмайди, балки замонавий билим ва маърифат эгаллашга интилади. Адиб дунёқарашининг шаклланиши ва ривожига, илғор анъаналар билан бир қаторда XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон халқлари тақдирида юз берган ижобий ва салбий бурилишлар, хусусан чор Россиясининг сиёсий, ижтимоий ва маданий сиёсати оқибатида ўлкада тараққийпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларининг кенг тарқалиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унга машҳур маърифатпарвар арбоб Аҳмад Донишнинг „Наводир ул-вақое", Хожа Мароғийнинг „Иброҳимбекнинг саёҳати" асарлари жиддий таъсир кўрсатади.

Садриддин Айнийнинг асримиз бошларидаги фаолияти халқни илм-маърифатли қилишга бағишлангандир. У Бухорода янги усулдаги мактаблар очади, улар учун ўқув қўлланмалари, ёшларни илм-маърифатга чақирувчи шеър ва ҳикоялардан иборат „Ёшлар тарбияси" номли дарслигини тузади. Бадиий ижод, хусусан шеърият билан жиддий шуғулланади.

Садриддин Айний Тожикистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси қилиб сайланган улкан адабиётшунос алломалардан бири эди. Унинг тожик ва ўзбек адабиёти тарихи ҳақида битилган „Тожик адабиётидан намуналар", „Фирдавсий ва унинг „Шоҳнома"си", „Камол Хўжандий", „Шайхурраис Абу Али ибн Сино", „Устод Рўдакий", „Алишер Навоий", „Мирза Абдулқодир Бедил" сингари илмий тадқиқотлари ҳануз ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Санъаткор Тожикистон Фанлар академиясининг биринчи Президенти сифатида қардош халқ илми, маданияти ривожига самарали ҳисса қўшди.

Садриддин Айний ўзбек адабиёти ва ўзбек санъаткорларининг яқин дўсти-қадрдони эди. У Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон каби ўзбек санъаткорлари, талай тилшунос ва адабиётшунос олимлари билан самарали ижодий ҳамкорлик қилди. Адибнинг тожик ва ўзбек адабиётлари ривожида, иккала қардош халқ миллий маданиятларини юксалтириш соҳасидаги хизматлари унутилмасдир. Шу сабабли, Садриддин Айний ҳақли суратда XX аср ўзбек адабиёти тараққиётига улкан улуш қўшган санъаткорлардан бири сифатида тилга олинади.

Садриддин Айнийнинг деярли барча асарлари ўзбек тилида нашр этилган бўлиб, ўзбек китобхонларининг севимли асарларига айланган. Адибнинг асарлари ўзбек тилида 8 жилдда босилиб чиққан.

Садриддин Айний 1954- йил 16- июлда Душанбе шаҳрида вафот этди.

Тожикистон ва Ўзбекистонда Садриддин Айний хотираси абадийлаштирилган. Унинг номига шаҳар, район, давлат ва жамоа хўжаликлари, ўрта ва олий ўқув юртлари қўйилган. Тошкентдаги кенг ва равон кўчалардан бири Айний номи билан аталади.

22- АПРЕЛЬ КУНИ ХАЛҚАРО ОНА-ЕР КУНИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси қарорига асосан 2009 йилдан бошлаб 22 апрель куни Халқаро Она-ер куни сифатида нишонлаб келинмоқда. Бу, албатта, бежиз эмас...

Маълумки, ер юзасининг умумий сатҳи 510,2 млн. км2 бўлиб, шундан 29,2 фоизигина қуруқликдан иборатдир. Қолган 70,8 фоизи денгиз ва океанлар ҳиссасига тўғри келади. Ишлов бериладиган ер майдонлари эса 11 фоиз, яйлов ва ўтлоқлар 23 фоиз, ўрмон ва бутазорлар 31 фоиз, аҳоли яшайдиган ҳудудлар атиги 2 фоиздир. Ер сатҳининг қолгани қисмини эса тоғлар, чўллар, музликлар, ботқоқликлар ёки кам маҳсулдорли ерлар ташкил этади. Шунга қарамасдан инсонлар она-ерда ўзлари учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг 88 фоизини етиштирмоқдалар. Соҳа мутахассисларининг фикрича, жаҳондаги ҳайдаладиган майдонларнинг асосий қисми Шимолий ярим шарда — Ғарбий ва Шарқий Европада, Жанубий Сибирда, Шарқий, Жануби-шарқий ва Жанубий Осиёда, Канада ва АҚШ текисликларида жойлашган. Табиат неъматлари, она-ер имкониятлари ҳақида сўз борганида жамият ҳаётида яйловлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини ҳам алоҳида таъкилаш жоиз. Чунки, улар инсоният истеъмол қиладиган асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ўн фоизга яқинини етиштириб беради. Ўрмонзорлар эса сайёрамизнинг “ўпкаси” ҳисобланиб, улар бизнинг эркин нафас олишимиз ва кундалик турмушимиз учун ниҳоятда зарурдирлар.

Афсуски, кейинги йилларда табиат ва унинг бойликларига нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш ер фонди тузилмасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада минг-минглаб гектар майдонлар яроқсиз ҳолга келиб қолаётир. Кейинги 50 йил давомида жами аҳоли сони салкам уч баробарга ортиб, дон етиштириш 4, нетфь маҳсулотлари истеъмоли 7, газ 15, тошкўмир 3,6 ва ёҒоч ишлаб чиқариш 14 мартага кўпайган. Чўлланиш жараёнлари оқибатида эса ҳозирги кунда 900 млн. гектар майдон буткул саҳрога айланиб улгурди. Бунга асосий сабаб экин майдонларига нотўҒри ишлов берилиши, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳаддан зиёд кўп экилиши, ўрмонларнинг режасиз кесиб юборилиши ҳамда яйловларда чорва молларининг меъёридан ортиқ боқилишидир.

Табиий ресурслардан ноўрин фойдаланиш антропоген таъсирларнинг ортишига, иқлим ўзгаришларига ҳам олиб келаётганини ҳам унутмаслик лозим. Кейинги 15 йилда Ер юзасидаги ўртача ҳарорат энг юқори даражага чиқди. Олимларнинг фикрича, карбонат ангидрид гази ташламалари миқдори ҳозирги миқдорда сақланса, 2055 йилга бориб Ер юзидаги ўртача ҳарорат 4°С га кўтарилиши мумкин.

Табиат маъмурий чегараларни тан олмайди, албатта. Қолаверса, экологик тангликни битта ёки бир неча давлатнинг уриниши билан бартараф этиш ҳам мушкул. Бу эса ўз навбатида атроф-муҳит муҳофазасига нисбатан тўла масъулият ва юксак талабчанлик билан ёндашишни тақозо этади.

Халқаро экологик ҳамкорлик принциплари илк бор 1972 йилда, БМТнинг атроф-муҳит муаммоларига бағишланган Стокгольм конференцияси Декларациясида умумлаштирилиб, унда инсоннинг она-табиат олдидаги асосий бурчлари ва ҳуқуқлари белгилаб берилганини бир эсга олайлик. 1992 йил июнь ойида Рио-де-Жанейро шаҳрида БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш масалаларига бағишлаб ўтказилган Конференциясида 179 та давлат раҳбарлари, делегатлар ҳамда халқаро нодавлат ташкилотларнинг 3 мингдан зиёд вакиллари иштирок этдилар.

Унда Атроф-муҳит ва ривожланиш тўғрисидаги Декларация, шунингдек, “XXI аср кун тартиби” номли ҳаракат Дастури қабул қилинди. Декларациянинг кўплаб принциплари Стокгольм конференцияси Ғояларига тўла ҳамоҳанглиги билан эътиборни тортади.

Табиат — бу инсониятнинг чексиз-чегарасиз бойлиги эмас, аксинча, инсон унинг таркибий бир бўлагидир. Ана шундан келиб чиқиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг институционал ва ҳуқуқий базаси яратилди. Ўзбекистон бир қатор халқаро конвенцияларга қўшилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро нормалари асосида мавжуд экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш юзасидан зарурий чоралар кўрилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2010 йил сентябрь ойида БМТнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган Мингйиллик Саммити ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги

нутқида экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш ҳозирги табиий ўзгаришлар шароитида ҳаёт-мамот масаласи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас.

Бинобарин, бугун дунёда биологик хилма-хилликни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, қайта тикланувчан энергия манбалари ва энергияни тежайдиган технологияларни татбиқ этиш, шунингдек, ер ресурсларини самарали бошқариш ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этмоқда. Экологик чора-тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам ҳар бир фуқаронинг соғлом яшаш ҳуқуқини таъминлаш ҳамда Она-Ер бойликларидан келгуси авлодларнинг манфаатларига зиён етказмаган ҳолда мақсадли фойдаланишдан иборатдир.

Экологик чора-тадбирлардан бири сифатида Ботаника боғлари ташкил этилилиб келинган. Дунёдаги энг қадимги ботаника боғи Салерно (Италия) да бўлиб, у 1309-йилда барпо этилган. Мамонт дарахти ниҳоятда ғаройиб. Унинг бўйи 150 метрга етади. Пўстлоғининг қалинлиги 70 сантиметр, яъни баъзи уйларнинг деворидан ҳам қалин. Бу дарахтнинг шундай йўғонлари ҳам борки, ҳатто тўнкасининг устига кичикроқ созандалар ансамбли жойлашиши мумкин. Ботқоқликларни қуритишда катта аҳамиятга эга бўлган эвкалипт дарахти ҳам жуда ажойиб. Унинг илдизи насос каби ишлайди, барглари эса қуёшга қирра томони билан жойлашганлигидан соя туширмайди. Виктория ўзига хос кўркам, йирик сув ўсимлигидир, унинг барги баркашдек келади: гули фақатгина икки оқшом ва икки тунгина очилиб, тусини оқ рангдан тўқ қизил ранггача тўрт марта ўзгартиради. Викториянинг икки метрли япроғи устида 3 яшар бола худди столда ўтиргандек бемалол ўтириши мумкин.

Викториянинг ватани — Жанубий Америка, мамонт дарахтининг ватани — Шимолий Америка, эвкалиптнинг ватани — Австралия биздан жуда узоқда.

Лекин бир куннинг ўзидаёқ «дунё бўйлаб саёҳат» қилиш, мамонт дарахтини ҳам, эвкалипт, виктория, Африка палмалари, алп лолақизғалдоқлари, тайга кедрлари ва мевалари пишиб етилаётган банан дарахтларини ҳам кўрса бўлади. Бунинг учун нима қилиш керак? Ботаника боғига бориш лозим. Мамлакатимизнинг ва бутун Ер куррасининг ўсимлик бойликлари билан танишмоқчи бўлган барча кишилар учун ботаника боғининг эшиклари очиқ. Ботаника боғига мактаб ўқувчилари экскурсияга келадилар, унинг гербарий ва тирик коллексияларидан талабалар ҳам, профессорлар ҳам ўз машғулотлари учун фойдаланадилар.

Помир тоғидаги ботаника боғи дунёнинг энг баланд жойидаги, Хибин тоғларидаги Қутб алп ботаника боғи энг шимолий минтақадаги ботаника боғларидир.

Тошкентдаги Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника боғида Ўрта Осиё республикалари, Европа мамлакатлари, Кавказ, Узоқ Шарқ ўлкалари, Шимолий Америка, Хитой ва Ўрта денгиз бўйидаги мамлакатлардан келтирилиб иқлимлаштирилган 6 мингдан ортиқ тирик ўсимликларни кўриш мумкин.

Бизнинг ботаника боғимиз Санкт-Петербург ва бошқа мамлакатлардаги ботаника боғлари билан ўсимлик уруғларини алмашади, нодир ўсимликларни излаб топиш учун экспедициялар уюштиради. Олиб келинган ўсимликлар янги иқлимга мослаштирилади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида қонунлар ишлаб чиқадиган ва уларнинг ижросини таъминлайдиган, хуллас шу соҳадаги энг асосий ташкилот бу - Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидир.

Қўмита республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида қилинаётган ишларнинг барчаси учун жавоб беради ва бошқа ташкилотлар томонидан атмосфера, сув манбалари, ўсимлик ва ҳайвонот оламига зарар етказилмаслигини назорат қилади.

Атроф-муҳитга ўз вақтида ва зарур ёрдам кўрсатиш учун қўмита республиканинг барча вилоятларида ўз бўлимларига эга.

Қўмитанинг 2 та илмий-тадқиқот институти бор, бирида («СувГЕО» Тошкент илмий-тадқиқот институти) ер ости ва ер усти сувларини муҳофаза қилиш бўйича изланишлар олиб борилади, иккинчисида эса («Атмосфера» илмий-тадқиқот институти) -атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказилади.

Ушбу институтлардан ташқари Қўмитанинг «Сув хўжалиги экологияси» деб ном олган илмий маркази бор. Марказ Орол денгизи қуриб бориши ва республикамиз ҳудудидан оқиб ўтаётган дарёлар ифлосланиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш масалалари билан шуғулланиб келади.

Қўмита янги қуриладиган корхоналарнинг атроф-муҳит учун қай даражада хавфли эканлигини аниқлаш мақсадида уларнинг барча лойиҳаларини текширувдан ўтказади, зарур ҳолларда ушбу корхоналарнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш учун тавсиялар беради. Республикамизда бирорта ҳам корхона Давлат экология экспертизасининг хулосасисиз қурилиши мумкин эмас.

Ўсимлик ва ҳайвонот олами (флора ва фауна) ҳолатини Қўмитанинг «Бошбионазорат» махсус бўлинмаси кузатиб боради.

4 ҲАФТА

“КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Бугунги навқирон ёшларимиз юртимизда демократик давлат, фуқаролик жамият, тараққий топган иқтисодиёт, шулар асосида эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этишда, барча эзгу орзу-умидларимизга эришишда Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлади.

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг дастури

Биз - Ўзбекистон Республикасининг ёшлари:

- конституциявий ҳуқуқларимиздан ва қонунларда белгилаб қўйилган кафолатлардан фойдаланиб;
- халқимизнинг бой тарихий меросига ворислик, истиқлол йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига дахлдорлик туйғусини;
- Ватанимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг шон-шуҳрати, нуфузи ва обрўсини дунё миқёсида юксалтириш, халқимизнинг келажаги буюк давлат қуришдек эзгу мақсадини рўёбга чиқариш бугун камол топаётган авлоднинг зиммасида эканлигини;
- юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга фаол ва муносиб ҳисса қўшиш ўзимизнинг фарзандлик ва фуқаролик бурчимиз эканини чуқур ҳис этиб;
- миллий ғоямизга содиқ, имони бутун, эътиқоди мустаҳкам, оташин ватанпарвар, ижтимоий фаол, меҳнатсевар, ташаббускор кишилар бўлиб вояга етиш аввало ўз саъйи-ҳаракатимизга боғлиқ эканини тўла англаб, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати сафига бирлашганмиз.

Мақсадимиз – мамлакатимиз ёшларини озод ва обод Ватан яратишдек улуғ мақсад йўлида бирлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, мустақил Ўзбекистоннинг жисмонан соғлом, маънан етук, дунёқараши теран, мустақил фикрловчи, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни, бозор иқтисодиёти асосларини чуқур егаллаган фуқароларини вояга етказишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ўсиб келаётган авлоднинг инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини улуғлашга, халқимизнинг обрўси ва нуфузини, юртимизнинг шон-шуҳратини оширишга хизмат қиладиган узоқ муддатли, кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлашдан, Ҳаракатни чин маънодаги ёшларнинг суянчи ва таянчига айлантиришдан иборатдир.

Ана шу мақсадни амалга ошириш учун ҳаракат ўз олдига қуйидаги устувор дастурий вазифаларни қўяди:

I. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш соҳасида

1. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг маъно ва моҳиятини ёшлар онгига чуқур сингдириш, уларнинг жамиятдаги янгиланишлар йўлини кенг қўллаб-қувватлашига ва ушбу жараёнлардаги ижтимоий фаоллигига эришиш.

2. Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, айни пайтда ўзининг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини англаган ҳолда яшаши, жамият ҳаётида онгли фуқаро, эркин шахс сифатида иштирок этиш малакаларини шакллантириш.

3. Ёшлар сиёсатига доир қонун лойиҳаларини ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни муҳокама қилишда ўз таклиф ва мулоҳазалари билан қатнашиш, ёшларнинг ҳаёти, талаб ва эҳтиёжларига оид муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиялар гуруҳлари, жамоат бирлашмалари ҳамда давлат ҳокимиятининг тегишли ижроия органлари билан ҳамкорлик қилиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг асосий тамойилларини кенг тарғиб қилиш мақсадида болалар ва ўсмирларнинг ёшига мос равишда кўргазмали, видео ва аудио маҳсулотлар, босма нашрлар тайёрлаш, маърифий тадбирлар уюштириш.

5. Ёшларни Ҳаракатнинг маҳаллий бўлимлари ва бошланғич ташкилотлари фаолиятига мунтазам жалб этиш орқали уларнинг етакчилик қобилиятини ривожлантириш, уларни давлат ва жамият бошқарувида иштирок этишга тайёрлаш.

6. Ҳудудий ва маҳаллий бўлимлар қошида «Етакчилар ва сардорлар мактаблари»ни ташкил етиш, уларнинг аъзолари билан учрашувларга давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларини, таниқли олимлар, ижодкор зиёлиларни, пешқадам тадбиркорлар ва қишлоқ хўжалик, ишлаб-чиқариш корхоналари раҳбарларини жалб этиш, ўқув жараёнининг эркин тарзда, ёшларда раҳбарлик, ташкилотчилик, ташаббускорлик қобилиятларини намоён қилишлари учун қулай шаклда ташкил этиш, шу орқали уларни Ватан, эл-юрт учун хизмат қиладиган, жонкуяр, фидойи фарзандлар этиб тарбиялаш.

7. Ёшларнинг ғайрат-шижоати, билими, иқтидори ва салоҳиятига таянган ҳолда ҳар бир йигит ва қизнинг Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлигига хизмат қиладиган қизиқиш, интилиш, изланиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали “Кучли давлатдан кучли жамият сари” тамойилини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этишига эришиш.

II. Маънавий-маърифий соҳада

1. Ёшлар қалби ва онгида «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!” деган муқаддас туйғуни, ўзбек халқининг фарзанди эканидан ифтихор туйғусини ўстириш, ушбу мақсадга эришиш йўлида ёшларга хос софлик ва жўшқинлик, ғайрат-шижоат, миллий ғурур туйғуларини ошириш.

2. Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ёш авлодни истиқлол ғояларига чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, мамлакатимизнинг миллий манфаатларини муҳофаза етишга қаратилган еътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга мўлжалланган ташкилий, тарбиявий, маънавий-маърифий тадбирларнинг узоқ муддатли стратегиясини белгилаш ва амалга ошириш.

3. Ёшларнинг дунё ва мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, ахборот хуружларига қарши фаол фуқаролик позициясини ва мустаҳкам мафкуравий иммунитетни тарбиялаш.

4. Ёш авлодни Ўзбекистон Конституциясига, Давлат рамзларига чуқур ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашнинг таъсирчан тизимини яратиш.

5. Барча таълим-тарбия муассасаларида, аҳоли турар жойлари, ишлаб чиқариш соҳаларида маънавий-руҳий муҳитнинг аҳволини, ёшларнинг кайфиятини, мақсад ва муддаоларини ўрганиб бориш асосида ижобий анъана ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларни, уларнинг ижтимоий-сиёсий муҳитга, ёшларнинг онги ва дунёқарашига таъсирини таҳлил етиш, нуқсонларни бартараф этишнинг самарали чораларини кўриш.

6. Олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ва мактаблардаги ўқув жараёнлари самарадорлигини оширишга қаратилган ижтимоий сўровлар ўтказиш, ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, мақсад ва интилишларини ўрганиш, ўтиш даврида учрайдиган муаммолар, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш нималарга боғлиқ экани ҳақида баҳс ва мулоқотлар ўтказиш, зарур хулосалар чиқариш ва тегишли идораларга таклифлар киритиш.

7. Ҳаракат бошланғич ташкилотлари томонидан ўқув муассасалари қошидаги талабалар турар жойларини оталиққа олиш, бу масканларда олиб бориладиган тарбиявий ишлар услубларини такомиллаштириш ва амалга ошириш.

8. Болалар тушунчаси ва дунёқарашини бугунги кун талаблари асосида ҳисобга олган ҳолда тажрибали педагоглар билан ҳамкорликда ёзги оромгоҳлар ва сиҳатгоҳларда амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг самарали услубларини тайёрлаш ва тавсия етиш.

9. Маърифий-тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғунлигини, тизимлилигини, аниқ натижага йўналтирилишини таъминлаш, маъруза, суҳбат, баҳс-мунозаралар, семинарлар ва конференциялар, оммавий-маданий ва спорт тадбирлари, оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар ва қонунларнинг моҳиятини ёшларга тезкорлик билан етказиш ва уларнинг кундалик фаолият дастурига айлантириш.

10. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини, ёшлар қатламларининг талаб ва еҳтиёжларини, миллий таркибини ҳисобга олган ҳолда улар ўртасида олиб бориладиган маданий-маърифий тадбирларнинг дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

11. Ўзбек халқининг бебаҳо маънавий меросидан ёшларимизнинг мунтазам ва тўлақонли баҳраманд бўлишига, уларнинг ҳам миллий, ҳам замонавий маънавий муҳитда камол топишига эришиш, ота-боболаримиз еътиқод қилиб келган ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, эзгу ғояларини ёш авлод қалбига сингдириш.

12. Халқаро терроризм, диний экстремизмнинг барча кўринишларига, маънавият ва маданиятимизга нисбатан қилинаётган мафкуравий хуружларга, юртимиз тинчлиги ва осойишталигига раҳна солувчи, ёшларнинг имон-эътиқоди ва ишончини чалғитувчи, онгини заҳарловчи, тўғри йўлдан оздирувчи ҳар қандай ғоя ва мафкураларга қарши муросасиз курашчанлик муҳитини яратиш.

Ислом динининг инсонпарвар моҳиятини, миллий маънавиятимиздаги аҳамиятини, диний бағрикенгликни тарбияловчи шарт- шароит яратиш.

Ёшларни информацион хуружлардан ҳимоялаш, вазиятни тўғри таҳлил этишларига ёрдам бериш мақсадида уларни ахборот билан таъминлаб бориш.

13. Ижтимоий адолат мезонларининг ҳар қандай шаклда бузилишига, ҳаётимизда учрайдиган иллатлар - порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, уруғчилик, гуруҳбозлик, мансабпарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ахлоқий нопоклик, қонунбузарликнинг барча кўринишларига, хориждан кириб келаётган миллий маънавиятимизга ёт бўлган иллатларга қарши ёшларнинг кескин ва муросасиз муносабатини шакллантириш, вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини

олишга қаратилган самарали маънавий муҳитни яратишда Республика Маънавият ва маърифат Кенгашига кўмаклашиш.

14. Ёшлар ўртасида атроф-муҳитни, Ватанимизнинг бетакрор табиатини асраб-авайлаш, муҳофаза қилишга йўналтирилган экологик тарбиянинг самарали усулларидан мунтазам фойдаланиш.

15. Болалар ва ўсмирлар учун бадиий адабиётлар, санъат асарлари яратилишини рағбатлантириш мақсадида кўрик-танловлар ташкил этиш, замонавий қаҳрамонлар тимсоли яратилган энг яхши асарларни мукофотлаш тизимини йўлга қўйиш.

III. Ижтимоий-иқтисодий соҳада

1. Ёшларнинг жаҳон фани ва маданияти, замонавий технологияларни, хусусан, ахборот коммуникацияларини пухта ўзлаштиришлари орқали фан ва миллий маданиятимизни замонавий тараққиёт чўққисига кўтаришга ёрдамлашиш.

2. Ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишга қаратилган дастурларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасидаги ёшлар ва болалар жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг шу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш.

3. Турли тўгараклар, ижтимоий ёрдам марказлари, клублар орқали ёшларни касбга йўналтиришга, тадбиркорлик қобилиятини ривожлантиришга, уларнинг бозор иқтисодиёти тамойилларини ўрганишларига ва ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб етишишларига кўмаклашиш.

4. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болалар мактаб-интернатлари тарбияланувчиларини, ногирон ўсмирлар ва ёшларни оталиққа олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ғамхўрлик кўрсатиш, ҳунар ўргатиш, қобилиятларига яраша иш билан таъминлашга, ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис етишларига кўмаклашиш.

5. Маҳаллий ҳокимият идоралари билан ҳамкорликда ҳар бир туманнинг шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда ёшларга касб ўргатиш, ишга жойлаштиришнинг самарали тизимини яратиш, мулкдорликнинг турли шакллари орқали ўз қобилиятига яраша меҳнат қилишига, турмуш фаровонлигини оширишига имконият яратиш ва амалий ёрдам кўрсатиш.

6. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ижтимоий ёрдам беришга қаратилган «Ёш оила» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

IV. Ёшларнинг истеъдод ва қобилиятларини қўллаб-қувватлаш соҳасида

1. Мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқиётган истеъдодли ва қобилиятли йигит-қизларни аниқлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини тўла-тўкис рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, маънавий ва моддий жиҳатдан кўмаклашиш.

2. Кенг жамоатчиликнинг иштирокида иқтидорли болалар ва ўсмирларга, талабаларга, ёш олим ва ижодкорларга ҳомийлик тизимини шакллантириш, хусусан, ёш ихтирочиларнинг илмий тадқиқотлари ва кашфиётларини амалиётда қўллашига, маъмурий-идоравий тўсиқларсиз, сансалорликсиз, бевосита ишлаб чиқариш тармоқларида синаб кўрилишига ҳамда ялпи ишлаб чиқаришга жорий этилишига амалий ёрдам кўрсатиш.

3. Мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиладиган, замонавий фан-техника ютуқлари билан боғлиқ истиқболли мавзулар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ёш олимлар ва мутахассисларни молиявий қўллаб-қувватлашда қатнашиш.

4. Фан ва техника, маданият, адабиёт ва санъат соҳасида юксак муваффақиятга эришган ёш олимлар ва ижодкорларни “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан тақдирлаб бориш.

V. Спорт ва жисмоний тарбийа, йосҳларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасида

1. Ёшлар орасида жисмоний баркамолликни тарғиб қилиш, спортнинг оммавий ва миллий турларини, халқ ўйинларини ривожлантиришга кўмаклашиш, турли мусобақа ва турнирлар ўтказиш.

2. Тегишли давлат идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшларни спортнинг ҳарбий-амалий ва техникавий турларини ўрганишга жалб қилиш орқали мамлакат Қуролли кучлари сафида хизмат қилишга тайёрлаш, Ватаннинг мард ва жасур ҳимоячилари қилиб етиштиришга, аскарлар ва ёш офицерларни ўз халқининг фахри ва ифтихорига сазовор инсонлар қилиб тарбиялашга кўмаклашиш.

3. Болалар сиҳат-саломатлик масканлари ва оромгоҳларини, ўсмирлар ва ёшлар спорт тўгараклари, секциялар ва клубларини, жисмоний тарбия ва даволаш-соғломлаштириш муассасаларини, болалар-ўсмирлар спорт мактабларини жамоат ва ҳомийлик йўли билан қўллаб-қувватлашни ташкил этиш.

4. Қишлоқ жойларда спортни оммалаштириш учун зарур шароит яратишда бевосита иштирок этиш, бунёд этилган спорт иншоотлари, болалар спорт майдончаларини Ҳаракатнинг оталиғига олиш, улардан самарали фойдаланишга эришиш.

5. Ўқув юртлари, корхона ва ташкилотлар иштирокида ўтказиладиган спорт мусобақалари, олимпиадалар ва универсиадаларни ташкил этишда фаол иштирок этиш, ёшларнинг машҳур спортчилар билан учрашувларини уюштириш, жойларда уларнинг номлари билан боғлиқ бўлган спорт мактабларини очиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш.

6. Маҳаллаларда, ёшларнинг турар жойларида уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб етиш, спорт майдончалари, машғулот заллари ҳамда соғломлаштиришга хизмат қиладиган бошқа иншоотлар тармоғини янада кенгайтиришга эришиш.

7. Ёшлар ўртасида тиббий билимларни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

VI. Халқаро фаолият соҳасида

1. Ёшларнинг хорижий ёшлар ва болалар ташкилотлари билан тажриба алмашишларига, чет еллардаги тенгқурлари билан мулоқот қилиш орқали умумбашарий маданий ва маънавий қадриятлардан баҳраманд бўлишларига шароит яратиш.

2. Ҳаракатнинг илғор инсонпарварлик ва демократик йўналишдаги халқаро ва хорижий ёшлар ташкилотлари ҳамда ҳаракатлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли халқаро алоқаларини ривожлантириш.

3. Хорижий ва халқаро ёшлар ташкилотлари билан делегациялар айрибошлаш ва тажриба алмашиш, мамлакатимиз ёшларининг муносиб вакилларини халқаро анжуманлар, кўрик-танловлар, фестиваллар ва спорт мусобақаларига юборишга кўмаклашиш.

Хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда маданий тадбирларни амалга ошириш.

5. Ёшлар туризмини ривожлантириш, ёш сайёҳлар гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг чет элларга сафарларини уюштириш.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ФУНДАМЕНТАЛИЗМ







Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидавий аҳкомлар тизимини инкор этиш ва уларга зид бўлган «ғоялар»ни агрессив тарзда тарғиб қилишдир. Масалан, Марказий Осиёда диний экстремистлар мазкур минтақа халқлари учун анъанавий бўлган ханафийлик мазҳаби ва мотуридия ақидаларини рад этиб, мусулмонларга сиёсийлаштирилган ваҳҳобий-салафийлик оқими ғояларини сингдиришга уринмоқда.



Диний экстремизм ва у билан боғлиқ терроризмнинг Марказий Осиёга кириб келишида айнан Афғонистон ўзига хос дарвоза вазифасини ўтади. Марказий Осиё минтақасида ҳозирги кунда фаолияти кузатилаётган диний экстремистик гуруҳлар қаторига «Ўзбекистон/Туркистон ислом ҳаракати» (ЎИҲ), «Ҳизбут таҳрир», «Акромийлар», «Нурчилар» ва «Таблиғчилар» киради. Кейинги йилларда илгари ЎИҲ таркибида бўлган, ҳозирда мустақил фаолият юритаётган «жиҳодий жамоатлар» мавжудлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Мазкур жамоатлардан бири 2004 йили Тошкент ва Бухорода террорчилик ҳаракатларини амалга оширди. Ҳозирда кўпроқ «Ҳизбут таҳрир», «Акромийлар» ва ЎИҲ гуруҳларининг фаоллиги кузатилмоқда.

Диний экстремистик руҳдаги террорчи ташкилотларнинг Марказиё Осиё минтақасида стратегик мақсадлари шариатга асосланган теократик давлат тузиш бўлиб, бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш назарда тутилади:

- аҳолини кенг кўламда «исломийлаштириш»;
- ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш;
- динлараро ва миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш;
- хорижда фаолият юритаётган диний-экстремистик ташкилотлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш, улар имкониятидан гуруҳ жангариларини тайёрлашда ва фаолиятни моддий-техник таъминлашда фойдаланиш.



Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозир дунёда 500га яқин террорчилик ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг 80 фоизи ислом дини ниқоби остида фаолият юритади. Бундай ташкилотларнинг энг йириклари қаторига «ал-Қоида», «Мусулмон бирадарлари», «Ҳизбут-таҳрир», «ал-Жиҳод ал-Исломий», «ат-Такфир вал-Ҳижра» (Миср), «Ҳизбуллоҳ» (Ливан), «ХАМАС» (Фаластин), «Абу Сайёф» (Филиппин), «Озод Ачех», «Лашкари жиҳод» (Индонезия), «Қуролли исломий ҳаракат» (Жазоир) кабиларни киритиш мумкин.

Терроризмнинг глобаллашуви худди кенг тарқаладиган юқумли касаллик каби бир маконда вужудга келиб, унга қарши ўз вақтида чора кўрилмаган ерларда авж олиб, ёйилиши мумкин. У умумжаҳон аҳамиятга эга муаммо сифатида, АҚШ каби ривожланган мамлакатга 2001 йил 11 сентябрда қилинган террорчилик хуружлари мисолида намоён бўлди.

АҚШ давлат департаментининг глобал терроризм тўғрисидаги маърузасида қайд этилишича, ҳозирги даврда терроризм:

- яхши ташкил қилинган, маҳаллий (локал) ҳомий давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиб турувчи террористик гуруҳдан эркин тузилган халқаро жиноий уюшмага айланганлиги;
- сиёсий террордан диний, ғоявий асоси устун бўлган террорга ўтиши;
- терроризм марказининг Яқин Шарқдан Жанубий Осиёга, хусусан, Афғонистонга кўчиши;
- террористик ташкилотлар томонидан улар эркинроқ ҳаракат қилиши мумкин бўлган минтақалардан жой қидириши;
- молиялаштиришнинг хусусий ҳомийлари, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва ноқонуний савдо-сотиққа ўхшаш манбаларидан фойдаланиши каби хусусиятлар касб этди.

Терроризм глобаллашувини тадқиқ этишга қаратилган ёндашувда унинг мураккаб ва турли-туман кўринишларга эга эканлигини ҳисобга олиш керак. Бу ҳақда қатор кўрсаткичлар, жумладан, унинг мамлакат ва минтақалар бўйича тарқалганлиги, субъектларнинг сони, сиёсий мақсадлари, жиноят содир этишда қўлланиладиган воситалари, тажовуз қилиш объектлари бўйича гапириш мумкин. Буларнинг барчаси терроризмнинг глобаллашуви мураккаб ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, у макон ва замон чегаралари, ривожланиши ва жаҳон ҳамжамияти давлатларига тарқалиши каби жинояткорона, инсон ҳуқуқларига зид хусусиятини кўрсатади.

Умуман олганда, терроризм глобаллашувининг замонавий босқичи таркибига дунёдаги можаро ва зиддиятларнинг кучаяётганлиги, халқаро уюшган жиноятчилик ва диний экстремизмнинг ўсиши, наркотикларни ноқонуний айланиши, қурол-аслаҳанинг тарқалиши, айрим давлатлардаги сиёсий беқарорлик каби кўрсаткичларни киритиш мумкин.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жаҳон давлатларининг глобаллашуви жараёнида халқаро, минтақавий ва миллий хавфсизликка таҳдидлар глобаллашуви ҳам намоён бўлмоқда. Бу ўз тасдиғини глобал террорчилик гирдобининг шаклланишида кузатилади. Бугунги кунимизда диний мутаассиблик халқаро миқёсда, дунё бўйлаб ўз фаолиятини яширин ташкиллаштириб, Фаластин, Индонезия, Миср, Афғонистон, Покистон, Ливан, Яман сингари мамлакатлар қатори ғарб давлатларининг ҳам тинч аҳоли вакиллари ҳаётига раҳна солмоқда.

Маълумотларга кўра, ислом дунёсининг ўзида турли ҳаракат ва диний-сиёсий партияларни бирлаштирувчи ташкилотга аъзо бўлганларнинг сони 1700 дан ортиқ. Террорчи ташкилотлар эса, дунё бўйлаб 500 га яқини фаолият кўрсатмоқда. Улар сафларини тўлдириб турган турли кўринишдаги экстремистик ташкилотларнинг ўзи, биргина АҚШда 800 дан ортиқроқдир. Шулардан 200 таси ўз мақсадлари йўлида террор йўлидан фойдаланишга тайёр турганлигини билдирган.

Бугунги кунда диний мутаассиб тузилмалар ўз фаолият кўламини янада кенгайтириб, глобал даражада намоён бўлаётганлиги тинчлик, осойишталик ва халқаро муносабатлар барқарорлигига катта таҳдид туғдирмоқда.

Демак, диний экстремизм ва ундан озиқланаётган халқаро терроризмнинг давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдидини тўғри ва ўз вақтида англаш, шу билан бирга унга қарши йўналтирувчи услубларни ишлаб чиқиш - кишилик жамияти барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи омилларни амалиётга жорий этиш, шунингдек бу муаммони барча давлатлар ўз куч ва ҳаракатларини байналмилал бирлаштириш стратегиясини қўллаш йўли билангина муваффақиятли ҳал қилинишини кўрсатади.



Ҳизб ат-таҳрир. Ҳизб ат-таҳрир 1952 йили Қуддус шаҳрида фаластинлик илоҳиётчи Тақий ад-дин ан-Набаҳоний (1909-1979) томонидан асос солинган диний-сиёсий партия. У Ҳайфада туғилиб ўсган, Қоҳирадаги «ал-Азҳар» университетида таълим олган.

Партиянинг асосий мақсади – аввал араб давлатлари миқёсида, кейин ислом дунёси миқёсида ва ниҳоят жаҳон миқёсида халифалик шаклидаги ислом давлатини тузиш. Уларнинг асосий даъвоси – Мустафо Камол Отатурк томонидан 1924 йили усмоний халифа иккинчи Абд ал-Мажид (1922-1924) халифаликдан ғайриқонуний четлатилгани бўлди. Давлат диний-исломий қонунлар асосида халифа томонидан идора этилиши лозим. Партия дастури 187 банддан иборат бўлиб, асосий мақсади – ҳокимиятга эришиш. Бундаги асосий йўл – исломий фикрловчи шахсларни шакллантириш. Уларга исломий таълим-тарбия бериш икки босқичдан иборат: 1) у билан ислом таълимотини ўргатиш йўлида маданий-маърифий ишлар олиб бориш; 2) сиёсий фаолиятга тортиш.

Мақсадга эришиш учун кураш уч босқичдан иборат:

- Ғоявий-фикрий кураш;

- жамиятда ғоявий инқилобни амалга ошириш;
- ҳокимиятга фақатгина умма-жамоанинг тўлиқ розилигидан сўнг келиш.

Ҳизб ат-таҳрир тарафдорлари кўпгина мусулмон давлатлари, жумладан, Тунис, Ироқ, Жазоир, Судан, Яман ва бошқаларда ўз фаолиятларини яширин олиб бормоқдалар. Унинг ҳозирги кундаги раҳбари Абд ал-Қадим аз-Заллумдир.

Ўзбекистон ҳудудида 1992 йилдан бошлаб партиянинг бошланғич бўлинмалари ташкил этила бошлаган. Партия сафига кирувчилар ўз партиялари ҳақидаги маълумотларни ҳеч қачон ошкор этмасликка ўз мушрифи буюрган вазифаларни сўзсиз бажаришга Қуръон билан қасам ичадилар. Партия мутасаддилари ўз тарафдорларини кўпроқ зиёлилар, илмий ходимлар, талаба ёшлар орасидан қидирадилар.

Етарли таълим олган шахслар кейинчалик ўзлари мустақил гуруҳ тузишлари лозим. Таҳрирчиларнинг таълими босқичма-босқич олиб борилади. Биринчи босқичда «Ислом низоми» ва «Иззат ва шараф сари» китоблари бўйича ўқитилади, «ал-Ваъй» журналидаги маълумотлар муҳокама қилинади. Кейинги босқичларда «Демократия – куфр низоми», «Сиёсий онг», «Халифаликнинг тугатилиши», «Ҳизб ат-таҳрир тушунчалари», «Исломий даъватни ёйиш вазифалари ва сифатлари» каби китоблари ўқитилади. Бу адабиётлар партия манфаатларини кўзлаб, Қуръон оятлари ва ҳадисларни нотўғри талқин қилиб, диндорлар онгига таъсир қилиш мўлжалланган. Ушбу нашрлар диндорларни сиёсийлаштирилган исломга тарғиб этиб, уларни фуқаровий бўйсунмасликка ва муомаладаги умумий қоидаларни инкор этишга чақиради.



«Нурчилар» – Туркияда Саид Нурсий томонидан асос солинган. Диний миллатчилик руҳидаги, фаолияти ман этилган бу ташкилот ислом ақидаларида мутаассибликка чақиради ва дунёвий давлатчиликни инкор этади. «Нурчилар» Туркияда «Saman yoli», TGRT телеканали, қатор радиостанциялар ҳамда «Заман», «Сизинти», «Зафер» каби газета ва журналларга эга. Ташкилот раҳбари Фатҳулла Гюлен 2002 йилдан буён АҚШда истиқомат қилади. Ўзбекистонда «Нурчилар» жамоаларининг тузилиши 1993 йилнинг иккинчи ярмида Туркияда ўқиш даврида таъсир ўтказилган ёшларнинг қайтиб келиши ва турк лицей ўқитувчиларининг фаолияти оқибатида юзага келган. Ташкилотнинг асосий стратегияси ёшларни исломийлаштириш, ўз вакилларини раҳбар лавозимларга ўтказиш орқали аста-секинлик билан ҳокимиятни эгаллаш ҳисобланади.

«Таблиғчилар» салафий ислом мафкурасини ташвиқот қилиш ва унинг тарафдорларини кўпайтириш орқали исломнинг таъсирини бутун дунёга ёйишни мақсад қилади. Ташкилотнинг маркази Бангладешнинг пойтахти Дакка шаҳридаги «Кокраил» масжидида жойлашган. Йирик филиаллари Покистон, Ҳиндистон, Миср, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатларида мавжуд. «Таблиғчилар» ҳар йили 40 кун мобайнида уйма-уй юрган ҳолда ташвиқот ишларини амалга оширади.



Улар исломнинг террорчи гуруҳлар эътироф қиладиган ваҳҳобий-салафий йўналишидаги, жиҳодчиларнинг мафкурасидан фарқ қилмайдиган кўринишини тарғиб қилади. Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда «таблиғчилар»нинг Марказий Осиёдаги филиали Қирғизистонда жойлашган.

Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализмининг таҳдиди ақидапарастликни ёйиш, бу йўл билан мусулмонларни ислоҳотчи давлатга ишончини йўқотишга уринишда ўзини намоён этмоқда. Бундай гуруҳлар мустаҳкамланиб бораётган умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлар ва фуқароларо тотувликка раҳна солишга ҳаракат қилмоқдалар. Демократия ва дунёвий давлат тушунчаларини, эътиқод эркинлигига асосланган кўп конфессияли дунёвий жамиятни обрўсизлантиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар.

Президентимиз таъкидлаганидек, «энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига

сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган.

Бинобарин, дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишга ёрдамга келган.

Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга диний дунёқараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш мумкин. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён, у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган».

Кейинги йилларда миллий ва диний қадриятларнинг тикланишига катта эътибор берилиши ҳукуматимизнинг устувор сиёсатига айланди. Кўплаб диний байрамлар оммавий нишонланмоқда, телевидение ва матбуот томонидан халқ эҳтиёжида бўлган диний масалалар тез-тез ёритила бошланди. Фуқаролар ўртасида диний илмлар ва анъаналарни ўрганишга қизиқиш кучайди. Бироқ бундан фойдаланган баъзи шахслар ўз манфаатлари йўлида чет эллик юртимизга суқулиб кирмоқчи бўлган экстремистик оқимлар «даъватчи»ларига айландилар. Улар хорижликлар томонидан истаганларича маблағ ва диний адабиётлар билан таъминландилар. Бу ҳаракатлар тезда ўз натижасини берди. Фарғона водийси ва Тошкент шаҳрида авж олган «ваҳҳобийчилик» ҳаракати, мамлакатимизнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларига етиб боришга улгурган «Ҳизб ат-таҳрир ал-исломий» каби гуруҳларнинг кейинги йилларда Ватанимизнинг турли жойларида уюштирган фитна-фасод ҳаракатлари шундан дарак беради.

Модомики, биз ёшларимизни, Президентимиз айтганидек Имом Бухорийлар, Нақшбандийлар ва Яссавийлар таълимоти асосида тарбиялар эканмиз, биз уларни турли ислом ниқоби остидаги ғаразли гуруҳлар билан буюк аждодларимиз амал қилган ва бизларга ҳам тавсия этган мусаффо ислом моҳиятини ажрата оладиган даражада билимли қилишимиз зарур бўлади.

МАЙ
(5 ҳафта)

т/р	Май ойининг тахминий иш режаси	Ҳафта	Кунлари
1	Апрел ойи иш режасининг бажарилиши таҳлили	1 - ҳафта	1-6 май
2	Тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш		
3	“Тўртинчи ҳокимият” ҳақида мулоқот		
4	Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб “Инсон азиз, хотира муқаддас” мавзусида тадбир ўтказиш	2 - ҳафта	7-13 май
5	“Улар Ватан учун қурбон бўлганлар” мавзусида давра суҳбати ўтказиш		
6	Ақидада адашмайлик мавзусида семинар ташкил этиш	3-ҳафта	14-20 май
7	“Эл соғлиги – Юрт бойлиги” мавзусида давра суҳбати уюштириш		
8	Фанлардан ўзлаштириши суст талабалар билан мулоқот ва қўшимча дарслар ташкил этиш		
9	Ўзбекистонда сиёсий ислоҳотлар жараёни ҳақида семинар ўтказиш	4-ҳафта	21-27 май
10	“Бугуннинг гапи: оддий ҳақиқатлар” мавзусида мулоқот ўтказиш	5-ҳафта	28-31май
11	“Кашандалик - умр заволи” мавзусида давра суҳбати ўтказиш ва видеороликлар қўйиб бериш		

Май ойининг муҳим саналари

3- май. Бутун жаҳон матбуот эркинлиги куни (1991 й.).

5-май. “Ўзбекистон қаҳрамони” унвони ва “Олтин юлдуз” медали таъсис этилган кун (1994 й.).

7-май. Радио ихтиро этилган кун (1992 й.).

9 - май . Хотира ва қадрлаш куни (2001 й.).

12 - май. Халқаро ҳамширалар куни.

15 - май. Ҳалқаро оила куни (1994 й.).

18 - май. Халқаро музейлар куни (1977 й.).

19 - май. Тошкентда Халқаро Ислом тадқиқот маркази очилган кун (1995 й.).

31 - май. Ҳалқаро кашандаликка қарши кураш куни.

1 ҲАФТА

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ СИФАТИДА



Маълумки, ҳозирги замонда ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезони ҳисобланади. Чунки бутун дунёни ўзида бир кафтдек намоён этаётган ахборот тараққиётининг қайсидир маънодаги ўзагига айланиб бормоқда.

Оммавий ахборот воситаси жамиятда рўй бераётган воқеа – ҳодисаларга нисбатан тўғри, ҳаққоний баҳони бермас экан, халқ ва ҳокимият ўртасида чин маънодаги воситачи вазифасини бажармас экан, уни ҳеч қачон мажозий маънода бўлса – да тўртинчи ҳокимият мақомига эга бўла олмайди. Сиёсий ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, боғлаб турувчи, улар орасидаги шаффофликни таъминлаб берувчи бирдан – бир восита ҳам – бу оммавий ахборот воситаларидир. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, Ўзбекистонда мустақилликнинг илк давридан бошлаб оммавий ахборот воситаларига тўртинчи ҳокимият даражасида эътибор берилгани бежиз эмас, албатта.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай демократик жамиятнинг тараққиёт йўлида ахборот миллий манфаат учун хизмат қилишни ўз олдига асосий мақсад қилиб олгандагина унинг функционал вазифаси ўз ифодасини топган бўлади.

Жамият ҳар қанча ривожланмасин жамоатчилик билан алоқа қилишнинг энг таъсирчан воситаси – матбуот, радио, телевидение ва интернет бўлиб қолаверади. Уларнинг фаолият кўлами жуда кенг, лекин энг асосий вазифаси хабар ва маълумот етказиб туриш, бирор воқеа – ҳодисани ёритиб, одамларни дунёдаги янгиликлардан воқиф қилишдир.

Оммавий ахборот воситалари типологиясига кўра 5 та асосий турга эга. Булар: матбуот (газета, журнал, ахборотномалар ва бошқалар), радио, телевидение, ахборот агентликлари, шунингдек, Интернет сайтлари.

Радио, телевидение ва матбуот ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, уч хил саволга жавоб беради ва воқеа – ҳодисаларни ёритишда шунга мувофиқ тарзда ёндашади. Радио “нима?”, “нима юз берди?” каби саволларга жавоб берса, телевидение “қандай қилиб?”, “радио хабар берган воқеа қандай юз берди?” каби саволларга жавоб беради. Матбуот “нима учун?”, “радио хабар берган ва телевидение кўрсатган воқеа нима учун юз берди?” каби саволларга жавоб беради. Интернет “қаерда?” – “телевидение ва матбуотда ёритилган воқеа қачон, қаерда, қандай юз берди?” деган саволларга жавоб беради. Асосий ахборот воситалари ўртасидаги меҳнат тақсимоти ана шундай кўринишга эга. Ана шундай бир – бирини тўлдирувчи жавобларга суянган ҳолдагина, ҳақиқатда нима содир бўлганлиги тўғрисидаги тўлиқ ахборотга эга бўлиши мумкин.

Газета ахборотни узатишда оперативлик бўйича радиодан устун эмас, телевидение ҳам бу соҳада радионинг олдига туша олмайди. Шунинг учун, одатда, радио қисқа шаклда бўлса ҳам юз берган воқеа тўғрисида биринчи бўлиб хабар беради. Ундан қанчадир вақт ўтиб телевидение мазкур воқеанинг айнан қандай юз берганини намойиш этади. Фақат келаси куни, баъзида эса ундан ҳам кечроқ, ўқувчи газета олади ва нима учун айнан шу воқеа юз берганини мантиқан изоҳлаб берувчи мақолани ўқийди.

Таҳлил қилиш – матбуотнинг асосий устунлигидир. Аган телевидение "барча" учун ишлаётган бўлса, радио "ялқов ва шошқалоқлар" учун, газета эса энг "ақиллилар" учун ёки ўзини шундай кўришни истовчилар учун мўлжалланган, газетани эса кўп ҳолларда олий маълумотли кишилар доимий ўқийдилар.

Матбуотда айтилган сўзга қайта мурожат этиш, унинг устида ўйлаб кўриш мумкин. Газетани дўстларга ва танишларга ўқиб бериш, ўқилганларни биргаликда муҳокама қилиш, газетадан қирқиб олинган материаллардан тўплам яратиш мумкин. Газетанинг яна муҳим ютуқлардан бири – обуна йўли билан ўзининг доимий аудиториясига эга бўлади.

Бугун дунёдаги деярли барча давлатларда ахборот агентликлари мавжуд. Ахборот агентликларининг асосий хусусияти шундаки, у босма ва электрон оммавий ахборот воситалари учун тайёр материаллар, турли тадбирлар, воқеа – ҳодисалар ҳақидаги факт ва рақамларни етказиб бериш билан шуғулланади. Агентликлар, одатда, аудитория билан бевосита мулоқотга киришмайди.

Ахборот агентликларининг энг муҳим жиҳатлардан бири бу уларнинг жуда ҳам катта ва кенг ахборот архивига эгалигидир. Ахборот агентликларининг бошқа оммавий воситалари учун етказадиган энг катта фойдаси уларни катта маблағ йўқотишдан сақлаб қолишидир.

Жаҳон ахборот маконида халқаро ахборот агентликлари қанча кўп бўлса, дунёда монополлашган хабарлар шунчалик оз бўлади. Масалан, 1990 йил Ироқнинг Қувайтга қилган ҳарбий юришидан сўнг АҚШ – Ироқ ўртасидаги урушни жаҳон ҳамжамияти қандай кузатди? Албатта Ғарб ТВ каналлари орқали. Ироқда фаолият олиб борган ўша пайтдаги Ғарб оммавий ахборот воситалари мавжуд ҳолатни ўзлари билганича шарҳлаб дунёга тақдим этдилар. Яъни биз Ироқда бўлиб ўтган воқеа – ҳодисаларни ўша каналлар кўз қараши билан кузатган эдик. Аммо бугун аҳвол бошқача. Ҳатто АҚШнинг иккинчи марта Ироққа қилган ҳарбий юриши ва дунё ҳамжамияти олдидаги обрўсининг тўкилишида ҳам оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир.

Интернет тармоғининг бугун дунёда кенг тарқалган номи – "ўргимчак тўри" (инг. – Word Wide Web, яъни "бутун дунё ўргимчак тўри", қисқаси WWW) бўлиб, бу ном у ҳақда аниқ тасаввур бера олади. Бутун ер шарини ўраб олган ўргимчакни тасаввур қилинг, унинг тўри бу алоқа тармоқлари, тўрнинг туташ жойлари эса бу компьютерлар. Бир компьютерни иккинчисига бир нечта минглаб тўр боғлаб туради, бу тизим шундай ўрнатилганки, уларнинг бирортасига шикаст етганида ҳам бу икки компьютер ўртасидаги алоқа жиддий таъсир қилмайди.

Тармоққа уланган ҳар бир компьютер аниқ адресга кирмагунча ташқи оламдаги манзилдан ўзига керакли бўлган маълумотни ололмайди. Шунинг учун ҳам тармоқда манзилнинг (масалан, www. Yahoo.com,www.mail.ru ва бошқа шунга ўхшаш манзиллар) бўлиши жуда муҳим. Агар кимдир "Интернетда ҳамма нарса бор" деса Интернет ҳақида бирозгина тўғри гапирган бўлади холос. Чункикўпчиликнинг тасаввурида Интернет бу қандайдир "виртуал ҳақиқат" майдони сифатида намоён бўлмоқда. Мутахассислар бугунги кунда Интернет тармоғига дунё бўйича 200 миллиондан ортиқ компьютер уланганлигини айтмоқда. Бу сиз учун керакли бўлган ахборотни топиш эҳтимол ҳақиқатга бироз яқин деганидир. Бу ерда фақат қидирилаётган маълумотнинг манзили аниқ бўлса, бас. Агар манзили ноаниқ бўлса бунинг имкони йўқ. Яъни "Интернетда ҳамма нарса бор" дегани, масалан, "Тошкент шаҳрида Тешавой деган киши яшайди" деган маълумотга ўхшайди. Ҳа, албатта, бундай киши Тошкентда яшайди, лекин унинг манзили аниқ

бўлмаса, уни топиш имкони йўқ ахир. Интернетда ҳам худди шундай, агар қидирилаётган ахборот ё маълумотнинг манзили аниқ бўлмаса, уни топишнинг имкони бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бугунги кунда Интернет оммавий ахборот воситалари деганда, жуда ҳам кўп одамлар мурожаат қилувчи, тез-тез янгиланадиган ва ниҳоят янгилик, мақола ва бошқа шунга ўхшаш ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, журналистлар томонидан тайёрланган ахборотларни оммага тақдим этадиган сайтлар тушунилмоқда.

3 МАЙ – ЖАҲОН МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ КУНИ

Бугун 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни. Бу санада бутун сайёрамизда “тўртинчи ҳокимият” эгалари матбуот ва сўз эркинлиги байрамини тантана қиладилар. Ушбу кунда дунё миқёсида улкан тадбирлар ўтказилади, ОАВ эркинлиги жабҳасида эришилган ютуқлар, бу борадаги тўсиқ ва муаммолар муҳокама этилади, бир сўз билан айтганда, 3 май куни матбуот эркинлиги сарҳисоби амалга оширилади.

1991 йилнинг 3 майида Намибиянинг Виндхук шаҳрида матбуот эркинлигига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда Африка давлатлари газета-журнал муҳаррирлари дунё ҳукуматларини ОАВ эркинлигини таъминлашга, журналистларнинг ҳақиқатни юзага чиқариш йўлидаги чиқишларига тоқатли бўлишга даъват этишди. Учрашув сўнггида матбуот эркинлиги тўғрисида Декларация имзоланди. Орадан икки йил ўтгач, 3 май БМТ томонидан Жаҳон матбуот эркинлиги куни, деб эълон қилинди. Шу-шу “қора қитъа”дан бошланган хайрли тадбир дунё миқёсидаги халқаро байрамга айланди. Мана 13 йилдирки, 3 май бутун жаҳонда матбуот эркинлиги куни сифатида нишонланади.

Виржинияда журналистлар мемориал ёдгорлиги жойлашган. Ушбу ёдгорлик хотира лавҳига 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни арафасида ҳар йили анъанавий равишда ўз касбий бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистларнинг номлари киритилади. Мутахассислар эътирофига қараганда, 2005 йил демократия посбонлари — оммавий ахборот воситалари ходимлари учун хавф-хатарларга бой сана бўлди: Виржиниядаги ёдгорлик лавҳига 58 нафар мард ва жасур журналистнинг исм-шарифи қайд этилди...

Кўриб турибсизки, кўп йиллардан бери сайёрамизнинг “оловли нуқтаси” бўлиб турган Яқин Шарқ минтақаси журналистлар фаолияти учун ҳам хатарли ҳудуд сифатида қолмоқда. Хусусан, уруш ҳолатини бошдан кечирган Ироқдаги тўқнашув ва тартибсизликлар ОАВ ходимларига ҳам оғир келди: бир йил ичида мамлакатда 22 нафар маҳаллий ва чет эл журналистлари ҳалок бўлди. Журналистлар ҳаётига зомин бўлаётган бошқа давлатлардаги ҳолат ҳақида кўп тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Фақат фидойи журналистларнинг шонли тарихидан яна бир рақамни келтириб ўтмоқчимиз: ўтган бир аср ичида, аниқроғи, 1812-2006 йилларда дунё миқёсида 1606 нафар журналист ўз касбий бурчини адо этиш чоғида қурбон бўлди...

“Стоп жаилинг жоурналицс!” Бу инглизчадан таржима қилганда, “Журналистларни қамаш тўхтатилсин!” дегани. Айни пайтда Жаҳон газеталар ассоциацияси ОАВни ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда шу номдаги акцияни ўтказмоқда. Акция ташкилотчилари журналистлардан кўп нарса талаб қилишмайди: бор-йўғи ОАВ ходимларини ҳибсга олиш билан боғлиқ ҳолат юзага келганда, ҳамкасблар ҳаётига бефарқ бўлмаслик ва ахборот кўмаги кўрсатиш сўралади, холос.

Халқаро ташкилотлар “Журналистларни қамаш тўхтатилсин!” дея бонг ураётгани бежиз эмас. Сабаби, ОАВ вакилларини ҳибс қилиш билан боғлиқ таҳлиллар хавотирли рақам ва хулосаларни келтириб чиқармоқда.

2005 йил якунига кўра, дунё мамлакатлари қамоқхоналарида 788 нафар журналист ҳибсда сақланган. Ҳар йилгидай Осиё, Лотин Америкаси ва Африка давлатлари бу борада етакчи ўринда турибди. Монархия тузумида яшаётган Непал давлати “тўртинчи

ҳокимият” вакилларини ҳибсга олиш борасида ўзига хос “рекорд” ўрнатди: мана шу биргина митти давлатда 400 га яқин журналист маҳкумликда сақланяпти.

Бундан ташқари, қолоқ ва нотинчликда ҳаёт кечираётган Африка давлатлари — Эфиопия (35 нафар ОАВ ходими ҳибсда) ҳамда Конго Демократик Республикаси (27), анъанавий жамият сифатида баҳоланадиган Эрон (28), фуқаролар уруши остонасига келиб қолган Ироқ (21), дунёнинг бармоқ билан санарли коммунистик мамлакатларидан бири Куба (16), халқаро ҳамжамият томонидан диктаторлик режими остида деб танқид қилинаётган Белорус (14) “тўртинчи ҳокимият”га қарши кайфиятдаги ҳукуматлар рўйхатида етакчилик қилмоқда.

Таҳлилчилар фикрича, турли баҳоналар билан ҳибсга олинган ва озодликдан маҳрум этилган журналистлар кўп ҳолларда юқори мансабдорлар буюртмаси қурбони бўлмоқдалар. Яъни, улар бирор бир аниқ жиноят сабабли эмас, аксарият ҳолларда сиёсий фаолиятлари учун ҳибс қилинмоқдалар.

3 май куни катта ижодий маҳорат ва жасорат кўрсатган журналистларга Гилермо Кано номидаги халқаро мукофот топшириш ҳам анъанага айланиб қолган. Гилермо Кано — колумбиялик журналист, “Ел-Еспектадор” газетасида эълон қилган коррупция ва наркосавдо тўғрисидаги ўткир мақолалари билан танилган. Канонинг қонун панасидаги асл жиноятчиларни фош қилиш йўлидаги ҳаракатлари жиноий тўдаларга маъқул келмади: қўрқмас журналист 1986 йилда ўлдирилди. Ана шу фидойи журналист номи билан аталувчи мукофотга ЮНЕСКО томонидан 1997 йилда асос солинган.

Ўтган йиллар давомида ушбу мукофотга Гао Ю (матбуот эркинлиги йўлида курашгани учун Хитойда “халқ душмани” деб эълон қилинган ва кўп йиллар маҳкумлик ҳаётини бошдан кечирган), Крицина Анианву (Нигерия ҳукумати юқори мансабдорларини танқид қилгани учун ҳибсга олинган), Есус Бланкорнелас (Мексикада кенг тарқалган наркотик моддалар савдоси мавзусида илк журналист текширувларини олиб борган), Низор Наюф (Сурияда нашр этиладиган “Демократия овози” газетасига муҳаррирлик қилган журналист юқори мансабдорлар билан келишолмагани сабабли узоқ йилга озодликдан маҳрум этилган), У Вин Тин (Бирмада чоп этилган “Хантавати” кундалик газетаси муҳаррири, мухолифатдаги партия етакчиси, сиёсий фаолияти учун 1989 йилдан буён қамоқда сақланмоқда) каби етакчи журналистлар сазовор бўлишди.

2006 йилги “Гилермо Кано” мукофоти эса ливанлик журналист Май Чидиакка насиб этди. ЛБС телекомпанияси ходими бўлган Чидиак хоним 2005 йилнинг сентябрида телевидение учун репортаж тайёрлаш чоғида портлаш натижасида бир қўли ва оёғидан маҳрум бўлганди. ЮНЕСКОнинг юқори даражадаги ҳайъати хизмат вазифасини бажариш пайтидаги аёлларга хос бўлмаган жасорати учун ливанлик таниқли телемухбирни 2006 йилнинг энг яхши журналисти деб тан олди.

2 ҲАФТА

ИНСОН – АЗИЗ, ХОТИРА – МУҚАДДАС



Юртимиздаги тинч ва осойишта ҳаёт, мусаффо осмон ва фаровон турмуш тарзи халқимизнинг азалий орзуси. Ана шу осойишта кунларнинг қадрига етиш, уни мустаҳкамлаш ва бугунги дориломон кунлар учун қаҳрамонлик кўрсатган инсонларни эслаш ва уларга эҳтиром кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кексаларга, жумладан, уруш қатнашчилари ва ногиронларга

кўрсатилаётган чуқур ҳурмат ва эҳтиром уларнинг фаровон ҳаёти учун кенг шарт-шароит ва имкониятлар яратишда намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 22 апрельда қабул қилинган фармонига мувофиқ Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг пул мукофотлари билан тақдирланиши уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Республикамизнинг бир қатор таълим муассасаларида 9-май “Хотира ва қадрлаш куни” умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан турли ижодий кечалар ташкил этилади, илмий-амалий семинарлар ўтказилади, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинади.

Ёшларимизни она Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда кекса авлод вакилларининг алоҳида ўрни бор. Тинчлик ва озодлик учун курашган, эл-юрт тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган фахрийларимизнинг ҳаёти бугунги ёшлар учун ҳақиқий ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шу сабабли ўқувчи-ёшлар иштирокида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлар, Афғон уруши иштирокчилари, шунингдек, таълим муассасаларида меҳнат қилган кекса педагоглар ҳолидан хабар олиниб, уларни байрам билан табриклашади.

Ёш авлод онги ва қалбига инсонийлик, хотира ва қадрлаш тушунчаларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, тинчлик ва фаровонлик кунларининг қадрига етишга ўргатиш мақсадида фахрийлар, таниқли адабиёт, маданият ва санъат вакиллари, эл ардоғидаги инсонлар иштирокида таълим муассасаларида “Авлодлар учрашуви”, “Эъзоз”, “Эҳтиром” ва бошқа турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади.Шунингдек, “Хотира – ўтмиш ва келажак кўприги”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Инсон хотираси — муқаддас” мавзуларида давра суҳбатлари ташкиллаштирилади.

“Хотира ва қадрлаш куни” умумхалқ байрами арафасида “Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейи ва Хотира хиёбонида уруш қатнашчилари ва фахрийлари билан ўқувчилар учун очиқ дарс соатларининг ташкил этилишида ҳам рамзий маъно бор.

Халқимизнинг энг олий орзуси – мустақиллик йўлида жон тиккан, юрт истиқболи учун фидойилик кўрсатган аждодларимизнинг ҳаёт йўли ўқувчи ёшлар учун чинакам ибрат мактабидир. Фашизм устидан қозонилган ғалабада юртдошларимизнинг қўшган улкан ҳиссаси, уларнинг жанг майдонлари ва фронт ортида кўрсатган жасоратлари ҳақида уруш қатнашчилари сўзлаб беришади.

Бугунги тинч ва фаровон ҳаёт қадрига етиш, она Ватанга ҳурмат, шу юртга дахлдорлик туйғусини ёшларда шакллантиришда кексаларнинг жонли суҳбати, уларнинг ҳаёт сабоғи муҳим ўрин тутади. Ўз қатъий ҳаётий позицияси ва мустақил фикрига эга, миллий истиқлол ғояси руҳида тарбияланган баркамол авлодни вояга етказишда тарбиянинг бу каби таъсирчан усуллари ўз самарасини беради.

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ МУЗЕЙИ



Маълумки, тарих музейлари халқ хотирасининг ифодаси ҳисобланади. 1999 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ва “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасини барпо этишга қарор қилинди ва бу борада улкан ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Миллий мустақиллик, Ватан равнақи, юрт озодлиги учун жонини фидо қилган эл ўғлонларининг қутлуғ хотирасига пойтахтда муаззам хиёбон барпо этилди. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилган ва 2002 йил 1 августда – қатағон қурбонларини ёд этиш кунида очилган “қатағон қурбонлари хотираси” музейи қурувчилар, меъморлар ва тарихчи олимларнинг улкан меҳнати маҳсули бўлди. Халқимизнинг миллий қадр-қиммати тикланишига, ўзлигини қайтадан намоён этишга

истиқлол йўл очди ва биз она Ватанимиз ва халқимиз тарихи билан фахрланиш, Ўтган аждодларимизнинг қутлуғ хотирасини эъзозлашдек юксак инсоний-маънавий имкониятларга эга бўлдик.

Мажмуа қай тарзда дунёга келганлиги ва музей айнан шу жойга мўлжалланганлиги тўғрисида “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси раиси Наим Каримовнинг келтирган манбаларидан қуйидагилар аён бўлади: Бугун кўркам зиёратгоҳ барпо этилган жойлар XX асрнинг қарийб 80-йилларига қадар Тошкентнинг энг пастқам, хилват гўшаси бўлган. Бу ердаги бирдан-бир иншоот “Алвасти кўприк” деб номланган. Худди шу ернинг 20-йиллар адоғидан бошлаб мустабид давлатга қатағон ўрнида хизмат қилгани ҳам тасодифий эмас. Мутахассисларнинг берган маълумотларига кўра, 20-40-йиллар орасида бу ерда учта қатлгоҳ бўлган.

Уларнинг бири – телевизион миноранинг Ишчилар шаҳарчаси томон тушган “оёғи” атрофида, иккинчиси зиёратгоҳнинг юқори тарафида, ниҳоят, учинчиси “Абразив” заводининг ўрнида бўлган. Шу тарзда Юнусобод қарийб ярим аср мобайнида халқимиз тарихидаги энг даҳшатли воқеаларнинг тилсиз гувоҳига айланган.

Музейда истиқлол йилларида маънавий қадриятларимизни тиклаш бЎйича олиб борилган ката ва муҳим ишлар алоҳида экспозицияларда акс этган. Бу экспозицияларнинг жойлашиши ва уларни кўз қорачиғидай сақлашда қандай технологиялардан фойдаланилаётгани жуда муҳимдир.

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган, ғоят қисқа муддатда қад ростлаган ёдгорлик мажмуи ва музейи айнан шу жойда – кўп-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида бежиз барпо этилгани йўқ.

Музейга кираверишда мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг “Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди” деган сўзлари ёзилган.

130 йил давом этган мустамлакачилик йилларида Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бЎлган аждодларимизнинг порлоқ хотираси ана шу ёдгорликда ўз абадиятини топди.

Шу тарихий кундан бир йил аввал Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустамлакачилик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тазйиқларга маҳкум этилган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш юзасидан Амалий ишлар олиб бориш учун Жамоатчилик комиссияси тузилган эди. 1999 йил 22 июль куни эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарори қабул қилиниб ва унда Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида Мустамлакачилик даври қурбонлари ёдгорлик мажмуини барпо этиш ҳамда “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси тузиш лозимлиги қайд этилган эди.

Қатағонларни хотирлаш ва эъзозлаш, халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг порлоқ хотирасини тиклаш мақсадида 2002 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан “қатағон қурбонлари хотираси” музейи очилди.

Музейнинг ташқи кўриниши: “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи “Шаҳидлар хотираси” майдонининг марказида жойлашган бўлиб, майдонга янада кўрк ва файз бағишлаб турибди.

Музейнинг томи вазифасини ўтовчи “Кўк гумбаз” “Уста” бирлашмаси томонидан ишланган. Бино атрофидаги 28 та устун Қўқонлик уста Абдуғани Каримов ва унинг шогирдлари томонидан “ёғоч ўймакорлиги” усулида ишланган. Бино тўрт эшикдан иборат. Булардан бири Қўқон усталари, бири Самарқанд усталари, иккитаси тошкентлик усталар томонидан “ёғоч ўймакорлиги” усулида жуда катта дид билан ишланган.

Ҳозирги кунда музей ичига тошкентлик усталар томонидан ясалган эшик орқали кирилади.

Музейнинг ички кўриниши: Музей зали ёруғ ва шинам. Зал марказида “Изтироб ҳайкали” ўрнатилган. Унда фарзандини кутаётган ота-она, ўз ёрини соғинган аёл, ота меҳрига тўймаган бола тасвирланган. Деворларга музейни бўлимларга ажратувчи, мавзуларга оид, ўша даврларга хос лавҳа – суратлар осилган.

Музей 7 бўлимдан иборат. 1. XIX аср ўрталари ва охирлари. 2. 20-йиллардаги қатағон. 3. “қулоқ”лаштириш даври. 4. 30-йиллардаги қатағон. 5. 40-50-йиллардаги қатағон. 6. 80-йиллардаги қатағон. 7. Мустақиллик йилларида қатағонларни хотирлаш ва эъзозлаш.

Ҳар бир бўлимда шу даврга оид ҳужжатлар, маҳфий қоғозлар, расмлар, давр лавҳалари ва экспонатлар бор.

Миллатимиз фахру ифтихори бўлган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари юзлаб улуғ зотларнинг ҳам шу ерда қатл этилганлиги яқингача кўпчиликка маълум эмас эди. Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишдаги ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни манна шу ёдгорлик ҳамда музей ўргатиши шубҳасиз. Зеро, музейларни ташкил қилишдан мақсадимиз ҳам шу жамият ва яшаб турган инсонларнинг ўз ватани тарихига бефарқ қолмасликлари, айниқса ёшларнинг ўзларидан катта аждодлари ҳаёти ва тутган йўлларини яхши билиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, Ватан озодлиги, тинчлиги, фаровон ҳаёти учун улардек мардларча, фидокорона меҳнат қилишлари сари илҳомлантиришдир. Ўзлигини англаган ҳар бир фуқаро шу юртнинг келажаги, фарзандлар камоли ва яхши турмуши учун бор куч-қувватини сафарбар қилади.

Биз юқорида мустақиллик даврида қуриб, ишга туширилган Термиздаги ва пойтахт Тошкент шаҳридаги ғоят катта аҳамиятга эга бЎлган музейлар фаолияти ҳақида фикр юритдик. Бу музейлар халқимиз ҳаётида, айниқса ёшлар маънавий дунёқарашини шакллантириш, уларда аждодларига нисбатан меҳр, ифтихор туйғуларини такомиллаштиришда муҳим вазифаларни амалга оширади. Маданий-маърифий ғояларни кенг халқ оммаси Ўртасида тарқатиш, тарғиб қилиш ва жаҳонга кўз-кўз қила туриб, аждодларига муносиб тарзда ҳаёт кечиришлари, меҳнат қилишлари ва буюк ишларни амалга ошириш сари илҳом бахш этади. Музейлардан олинган таассурот, билимлар кишига эстетик ҳамда маънавий завқ бағишлайди.

ЧЎЛПОН



Ўзбек янги шеъриятининг асосчиларидан бири, драматург, носир, публицист ва таржимон Чўлпон дунёқараши ва ижодининг шаклланишига аср бошларидаги демократик инқилоблар ҳамда жадидчилик ҳаракати катта таъсир кўрсатган. Унинг «Ҳалил фаранг», «Чўрининг исёни» каби кичик пьесалари, «Ўртоқ Қаршибоев», «Муштумзўр» каби драмалари ҳамда кўп вақт саҳнадан тушмаган «Ёркиной» пьесалари машҳур бўлган.

Ўзбек адабиётининг ёркин намояндаларидан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон 1898 йилда Андижоннинг Қатортерак маҳалласида савдогар оиласида дунёга келган. Отаси Сулаймонқул Мулла Муҳаммад Юнус ўғли (1874-1929) дастлаб деҳқончилик, сўнгра баззозлик билан шуғулланган.

Таниқли журналист ва ёзувчи Мўминжон Муҳаммаджонов «Турмуш уринишлари» китобида қайд этишича, Чўлпоннинг отаси Сулаймонқул ўз даврининг етук зиёлиси, маърифатпарвар кишиси бўлган. У «Расво» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган, девон яратган.

Чўлпон аввал эски мактабда, сўнгра мадрасалар ва рус-тузем мактабида таҳсил олиб, араб, форс ва рус тилларини мукаммал ўзлаштиради. Мутолаа йўли билан турк, немис ва

инглиз тилларини ўрганади. Шарқ ва Ғарб ижтимоий-сиёсий қарашларидан озиқланади. Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Умар Хайём, Алишер Навоий каби буюк сўз санъаткорлари ижодини меҳр билан ўрганади. Чўлпон дунёқараши ва ижодининг шаклланишига аср бошларидаги демократик инқилоблар ҳамда жадидчилик ҳаракати катта таъсир кўрсатган.

Чўлпоннинг ижоди 1913-1914 йиллардан бошланган бўлиб, у аввал «Қаландар», «Мирзақаландар», «Андижонлик» ва ниҳоят, «Чўлпон» («Тонг юлдузи») тахаллуси билан ижод қилди.

Профессор Наим Каримов қайд этишича, шоирга «Чўлпон» тахаллусини буюк маърифатпарвар ва истиқлолчи Мунаввар қори Абдурашидхонов берган. Чўлпон ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург сифатида ўз халқи адабиёти равнақига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг дастлабки асарлари «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» каби маҳаллий газеталарда, шунингдек, Оренбургда чиқадиган «Шўро» журналида нашр этилади. Чўлпоннинг «Иштирокиюн», «Қизил Байроқ», «Туркистон», «Бухоро ахбори» каби газеталардаги фаолияти ҳам унинг ижодий шаклланишида маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Чўлпон очеркнавис ва публицист сифатида ҳам баракали ижод қилди. Бу борада унинг, айниқса, «Адабиёт надир?», «Муҳтарам ёзувчиларимизга» каби мақолалари адабиётнинг мақсад ва вазифаларини англашда муҳим рол ўйнади.

У 1914-1917-йилларда яратган «Қурбони жаҳолат», «Дўхтир Муҳаммадиёр» сингари ҳикоялари, «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар» сингари мақолаларида маданият ва маърифат тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди.

У Октябрь тўнтаришидан кейинги йилларда ҳаётда содир бўлаётган хуш ва нохуш ўзгаришларни қаламга олди. «Йўлда бир кеча», «Шарқ поезди келди», «Шарқ уйғонган», «Қутурган мустамлакачилар», «Йўл эсдалиги» сингари ўнлаб очерк ва публицистик мақолаларида чор мустамлакачилари ва маҳаллий ҳоким синф вакиллари етказган жабру жафолар етмаганидек, фуқаролар уруши даврида рўй берган фожиаларни ҳам тасвирлади.

Чўлпон 1925 йилга келиб, «Муҳит кучли экан, эгдим бўйнимни» дея ижтимоий қарашларини ўзгартиришга мажбур бўлганлигини эътироф этади. Аммо шунга қарамай, шоир яратган икки юздан ортиқ шеърий асарлар эл-юрт бахти, келажаги, мустақиллиги, озодлиги учун курашнинг ёрқин солномаси, деса бўлади.

Гарчи вақти-вақти билан унинг туйғу ва тафаккурида тебранишлар бўлиб турган бўлса-да, аслида, миллий истиқлол учун курашдан заррача қайтмади.

Чўлпон ҳам Фитрат ва Абдулла Қодирийлар каби қатағон даврининг қурбони бўлган. У 1937 йилнинг 14 июлида қамоққа олиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ташланган. Чўлпоннинг асарлари узоқ вақт давом этган танаффусдан кейин 1991 йили «Яна олдим созимни» номи билан нашр этилди.

Ҳозирги кунда Чўлпон номида нашриёт, кўча, маҳалла, кутубхона ва мактаблар бор.

1991 йил 25 сентябрда Чўлпонга вафотидан кейин Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, 1999-йилда эса «Мустақиллик» ордени берилган.

1997 йили адиб таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг кўплаб асарлари янгидан нашр этилди ва у ҳақда илмий тадқиқотлар яратилди.

Фаолияти

Чўлпон 1922-1935 йилларда ўзининг «Уйғониш» (1922), «Булоқлар» (1923), «Тонг сирлари» (1926), «Соз» (1935) каби тўртта шеърий тўпламини нашр эттирди. 30-йилларга келиб «Жўр» каби шеърий тўпламини тайёрлади. Аммо «Соз»и чоп этилади-ю, «Жўр» тўплами қатағонлик тузоғига илиниб, қолиб кетади. Шоирнинг тўпламлари орасида «Булоқлар» (1923) алоҳида ажралиб туради.
Тўплам беш бўлимдан иборат бўлиб, улар «Шарқ учун», «Сезгилар», «Севги», «Қора йўллар» ва «Қор қўйнида» деб номланади. Шоирнинг ўзи қайд этишича, мазкур шеърий гулдаста «жаҳон фотиҳлари чангалида эзилиб ётқон Шарқ ўлкаларига» бағишланган. Чўлпон етук лирик шоиргина эмас, балки «Новвой қиз», «Ойдин кечаларда», «Қор

қўйнида лола» каби ўнлаб ҳикоялар, «Кеча ва кундуз» (1936) каби ажойиб роман ҳам яратган истеъдодли адибдир.

У драматург сифатида ҳам салмоқли ижод қилган. Унинг «Ҳалил фаранг», «Чўрининг исёни» каби кичик пьесалари, «Ўртоқ Қаршибоев», «Муштумзўр» каби драмалари ҳамда кўп вақт саҳнадан тушмаган «Ёркиной» пьесалари машҳур бўлган. Шунингдек, рус ёзувчиси В. Ян билан ҳамкорликда «Ҳужум» драмасини яратган. Чўлпон моҳир таржимон сифатида В.Шекспирнинг «Ҳамлет» фожиасини, А.С.Пушкиннинг «Дубровский» қиссаси ва «Борис Годунов» пьесасини, М.Горкийнинг «Она» романини ва бошқа кўплаб асарларни ўзбек тилига ўгирган.

УСМОН НОСИР



Жўшқин истеъдод эгаси Усмон Носирнинг асарлари ҳамиша кишини ҳаяжонга солади. Усмон Носир шеърияти, аввало, ҳаётийлиги, жозибадорлиги ва исёнкорлиги, айни чоғда, содда ва равонлиги билан китобхон қалбидан чуқур ўрин олган. Унинг номидаги маҳалла, кўча, мактаб, маданий-маърифий ўчоқлар шундан далолатдир.

30-йилларда кўзга кўринган ва эл оғзига тушган истеъдодли шоир Усмон Носир 1912 йил 13 ноябрда Наманган шаҳрида дунёга келди.

Ёшлиги Қўқондаги болалар уйида ўтган Усмон ўрта мактабни битиргач, 1931 йилдан бошлаб Алишер Навоий номидаги Самарқанд Педагогика академиясининг тил ва адабиёт факультетида Амин Умарий, Адҳам Ҳамдамлар билан биргаликда таҳсил олди.

Жўшқин истеъдод эгаси Усмон Носирнинг асарлари ҳамиша кишини ҳаяжонга солади. Усмон Носир қатағон даврининг қурбонларидан бири сифатида ёш умрини шўро лагерларида азоб-уқубатда ўтказиб, 1944 йили вафот этган.

Чиндан ҳам, унинг номи ўлмас ва ўчмасдир. Унинг номидаги маҳалла, кўча, мактаб, маданий-маърифий ўчоқлар шундан далолатдир.

Усмон Носирнинг таржима соҳасидаги хизмати ҳам бебаҳодир. Унинг таржимасида А.С.Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани», М.Ю.Лермонтовнинг «Демон» («Иблис») достонлари ўзбек китобхонларининг қалбига етиб борган.

Усмон Носирнинг илк шеърлари мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ матбуотда кўрина бошлаган эди. Шоирнинг «Қуёш билан суҳбат» (1932), «Сафарбар сатрлар» (1932), «Тракторобод» (1934), «Юрак» (1935), «Меҳрим» (1936) каби шеърий тўпламлари, «Норбўта» ва «Нахшон» достонлари бирин-кетин нашр қилинди. Унинг «Норбўта» (1932) асарида Ўзбекистондаги фуқаролар уруши мавзуи, «Нахшон»да қардош арман халқи фарзандларининг озодлик учун интилишлари куйланган бўлса, антик дунёдаги қуллар кураши «Нил ва Рим» каби поэтик асарларида ўз аксини топди.

Усмон Носир шеърияти, аввало, ҳаётийлиги, жозибадорлиги ва исёнкорлиги, айни чоғда, содда ва равонлиги билан китобхон қалбидан чуқур ўрин олган. Шундан бўлса керак, шоир шеърлари ҳамон давраларда тез-тез ёд айтилади:

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг,
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.
Сенга тор келди бу кўкрак,
Севинчим тошди қирғоқдан,
Тилим чарчар, ажаб гоҳи
Сени таржима қилмоқдан.

Усмон Носир 1937 йилнинг 18 июлида ҳибсга олинганда ҳали 25 ёшга тўлмаган эди. Худди шу дамларда у А.С.Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани» достонини таржима қилиш баҳонасида Москвада улуғ шоир таваллудининг 100 йиллигида иштирок этишга муяссар

бўлган. Хусусан, у таржима қилган «Улуғ кун» Ҳамза театрида муваффақият билан намойиш этилган. «Ватан ҳақида қўшиқ» (Мутал Бурҳонов мусиқаси) Москвада илк бор ўтказилган Ўзбекистон санъати ўн кунлигида ижро этилганда гулдурос қарсаклар билан қарши олинган. Фожиани қарангки, буюк истеъдоднинг ана шундай камолотга кўтарилган бир даврида уни совет давлатининг қатағон сиёсати аямади. Шоир бир шеърида:

Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас мени боғим.
Шеърларим янграб қолур...
Бир умрга ўлмайман, - деган эди.

3 ҲАФТА

ЕТТИ РАҚАМИНИНГ ХОСИЯТИ

Кадим замонлардан бери етти рақами алоҳида ахамиятга эгадир. Илохий китобларда хар бир кишининг яхшилиги хам, ёмонлиги хам етти пуштига боради дейилган.

Халкимизда “Етти пуштингни билмабсан, дунёга келмабсан”, “Етти бобони билган эр, етти юрт гамини ер” каби маколлар асрлардан бери яшаб келади.

Бир отадан бошланган фарзандлар еттинчи авлодгача кариндош саналади. Булар: ота-она, фарзандлар, невара, чевара, эвара, дубора, новора. Етти авлод шажарасига кўра етти авлоддан сўнггиси, яъни саккизинчи бегона хисобланади. Хаётимизда еттига “етти ёт бегона” деган ибора хам шундан келиб чиккан.

Еттиликнинг тарихий асослари нимадан иборат? Нега энди олти ёки саккиз эмас, айнан етти ишлатилади?

Еттиликнинг тарихий асослари нимадан иборат? Нега энди олти ёки саккиз эмас, айнан етти ишлатилади?

Улуг тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида шундай сатрлар бор:

Етти юлдуз хукмида бўлди пайдо,
Унга тутказгисудир калит дунё.

Узок ўтмишда аждодларимизда вакт тушунчаси етти билан ўлчангани маълум. Турмуш ой-кунномасидан ибтидоий овчи тунги ёриткич, фазоларнинг хар етти кунда алмашиниши, фазода етти ўзгарувчи сайёра (Ой, Куёш, Муштарий, Миррих, Зухро, Уторуд, Юпитер)га асосланиб етти кунлик вакт бирлиги – хафтани яратган. Кейинчалик бу нарса олимлар томонидан хам тасдикланган.

Вақт ҳисобининг асосий йўналиши етти кундан етти авлодга боғланган.

Етти пушт ва етти авлод маълум маънода хос вакт бирлиги, астрономик тараккиётнинг муайян даври ифодаси хамдир.

Етти юлдуз бир-бирига яқинлашган, Куёш, Ой, Миррих бир чизикка тўгри келганда дунё юзини кўрган чакалокка бахт куши кўнаркан. Бу хам Аллохнинг иродасидир. Юлдузларнинг бундай якинлашуви аслида хар саккиз юз йилда бир марта тўгри келаркан. Табиатнинг шундай еттилик мўъжизасини тарихда Искандар Зулкарнайн (Александр Македонский – эрамиздан олдинги 365 – 323 йиллар), пайгамбаримиз Мухаммад алайхис-салом (570 – 632) ва улуг соқибқирон бобомиз Амир Темур (1336 -1405)ларда кўрамиз. Айтишларича, бу одамлар етти юлдуз бир-бирига якинлашган, Куёш, Ой, Миррих бир чизикка тўгри келган кунда таваллуд топишган.

***

Мусиқа етти товуш бўлиб, бу асосда мусика ноталари тузилиб, мусикалар яратилади: до, ре, ми, фа, со, ля, си.

Ер етти қитъага бўлинади:

1. Европа.
2. Осиё.
3. Африка.
4. Шимолий Америка.
5. Жанубий Америка.
6. Австралия.
7. Антарктида.

****

Моддалар хоссасига караб хар хил холатда бўлишини хамма билади. Хозирги илмий тасаввурларга кўра, модданинг етти холати мавжуд: каттик, суюк, газсимон, плазма, нейтрон, эпиплазма, физик вакуум.

Дунёнинг машхур етти мўъжизаси куйидагилардан иборат:

1. Мисрдаги Хеопс эхроми. Бундан беш минг йил аввал курилган иншоот. Фиръавн ва унинг хотини дафн этилган жой саналади.

2. Ҳозирги Ирок ўрнида бўлган Бобил деворлари милоддан карийб 600 йил аввал машхур подшох Навуходоносрнинг хукмига биноан бунёд этилгандир. Баландлиги юз метр бўлган.Хозир у вайроналарга айланиб колган.

3. Юнон хайкалтароши Фидий томонидан Олимпия (Юнонистон) шахрида яратилган Зевс хайкали. У олти либосга бурканган, 12 метр баландликка эга бўлганфигурадан иборат бўлиб, Зевснинг танаси фил суягидан тайёрланган. Кўзлари эса кимматбахо тошлардан таркиб топган эди. Хайкал бизга кадар етиб келмаган.

4. Ҳозирги Туркия худудида жойлашган Эфесдаги Диана ибодатхонасини коятошлардан ишланган 18 метрлик устунлар тошларни суяб турар, бутхона ичида эса юнон мусаввирларининг энг аъло асарлари жойлаштирилган эди. Милоддан аввалги 262 йилда бостириб келган готлар унга ўт кўйишган.

5. Ҳозирги Туркия худудидаги Галикарнос шахрида милоддан аввалги 353 йилда вафот этган подшох Мавзолнинг хилхонаси (мавзолейи).

6. Қуёш илохаси бўлган Гелиоснинг бронзадан ишланган Колосс Родоссний хайкали.22 метр бўлган бу хайкал Родосс оролида ўрнатилган эди. Милоддан аввалги 224 йилдаги зилзила уни бузиб вайрронага айлантирган.

7. Форосдаги Маёк курилиши милоддан аввалги 283 йилда Миср сохилларидан узок бўлмаган Форос оролида бошланади. Маёкда 180 метр баландликда турувчи машъала – Ланзиллет турган деб хисоблашади. Маёк шулъаси , у зилзила окибатида вайрона бўлганга кадар, 1500 йилдан ортик хизмат килган.

Баъзи бир манбаларда етти мўъжизанинг бири Хиндистондаги “Тож-Махал” макбараси дейилса, яна бирида “Буюк Хитой девори” деб кайд килинади.

Захириддин Бобурнинг эвараси Шох Жахон севимли маликаси Аржуманд бону – Мумтоз Махал бегим (саройнинг кўрки)нинг васиятини бажариб, Хиндистоннинг Агра шахрида ялтирок ок мармардан дунёда тенги йўқ, осмонўпар макбара қурдиради. Макбара курилишига 20 минг ишчи жалб килиниб, 18 йилда (1632 – 1650) курилиб, тугалланади. Курилишга 40 миллион рупия маблаг сарфланади.

Етти юлдуз

Етти юлдуз деганда, фазода ўзгарувчан сайёра: Ой, Куёш, Муштарий, (Юпитер),Миррих (Марс), Зухро (Венера), Уторуд, Юпитерлар назарда тутилган. Шунингдек шимолий ярим шарда кўринувчи чўмич шаклидаги Етти огайни – Етти карокчи юлдузлар туркуми энг йирик юлдузлар тўпи хисобланади. У энг ёркин еттита юлдуз билан ажралиб туради. Кичик айик юлдуз туркуми хам еттита юлдуздан ташкил топган.

Маълумки, камалак табиатнинг энг гўзал ходисаларидан биридир. Куёш нури ёки оддий нур барча рангларни ўзида жам этгандир. Ок нур турли рангларга бўлиниб, биз кизил, заргалдок, сарик, яшил, кўк, бинафша рангларни кўрамиз.

Нурни турли рангларга ажратувчи нарса призма деб аталади. Хосил бўлган ранглар ўзаро бирикиб кетувчи чизиклар хошиясини ташкил килади ва бу спектр деб аталади. Спектр олти ёки етти рангдан иборатлигини хамма билади.

Камалак ёмгир , жала ёгаётганида чикади. Бу вактда бир томондан ёмгир ёгаётган, бошка тарафдан эса куёш чараклаб турган бўлади. Шунда камалакнинг етти хил ранги: Кизил, Заъфарон, Сарик, Яшил, Зангори, Кўк, Бинафша жилваланади.

Эътибор берган бўлсангиз, кундалик хаётимизда етти пушт, етти авлод, етти юлдуз, етти кават, етти кават ер, етти кават осмон, етти мўъжиза, етти ёт бегона, етти кадам, етти саратон кўрган, етти кунлик чакалок, етти пир, етти иклим, етти кун, еттинчи хазина, муродинг битта бўлса хам ога-ининг еттита бўлсин, еттинчи сезиш аъзоси, оламнинг етти хазинаси, бир болага етти кўшни ота-она, бир одам омоч билан, етовлон чўмич билан, бир тулки етти бўрини етаклайди, етти ўлчаб бир кес, етти ёшга киргунча ер тўкмогини ерсан, етмиш ёшга киргунча эл тўкмогини ерсан, етти яшар сафардан келса, етмиш яшар кўргани келар каби сўз ва ибораларни тез-тез эшитиб турамиз.

Шунингдек , Эйнштейннинг еттилик назарияси, инсон мухит билан етти тешик билан алокада бўлиши, бола етти ёшга тўлгач, акли расо бўлиб, шундан ўкишга бориши , куёш нуридан камалакнинг етти рангга эга бўлиши, рангларнинг етти хил бўлиши, мусика товушининг етти хиллиги – шу асосида етти нотанинг борлиги, иймонда етти фарз борлиги, етти жаннат, етти дўзах, етти кунлик ўтказиш (худойи) ва шу каби еттиликка боглик сўзларни кайта ва кайта эшитамиз, ўкиймиз.

Етти кат (кават) ер хакида. Ер асосан каттик тог жинсларидан таркиб топган улкан шар ёки сферадир. Ернинг гравитацион (тортиш кучи) майдони таъсирида унинг геосфераси – ядро (маркази) , мантия, Ер кобиги, гидросфераси, атмосфера ташкил бўлади. Ер кобиги, мантия ва ядронинг ички кисми каттикдир. Ядронинг ташки кисми суюкдир. Ер юзаси, кобикнинг калинлиги 18 – 50 км дир. У тог жинсларидан таркиб топган. У биосфера деб хам аталади. Кобикнинг устки кисми китъалардир. Ер юзасидаги барча сувлар гидросфера деб аталади.

Демак, Ернинг етти катлами куйидагича:

1. Марказий ядро – ядронинг ички каттик кисми.
2. Ядронинг ташки суюк кисми.
3. Мантия.
4. Ер кобигининг остки катлами – базальт катлами.
5. Ер кобигининг устки катлами – гранит катлами.
6. Ернинг сув катлами – гидросфера.
7. Атмосфера.

Аллох Куръони Каримда айтади: “Биз сизнинг устингизда етти йўл (яъни етти кават осмон)ни яратдик ва биз яратган нарсаларимиз хакида гафлатда бўлмадик”. (23-сура, 17-оят). Буни шундай тушунмок керак: Аллох таоло инсонни ва барча махлукотни яратгандан сўнг уларнинг холидан гофил бўлиб колгани йўк, балки уларга ризку рўз ёгилиб туриши учун устларидан етти йўл – етти осмонни пайдо килди.

Галактикамизда Ердан бошланиб Куёшга нисбатан узоклашиб борувчи устма-уст етти кават, етти сайёранинг йўли ўтган. Ер, Марс, Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун, Плутон Сайёралардан Меркурий билан Зухро эса Ер ва Куёш оралигида жойлашган.

Демак, Ердан то юкорига кадар Етти сайёранинг орбитаси ўтган экан. “Етти кават осмон” дегани шундан олинган бўлса керак.

Етти хазина

Гохида гурунг, давраларда”етти хазина”нинг бири товук, деган сўзларни эшитасиз. Колган олтитаси хакида халк орасида ёки ёзма манбаларда у ёки бу тарзда маълумотни топиш кийин. Кўп сухбат, мушохадалардан сўнг етти хазина: Ер, Сигир, Кўй, Балик, Куён, От, Товук деб айтишга жазм этдик.

1. Ер ўз багрида мевали дарахтлар, ўсимликларни ўстириб, одамзот ва хайвонларни бокади.
2. Сигир сут ва гўшт билан одамзотни бокади, териси билан кийинтиради, гўнги билан ерни тўйдиради.
3. Кўй сут ва гўшт билан озука, териси ва жуни уст-бош, гўнги ерни тўйдиради.
4. Балик – инсон мехнатисиз кўпайиб, инсонни тўйдиради.
5. Куён – йилига тўрт марта , кўп микдорда (10, 20) тугиб, ахолини пархез гўшт билан таъминлаб, териси билан кийинтиради.
6. От – гўшти ва сути билан одамзотни бокади, одамзотга улов ва мехнат кучи сифатида кўмаклашади, тери билан кийинтириб, гўнги билан ерни тўйинтиради.
7. Товук – тез кўпаяди, тухум ва гўшти инсон учун тенги йўк пархез таомдир.

СИРЛИ УЧБУРЧАК



Бу ерда кўплаб кема ва самолётлар изсиз ғойиб бўлган, минглаб одамлар ҳалок бўлган. Бироқ қидирувларда бирорта жасад ёки кема-ю самолёт парчаси топилмаган! Бермуд учбурчаги – бу Бермуд ороллари, Флоридадаги Маями ва Пуерто-Рико оралиғидаги ҳудуд бўлиб, унинг майдони миллион квадрат километрдан зиёдроқ. Мазкур ҳудуд соҳилларининг релъефи яхши ўрганилган, улар нефт ва бошқа фойдали қазилмалар излаб бир неча бор қазилган. Йилнинг турли даврларида сув оқими, унинг тузлилик даражаси ва ҳарорати, океан уцида ҳаво массаларининг ҳаракати – барча табиий маълумотлар ўрганилиб, махсус каталогларга киритилган. Бу ҳудуд шу каби бошқа географик жойлардан унчалик жиддий фарқ қилмайди.

Сирли оловлар ва ғалати ҳалокатлар

Денгизчилар Бермуд учбурчагини турлича аташади: "ажал учбурчаги", "фалокат келтирувчи денгиз", "Атлантика қабрицони". Кўп асрлар давомида саёҳатчилар тасодифан бу жойда баъзан сирли сокинликка, баъзан эса даҳшатли бўронларга дуч келишган. Хрицофор Колумб ҳам, уммоннинг мана шу қисмига келганида, ўзининг кема журналига қизиқ далилни ёзиб қўйган: гуруҳ аъзолари сувда ўзига хос, нурланувчи доғлар сузиб юрганини кўришган. Бу сирли ёғдулар – кўпикка ўралган нурланувчи доғларни ҳозирги кунда ҳам кузатиш мумкин. Баъзан бу нурланиш шу даражада кучли бўладики, уни ҳатто космосдан кўриш мумкин. "Аполло-12" фазовий кемасида учган америкалик ацронавтларнинг ҳисоботида кўрсатилишича, царт пайти улар Бермуд учбурчаги ҳудудида ғайриоддий липиллаган ёғдуни кўришган. Мазкур хавфли зонада бўлганлар ҳам ғалати сукунатлар, сув ўрамлари ва тасодифий довуллар ҳақида гапиришади. Бундан ташқари, барча асбоб-ускуналар бу ерда бузилиб қолади ёки тўғри ишламайди, компас миллари ғириллаб айланаверади; учувчилар об-ҳавонинг тўсатдан ёмонлашганини кўришган. Сирли ўзгаришлар бошланишидан бурун эса уфқни ғалати сариқ туман қоплаб оларкан.Бермуд учбурчаги баъзан денгиз ва ҳавода ҳақиқий хавф туғдиради. Бу жой Ер

юзидаги компас тўғри ишламайдиган иккита ҳудуддан биридир. Бунинг натижасида эса кема ва самолётлар нотўғри йўналишда ҳаракатланиши, бу ҳақда команда аъзолари умуман билмаслиги мумкин. Балки айнан шунинг учундир, бу ерда ҳатто денгиз жониворлари ҳам ғалати: балиқчилар бир неча бор ғалати ҳодисага – тўнкарилган (қорни осмонга қараган) ҳолда сузаётган балиқларга дуч келишган.

Фараз ва тахминлар

АҚШ Океан ва атмосфера миллий жамияти вакиллари қуйидаги маълумотни эълон қилишган: "Мазкур ғойиб бўлишлар сабабини аниқлашга бўлган АҚСҳ Ҳарбий ҳаво кучлари ва Ҳарбий денгиз флоти ва қирғоқ қўриқлови хизматларининг барча ҳаракатлари ҳозирча қониқарли натижа бермади".

"Иблис учбурчаги" номли оммабоп китобнинг муаллифи Ричард Вайнер шундай ёзади: "У ерда афсонавий, ғалати ҳодисалар содир бўлади. Улар ҳамиша ҳам кишилар ва асбобларнинг хатоси, механизмларнинг бузилиши, об-ҳаво инжиқликлари ва магнит аномалиялари билан боғлиқ эмаслигига мен ишонаман". Номаълум учувчи жисм (НУЖ)лар бўйича мутахассис, "Ғойиблик оцонаси" китоби муаллифи Джон Уоллис Спенсернинг изоҳи янада фантацикроқ. Унингча, уммон тубида фазодан келган келгиндилар ўз колонияларига асос солишган. "Мазкур юксак онгли мавжудотлар, – деб ёзади у, – ғойиб бўлган кемалар, самолётлар ва уларнинг экипаж аъзоларидан ўзларининг илмий тадқиқотлари учун фойдаланадилар. Албатта, менинг фаразим ҳақиқатдан узоқ туюлади, аммо бу каби ҳодисалар учун бошқа изоҳ топиб бўлмайди-да".

Бермуд учбурчаги масаласига келганда, фазовий келгиндиларни эсловчи назариялар тобора кўпроқ учрамоқда. Кўпчиликнинг тахминича, бу кема ва самолётларнинг сувга ғарқ бўлганидан кўра НУЖлар томонидан ўғирлаб кетилгани ҳақиқатга яқинроқ. Айниқса, Денгиз ишлари департаменти комиссияси томонидан ўтказилган тадқиқотдан сўнг НУЖлар ҳақидаги фикрлар тобора кўпаймоқда. Бир сафар ғойиб бўлган америкалик бомбардимончилар ҳақида кимдир: "Улар худди Марсга учиб кетгандек, бирдан ғойиб бўлишди" деган эди. Бунинг уцига, ғойиб бўлган бешта самолётдан бирининг учувчиси қўрқув аралаш ортидаги бошқа самолёт учувчисига: "Менинг изимдан келма, уларнинг кўриниши худди фазовий келгиндиларга ўхшайди", деганини бир радиоҳаваскор эшитиб қолган экан.

Бу хабар Йел университети битирувчиси Чарлз Берлитсни жуда қизиқтириб қўйди. У ғойиб бўлган Атлантида ҳақидаги афсоналарнинг ишқибози эди ва Бермуд учбурчагининг сирини ҳам ўша афсонавий қитъа билан боғлашга уринди. Берлитснинг фаразига кўра, қачонлардир Атлантидада улкан қуёшсимон крицалл бўлган ва ҳозирда у уммон тубига тушиб қолган. "Мана шу крицалл, – дея таъкидлайди Берлитс, – кемалар ва самолётларга чалғитувчи сигналлар юборади ва баъзан уларни океан қаърига тортиб кетади".



Арвоҳлар

Бермуд учбурчаги 1840 йилданоқ мудҳиш ном чиқара бошлаганди. Ўшанда Багам ороллари пойтахти – Нассау порти яқинида франтсузларнинг "Розали" номли елканли кемаси пайдо бўлиб қолганди. Унинг барча елканлари кўтарилганди, ҳамма асбоб-ускуналар соз эди, бироқ кема гуруҳи йўқ эди. Уни кўздан кечиришганида аниқландики, кема ажойиб, соз ҳолатда, ҳеч қандай шикацсиз, юки ҳам жойида экан. Лекин экипаж қаёққа ғойиб бўлган? Кема журналида ҳам, ишнинг моҳиятига аниқлик киритувчи бирорта ёзув топилмади. "Бермуд учбурчаги" атамаси қачонлардир денгиз сирлари ҳақида ёзувчи америкалик адиб Винсент Гаддис томонидан ўйлаб чиқилганди. У шундай ёзган: "Флоридадан Бермуд оролларига, у ердан – Пуерто-Рикога ва кейин яна Багам орқали Флоридага хаёлан чизиқ тортинг. Кема ҳалокатларининг кўпчилик қисми айнан мана шу учбурчакда содир бўлади". Репортёрлар

ҳам, кўпчилик кемалар ҳалокати ёки ғойиб бўлишини тавсифлашда "Бермуд учбурчаги" атамасини қўллашга ҳаракат қилганлар.

Тўғри, бу ҳол сирли ва хавфли "учбурчак" билан алоқадор кўпчилик жумбоқларнинг ечимини бермайди. Масалан, Британиянинг "Атланта" кемаси 1880 йил январда Бермуд оролларидан Англияга йўл олган. Унинг 290 кишилик экипажини асосан ёш цажёрлар ташкил этарди. Кема изсиз ғойиб бўлган, энг синчков қидирувлар ҳам натижа бермади. Британия Ҳарбий денгиз флотига қарашли олтита кема, бир-биридан бир мил узоқликда сузиб, "Атланта" ғойиб бўлган ҳудудни текширишди. Қидирув тўрт ой давом этди, аммо ҳеч қандай ҳалокат излари учрамади. 1881 йилда эса "Елен Оцин" юк кемаси Бермуд учбурчаги чегарасида "арвоҳ кема"га – елканлари ёйилган кичикроқ кемага дуч келди. Бу ғалати кемачанинг бортига юк сифатида кўп миқдорда қизил дарахт ортилган, аммо командадан асар ҳам йўқ эди.

"Елен Оцин"нинг капитани аввалига бунақа омадга ишонолмади. У ташлаб кетилган бу кемани ўзиникига тиркаб олишга қарор қилиб, унга ўз одамларини юборди. Бироқ кутилмаганда кучли шамол кўтарилди. Кемалар бир-биридан ажралишди ва эгасиз кема кўздан йўқолди. Икки кундан сўнг "Елен Оцин"дагилар ўша кеманинг денгиз юзида сокин сузиб бораётганини кўришди. Икки кун олдин унга юборилган матрослар ўлишган экан. Аммо сирли кема жумбоқлари бу билан тугамади. "Елен Оцин" капитани, қимматбаҳо юкли бу кемани қандай қилиб бўлмасин қўлга киритишга қаттиқ аҳд қилди. Лекин яна бўрон кўтарилди ва сирли кема, капитан томонидан унга юборилган кишилар билан бирга яна ғойиб бўлди. Бу сафар у қайта пайдо бўлмади. XX асрда бу ердаги илк сирли ҳолат – 1918 йилда АҚШнинг "Циклоп" кемасининг йўқолиши бўлди. Узунлиги 500 фут, сиғими 19,5 тонна бўлган бу кема 4 мартда Кариб денгизи бўйлаб Барбадосдан Норфолк томон йўлга чиқди. "Циклоп" 309 кишидан иборат командаси ва қимматбаҳо юк – марганетс рудаси билан бирга йўқолганида, уни немислар минасига учраган ёки сувоци кемаси томонидан йўқ қилинган, деб ўйлашди (Биринчи жаҳон уруши кетаётганди). Аммо кейинроқ немисларнинг ҳарбий архивлари текширилганда, бу фаразни четга суришга тўғри келди. Ҳужжатларнинг таҳлили шуни кўрсатардики, "Циклоп"нинг йўлида мина ҳам, сувоци кемалари ҳам бўлмаган экан. Кема ғойиб бўлган куни об-ҳаво жуда яхши, денгиз тўлқинлари меъёрдагидек, шабада енгил эди.

Буларнинг бари кеманинг бўронга учраган бўлиши мумкинлигини рад этади. Ҳарбий денгиз флоти вакиллари ҳам: "Бизнинг флотимиз тарихида "Циклоп"нинг ғойиб бўлиши энг сирли жумбоқлардан биридир", деб баёнот беришган.

Бу кемалар бир-бирига мутлақо ўхшамасди. Уларнинг юк миқдори, катталиги, ясалган йили турлича эди. Бироқ бари бир-бирига ўхшаш ҳолатларда йўқолишган: барчасида радиопередатчиклар мавжуд бўлса-да, бирорта кема радио орқали ёрдамга чақирувчи "СОС" сигналини бермаган. Бундан ташқари, улар ғойиб бўлган вақтларда ҳеч қандай бўрон ҳам бўлмаган.

Бермуд учбурчагида олиб борилган энг батафсил қидирув ишлари ҳам бу кемалар ва улар командасининг ғойиб бўлиш сабабини изоҳлаб беролмади. Фақат Япониянинг "Райфуку Мару" юк кемаси бундан муцасно. У 1924 йилнинг қишида Багам ва Куба оралиғидан туриб, қўрқинчли хабар юборган. Радиограмманинг охирги сўзлари шундай эди: "Хавф тасаввурга сиғмайдиган даражада буюк... Афтидан... Биз қутулиб кетолмаймиз..." Бу қандай хавф эканини барибир ҳеч ким билолмади. Яна ҳам жумбоқлироғи, "Райфуку Мару"нинг ёрдам сўраб юборган чақирув чигналини олиб, унга кўмакка борган бошқа кемадагилар, кўрсатилган ҳудудда ҳеч нима тополмади: на кема парчалари, на бирор жасад йўқ эди. Бу Бермуд учбурчагининг навбатдаги қурбони эди...

Мана, тинчлик пайтидаги ҳодиса ҳақида маълумот. 1953 йилнинг 2 февральида Бермуд учбурчагидан сал шимолроқда, бортида 39 нафар экипаж аъзолари ва ҳарбийлар бўлган Англия ҳарбий-транспорт самолёти ҳавога кўтарилганди. Тўсатдан улар билан алоқа узилиб қолди, самолёт белгиланган вақтда базага қайтиб келмади. Фалокат юз берганлиги тахмин қилинаётган ҳудудда "Вудуорд" юк кемаси ҳеч нима тополмади: кучли

шамол эсар, денгизда сал тўлқин бор эди. Бироқ на ёғ доғлари, на самолёт синиқлари учрамади. Элликта кема ва самолёт фалокатидан иборат бу рўйхатнинг охирида ҳозирча "Анита" юк кемаси турибди. Кўмир ортилган бу кема 1973 йил март ойида Норфолк портидан Атлантика океанига чиққан, у Гамбургга йўл олганди. Бермуд учбурчагида у бўронга дуч келган ва "СОС" сигналини ҳам юбормасдан чўкиб кетган. Орадан бир неча кун ўтиб, денгиздан "Анита" ёзувли биттагина қутқарув баллони топилди.

Гап сеҳрли пуфаклардами?

2001 йилда Бермуд учбурчаги сири очилганлиги тўғрисидаги навбатдаги хабар тарқатилди. Янги версияга кўра, Бермуд учбурчаги ва бошқа шу каби жойларда кемалар океан тубидан келувчи метан пуфаклари таъсирида чўкиб кетишган. Сув оцидан кўтарилувчи кўп миқдордаги пуфаклар сувнинг зичлигини пасайтиради ва кема ўз сузувчанлигини йўқотади.

Монтерейдаги (Калифорния) ҳарбий-денгиз мактаби тадқиқотчиси Брюс Денардо бу фаразни текшириб кўришга қарор қилди. Бир қарашда, бу тахмин соғлом ақлга тўғри келмайди, ахир, пуфакчалар ва уларга илашган сув оқими юқорига томон йўналади ва кемани ҳам юқорига итариши керак. Буни текшириш учун тажрибачилар сув юзида зўрға сузадиган (зичлиги сувникидан салгина юқори бўлган) шарчани сувли идишга солиб, пацдан ҳаво пуфакчалари юборишди. Буни қарангки, шарча дарҳол чўкиб кетди.

4 ҲАФТА

РАДИОНИНГ РАҚАМЛИ КЕЛАЖАГИ



Маълумки, радио ихтиро қилингунига қадар кишиларнинг узоқ масофадан туриб алоқа қилишлари жараёни жуда секин борган. Тарихий маълумотларда келтириладики, Христофор Колумб Америка қитъасини очгач, бу ҳақда хабар қиролича Изабеллага 5 ойдан сўнг етиб борган экан. У даврларда ҳукумат ишлари, тижорат ҳамда стратегик аҳамиятига эга хабарларни етказиш учун асосан чопарлар ва хабарчи кабутарлар иштирокидаги почта хизматидан фойдаланилган. Кейинчалик, 1792 йилдан бошлаб коммуникациянинг яна бир тури – қўзғалувчи қанотлар маҳкамланган мачталардан иборат семафорлар пайдо бўлди. Унинг ихтирочиси Клод Шапп семафор қанотларининг ҳар бир позициясига тўғри келувчи сўзлардан ташкил топган махсус тилни ҳам ишлаб чиққан эди. Ушбу ихтиро натижасида Францияда 4 800 км масофага хабар етказиш имконини берадиган 556 та семафорларидан иборат тармоқ ишга тушди. Бошқа номи оптик телеграф бўлган бу тизим 1850 йилгача муомалада бўлган. Бугунги кунда семафорлар темир йўлларда поездлар ҳаракатини тартибга солиб туришда ёки флотда байроқли сигналлар кўринишида қўлланиб келинмоқда.

Саноат асри шаротида рўй берган қатор муваффақиятли тажрибалар, технологик янгиликларга қарамай, анъанавий усулдаги коммуникацияни такомиллаштиришга ҳам ҳаракатлар ҳам бўлди. Масалан, 1860 йилнинг апрельида Шимолий Американинг шарқий ва ғарбий қирғоқлари орасида хат ва хабарларни атиги 10 кун ичида етказа оладиган отлиқ почта хизмати - Pony Express ишга туширилган эди. Компаниянинг 3100 км дан иборат маршрутида 80 нафар чопар ва 400 та от ҳаракатда бўлиб, ҳар 10-15 мил масофада отларни тезда алмаштириб олиш мумкин бўлган пунктлар жойлашган эди. Аммо, бу хизматнинг серхаражат ва йўлдаги ҳужумларнинг кўплиги оқибатида Pony Express бир ярим йилдан сўнг ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. 90 минг доллар сармоя киритилган компания 200 минг доллар зарар кўрди. Хуллас, иқтисодиётнинг ҳар бир

соҳасида туб янгиликлар рўй бераётган даврда алоқанинг эски усулларини зўрма-зўраки ишга солиш ҳаракати ўзини оқламади.

XIX асрнинг ўрталаригача ахборотни узатишда асосан ёруғлик, визуал белгилар, товуш, ёки жониворлардан фойдаланилган бўлса, эндиликда сим орқали электр ва радиосигналлар узатиладиган бўлди. Ахборотни узоқ масофага узатиш тезлигини ошириш ва бу жараённинг об-ҳаво ва бошқа ҳодисалар таъсиридан холи, ишончли кечиши учун электрик (ёки электромагнит) телеграфлар ўрнатилди. Дастлабки телеграф аппарати 1832 йилда Санкт – Петербург шаҳрида Павел Шиллинг томонидан синаб кўрилган бўлса, шунга ўхшаш тизимдан кўп ўтмай Германияда ҳам фойдаланиладиган бўлди. 1866 йилга келиб, сув остига ётқизилган трансатлантика кабели орқали Европа ва Америка қитъалари орасида телеграф алоқаси ўрнатилди. 1871 йилда ўтказиб бўлинган Москва - Владивосток алоқаси эса ўша даврда энг узун телеграф линияси ҳисобланган (12 минг километрга яқин).

1895 йилда Г.Маркони ва А. Попв бир-бирларидан мустақил равишда радиотўлқинларни узатиш усулини ўйлаб топган эдилар. Шундан буён, мана 100 йилдан ортиқ вақт ўтибдики, радиотўлқинлардан асосий коммуникация воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Бугунги кунда симли ва уяли телефония, радиоэшиттиришлар, телевидение, навигация тизимлари, сунъий йўлдошлар, компьютер тармоқлари ва ҳоказоларни радиотўлқинларсиз тасаввур қила олмаймиз. Радиотўлқинларнинг асосий афзалликларидан бири уларнинг кенг диапозондаги частоталарга эгалигидир. Шу сабабли ҳам, улар инсон фаолиятининг шу қадар кўплаб соҳаларида ишлатилади.

XX асрнинг иккинчи ярмида телевидениенинг гуркираб ривож топишига қарамай, радиоэшиттиришлар бутун дунё аҳолисининг ахборотга бўлган талабини қондиришдаги ўзининг муҳим аҳамиятини сақлаб келмоқда. Бунинг сабаби эса оддий: радио қабул қилувчи мосламалар нисбатан арзон ва турли–туман (махсус катта–кичик радиоприёмниклар, автомобил магнитолалари, радиони эшиттира оладиган уяли телефонлар ва ҳок.). Улар енгил ва олиб юришга қулай бўлганлиги сабабли энг сўнгги янгиликларни, таълимий ва кўнгилочар дастурларни ҳар қачон ва ҳар ерда тинглаш имконини беради. Ҳозирги кунда радионинг телевидениедан устун жиҳати ҳам шунда.

Сўнгги йилларда радиоэшиттиришларнинг сифати анча ошди. Частотали модуляция (FM)ни қўлловчи метрли тўлқинлар диапозонида ишлаш тизимининг жорий қилиниши узатилаётган радиодастурларнинг деярли табиий равишда янграшини таъминлаб бермоқда. Шунга қарамасдан, аналогли FM-эшиттиришларнинг жорий ҳолати замонавий талабларга тўла жавоб бера олмаяпти. Радиоэшиттиришларнинг овоз сифати кейинги йилларда анча яхшиланган бўлса–да, замонавий рақамли электрониканинг бу борадаги устунлигини тан олишимизга тўғри келади. Ҳеч қайси меломан радиоприёмник (у қанчалик сифатли ва қиммат бўлмасин) овози замонавий компакт дисклардан янграётган мусиқадан устун деб айта олмаса керак.

Бундан ташқари, радиоэфирда FM-станциялари сонининг ортиб бориши маълум ҳудудга узатилаётган дастурларда ўзаро шовқиннинг пайдо бўлишига олиб келади.



Радиосигналларни автомобилга сифатли қабул қилишда ҳам ўзига хос муаммолар келиб чиқиши одатий ҳол бўлиб, шу сабабли ҳайдовчилар компакт дискларни афзал кўришлари мумкин.

Ҳозирда радиостанциялар мусиқали ёзувлар базасига эга компьютерлар ёки бошқа рақамли техникадан фойдаланишса-да, овозни асосан аналогли равишда узатадилар. Рақамли кўринишдаги маълумот эфирга берилишидан олдин аналогли сигналга айлантирилади ва фойдаланувчига етказилади. Аммо, тингловчилар учун юқори сифатли, рақамли мусиқа одатий тобора ўрганиб борар экан, радиодастурларни узатишда рақамли техника имкониятларидан кенг фойдаланиш радиостанциялар салоҳиятини анча оширган бўларди.

Бундан ташқари, радиоузатиш тизимлари ривожланишининг дастлабки босқичларида уларнинг мобил эмас, балки стационар шароитларда, баланд кўтарилган антенналар ёрдамида ишлаши кўзда тутилган. Кейинчалик кўчма приёмниклар, шу жумладан, автомобил радиоларининг пайдо бўлишига қарамасдан, ҳаракатланиш давомида уларнинг ишлаш даражаси у қадар қониқарли аҳволда эмас. Бу эса ҳаракатдаги антеннага ҳар томондан келаётган радиотўлқинларнинг ўзаро интерференцияси билан боғлиқ.

Бу каби муаммоларни ҳал қилиш мақсадида, радиоэшиттириш тизимларини андозалаш билан шуғулланувчи бир неча халқаро ташкилот ва қўмиталар турли диапозондаги частоталарда ишлайдиган бир неча рақамли тизимларни ишлаб чиққанлар. Бундай тадбирлар дунёнинг бир қатор мамлакатларида рақамли радионинг кенг тарқалишига туртки бўлмоқда.

Шундай рақамли радио технологияларидан бири рақамли аудиотрансляция (Digital Audio Broadcasting ёки DAB) бўлиб, ҳозирда бирқанча мамлакатларда амалда бўлган рақамли радио андозаси ва технологияси ҳисобланади. DAB андозасига Европа Иттифоқининг тадқиқот лойиҳаларидан бири сифатида ўтган асрнинг 80-йилларида асос солинган. Норвегиянинг NRK Klassisk радиоканали 1995 йилда биринчи бўлиб шу форматда ўз ишини бошлаган эди.

DAB андозасидаги рақамли радиоэшиттириш тингловчиларга бир неча юқори сифатли моно ва стерео дастурларни қабул қилишдан ташқари, матн ва график маълумотлардан ҳам фойдаланиш имконини беради. Бунинг учун икки каналли маълумотларни узатиш тизимидан фойдаланилади ва қўшимча визуал маълумотлар тингловчи радиоприёмнигидаги суюқ кристалли дисплейга, ёки шахсий компьютер типидаги ташқи қурилмага узатилади. Бунда дисплейда кўрсатиладиган матнли маълумот қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: эшиттиришлар жадвали, эфирда янграётган қўшиқ ҳақида маълумотлар (*метадата* - қўшиқ ва альбом номи, ижрочиси), об-ҳаво маълумоти, куннинг муҳим воқеалари, валюта курслари ва ҳоказолар. DAB радиоларининг яна бир қулайлиги шундаки, улар фаол станцияларнинг тўлиқ рўйхатини тақдим этади ва биргина тугмани босиш орқали кераклисини танлаб олиш мумкин. Радио мурватини эҳтиёткорлик билан бураб каналларни излашга эҳтиёж қолмайди.

5 ҲАФТА

Ёшлар муаммолари, бу - бугуннинг муаммосими?
Эрамиздан аввалги 3 мингинчи йилларда
Миср папирусларида: “Ёшлар, катталарнинг гапига кирмайдиган бўлиб кетаяпти, ахлоқи ўзгараяпти”, деган сўзлар ёзилган экан.
Шундай экан, ёшлар муаммолари фақат бугуннинг муаммоси эмас, балки “фалсафа”нинг азалий муаммосидир.
Халқ афоризмидан



БУГУННИНГ ГАПИ: ОДДИЙ ҲАҚИҚАТЛАР

Телефонми ёки?

Соат эрталабки олти. Телефоним мусиқа чаляпти. «Тур ўрнингдан. Тура қолгин. Сени буюк ишлар кутяпти. Тур ўрнингдан. Кўзларингни оч!». Эринибгина уни ўчириб, ўрнимдан тураман. Бугун кун илиқ шекилли, кўчада машқ қилсам ҳам бўлади. Пастга тушгунча ҳали тонг у қадар ёришмагани сабабли телефонимнинг фонарини ёқаман. Тонгда ҳамма нарсада ўзгача жозиба бордек.

“Сотка – ўйинчоқ эмас”



Аслида ушбу технологик жамиятда инсонларга фойда келтириш учун яратилган буюмлар айрим пайтларда муаммо келтириб чиқарувчи омилга ҳам айланиб қолаётгандай, гўё. Дарсда бироз зериккан ўқувчи учун "сотка"дан яхши овунчоқ йўқ. Ўқитувчи ўзига-ўзи гапиравермайдими? Нима қилибди, уй ишларидан ортиб, кечаси билан дарс режасини тузиб келган бўлса?! Телефондаги ўйинлар, видеоклиплар, қўшиқ ва расмлар математика, география ёки физиканинг «тушунарсиз» формула ва масалаларига қараганда қизиқарлироқ...

Тақдир битиклари



Бешик кўп асрлар аввал ҳунармандларнинг ақл-заковати билан ихтиро этилган бўлиб, у ҳақидаги маълумотлар ўрта аср манбаларида, хусусан, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони луғатит-турк" асарида, шунингдек, Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонида ҳам таърифланган. Унинг келиб чиқиши ҳақида турли фаразлар мавжуд. Кўчманчи халқларга тегишли бу кашфиёт, кўчиб юрган пайтда оналарга анча-мунча қулайлиги билан афзал саналган.

Дафтар жилдидаги “маданият”



Ўзаро суҳбатларда, гурунгларда тез-тез тилга олинаётган мавзулардан бири - "оммавий маданият" бўлиб қолди. Даврнинг шиддат билан ўзгариб, фан-техниканинг жадаллик билан тараққий этиши, табиийки, кўплаб муваффақиятларга замин яратди ва бу жараён узлуксиз давом этмоқда. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам борки, у башариятни фикрлашга, чуқурроқ мушоҳада юритишга мажбур қилади.

СПИД – дунё миқёсидаги фирибгарлик(ми)?



Ирина Сазонова - ўттиз йиллик иш тажрибасига эга шифокор. "ВИЧ-СПИД: виртуал вирус ёки аср иғвогарлиги" ва «СПИД: ҳукм бекор қилинади» китоблари муаллифи. У яна Питер Дюсбергнинг «Ўйлаб чиқарилган СПИД вируси», «Юқумли СПИД: ҳаммамизни чалғитишдими?» китобларини рус тилига таржима қилган. Сазонова ушбу муаммо бўйича жуда кўп маълумотлар, шу жумладан, венгер олими Антал Макк таклиф қилган «ХХ аср вабоси» назариясини рад этувчи илмий маълумотларни тўплаган.

Фароғат қасри



Ривоят қилишларича, Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг оталари Собит бир куни таҳорат олмоқчи бўлиб, ариқ бўйига келибдилар. Шу пайт ариқдан оқиб келаётган бир қирмизи олмага кўзлари тушибди. Собит олмани олиб, бир тишлабдилар. Тишлабдилар-у, "Ие, бу қайси боғнинг олмаси экан, эгасини рози қилмай еб қўйибман-ку! Охиратда бунинг жавобини қандай бераман?" дея ўйланиб қолибдилар.

Уят бўлади…



Бугун ўқиб, ўрганиб ҳаётнинг оқ-қорасини бирмунча таниганимда уят тушунчасининг қадр-қиммати нечоғлик баланд эканлигини, айнан мана шу хислатни унутиб қўяётганимиз тенгдошларимнинг (айрим катталарнинг ҳам) хатти-ҳаракатларига қараб теранроқ англагандекман гўё. Магистрлик илмий ишим ёзувчилар ижодидаги фикра жанрига оид асарларни таҳлил қилиш бўлгани учун жуда кўп адабиётларга мурожаат этишга тўғри келди.

Талабанинг кармони: ким, нимага, қанча сарфлайди?



Талабанинг кармони - бу буюм гоҳида тўлади, гоҳида бўм-бўш қолиши мумкин. Бироқ, ҳар ойнинг бошида талаба кармони тўлиши аниқ. Чунки, у билим даражасига қараб стипендия олади. Яъни «қониқарли» ўқиб, 56-70 фоизгача балл тўплаган талаба 44.600 сўм, «яхши» ўқиб, 71-85 фоизгача фанлар сўроғига жавоб берганлар 67.700 сўм, саволлардан «аъло» (86-100 фоиз) ўтганлар эса 89.900 сўм стипендияга эгалик қилади.



Отангизга ўхшашни хоҳлайсизми?

Болаликда у биз учун энг ақлли, билимдон ва ҳаммадан яхши инсон тимсоли бўлган бўлса, улғайганимизда баъзи камчиликларини сезиб қоламиз. Аслида фарзанд отасининг камчилигидан норози бўлиши бироз менталитетимизга зид бўлган ҳолат. Аммо оилаларимизда соғлом муҳит шаклланиши учун улар фарзандларига ибрат кўрсата олиши керак. Оталар эса фарзандининг ўзи ҳақидаги фикрларини билишни ва унга манзур бўлишни истармикан?

Телевизорни ўчириб қўйинг



"Агар телевидение худди ҳозиргидек ривожланишда давом этса, бугун туғилган бола 18 ёшга тўлгач, энг кўп вақтини уйқуда ва телевизор қаршисида ўтказади", деб ёзган эди Энтони Гидденс "Социология" асарида. Олимнинг қанчалик ҳақ эканлиги вақт ўтгач маълум бўлади. Умуман олганда, кутишга ҳожат ҳам йўқ, негаки Грабовский кашф этган "қора қути" ўзининг нималарга қодирлигини анча илгарироқ кўрсата бошлади.

Ғарбчами? Ғарибчами?



... Суҳбатларимизнинг бирида у: "Боламни ғарбча тарбиялаяпман!", деб қолди мақтанганнамо. Ўшанда хаёлимга нима келди, айтайми?! Пингвинлар ҳақидаги эски мултфилм ёдимга тушиб кетди: кичкинтой Лоло узоқ қариндошлари бўлмиш - қушларга ўхшаб учишга жон-жаҳди билан тиришади, аммо у барибир учолмайди. Ҳеч қачон учолмайди. Қушлар эса пингвинлардек чуқур сузолмайди. Ҳеч қачон.

Ҳавога совурилаётган бойлик



Ҳозирги кунда юртимизнинг деярли барча туман ва шаҳарларида чойхона ва пивахоналар, турли спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланувчи кафе, ресторанларни учратишимиз мумкин. Яқин дўст ва қадрдонларнинг бир пиёла чой устида дийдорлашиши, ширин суҳбатлар қуришига нима етсин! Дунёда кўпдан бери юз кўришмаган қадрдонларнинг учрашувидан ҳам ёқимлироқ учрашув бўлмасак керак. Аммо шуниси ҳам борки, бу каби масканларга йиғилаётган ёш-яланг ҳар доим ҳам меъёр деб аталган олтин қоидага амал қилавермайди...

Интернет ҳамласи: хавф ва ҳимоя



Аёнки, техник тараққиётни тўхтатиш мумкин эмас: биз буни хоҳлаймизми-йўқми, компютер технологиялари ҳаётимизда мустаҳкам ўринга эга, компютер саводхонлиги кўрсаткичи эса кўп ҳолларда инсоннинг юқори савиясини белгилаб берувчи омилга айланиб бормоқда. Бугун компютерда ишлашни билмайдиган ходимни яхши мутахассис дейиш қийин. Агар ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида ёшларнинг энг севимли машғулотлари мусиқа тинглаш ва

телекўрсатувлар кўриш бўлса, айни кунда эса компютер ва интернет аввалги қизиқишларни ёш авлод ҳаётидан сиқиб чиқарди.

“Мунажжим башорати”га кимлар ишонади?



“Кийимларнинг очиқ ва тарангини танланг. Севги можаролари билан банд бўлишингиз мумкин". Бу радио орқали берилаётган "мунажжимлар башорати"дан парча. Муҳтарам мунажжимлар мазкур сўзлари билан нимани тарғиб қилаётганлари таҳлилини бироз кейинга қўйиб турайлик-да, аввало, ҳозирда алоҳида илм сифатида эътироф этилаётган бу соҳанинг аслида қанчалик тўғри ёки нотўғри эканига эътибор қаратайлик.

Клонлаштириш – мўжизами ёки таназзул?



Клонлаштириш атамаси инглиз тилидаги «слоне», «слонинг» сўзларидан келиб чиққан ва у ҳозирги кунга келиб ўз ёзилиши, ўқилишини бироз ўзгартирган. Инглиз тилида бу сўз биологик термин сифатида юз йиллар олдин қўлланила бошлаган. Бироқ шу қисқа давр ичида ўз маъносини бир неча марта ўзгартиришга ҳам улгурган.

Индиго болалар феномени «келажак давр авлоди»нинг истилоси бошландими?



Ер юзида ғайритабиий қобилиятли болаларнинг туғилиши тобора кўп кузатилмоқда. Францияда уларга умумқабул қилинган ўзини тутиш қоидалари «ёпишмаган»лиги учун бу кичкинтойларни «тефлонли», Британия оролларида «мингйиллик болалари», Россияда эса «нур фарзандлари» деб аташади. Яна уларга индиго болалар номи ҳам берилган. Эътиборлиси, кимдир улар янги инсоният даври фарзандлари деб жар солса, қолганлар бу болаларда изоҳлаб бўлмас хавфни кўради.

Кийимингиздаги қандай ёзувлар?



Кунлар исигач, юбкалардан биринчи тиззалар ёриб чиқа бошлайди. Бу ҳол куртаклар офтобга интилганидек одатий бўлса-да, у қадар ёқимли эмас. Мини юбкаларнинг келиб чиқиши ўтган асрнинг бошларига бориб тақалади. Энг аввал уларни жамиятнинг қайси қатлами истеъмолга киритганини англаш қийин эмас. Мини юбкалар эътиборни жалб этиш воситаси ҳисобланган. Кийим инсон ҳақида биз ўйлагандан ҳам кўпроқ маълумот бериши мумкин.

СМС самимий изҳорми?



Замон тараққий этгани сари кўп юмушлар осон ҳал бўлаяпти. Илгари узоқдаги дўстлар билан хат орқали хабарлашган бўлсак, ҳозир интернет тармоғи дунёнинг у бурчагидаги киши билан ҳам суҳбатлашиш имконини беради. Борган сари алоқа соҳасида барча нарсалар осонлашиб бораётгандек. Бугунги кунда уяли алоқа воситаси ҳам ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Уй бекасидан тортиб, касалхонадаги беморгача ўзининг беминнат дўстига суяниб қолди.

Мунис хилқат



Аёлларни эъзозлаш, жамиятда уларга ўзларининг мос ўринларини бериш бизнинг нафақат фарзандлик, балки инсонийлик бурчимиз ҳамдир.

Юртимизда, Шарқ мусулмон халқларида аёлларни ҳурмат қилиш, уларни нафақат моддий-жисмоний, балки маънавий ҳимоялаш анъанаси чуқур илдиз отган. Уларга кўрсатиш лозим бўлган олий ҳурмат намунаси пайғамбаримизнинг «Жаннат - оналар оёғи остидадир» ҳадисида ўзининг

юксак эътирофини топган.

КАШАНДАЛИК - УМР ЗАВОЛИ



Пассив кашандалик оқибатида йилига 600 минг киши ҳаётдан кўз юмади

Жаҳон Соғликни сақлаш ташкилоти янги тадқиқоти натижаларига кўра пассив чекиш оқибатида келиб чиққан касалликлар туфайли йилига жаҳонда ярим миллиондан кўпроқ инсон ҳаётдан кўз юмади.

192 мамлакатдан олинган маълумотларни ўрганиб чиқиш асосида ўтказилган тадқиқот ўзи чекмайдиган, лекин биров чеккан тамаки тутуни хавфи ҳақида ўтказилган биринчи кенг қамровли изланишдир.

Жаҳон Соғликни сақлаш ташкилотининг янги тадқиқоти натижалари хавотирли, деб хабар қилади Би-би-си мухбири Иможен Фоулкес.

Ҳисоб-китобларга кўра, болаларнинг 40 фоизи ва 30 фоиздан ортиқ чекмайдиган катта ёшдагилар доимий равишда чекишдан ҳимояланмаган бўладилар.

Яъни, атрофдаги кашандалар чиқарадиган тутундан заҳарланишади.

Тадқиқотларга кўра, айни чекишдан ҳимояланмаслик йилига 600 минг ўлим ҳолларига сабаб бўлади.

Чекиш кашанданинг ўзида юрак, нафас олиш йўллари хасталиклари ва ўпка саратонини келтириб чиқарганидек, атрофдаги одамларда ҳам худди шундай салбий оқибатлар кузатилиши мумкин экан.

Фарқ шундаки, иккинчи даражали "чекувчи"лар, яъни кашандалар чиқарган тутундан зарар кўрадиганлар тамаки маҳсулотларини ўзлари истифода этмайдилар.

Ҳатто жамоат жойларида чекиш қонун асосида қатъий тақиқланган мамлакатларда ҳам болалар уйларидаги кашандаликдан азият чекадилар.

Болалар қулоқ инфекцияси, зотилжам, диққинафас касалликларига чалинишлари ва гўдаклар орасида кутилмаган ўлим ҳолларини кузатилиши мумкин экан.

Жаҳон Соғликни сақлаш ташкилоти ота-оналарни ўз болаларини кашандалик туфайли азият чекишлари олидини олишга ундайди ва бу борада зудлик билан зарур қадамлар қўйишга чақиради.

ИЮН

(5 ҳафта)

т/р	Июн ойининг тахминий иш режаси	Ҳафта	Кунлари
1	Май ойи иш режасининг бажарилиши тахлили	1 - ҳафта	1-2 июн
2	Маънавий – маърифий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш		
3	“Бугуннинг боласи – эртанинг каттаси” мавзусида давра суҳбати ўтказиш		
4	Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Эй фарзанд” асари бўйича семинар ташкил этиш	2 - ҳафта	4-9 июн
5	9 июн – “Халқаро дўстлик куни” муносабати билан “Дўстлик – маънавий фазилат” мавзусида тадбир ташкил этиш		
7	14 июн - “Бутун жаҳон донорлар куни” муносабати билан "Биз беғараз донорлик тарафдоримиз. Сизчи?!" мавзусида давра суҳбати ўтказиш	3 - ҳафта	11-16 июн
8	10 июн - Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган кунга бағишлаб ушбу мукофот билан тақдирланганларни таклиф этган ҳолда мулоқот уюштириш		
9	Спорт – саломатлик гарови эканлиги хусусида мулоқот уюштириш	4 - ҳафта	18-23
10	“Ўзбекистон Мустақиллик декларацияси қабул		

	қилинган куни” га бағишлаб “Истиқлолга етаклаган жасорат меваси” мавзусида давра суҳбати ўтказиш		июн
11	Табиат ва уни асраш ҳақида мулоқот		
12	“Кашфиётчилик ва ихтирочилик - маънавий жасоратдир” мавзусида давра суҳбати ўтказиш	5 - ҳафта	25-30 июн
13	Талабаларнинг ўқув фанларидан ўзлаштиришини мониторингини ўтказиш		
14	Талабаларнинг ота - оналари билан мулоқот		
15	“Оммавий маданият” нима мавзусида суҳбат ўтказиш		

Июн ойнинг муҳим саналари

1–июн. Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни (1949 й.).

5–июн. Ҳалқаро атроф – муҳитни мухофаза қилиш куни (1972 й.).

5 –июн. Андижон муҳандислик иқтисодиёт университети ташкил этилган кун (1995 й.).

9 июн . Ҳалқаро дўстлик куни.

10–июн. “Зулфия” номидаги давлат мукофоти таъсис этилган кун (1999 й.).

10–июн. Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қахрамони Саид Аҳмад таваллуд топган кун **(**1920 й.).

11–июн. Халқ артисти, ўзбек операси асосчиси, композитор Мухтор Ашрафий таваллуд топган кун (1912 й.).

11–июн. Чотқол давлат табиий биосфера қўриқхонаси ЮНЕСКО муҳофазасига олинган кун (1993 й.).

14 июн. Бутун жаҳон донорлар куни

17–июн. Ҳалқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни (1987 й.).

18 –июн. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси тузилган кун **(**1997 й.).

23–июн. Ҳалқаро олимпиада куни (1894 й.).

1 ҲАФТА

БУГУННИНГ БОЛАСИ – ЭРТАНИНГ КАТТАСИ



1 июнда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни нишонланади. Ушбу кун Аёлларнинг халқаро демократик федерацияси қарорига кўра 1949 йил Парижда таъсис этилган. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни — бу жаҳон жамоатчилиги фикрини болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, болаларни уруш хавфидан ҳимоялаш, болалар саломатлигини сақлаш, уларга демократик асосда тарбия ва таълим бериш учун курашишга жалб қилиш кунидир.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан бери ҳар йили ёз ойининг биринчи санаси халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида ер курраси бўйлаб турли шиорлар остида кенг нишонлаб келинади. Бу орқали жаҳон жамоатчилиги эътибори болаларни уруш хавфидан ҳимоя қилиш, уларнинг соғлигини сақлаш, таълим-тарбия олишларини таъминлаш каби хайрли ишларга қаратилади. Бироқ бундай эзгу куннинг ташкил этилганига 62 йил ўтса-да, айрим қитъаларда миллионлаб болалар очлик, турли касалликлар, яшаш ва таълим олиш шароитлари йўқлигидан азоб чекаётганлиги, афсуски кўз юмиб бўлмас ҳақиқат. Ундан ташқари дунёнинг кўпгина давлатларида болаларга нисбатан зўравонлик қилиш,

уларни ноқонуний сотиш ва эксплуатация қилиш, жиноят оламига тортиш сингари воқеалар ҳам тез-тез содир бўлмоқда.

Бу байрам мамлакатимизда ҳам ўзига хос тарзда нишонланади. Аммо аслини олганда, ўзбек халқига бундай алоҳида сананинг белгиланиши шарт эмас. Унинг ҳар куни, ҳар они фарзанд ташвишию қувончи билан ўтади. Зеро, ўзбек миллатига хос нодир маънавий қадриятлар сирасида болажонлик, оилапарварлик фазилатлари алоҳида ажралиб туради. Бунга биргина мисол, иккинчи жаҳон уруши пайтида ота-онасидан етим қолган, уй-жойи вайрон бўлиб, яқинларидан ажралган юз минглаб бошқа миллат болалари Ўзбекистон бағрида Ватанга, ўзбек хонадонларида ўз уйларига, меҳрга эга бўлдилар. Халқимиз ўзининг бир бурда нонини ана шу болалар билан беминнат баҳам кўрди.



Юртимизда Президентимиз бошчилигида болаларни ҳар томонлама соғлом, бахтиёр ўсиб улғайишлари учун барча имкониятлар яратилган. Ушбу шарт-шароитларнинг қонуний асослари ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, мустақилликнинг илк кунлариданоқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси ратификация қилинди. Мазкур Конвенцияда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, барча болаларнинг тенглиги ва уларга нисбатан камситишнинг барча шаклларини йўқ қилиш, болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини комплекс амалга ошириш бўйича давлатларнинг аниқ мажбуриятлари белгилаб берилган. Халқаро норматив ҳужжат ратификация қилинар экан, Ўзбекистон ҳам дунё ҳамжамияти олдида “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг барча қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини олди. Ҳозирги кунда Конвенциядаги қоидалар ва тамойиллар болалар ҳуқуқларини таъминлашга оид барча қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилмоқда. Ундан ташқари 2008 йил 7 январда «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу ҳужжат миллий қонунчиликда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим омил бўлиб, мазкур қонун орқали БМТ Конвенцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг асосий ва қўшимча кафолатлари мустаҳкамланди.

Эътироф этиш жоизки, миллат давомчилари — болаларга эътибор қонунлар билангина чекланиб қолмай, ушбу масалага юртимизда давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Бу борада, айниқса, 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши, Давлат дастури қабул қилиниши, таълим-тарбия ва болалар спортини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар келажагимиз эгаларининг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган тарзда улғайишларига хизмат қилмоқда. Шунингдек, бундай ғамхўрликлар нафақат ота-она қарамоғидаги фарзандлар, балки меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ҳам ўз имкониятлари, орзу-истакларини рўёбга чиқаришларига хизмат қилмоқда. Халқимиз бағрикенг, танти халқ. Кўпгина саҳоватпеша кишиларимиз ўзларидан ортиб, кўпинча Меҳрибонлик уйи болаларига илинадилар, уларга совға-салом улашадилар. Яхши-ёмон кунда бир-бирини суяш аждодларимиздан мерос. Шукрки, мамлакатимизда эътибордан четда қолган боланинг ўзи йўқ. Барчанинг кўнглида болаларга меҳр мужассам. Яна бир қоидага амал қилинади: бизда боланинг бегонаси йўқ, айниқса, қишлоқ жойларда болалар асло қаровсиз қолмайдилар. Шунинг ўзи азалий урф-одатларимизнинг ҳавас қилса арзигулик жиҳатларидан саналади.

SOS - БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ



2001 йил июн ойида – Тошкентда 14 коттеждан иборат мамалакатимизда ягона “SOS – Болалар маҳалласи” очилди.

Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини кўрган, ота-онасидан эрта ажралган австриялик Генрих Гмайнер етимлик азоблари нима эканини

ўз бошидан кечирган. Бундай болалар учун ҳаётда нима муҳим эканини ўз тажрибасидан англаб етган ва қаровсиз қолган болалар тарбиясининг инсоний модели концепциясини ишлаб чиқиб, 1949 йил Австриянинг Имц шаҳарчасида биринчи SOS Болалар қишлоғини ташкил этган. Бу ерда уруш туфайли ёлғиз қолган аёллар ҳам оила ва фарзандларга эга бўлиб, ҳаётига мазмун киради.

«Агар Австрияда ҳеч бўлмаганда учта болалар қишлоғини қура олсам, умрим беҳуда ўтмади, деб ҳисоблардим», — деган эди у.

Айни кунда барча қитъалардаги 132 мамлакатда 450 та SOS қишлоқлари фаолият юритяпти. Бундан ўн йил муқаддам Ўзбекистонда биринчи SOS маҳалласи очилган эди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги бу маҳалланинг яшилликка бурканган кўчасидаги қатор экилган ниҳоллар дарахтга айланиб, ҳосилга кирган, олма, ўриклар шиғил мева туккан.

Шу ўн йил ичида ота-онасиз қолган болаларни асрашнинг инсонийлик модели Ўзбекистонда ҳам ўзининг меваларини берди. Болаларнинг ҳаётига разм солиб, қалбига қулоқ тутсангиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

— «SOS Kinderdorf international» концепциясига биноан ташкилотимиз етим ва ташлаб кетилган болаларга узоқ муддатли ғамхўрликни таъминловчи оилалар яратади, — дейди «O’zbekiston SOS bolalar mahallalari» уюшмаси директори Гулноза Обидова. — Бу концепция тўрт тамойилга асосанган.

Ҳар бир боланинг ғамхўр онаси бор, болалар бир оилада ака-ука, опа-сингил бўлиб яшайди, ҳар бир оила ўз уйига эга, болалар бу ерда қувончу ғамни бирга бўлишиб, бирга улғайишади. Бирга яшаб, бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган, ёрдам берадиган оилалар SOS маҳалласини ташкил этади.

Гулноза Маратовна санаб берган тамойиллар азалий қадриятларимизни ёдга солади. Зеро, ўзбек халқи ота-онасиз қолган болаларни ҳеч қачон кўчага ташлаб қўймаган. Имконияти бор қариндошлар, яқинлар болани ўз бағрига олганлар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида эвакуация қилинган болаларни оиласига олган ўзбек хонадонларининг ҳиммати, болажонлигини турфа миллат вакиллари яхши билишади. Ўша уруш йилларида Тошкентда нонга, керосинга, ёқилғига навбат бўлган. Навбатнинг яна бир хилини ўша давр одамлари яхши эслайдилар — болалар уйларида, темир йўл вокзалида бола асраб олиш учун ҳам навбат тизилган.

— Қадриятларимизга ҳамоҳанглик «SOS bolalar mahallalari» тамойилларининг мамлакатимизда муқим қарор топишининг, эътироф этилишининг асосий омили бўлди, давлатимиз болалар парвариши учун катта миқдорда маблағ ажратяпти, фаолиятимиз ҳомийлар томонидан кенг қўллаб-қувватланяпти, — дейди Гулноза Обидова.

Мустақил ҳаётга кўприк

16 ёшга тўлган болалар маҳалладан «учирма» бўлишади — мустақил ҳаётга кўприк вазифасини бажарадиган Ёшлар Уйида яшай бошлайдилар. У Чилонзор тумани 18-мавзеда кўп қаватли уйлардан бирининг қуйи қаватида жойлашган. Ёшлар Уйи учун бино Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан ажратилди. Бу ерда ҳам педагог ва тарбиячилар улар билан ҳамнафас.

Ўсмирлар маҳалла, қўни-қўшнилар билан алоқада яшайдилар, маҳаллада ҳам, таълим олаётган турли коллежларда ҳам дўсту дугоналари кўп. Қадрдон уйлари — SOS болалар маҳалласига тез-тез бориб турадилар, SOS оналари ва ака-ука, опа-сингиллари ҳам уларни кўргани келиб туришади. Ёшлар бир-бирига суяниб, бир-бирининг ютуқларидан қувониб яшайди. Бундай ютуқлар эса жуда кўп.

Аввало оила мустаҳкам бўлсин

«O’zbekiston SOS bolalar mahallalari» уюшмасининг фаолияти тобора кенгайиб боряпти. Самарқандда SOS болалар маҳалласи ва кризис маркази ишлаяпти. Хоразм вилоятида ҳам шундай маскан барпо этиляпти.

Уюшманинг фаолияти фақат ота-онасиз қолган болаларни тарбиялашдангина иборат эмас, етимликнинг олдини олиш масалаларига ҳам эътибор қаратилган. Тўрт йилдан буён ишлаётган оилани мустаҳкамлаш ва етимликнинг олдини олиш дастури бўйича олиб борилаётган ишлар қанча оилаларга кўмак бериб, парокандаликдан асраб қолди.

АБУ ҲАМИД ҒАЗЗОЛИЙ

Ҳужжатул ислом Имом Ғаззолий ҳазратлари бир неча асрларда бир келадиган буюк ислом мутафаккирларидан бири саналади.

Ҳижрий 450 (м.1058) йилда Эроннинг Хуросон вилояти, Тус шаҳрида дунёга келиб, ҳижрий 505 (м.1111) йилда шу ерда вафот этганлар.

Ҳайратда қоларли даражада теран билмига эга бўлган бу улуғ зот даврининг барча илмлари бўйича етук бўлганлар, зоҳирий ва ботиний уломалар орасида катта жарлик юзага келган бир пайтда ҳар икки томонни муросага келтирган беназир олимдир. Қисқа умрлари давомида турли соҳаларда ва мавзуларда кўплаб улуғ асарлар ёздилар, таълиф этдилар. “Иҳёи улимиддин” илм оламида маънолари чуқурлиги билан машҳурдир. Бошқа барча асарлари ҳам у зотни дунёга фазилан ва комолот соҳиби сифатида танитди.

“ЭЙ ФАРЗАНД” асаридан

Эй фарзанд!

Энг аввало, онага жуда эътиборли бўлиш керак. Уни ранжитадиган сўз ва ҳаракатлардан тийилмоқ лозим. Ота – она кекса бўлса, уларга ёрдам бериш ва ёлғиз қолдирмаслик керак. Бошқаларнинг улар билан енгил – елпи муомалаларига йўл қўймаслик, хизматларини тўла адо этиш учун қўлдан не келса бажармоқ лозим. Фарзанд кичик пайтида ота – она унга қўл – қанот бўлдилар. Емадилар, едирдилар. Киймадилар, кийдирдилар. Кенглик – танглик, бор – йўқ, иссиқ – совуқ демадилар. Хизматдан қочмадилар.

Ота – онанинг дуоибади – ёйдан учган ўқ, орқага қайтмайди. Нишонга тегади. Вайрон қилади.

Ота – она рози бўлган фарзанддан Аллоҳ ҳам рози бўлади. Ота – она кечирмаган фарзандни Аллоҳ ғазабга олади.

Эй фарзанд!

Одамларни ғийбат қилишдан, яъни орқасидан гапиришдан сақлан. Ким бировнинг орқасидан гапирса, миш-миш тарқатса, ғийбат этилган кишининг гуноҳи ғийбат этганнинг устига юкланади. Ғийбат қилганнинг савоблари ғийбат қилинганига ўтади.

Эй фарзанд!

Ноўрин, ёлғон қасам ичмаслик керак. Бундай қилганнинг насли кесилиши, тугаши билдирилган. Ширкдан кейин энг катта гуноҳлардан бири будир. Аллоҳ сақласин!

Эй фарзанд!

Одамлардан айб излаб, ошкор қилиш ва уларнинг айбини юзига солишдан сақлан. Ёлғон айтмагин, омонатга хиёнат қилмагин, бўҳтон ва туҳмат қилишдан сақлангин.

Эй фарзанд!

Фақир ва муҳтожларга ёрдам берган, таомлантирган кишини Аллоҳ жаннат неъматлари билан сийлайди. Минг гуноҳини ўчириб, минг савоб ёзади. Муҳтожларга ҳар жиҳатдан мадад – ёрдам бериш зарур. Оила аъзоларига, қариндош – уруғларига, қўни – қўшнилар, дўсту биродарларга ҳасислик қилмаслик керак. Буларга сарфланган нарса садақа ўрнига ўтади.

Эй фарзанд!

Олимлар, орифлар ва яхши кишилар суҳбатида бўл. Кишининг кимлиги у бўлган жойга, кимларнинг орасида эканига боғлиқ. Устозга ҳурмат ислом одобларидандир. Уларга қўлдан келганича хизмат қилиб, дуоларини олиш лозим. Устоз ҳаққи ота – она

ҳаққидан ҳам кўпроқ бўлади. Чунки ота – она фарзандининг дунёга келишига сабабчи бўлса, устоз эса охират биносининг тикланишига асосий сабабчидир. Устознинг хайрли дуосини олган одам юксалади.

Эй фарзанд!

Ака укани тўғри йўлга бошлаши, ҳимоя қилиб, қўллаши керак. Унга билмаганларини ўргатиши, ширин сўз билан насиҳат қилиши зарур. Уни яхши кўришга ҳаракат қилиши лозим.

Ука ҳам акага нисбатан ҳурматда камчиликка йўл қўймаслиги, акадан ҳеч нарсасини қизғанмаслиги, ҳасад қилмаслиги керак.

2 ҲАФТА

ДЎСТЛИК – МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТ





(Қуйидаги фикрларга қандай қарайсиз?)

Одамларнинг маслаҳатлашмоқчи бўлиш одатларида қанчалар риёкорлик бор! Маслаҳат сўраётган киши ўз дўстининг фикрларига ўзини ҳурмат билан қулоқ тутаётгандек кўрсатади, ваҳоланки, аслида унга кимнингдир эътибори керак, кимдир унинг ишини маъқуллаб,ўша иши учун жавобгарликни ҳам ўз зиммасига олиши керак. **Ф. ЛАРОШФУКО.**

Агар сиримни душманинг билмасин десанг, уни дўстингга ҳам айтма. **ҚОБУС.**

Душмандан яширганингни дўстингга ҳам айтма, зеро дўстликнинг абадийлигига кафиллик йўқ. **АБУЛ ФАРОЖ.**

Ким биландир жанжаллашаётганда шуни назарда тутиш керакки, жанжал охири бориб дўстликка айлансин. **ДИОДОР.**

Ахлоқли киши ҳатто ўз ҳаётидан айрилган тақдирида ҳам дўстлари ва ватани учун кўп ишларни қилади. **АРАСТУ**

Инсон бўлиш — бу масъулият сезишингдир. Ўзингга алоқасиздай туюлса ҳам қашшоқлик олдида андиша қилишингдир. Дўстларинг эришган ҳар бир ғалабадан фахрланишингдир, ўз ғиштингни қуя туриб, дунёдаги бунёдкорликка кўмаклашаётганингни ҳис этишингдир. **А. СЕНТ-ЕКЗЮПЕРИ.**

Бизнинг бойлигимиз сиҳат-саломатлик, оддий турмуш тарзи, эркинлик, тан ва руҳнинг мустаҳкамлиги, яхшиллика меҳр... қўшнилар билан аҳиллик, дўстларга боғлиқлик... омади келганда мағрурланмаслик, осойишталик, мулойимлик, бахтсизликдан ҳайиқмаслик, хушомадгўйликка нафратдир. **Ф. ФЕНЕЛОН.**

Дўстлар билан баҳам кўрилмаган, фақат ўзимиз баҳра олган ҳар қандай турмуш фароғати бизга унчалик ҳам татимайди. **ЭРАЗМ РОТТЕРДАМСКИЙ.**

Бахтсизликларимизнинг кўпи улар тўғрисида дўстларимиз берадиган таскиндан кўра енгилроқдир. **К. КОЛТОН.**

Мен «ҳаммага дўст» одамлардан кўра нодўстроқ одамларни билмайман, улар доимо ҳамма нарсадан завқланиб, доимий равишда ёвузларни рағбатлантириб келадилар ва ўзларининг жиноятқорона олижаноблиқлари билан жамиятга доғ туширувчи иллатларга хушомадгўйлик қиладилар. **Ж. Ж. РУССО.**

Мен умрим давомида ихлосмандларимга қараганда танқидчи дўстларимдан, айниқса уларнинг танқиди мулойим ва дўстона сухан билан изҳор этилганда, кўпроқ фойда олганман. **М. ГАНДИ.**

Туҳматга ишониш орқали қанча-қанча дўстлик иплари узилган, қанча-қанча хонадонлар вайрон бўлган. **ЛУКИАН.**

Дўстлик ва муҳаббатда биз ўзимиз билган нарсалардан кўра билмаган нарсаларимиздан кўпроқ бахтиёрликка эришамиз. **Ф. ЛАРОШФУКО.**

Муҳаббат билан дўстлик шундай бир аҳил акс садодирки, улар олган нарсасинигина бир-бирига қайтаради. **А. И. ГЕРЦЕН.**

Сергап ўзини яхши кўрсатмоқчи бўлади-ю, аммо нафратга учрайди, бировга қарашмоқчи бўлса — хира пашшага айланади, одамларни ҳайратга солмоқчи бўлса — кулгига қолади; у дўстларини ерга уриб, душманларига хизмат қилади. **ПЛУТАРХ.**

ДУШМАНЛИКДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ЗИДДИЯТЛАР

Инсонга душманлик ва бошқаларга нисбатан нафрат ҳиссидан ортиқ таъсир кўрсатишдек оғир юк ва ёки руҳият ва хулқни пароканда қиладиган нарса йўқ.

Нафрат инсоннинг бахти ва роҳатига энг зарарли таъсир кўрсатувчи ҳиссиётлардан биридир.

Нафрат ғазаб ҳиссидан келиб чиқади ва инсоннинг маънавий мувозанатини бузади. Инсон ғазабга тўлган ҳолатида бўлганида қандайдир сабаб унинг қалбидаги нафратни сўндириб, уни тинчлантириш ва руҳий кескинлигини йўқотиши мумкин. Аммо бу нафрат учқуни инсоннинг қалбида бахт ва оромни алангалатиш учун қолиши ҳам мумкин.

Эзгулик, руҳий мувозанат, ором ва ҳамоҳангликнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланган олижанобликка қарама-қарши ўлароқ нафрат ва душманлик ихтилофлар ва нифоқдан келиб чиқади. Улар бузуқ руҳдан пайдо бўлади. Қаҳр-ғазаб тоқатсизлик ва руҳий кескинликни йўқотади, аммо ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтармоқчи бўлган инсон бошидан кечираётган бошқа бир шароитларда юзага келадиган ранжу □алам анчагина кучлидир. Бунинг сабаби шундаки, охирги ҳолатда инсоннинг изтироблари ўткинчидир, аммо адоват намоён бўлганида онгни доимий равишда мағлуб қилиш учун яширин нафратни қўзғатади. Бундан ташқари қандайдир бир ёмон ишни амалга ошириш билан душманлик йўқ бўлиб кетмайди, у қалбдаги яранинг чандиғини оширади ва одамни мудофаа ва қасосга тайёрлайди.

Душманлик аламли оқибатлар ва ғашликларга эга бўлиши мумкин бўлиб, у пайдо бўлгач, даволанмайди. Киши нафрат ва душманлик сабабли нооқилона ҳаракати натижасида ўз виждонининг абадий қурбонига айланади. У чуқурлашиб кетса, ўзига катта дарду□ аламни олиб келади.

Шундай шахслар борки, уларнинг ҳаётида олижаноблик ва эзгуликка ўрин йўқдир, чунки улар ҳеч қачон бошқаларнинг камчиликларини ёки ўзларининг ўзларига зид бўлган заррача хуружларини кечира олмайдилар. Бундай ҳиссиёт уларни оловли тубсизликка олиб борсада, ўз қувватлари ва маҳоратларини қасос олишга интилишга сарфлайдилар.

Тез ғазабга минадиган шахслар тез ўч олишга мойилдирлар. Улар ўзларининг ахлоқларига нисбатан энг кичик бир танқидни ҳам кўтара олмайдилар, бошқа томондан эса, кучли хислатдаги одамлар танқиддан амалий жиҳатларни топиб оладилар ва шу тарзда яхши томонга ўзгаришга тайёрланадилар.

Бир олим айтганидек, “Танқидга кескин эътиборни қаратиш пишиб етмаганликнинг кўрсатгичидир, чунки кўп ҳолларда шу каби эътиборни қаратиш учун камситиш ёки ҳақоратлаш ҳақида гап кетмаётган бўлади. Инсон амалда бўлмаган ҳақоратланишга арзимас сабабларни ўзича фараз қилади, ёки ҳақоратланиш тасодифий бўлиши мумкин. Иккала ҳолатларда ҳам изтироб чекиш ва хафа бўлишга зарурият йўқдир. Агар ҳақоратлаш билиб туриб амалга оширилганда ҳам, барибир бу аниқ камчиликка қилинган муносабат бўлиб, бунда киши ҳақиқатда изтироб чекиши мумкин, бу ҳолатда у ранжимаслиги, ўз камчилигини бартараф этиш учун ишлаши лозим; агар ҳақоратлаш

асоссиз бўладиган бўлса, киши унга ҳаддидан ортиқ эътибор бермаслиги, уни ҳақоратлаётган киши ҳам худди шунингдек, ёмон аҳволда эканлигини тушунмоғи лозим, у касал ва ўйламай, бемулоҳаза бир ҳолатда қасос олишга интилади ёки бировларга ёмон ишларни тўнкаб, ўзининг билимсизлиги оқибатида бошқаларни камситишга интилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мулоҳазали одам билимсизлик билан қилинган ишлар учун изтироб чекмаслиги лозим”

Ўч олиш ҳолатлари инсон изтироб чекадиган ва ёхуд болаликда қандайдир жароҳатланиш натижасида олинган дилдаги яширин кек оқибати бўлган ёки носоғлом ижтимоий муҳитнинг таъсири натижасидаги ўзининг ҳақирлиги, кўримсизлигини ҳис этишдан келиб чикиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ўзининг қатор соҳаларда аҳамиятсизлиги билан эътибордан четда бўлганлар ўзларининг камситилганликлари ва омадсизликларини тиклашлари учун ўч воситадир. Бундай одамлар бошқаларни ҳақоратлаш учун ҳар қандай имкониятларни излашади ва исталган жиноятга бора оладилар.

Бундай шахсларнинг адоватдан қутилишларида самарали омиллардан бири - ҳаётда олий мақсадларга интилишдир. Зеро, ўзининг руҳини тозалайдиганлар ва хулқини такомиллаштирадиганлар, бошқа мақсадларга бефарқ бўлиб, бошқалар томонидан қилинадиган ёқимсиз муомалага эътиборсизлик билан қарашади.

Бошқалар томонидан қилинган ярамас муомалага бизнинг муносабатимизни чегаралаш ўз қўлимиздадир. Ўз фикрларимизнинг йўналишларини танлаш ҳам ўз ихтиёримиздадир, шунинг учун биз ўз эркимиз бўйича руҳиятимизни эзиб турган қасос олиш ҳиссини бартараф этиш йўлидаги изчиллигимизни мустаҳкамлай бориб, бизга кўрсатиладиган турли омилларинг таъсирини бошқаришимиз мумкин. Аммо агар биз ўз ахлоқий мажбуриятларимизга бепарво бўлсак, бошқалар ўз камчиликларимизни бартараф қилишда бизга ёрдам кўрсата олмай қоладилар.

Ўч турли хилдаги шаклларга бурканиши мумкин. Баъзи бир одамлар ўзларининг душманларига уларни ҳалоллик ва сидқидиллик сари бошлаб бораётган қилиб кўрсатиб, жиддий зарар етказадилар. Ўчнинг бу каби шаклини ишга солган одамлар яққол фитначидирлар.

Бир ғарб олими айтганидек, “Нафрат ва адоват руҳий енгил хусусиятдан, айниқса, ҳеч қандай бошқа тайинли сабабсиз келиб чиқади. Биз кўпчилик масалаларни биродарона ҳал эта оламиз, аммо манманлик ва нодонлик бундай қилишга бизга йўл бермайди. Кўп ҳолларда биз кичик бир арзимас хатолари учун дўстларимизни ташлаб кетамиз. Баъзан биз уларнинг бегуноҳликларини биламиз, аммо уларни кечиришдан бош тортамиз. Биз уларга нисбатан адолатсизлигимизни энг кам даражага камайтира олиш ҳолатида бўла олишни мен истардим”.

Дўстлик-инсоний эҳтиёждир

Одам одам билан тирик деган гап аслида боболаримиздан мерос, кўхна хақиқатдир. Аммо ҳар бир одам ўзи бир олам бўлиб яралган ва ҳеч қачон бировга айнан ўхшамайди. Биз бировларга ўхшамаганимиз учун ҳам бизларнинг хоҳиш ва эҳтиёжларимиз, орзу ва умидларимиз, яхшилик ва ёмонлик хақидаги фикримиз турличадир. Бундай ҳар хиллик бизнинг ният ва истакларимизнинг тўлиқ рўёбга чикмаслигига сабаб бўлади хамда бизда нотўкислик ҳиссини пайдо қилади. Натижада, одамлар ичида у ёки бу тарзда яшашга, бизни ёқтиришларига ва бизга эътибор билан қарашларига эҳтиёж сезамиз. Агар бу инсоний эҳтиёжларимиздан бирор тарзда қониқмас эканмиз, биз ўзимизни одамлар ичида бегона ҳис қила бошлаймиз, ўзимизга турли ташвишлар орттириб бораверамиз.

Дўст орттиришнинг олтин қоидаси

Дўстим, сиз дунёда дўст орттиришга энг уста бўлган жониворни биласизми? Албатта, биласиз. Сиз уни хар куни кўчада учратишингиз мумкин. У сизни 10 қадам наридан кўриши биланоқ думларини ўйнатиб олдингизга югуриб келади. Агар сиз тўхтаб уни

сийпаласангиз, у сиздан хурсанд ва сизни жуда яхши кўришини англатиш учун турли хил қилиқлар қилаётганлигини кўрасиз. Сиз бу шодликнинг орқасида яширин бир интилиш йўқ эканлигини - у сизга бирон-бир нарсани сотиш ёки сиз билан турмуш қуриш илинжида эмаслигини яққол ҳис қиласиз.

Сиз бирор марта ит кун кечириш учун ишлаши шарт бўлмаган ягона жонивор эканлиги хақида ўйлаб кўрганмисиз. Товуқ тухум қилиши керак, сигир сут бериши керак, булбул эса сайраши керак. Ит-чи? Ит кун кечириши учун сизга ўз садоқатини кўрсатиши, сизга вафодор бўлиши керак, холос.

Ит ўз умрида руҳиятга оид бирор китоб ўқиган дейсизми? Лекин у қандайдир туғма инстинкт ёрдамида одамзодга суйкалиб, икки ой давомида икки йилда орттирган дўстларидан ҳам кўпроқ дўстлар орттириш мумкинлигини билади. Лекин эътибор берсангиз, бу ҳаркатлар кўпинча самимий қизиқиш оқибатида юзага келади. Демак, дўстлашишдаги илк қадам - бу одамларга самимий қизиқиш билан қараш экан. Бунинг натижасида сиз оз муддатда ўзингизга кўп дўстлар топа оласиз. Ха, ҳамма гап самимиятда.

Аммо биз атрофдаги одамларнинг эътиборини ўзларига қаратишга интилиб қўпол хато қилаётган одамларни ҳам биламиз.

Албатта, бу хилдаги уринишлар ҳеч қачон яхши натижа бермайди. Одамлар сиз билан асло қизикмайдилар. Улар - эрталаб, тушликда ва ундан кейин ҳам доим фақат ўзлари билан овора бўладилар, ўз ишлари билан кизиқадилар.

Нью-Йорк телефон компанияси одамлар телефонда гаплашаётганда қайси сўз энг кўп ишлатилишини текшириб кўрди. Қайси сўзлигини топдингизми? Ха, яшанг! Бу “мен” деган сўздир. Бир телефон сўзлашувида бу сўз 399 маротаба такрорланган. Шундай қилиб “мен”, “мен”, “мен”...

Бир гуруҳ дўстлар билан тушган фото суратингизни кўлга олганингизда, айтингчи, кимни биринчи бўлиб қидирасиз? Ўзингизни.

Хўш, нима учун бошқалар биринчи бўлиб сизга қизиқиш билан қарашлари керак? Қани, мана шу саволларга бир жавоб бериб кўрингчи.

Агар биз одамларда таассурот қолдирмоқчи бўлсак ва шу орқалигина уларни ўзимизга атайин қизиқтиришга интилсак, ҳеч қачон ҳақиқий, самимий дўст топа олмаймиз. Яхшиси - бунинг аксини қилиш, яъни одамлар ҳаёти билан қизиқиш керак.

Машҳур Веналик психолог Альфред Адлер шундай деб ёзади: «Ўз биродарлари билан қизиқмайдиган инсон ҳаётда энг катта қийинчиликларни бошидан кечиради ва атрофдагиларга энг катта зарар келтиради. Худди мана шунга ўхшаш одамлар орасида омадсизлар пайдо бўлади».

Руҳиятга оид ўнлаб илмий китоблар бу фикр-мулоҳазалар тўғри эканлигини тасдиқлайди.

“Бир вақтлар мен, - деб ёзади Дейл Карнеги, - Нью-Йорк дорулфунунида ҳикоя ёзиш санъати бўйича лекцияларда қатнашган эдим. Бизнинг гуруҳимизда маърузачилардан бири “Кольера” журналининг муҳаррири эди. У ёзув столига келиб тушган ўнлаб хикоялар ичида дуч келган биттасини олиб, ундаги бир неча сатрни ўқиб, хусусан муаллиф хақида фикр юритиш мумкинлиги, у одамларни қай даражада ёқтиришини аниқлаб олиш мумкинлиги хакида гапирарди. “Агар муаллиф инсонларни сезмаса, - дерди у, - унинг ҳикоялари ўқувчиларга ҳеч качон ёқмайди””.

Машхур кўзбоғлоғич Говард Терстон бу хунарда чукур билимга эга эмас ва бошқа кўзбойлоғичлардан истеъдоди билан ажралиб турмас эди. Аммо у бошқалардан фарқли ўларок, икки хислатга эга эди. У инсон табиатини жуда яхши билганлиги учун томошабинларда кўтаринки руҳ пайдо қилар ва улар ажойиб ўзига хос инсон эканликларини ҳис этишга мажбур қиларди. Энг мухими, у одамларга самимий муносабатда бўларди.

У кўпчилик кўзбоғлоғичларга ўхшаб: “Бу ерда бир тўда қишлоқи, содда одамлар тўпланган. Мен уларни боплаб ахмоқ қиламан”, - демас эди. Г.Терстон саҳнага чиқар экан,

ўз-ўзига: «мен бу одамлардан томошамга келганлари учун миннатдорман. Улар менга тирикчилик қилиш учун ўзимга ёққан иш билан пул топишимга имкон бераяптилар. Мен улар учун қўлимдан келган нарсани кўрсатаман», - дерди. У ҳар доим: «Томошабинларим менга ёқадилар», - деб такрорларди ва бу сўзларни у чин дилдан айтарди.

Машҳур қўшиқчи аёл Шумак Хейк ҳам шундай эди. Очлик ва кулфатга тўла турмуши, ўз-ўзини ва ҳатто болаларини ҳам ўлдириш ҳаёлига борган, беҳад оғир хаёт кечирган бўлишига қарамасдан у саҳнада самимий куйларди. Унинг ўзи иқрор бўлишича, у бошқа одамларнинг ҳаётига жуда ҳам қизиқар, уларни севар экан.

Биз ким бўлишимиздан қатъий назар - қассобми, нонвойми ёки тахтда ўтирган шохми, барибир аввало бизга мафтун бўлган одамларни севайлик, уларни яхши кўрайлик.

Агар биз дўст орттиришни истасак, келинг, бор кучимизни бошқалар учун сарф қилайлик. Герцог Виндзорский Уэльс шаҳзодаси бўлганда Жанубий Америкага ташриф буюришдан бир неча ой олдин испан тилини ўрганиб олган. Жанубий Америкаликларга унинг испан тилида сўзлаши жуда ёққан экан.

“Бир неча йил давомида мен, - деб ёзади Д.Карнеги, -дўстларимизнинг туғилган кунларини аниқлаш билан банд бўлиб келдим. Мен мунажжимликка қизиқмасам ҳам уларннг туғилган кунларини билиш учун улардан одам характери ва қобилияти туғилган куни билан боғлиқми, деб сўрардим. Сўнгра мен уларнинг туғилган кун ва ойини сўраб олардим. Масалан, у менга 24 ноябр деб айтса, мен фикран “24 ноябр”, “24 ноябр” деб такрорлардим. У бошқа ёққа қараши биланоқ бу санани тезлик билан қоғозга ёзиб қўярдим ва кейинчалик махсус китобчамга кўчириб олардим. Ҳар йил бошида мен бу саналарни календарга ёзиб қўярдим. Дўстларимдан бирортасининг туғилган куни яқинлашиши бнлан мен унга табрик хати ёки телеграмма юборар эдим. О, бу нақадар ажойиб таассурот қолдиришини билсангиз эди! Кўп холларда мен бу туғилган кунни ёдида сақловчи ягона киши бўлиб чикардим”.

Агар биз дўст топишни истасак, келинг шодлик ва завқ-шавқ билан одамларни олқишлайлик. Бу усулни сизга телефон қилишганида ҳам қўлланг. “Ассалому алайкум” деган сўзни шундай таллаффуз қилингки, қўнғироқ қилган одам заррача ноқулайлик сезмасин. Аниқроғи, гапириш оҳангиздан қўнгироқ қилгани учун сиз ундан хурсанд эканлигингиз билиниб турсин.

Шундай қилиб агар сиз одамларга ёқишни ва дўст орттиришни истасангиз уларнинг ҳаётига, қизиқишларига ҳамда уларни турли хил урф-одатларига, эътиқодлари ва интилишларига самимий қизиқиш билан қаранг.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ

Дўст кулфатда билинади



(Япониянинг Фукусима префектураси аҳолиси номидан миннатдорлик мактуби)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Япониянинг Фукусима префектураси губернатори Юхей Сатонинг миннатдорлик мактуби келган эди. Мактубда 2011 йил 11 март куни юз берган табиий офат оқибатида талафот кўрган Япониянинг мазкур минтақаси аҳолисига Ўзбекистон томонидан изҳор этилган чуқур ҳамдардлик ва кўрсатилган гуманитар ёрдам учун миннатдорлик билдирилган.

Юхей Сато – Ўзбекистоннинг самимий дўсти. У икки марта – 1999 ва 2001 йилларда мамлакатимизга ташриф буюрган.

Фукусима префектураси губернаторининг мактубида шундай дейилади:

“Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига
Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сизга Япониянинг шарқида рўй берган зилзила муносабати билан самимий қўллаб-қувватлаганингиз ва Ўзбекистон халқи номидан чуқур ҳамдардлик билдириб йўллаган мактубингиз учун Фукусима префектураси аҳолиси номидан миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Вайронагарчиликларга сабаб бўлган ер силкиниши ва сунами нафақат префектурамизга катта зарар етказди, балки "Фукусима-1" атом электр станциясида ушбу ҳудуддаги кўплаб аҳолининг эвакуация қилинишига олиб келган аварияни келтириб чиқарди.

Ҳозир Япония халқи ўзининг барча саъй-ҳаракатларини атом электр станциясидаги авария билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратмоқда. Мамлакатимизнинг барча аҳолиси мисли кўрилмаган табиий офат оқибатларини бартараф этиш йўлида янада жипслашди ва ўзбек халқининг самимий қўллаб-қувватлаши ёрдамида табиий офат оқибатида вайрон бўлган ҳудудларни тикламоқда.

Биз табиий офатдан кейин мамлакатимизни тиклашга ва префектурани қайтадан қуришга азму қарор қилганмиз. Биз, шунингдек, янги, хавфсиз Фукусимани барпо этиш йўлида барча куч ва имкониятларимизни ишга соламиз.

Сизнинг префектурамизни тезда тиклаш борасидаги самимий қўллаб-қувватлашингизни юксак қадрлаймиз ва Яратгандан Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланишини сўраб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

Юхей Сато,

Фукусима префектураси губернатори».

Япония халқи бошига тушган оғир мусибат мамлакатимизда ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Президентимиз Ислом Каримов биринчилардан бўлиб 2011 йил 11 март куни бу мудҳиш фожиа муносабати билан Япония раҳбарияти ва халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этди. Ўзбекистон халқи Япония халқининг қайғусига шерик эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбарияти Япония халқига гуманитар ёрдам юкини жўнатишга қарор қилди ва гуманитар ёрдамнинг асосий қисми табиий офатдан нисбатан кўп зарар кўрган Фукусима префектурасига етказиб берилди.

Халқларимиз ўртасида йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган дўстлик алоқалари бугунги кунда ҳам Ўзбекистон ва Япония, шу жумладан, Фукусима префектураси ўртасидаги самарали муносабатларнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда.

Фаолияти Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги маданий алоқалар ва академик алмашув масалаларига йўналтирилган «Фукусима-Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликка яхши мисолдир. Мазкур уюшма томонидан Ўзбекистонлик талабаларнинг Японияда амалиёт ўташи, мусиқий жамоаларнинг концертлари ва бошқа муҳим тадбирлар ташкил этилди.

Фукусима префектурасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик бўйича «Дате-Ўзбекистон» уюшмаси таъсис этилган ва бу уюшма Фарғона вилояти билан мазкур йўналишда муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Халқимизда дўст кулфатда билинади, деган мақол бор. Шу маънода, Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатга ёрдами халқимизнинг бизга яқин ва дўст Япония халқи қайғуси ва унинг бошига тушган кулфатга бефарқ эмаслигидан далолатдир.

ДЎСТЛИК МАДҲИ

Давраларнинг тожи — дўстлар давраси
Диллар ором топар, юраклар ҳузур.
Бундан кўкка ўрлар дўстлар хандаси,
Кўкдан бу даврага ёғилади нур.

Ҳар йигитнинг дўсти бўлса мард бўлади,

Дўстинг бўлган давру-давронлар суюк.
Дўсти борга бермоқ тан шарт бўлади.
Дўст қадрини билган инсонлар буюк.

Сўз билан аслида муҳтарам инсон,
Сўз билан боғлайди жумла жаҳонни.
Дўст билан аслида мукаррам инсон,
Инсон деб бўлмайди дўстсиз инсонни.

Дўстлар барчангизга тилайман омад,
Топганингиз фақат тўйга буюрсин.
Доим бахтли бўлинг, бўлинг саломат,
Мардона кулгингиз жаранглаб турсин.

Бу олам сизники, сизники ҳаёт,
Сизга тан берганман, барчангиз — даҳо,
Тилагим, дўстларнинг дўсти умрбод,
Қодир Худо бўлсин, душмани — гадо

Муҳаммад Исмоил

3 ҲАФТА

БИЗ БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИК ТАРАФДОРИМИЗ. СИЗЧИ?



Бугунги жаҳон глобаллашув даврида ижтимоий муаммоларни ўрганиш ва аҳоли орасида турли тарғиботташвиқот йўлларини ўйлаб топиш энг муҳим вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Хусусан, беғараз донорлик, қон ва қон компонентлари билан боғлиқ муаммолар ечимини топиш, табиийки, бир давлатнинггина эмас, балки дунё мамлакатларининг ҳам жиддий хавотирига сабаб бўлмоқда. Айниқса, қон орқали юқувчи кўплаб хасталикларнинг камайишига қарши зарурий чораларни кўриш мақсадида тоза донор қонига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши – бу жараён қанчалик тезкор ва ўта долзарб эканлигини кўрсатади. Шу боис бўлса керак, мамлакатимиз ҳудудида беғараз донорлик сафини кенгайтириш, қон – бу ҳаётбахш тамойиллар рамзи сифатида донорлик акцияларининг ўтказилиши кенг жамоатчилик эътиборида бўлиб келмоқда. Нимага айнан сарлавҳамизни "Биз беғараз донорлик тарафдоримиз. Сизчи?" дея номладик. Чунки, турли таъсир кучига эга шиор ва даъватларнинг амалиётда қўлланилиши кишилар эътиборини тортибгина қолмай, балки уларни ягона мақсад сари бирлаштиришга хизмат қилмоқда. Шу ўринда бир савол туғилади. Нимага донорлик сафини кенгайтиришга бу қадар эътибор кучайтирилди? Талаб ва эҳтиёж майдонининг кенглиги беморлар ўртасида донор қонига бўлган хоҳишистакни ошириши табиий. Нега бугунги давр бу жараёнда барчамиз фаол ва бирга ҳаракат қилишимизни тақозо этмоқда? Мулоҳазаларимизни қуйидаги фикрлар билан давом эттиришни лозим топдик.

Давлат эътиборидаги бош масала

Дунё тажрибаси ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига кўра, хавфсиз қон препаратларини таъминлаш учун соғлом одамлар орасида беғараз донорлик сафини кенгайтириш муҳим омил ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам аҳолини бадалсиз донорликка

жалб этиш, тарғиботташвиқот ишларини кучайтириш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Бу масала нафақат тиббиёт ходимлари орасида, балки давлатимиз томонидан ҳам доимий эътиборга олингани бежиз эмас. Хабаримиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700 сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарорида ҳам юқоридаги масалаларга алоҳида урғу берилган. Жумладан, тиббиёт муассасаларида қон, унинг компонентлари ва препаратларини тайёрлаш, сақлаш ва хавфсизлик ҳамда аҳолига гематологик ёрдам кўрсатиш стандартларига риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб қон ишлатиш билан боғлиқ бўлган барча тиббий муолажаларни кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган буюм ҳамда асбоблар рўйхатини тасдиқлаган ҳолда бир маротабалик тиббий буюм ва асбоблардан фойдаланишга ўтказиш, 20082010 йилларда гематология ва қон қуйиш институтини, қон қуйиш станцияларини, ОИТС марказларини замонавий лаборатория ва бошқа жиҳозлар билан бюджет маблағлари ҳамда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари грантларини жалб этиш ҳисобидан мукаммал таъмирлаш бўйича кенг кўламли ишлар бошлаб юборилган. Шунингдек, "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тиўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг қўшма қарорлари асосида "Қон инсонлар хизматида" акциялари доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Ундан ташқари, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ва бошқа халқаро ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда беғараз донорликни тарғиб қилиш бўйича махсус дастурий режалар белгилаб олинган. Мазкур йўналишда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида бадалсиз донорлик фаолиятини ривожлантириш Дастури" ҳам бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириб, фаолиятларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Ҳар йили ўтказилаётган илмийамалий анжуман, Съезд ва Конгрессларнинг мақсадмоҳияти ҳам қон касалликларини самарали даволаш, бемор ҳаётини хавфсиз донор қони билан таъминлаш ва бедалсиз донорлик муаммоларини ҳал этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Албатта, беғараз донорлик сафини кенгайтириш учун кенг жамоатчилик билан ишлаш ижобий натижа беради. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳар йили "Донорлар куни" байрам сифатида нишонланади. Тадбир доирасида акциялар ўтказиш эса яхши анъанага айланган. Мана бир неча йилдирки, донорлик акцияларида олий таълим ва ҳарбий билим юрти муассасалари талабаларининг фаол иштироки кўзга ташланмоқда. Уларнинг ўз хоҳишлари билан беғараз донорлик сафига қўшилишлари эса ниҳоятда катта ташаббус. Чунки, улар ўз қонлари билан бировнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкинлигини теран англайдилар ва бу таклифни эътиборсиз қолдирмаганликлари учун беғараз донорлик сафи йилданйилга ошиб бормоқда.

Талабаларнинг фаол ташаббуси

Талабаларнинг хоҳиш-истаги, меҳр-саховатга тўла шижоатлари билан бадалсиз донорлик сафига қўшилганликларини эшитиб, тўғриси қувондик. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Гематология ва қон қуйиш илмийтекшириш институтининг донорлик сафини кенгайтириш, аҳолининг қон касалликларига чалиниш даражасини камайтириш тадбирларига қаратилган кенг кўламли ишлари кўпгина университет, институт ва бошқа таълим муассасалари томонидан ижобий ташаббус сифатида қабул қилинди. Шу маънода ушбу хайрли тадбирда жонбозлик кўрсатган Ўзбекистон Миллий университети талабалари билан суҳбат ўтказилганда, улар қуйидаги фикрларни билдирдилар.

"Биз беғараз донорлик сафидамиз"

Ойбек ТЎРАЕВ, Тарих факультетининг учинчи босқич талабаси:

– Мен бугун донорлик сафига қўшилдим. Бундан жуда бахтиёрман. Энди халқ саломатлиги, юртимнинг тинчлиги, осойишталиги учун ҳар қандай ташаббусни қўллабқувватлашга тайёрман.

Бекзод ЭСАНОВ, Физика факультети талабаси:

– Қон топширишга аввал чўчиб турдим. Тушунтириш ва тарғиботлардан кейин бу қўрқув ўрнини ички қатъият ва кучли ирода эгаллаб олди. Мен ҳеч иккиланмасдан, қўрқмасдан ва ўз хоҳишим билан беғараз донорлик сафига қўшилдим.

Сарвара ХЎЖАЕВА, Ўзбек филологияси факультети талабаси:

– Мен тенгдошларимнинг беғараз донорлик сафида бўлишларини хоҳлардим. Чунки, қон топшириш орқали биз нафақат бировнинг ҳаётини сақлаб қолиш, балки ўзимизда кечаётган тиббий ўзгаришларни ҳам билиб, соғлигимиз тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлар эканмиз.

Азиз НИШОНОВ, География факультети талабаси:

– Ёшлигимда қондан қўрқардим. Институтнинг тиббий тайёрлов бўлимида таҳсил олиб, қон ва у билан боғлиқ касалликлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдик. Демак, биз берган қон кимнингдир ҳаётини сақлаб қолар экан. Мен бундай ташаббус ва донорлик акцияларини қўллаб-қувватлайман.

Демак, қон – бу ҳаётимиз ва тириклигимиз манбаи. Унинг ҳар бир томчиси биз учун қадрли. Шундай экан, соғлигимизни асраш йўлида беғараз донорлик сафида бўлиб, атрофдагиларимизни ҳам ана шундай хайрли ва савоб ишларга ундашда давом этаверайлик.

Сизчи талаба! Сиз беғараз донорлик сафидамисиз?

БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИК ТАРҒИБОТИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК



Маълумки, ҳар йили 14 июн – Бутунжаҳон донорлар куни сифатида нишонланади. Ушбу тадбирнинг бош мақсади қон қуйиш учун хавфсиз қоннинг муҳимлиги ва қон донорларининг зарурлигини чуқурроқ англаб етишни шакллантиришдир.

Бу кун, аввалambор, донорлик қонлари ва қон компонентларига дунё бўйлаб ошиб бораётган талабларга фаоллик билан жавоб бераётган кўнгиллиларнинг инсоният олдидаги хизматларини рағбатлантириб, уларга миннатдорчилик билдиришга имконият беради. Ушбу интилишлар ва умумжамият манфаати 2005 йил Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг резолюцияси қабул қилинишига асос бўлди. Натижада Бутунжаҳон қон донорлари куни ҳар йил нишонланадиган тадбир сифатида ташкил этилди. Шунингдек, резолюцияда Бутунжаҳон қон донорлари кунини қўллабқувватлаш ва биргаликда ҳаракатлантириш, ҳамжихатликда иш олиб боришни амалга ошириш мақсадида, глобал қон хавфсизлиги масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилот ва муассасаларни ҳам жалб қилиш мақсад қилинган. 2005 йилги соғлиқни сақлаш Бутунжаҳон ассамблеяси давомида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)га аъзо давлатларнинг соғлиқни сақлаш вазирлари томонидан Бутунжаҳон қон донорлари куни ҳар йили ўтказиладиган тадбир сифатида белгилаб олинди.

ЖССТ мурожаатида бўлимлар мавжуд бўлиб, унга кўра, беғараз донорликнинг 100 фоизлик кўрсаткичига эриша олмаган давлатлар аҳоли иштироки ва ёшларни жалб қилиш, шунингдек, беғараз қон донорлари сонини ошириш мақсадида, қон донорлари миллий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда оила аъзолари, қариндошуруғларнинг донорлик қилишларидан астасекинлик билан воз кечиш ва пуллик донорликни йўқотишнинг инновацион йўналишларига мурожаат қилиш кераклиги таъкидланган.

Бугунги кунда қон донорлиги ва унинг компонентларини ривожлантириш йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг кенг қатламини донорликка жалб қилиш борасида республика аҳолиси ўртасида беғараз қон донорлигини

ривожлантириш йўлида дастур ишлаб чиқилган ва 2008 йилнинг 1 февральь куни Вазирлар Маҳкамаси томонидан 07615-сон билан тасдиқланган.

Айтиш жоизки, 2009 йилнинг 5 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 1-сонли қарори тасдиқланган. Ва унда беғараз қон донорлигини ривожлантиришнинг нақадар зарурлиги таъкидланган.

Республика Қон хизмати тизимини ЖССТ ва Осиё Тараққиёт банкининг экспертлари тавсиялари асосида босқичмабосқич ислоҳ қилиш ва марказлаштириш амалга оширилаяпти. Шу кунга қадар тизимда донорлар қонининг лаборатор текширувлари республика бўйича марказлаштирилди. Қон хизмати тизимини ислоҳ қилиш босқичларидан яна бири сайёр гуруҳлар ёрдамида беғараз донорлардан қон олиш ишларини режалаштириш кўзда тутилган. Бунинг учун аҳоли ўртасида беғараз донорлик фаолиятини ривожлантириш, қон марказларини махсус транспорт воситалари билан таъминлаш зарур бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, донорлик инсон қалбида ватанпарварлик, эзгулик ва одамийлик туйғуларини уйғотади. Шундай экан, келинг, азизлар, бизу сиздан нажот кутиб турган бемор ҳаётини сақлаб қолиб, донор деган фахрли номга эга бўлайлик.

4 ҲАФТА

20 июн – Ўзбекистон Мустақиллик декларацияси қабул қилинган кун



ИСИҚЛОЛГА ЕТАКЛАГАН ЖАСОРАТ МЕВАСИ

Мустақиллик бизга осмондан тушмаган. 1991 йилнинг 31 августигача тобелик ва мутелик тамғаси, қуллик занжиридан расман қутулишимизга қадар — 80-йилларнинг охири, 90-йиллардаги сиёсий вазиятнинг ўта таҳликали эканлигига қарамай муҳим ҳужжат — Мустақиллик Декларацияси қабул қилинган эди.

Озодлигимизнинг олтин пойдевори бўлмиш бу улуғ ҳужжат ўзбек халқи ва Ўзбекистонликлар ҳаётида улкан воқеа, ўз тақдир-аъмоли йўлида ишонч билан қадам ташлаган мамлакат тарихининг нурли саҳифасидир.

Мустақиллик ҳали эълон қилинмаган эди. Ициқлолга етишган кунимиздан бир йилдан кўпроқ вақт илгари — 1990 йилнинг 20 июн куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик Декларациясига имзо чекди. Хўш, бу тарихий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат эди? Бу ҳужжатда қандай мақсад-муддао мужассам эди? Халқимизнинг хоҳиш-иродаси нечоғлик ифодаланганди бу ҳужжатда?

Аввало, ўша пайтда — ўта зиддиятли, империя зулми авжга чиқиб, миллат озодлиги йўлида ҳаракат қилиш у ёқда турсин, уни хаёлга келтиришнинг ўзи аянчли мусибатлар келтираётган бир даврда мамлакатимиз раҳбарининг бу ишга қўл уриши чиндан ҳам жасорат эди. Сҳунингдек, ён-теварагимиздаги сиёсий беқарорлик, ўта қалтис ҳолат, мамлакат ичкарисидаги митингбозликлар, одамларни турли хил баландпарвоз гаплар билан чалғитиб, қонли тўқнашувларга бошловчи айрим "сиёсатдон"ларнинг найранглари авжига чиққан эди. Халқ, очиғи, кимга эргашиши, нима қилишини билмай, иккиланиб турарди.

Ўша пайтда, империя ўз озодлигига интилган мамлакатимиз ичкарисида қуролли можаролар чиқариб, халқнинг ишончига дарз кетказиш, нима қилиб бўлса-да, нотинч

вазиятни юзага чиқариш пайида эди. Сҳундай бўлгач, Ўзбекистон "ташқари"га чиқиб кетолмас эди.

Бундан ташқари, юртимизни иқтисодиёт буҳронидан қолиб кетади, империясиз мустақил бир қадам ҳам юролмайди, давр тўфонларида ҳалокатга учраган кемадек чилпарчин бўлиб кетади, деган фикрларни четдаги "зукко" иқтисодчилар тинимсиз кишиларимиз онгига сингдирар, узоқдаги "сиёсий шарҳловчи"ларнинг ҳам куни туғиб, Ўзбекистон яккаланиб қолади-ку, нимасига, кимга ишонаяпти, давлат сифатида шакллана олмайди, деган фикрларни ўртага ташладилар. Хуллас, Ўзбекистон оғзига кучи етган-етмаганларнинг сиёсий "ғийбати"га айланиб қолган паллада, ҳеч бир дўқ-пўписа ва иддаога парво қилмай мамлакатимиз раҳбари Декларацияга имзо чекди.

Очиқ айтишимиз керак, 90-йиллардаги сиёсий-ижтимоий вазиятни ҳозирги ўсмирлар яхши билишмайди. Бироқ, оқ-қорани таниган кишиларимизнинг ёдида. Ўш фожиаси, Фарғона, Қўқон, Паркент, Наманган воқеаларини эсланг. Бу даҳшатли талотумлардан мақсад нима эди? Мақсад аён — юртда уруш оловини ёқиш. Бу қонли мусибатлар бошида эса ўзбек халқи озодлигининг душманлари, Ўзбекистон тараққиётига тўғаноқ бўлишга жон-жаҳди билан киришган ёвуз кучлар турарди.

Мустақиллик Декларацияси — зуғум ва тобеликка қарши қатъий исён эди. Зулмат осмонида гўё чақин чақиб, момоқалдироқ гумбурлагандай бўлди. Бу ҳолни, яъни Декларация нимага ишора эканлигини тушунган зиёлилар тафаккурида эса эртанги кунга нисбатан умид учқунлари йилтиллади. 1990 йил 22 июнда республикамизнинг ўша даврдаги етакчи нашрлари ушбу ҳужжатни — озодномани эълон қилдилар.

Империянинг қонли сиртмоғидан қутилиш учун жуда зукко, босиқ, тадбирли бўлмоқ жоиз эди. Озод бўламиз, деб майдонга чиққан қардош халқлар бармоқ билан санарли, борларининг бошида қилич ўйнаётгани ҳақиқат эди. СССР таркибидан айрилиб чиқмоққа бел боғлаган Латвиянинг "Латвия Республикаси мустақиллигини тиклаш тўғрисида"ги баёни, Эстониянинг "Давлат мақоми тўғрисида"ги қарори ўша пайтда СССР Президенти Фармони билан бекор қилинди. Энг қизиғи, ўз ҳурриятига эришмоқ ицаган бу давлатларга бузғунчилик, миллий худбинлик, айирмачилик қилаяпти, деган айб тақалди. 1990 йилнинг 14 майидаги бу Фармон эркинликка нисбатан ҳар қандай ҳаракатга нуқта қўйилишига ишора эди.

Ўша Фармондан сўнг бир ойдан кўпроқ вақт ўтиб, Мустақиллик Декларациясини қабул қилган Ўзбекистоннинг кўзлаган мақсадида эса асосан ўз халқининг эрки, ор-номуси, келажаги, бахтли ҳаётига интилиш туйғуси ифодаланган эди. Декларация матнига эътибор берсангиз, бу муқаддас ҳужжатнинг қадр-қиммати, тарихий аҳамиятини тўлиқ англаб етасиз.

Бу демократик давлат мустақиллиги, чегараларимиз дахлсизлиги, халқимиз иродаси, хоҳиши, ҳимояси, халқаро ҳуқуқларнинг асосий тамойилларини тан олишимиз, Ватанимиз тараққиёти, ўз номи ва давлати белгилари, мустақиллигимизни амалга оширишимиз учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқиш, демократик-ҳуқуқий давлат қуришга, Ўзбекистон Республикасининг янги Концитутсиясини яратишга асосланган, Президент ташаббуси билан қабул қилинган ўта муҳим ҳужжат ҳисобланарди. Бу ваколатлар Ўзбекистон халқи тақдир-аъмолида, яратувчанлигида, кескин бурилиш ясаши, шубҳасиз эди. Фақатгина шу йўлда мардона курашиш жасорат талаб қиларди.

Давр нуқтаи-назаридан кузатадиган бўлсак, ўша чоғларда бундай ҳужжатни эълон қилиш чин маънодаги қаҳрамонлик эди. Бундан бир йил олдин Фарғона фожиасини бошдан кечирган, қора кучлар турли миллатлар ўртасига солган нифоқнинг жабрини кўрган Ўзбекистонимиздаги танг сиёсий аҳволда бу қадар йўл тутиш осон кечмасди, албатта. Фарғонадаги фожиа оловини Бўка ва Паркентда ҳам содир этмоқчи бўлган ёвузлар содда кишиларни йўлдан ураётган чоғда, одамларда эртанги кунга умид нишонаси пайдо бўлишини ицамаган бир гала қонхўрлар юртимиз узра изғиб, тинчлигимизни барбод қилишга уринган, маълум маънода бунга эришган паллада, халқни озодлик сари бошлаш учун мамлакат ишончли қўлда бўлиши керак эди. Бир томондан, империя қўлни

қўйвормай турса, иккинчи томондан, мамлакат ичкарисида халққа қутқу солиб гиж-гижловчилар, уруш ўтини ёқиш тарафдори бўлганлар изғиб юрса, юртни беталофат сақлаб қолиш ицагида қатъият билан Президент халққа пешвоз чиқиб шу сўзларни айтгани иймонли кишиларнинг ёдидан кўтарилмаган бўлса керак, деб ўйлайман.

Яъни, Ислом Каримов 1990 йилнинг май ойида Декларация қабул қилинишидан бир ой аввал Ўзбекистон аҳлига мурожаат қилдилар: "Ҳозирги даврда бизнинг бутун мурод-мақсадимиз аввалроқ зикр этилмиш иқтисодий ва сиёсий тангликни бартараф этишга қаратилган: токи фуқаро пешонасига офтоб тегсин. Одамлар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тугал таниб, тезроқ қад ростласинлар, адолатсизлик ва йўқчиликка қарши курашда бир-бирларига мададкор бўлсинлар..."

Ҳа, бу сўзлар замирида ҳам озодликка интилиш, халқ билан бирдамлик тушунчалари илдиз отганини ҳар бир кўзи очиқ, қалби тоза одам англаб етади. Мурожаат республикамизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига, нурли кунларга ишонч билан йўғрилган эди.

1990 йилнинг 20 апрельида Президентимиз республика касаба уюшмаси фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти ва турмушининг ривожланиши даражаси бозор иқтисодиётига ўтгунга қадар уни атрофлича ва вазминлик билан ўрганиб чиқишни талаб этаётганини таъкидлаган эди. Иқтисодий билимларга таянилган асос ва мезонларсиз юртнинг эртанги кунини тасаввур қилиб бўлмайди, деган реал фикр тажрибали раҳбарнинг Ўзбекистон келажаги учун мавжуд вазиятни тўғри англаб етганидан далолат эди. Одамларга қуруқ ваъда бериб, олди-қочди баландпарвоз сўзлар билан минбарларга чиқиб бақироқлик қилаётган кимсалар буни тушунмас эдилар.

1990 йилнинг май ойидаги мурожаатида Президентимиз яна шундай деганлар: "Бизнинг ниятимиз аниқ ва равшан. Ҳаммамиз ҳам элнинг нони бутун бўлсин деймиз. Йиллар давомида пайсалга солиб келинган муаммоларимиз ҳам жуда кўп. Уруш қатнашчилари ва серфарзанд оналарнинг аҳволини яхшилаш, деҳқонларга ер-сув бериш, миллий анъаналаримизни тиклаш, тилимизнинг равнақи, кишиларнинг виждон ва эътиқод эркинликларини сўзда эмас, балки амалда таъминлаш борасида қатор ишлар қилинди. Буларнинг барчаси — жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги йўлида қўйилган дацлабки умидбахш қадамлар, халқимиз қўлласа ва яқиндан мадад берса, навбатдаги қадамлар янада улуғ бўлғай..." Булар шунчаки қуруқ гаплар эмасди. Халққа ишониш, халқ билан елкадош бўлиш, ҳамжиҳатлик Давлатимиз раҳбарининг юракдан чиққан даъвати эди. Олдиндаги хатарли йўлни омон-есон босиб ўтишга одамларни руҳан тайёрлашга ундов эди бу!

1990 йилнинг 3 июлида, Кремл съездлар саройида: "Биз мустақилликни оғизда эмас, балки амалда ҳис этайлик", деган гапни айтди Президент. Ўзбекистон давлати келажаги ва халқи манфаатларини ҳимоя қилиб майдонга чиққан Юртбошимиз юрагига бу сўзлар тинчлик бермаётгани ҳақиқат эди. Маърузачи сўзини давом эттиради: "Жуда бой хомашё ресурсларига, ноёб табиий иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистон етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисмини хомашё ва ярим тайёр маҳсулот сифатида ташқарига чиқараётганини нима билан изоҳ қилиш мумкин? Пахта, пилла, қоракўл тери, мева-сабзавот эвазига нима учун Ўзбекистон бунинг ўрнини қоплайдиган маҳсулотни ололмаяпти? Ўзбекистон "пахта иши", қатағонлар, оммавий қонунсизликлар майдонига айланиб қолдики, бу одамларнинг миллий қадр-қимматини камситмоқда..."

Бу гаплар унча-мунча йиғинда эмас, КПССнинг XXVIII съездида айтилди. Ана энди ўзингиз хулоса қилиб олаверинг. Марказнинг кўзига ёмон кўринишдан чўчиш, "айирмачилик қилаяпти", деган таънадан қўрқиш ҳисси бўлганда эди, бу ўринда халқ шаъни, юрт тақдирига бефарқ қараларди. Йўқ, Ўзбекистон ўз позициясида собит турди.

Ўзбекистоннинг эртаси, ҳаёт-мамоти хусусида Марказ жон куйдиришни истамасди. Токи юртнинг фикрли, кўзи очиқ фарзандлари оёққа қалқмаса ҳисоб эмас эди. Йўқса, Чернобль фожиаси билан қиёслаш мумкин бўлган Орол ҳудудидаги экологик танглик,

оғир вазият ўша пайтда катта анжуманлар, яъни Москвада ўтадиган йиғилишларда ечимини топиши керак эди. Афсуски, бу масалага собиқ иттифоқ "ўзинг учун ўл етим" қабилида ёндашган...

Бугунги ёшларимизга бўлган эътибор, уларга яратилган шароитлар ҳали озодликка эришмаган юрт раҳбарининг ўша суронли йилларда дилига тугиб қўйган ниятининг вожиб бўлишидир. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги, тасдиғини топиши учун 1990 йилнинг 16 ноябрида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўқитувчилари, тарбиячи ва мураббийларига қарата айтган ушбу сўзларини келтиришимиз кифоя: "Биз элимиз, юртимиз, заминимиз, муқаддас тупроғимиз қадрига етадиган, уни тавоф қиладиган фарзандларни камол топтиришга алоҳида эътибор бермоғимиз керак. Бусиз Ўзбекистоннинг келажаги йўқ. Буни ҳаммамиз тушуниб олишимиз шарт..."

Зукко ўқувчи англаган бўлса керак. Мустақиллик Декларацияси миллатни озод этмай туриб, эзгу мақсад-манзилларга етмоқ душвор эканлигини таъкидловчи ҳужжат эди. Ўша даврни маълум маънода кўз олдимизга келтирдик. Марказнинг айрим нашрлари юртимизга мағзава ағдара бошлаган эди. Гўёки Бухородай муқаддас шаҳримизда фоҳишабозликка рухсат берилган, деган ғирт аҳмоқона уйдирмаларни тўқиб ёзишарди. Энг қизиғи, Ўзбекистонга туҳмат қилган ўша нашрлардаги мақолалар муаллифи топилмасди. Халққа нисбатан туҳмат тошини отувчилар кўпайиб, ёлғонни ямламай ютиб, Ўзбекистонни ёмонотлиқ қилувчиларга қарата Ислом Каримов жим қараб туролмади. У 1990 йилнинг 18 декабрида Кремлнинг съездлар саройида минбарга чиқиб шундай деди: "Кеча тўртинчи съезд бошланган кун эрталабдан бошлаб Марказий телевидение Ўзбекистон ҳудудидаги уюшган жиноятчилик тўғрисидаги 4 серияли филмни кўрсата бошлади. Худди шунингдек, халқ депутатларининг бундан илгариги учинчи съезди иш бошлаган биринчи куни Ўзбекистондаги пинҳона иқтисодиёт тўғрисидаги 6 серияли филм намойиш этила бошланган эди. Бу нимадан далолат этмоқда ва бу кимга керак? Наҳотки мафия фақат Ўзбекистонда иш кўраётган бўлса?"

Хуллас, Ўзбекистон гўёки, салбий ҳодисалар мамлакатига айлантирилган эди. Кимларгадир республикадаги яхши ишлар, мамлакат раҳбарияти томонидан халқни иқтисодий юксалиш сари чорлаш, танг вазиятдан чиқиб кетиш чораларини излаши сира-сира ёқмас эди. Фарғона, Қўқон, Паркент, Наманган воқеаларида ўзбек халқининг қўли бор, бу халқнинг "айричили"ги учун шу ҳодисалар содир бўлди, дея томоқ йиртиб бақирувчилар "марказий" матбуот вакиллари орасида тез-тез учраб турарди. Улар кимларнингдир садақасига учиб, тегирмонига сув қуйиб, Ўзбекистонни ёмонотлиқ қилиш билан овора эди.

Истиқлолимиз эълон қилингач, кўпчилик довдираб қолди. Уларнинг кўнглини энди нима бўлади, деган ҳадик, хавотир қоплаганди. Иккиланиш, ўз йўлини топа олмай қийналган кимсаларнинг тебраниб туриши ғанимларимизга қўл келарди. Шундай бир шароитда Президент ёнида туриш, унга ишониш, оламга теранроқ назар солишни айримларнинг эплай олмагани ҳам ҳақиқат. Энг ёмони, юртимиз истиқлолининг дастлабки йилларида, энди Ўзбекистон дунёнинг катта давлатларига қарам бўлиб қолади, қулоғигача қарзга ботади, охири мутеликка қайтади, деган "башорат"лар айтилганини ҳам ёдга олайлик.

Ҳа, биз биринчи йилларда иқтисодий қийинчиликларга дуч келдик. Бироқ бизни ўз мақсад ва маслагимиз йўлидан ҳеч нарса қайтара олмади. Собит турдик. Чунки истибдод тузуми бағридаёқ Мустақиллик Декларациясини эълон қилган давлат учун озодликни бериб қўйиш, қулликка қайтиш, таназзул, таъбир жоиз бўлса, ҳалокат эди.

Ҳар жабҳада тараққий топиш, изчил ислоҳотларни амалга ошириш, ҳарбий куч-қудратимизни яратиш, маърифий ва маънавий йўналишларда ижобий силжишларга эришиш, албатта, ёш мустақил давлат учун осон эмас эди. Лекин ўзимизни яратиш асносида улкан заводлар қурдик. Тараққиётимиз учун муҳим бўлган режалар асосида иш олиб бордик. Бировга қарам бўлиб қолмадик. Кейинчалик барча ҳаракатларимиз самараси амалда бўй кўрсатгач, четдан шубҳа билан қаровчилар сони камая борди. Лўнда қилиб

айтганда, юртимизда бунёдкорлик тантана қилди. Бу ҳолни халқнинг ўзи кўриб, билиб турибди.

Ҳа, бу йил озодлигимизнинг тамал тоши ўз ифодасини топган — Мустақиллик Декларацияси қабул қилинганига 22 йил тўлади. Бу эркинлик йўлидаги дадил қадам эди. Мустақиллигимизнинг 21 ёши нишонланадиган йилда — ўша улуғ тарихий воқеани эслаш, ёдга олиш эса ҳар биримизнинг руҳиятимизга тетиклик бахш этади. Ва озодлик осмондан тушмаганлигини англагандай бўламиз.

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” НИМА?

Баъзи маълумотларга кўра, “оммавий маданият” XIX асрнинг 50 йилларида бева аёлларнинг фарзанд кўриши табиий деб қаралган Европада бошланган. Кейинчалик бу каби ҳолатлар АҚШ да ҳам кузатилган. XX аср ўрталарига келиб Европа ва АҚШ да “оммавий маданият” тушунчасига “Эркин муҳаббат” ғояси қўшилади. Унга кўра, ёшлар расмий никоҳга қадар бир-бирини синаш учун муаян муддат эр-хотиндек яшаб кўриши одат тусни олади. Улар бир- бирига маъқул келса, никоҳ тузилади, маъқул бўлмаса, ҳеч нима кўрмагандай ажрашиб кетаверади. Шу маънода “оммавий маданият” аслида зинокорликни оқлашдан бошланиб, 1989 йилга қадар турли аҳлоқсизликларни келтириб чиқарди. Никоҳсиз яшаш, никоҳсиз фарзанд кўриш, жамоат жойларида ҳам эркак ва аёл очиқдан-очиқ ишқий муносабатини намойиш қилиши, келиб чиқиши номаълум мусиқа ва қўшиқлар тинглаш, беҳаё фильмларни табиий равишда томоша қилиш одатий ҳолга айланлди. Сўнг бир жинсли кишиларни никоҳга кириши, уларнинг жамият анъана ва қоидаларига зид равишда кийиниши каби иллатлар пайдо бўлди.

Агар “Оммавий маданият” нинг белгиларини чуқурроқ таҳлил этсак, қўйидаги хулосаларга келамиз

Аҳлоқий бузуқлик- энг тубан иллат бўлиб, аста секин “эркин муҳаббат” дан “Бир жинсли одамлар ўртасида никоҳ тузиш” гача бўлган босқичларга кўтарилади. Ёшларни маънавий жиҳатдан айнитиб, минг йиллардан бўён ардоқланиб келаётган муқаддас муҳаббат анъанаси ўрнига зинокорликни тақдим қилади. Аҳлоқий бузуқлик даставвал оилага даҳл қилади, кейин эса насл поклигига путур етказади. Контрабанда йўли билан юртимизга кириб келаётган хаёсиз фильмлар воситасида аҳлоқий бузуқлик тарғиб қилинмоқда. Бундай “маҳсулотлар” ни тарқатишга интилаётган кимсаларни фақат бойлик орттириш қизиқтиради, холос.

Зўравонлик – инсоннинг инсон устидан ҳукм ўтказишидир. Зўравонлик шахс ҳуқуқини поймол этиб, унинг онгида ҳайвонийлик ҳиссини пайдо қилади.У бугунги кунда кинолар, компьютер ўйинлари ва интернетдаги турли қўлланмалар воситасида тарғиб қилинмоқда. Олимларнинг фикрича, зўравонлик ғояларини тарқатишдан мақсад- баъзи гегемон давлатларнинг кучсизроқ давлатларга нисбатан ўтказадиган сиёсати учун муҳит ва асос яратишдан иборат.

Индивидуализм ғоясига кўра, шахс ўз манфаатини ўзгаларникидан устун қўяди. Шахс индивидуал бўлиши керак, лекин бунинг ҳам меъёри бор. Индивидуализм жамоавийликнинг зид кўриниши, у шахсни жамиятдан айро яшашга, қўни қўшничилик, маҳалла кўйчилик ва жамоавийликка қарши руҳда вояга етказади.

Оммавий маданият” нинг мазкур кўринишлари маънавий-аҳлоқий қадриятларимизга бутунлай зид бўлиб, миллий маънавиятимизни йўқотишга қаратилгандир. Шундай экан, ҳозирги даврда мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон “оммавий маданият” таҳдидининг маъно-мазмунини чуқур англаб олмоғи ва унга қарши турмоғи муҳим аҳамиятга эга.

25 июн – ихтирочилар ва рацианализаторлар куни

КАШФИЁТЧИЛИК ВА ИХТИРОЧИЛИК - МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТДИР

Ёшлар маънавий тарбиясининг муҳим вазифаларидан бири уларда маънавий жасоратни шакллантириш билан боғлиқ. Ҳолбуки, маънавий жасорат бўлмас экан, ижод ҳам, эътиқод барқарорлиги ҳам йўқ. Бинобарин, баркамол авлодни шакллантириш масалалари ҳам, маънавий тарбия муаммолари ҳам ушбу вазифага бориб тақалади.

Маънавий жасоратни шакллантириш билан боғлиқ масалалар И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида ёрқин ифодалаб берилган. Китобнинг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, у умуман олганда, шу пайтга қадар маълум бўлган шахслар фаолиятига, ижтимоий жараён ларга, воқеаларга мутлақо кутилмаган нуқтаи назардан ёндашишга ундайди. Ана шундай кутилмаган ракурслардан бири буюк алломалар, йирик кашфиётларни маънавий жасорат контекстида таҳлил қилишдан иборат. Дарҳақиқат, буюклар ижоди, ижтимоий тараққиётнинг жадаллашишига ҳисса қўшган ихтиролар ва кашфиётлар ўз замонасида катта маънавий жасорат талаб этгани ҳамиша ҳам хаёлга келавермайди. Ваҳоланки, муаллиф таъкидлаганидек, «Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзотнинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир». (И.А.Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. «Маънавият», Т., 2008,159-б.)

Хўш, маънавий жасорат нима? Маънавий жасорат — шарт-шароитлардан қатъий назар ўз эътиқоди, ижоди, амал қиладиган принципларига содиқликдир. У умумбашарий қадрият саналади. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз раҳбари ер юзидаги барча обидалар, кашфиётлар ва ихтироларни маънавий жасорат маҳсуллари сифатида эътироф этади. Фикримизни исботлаш учун турли миллат буюк вакилларининг маънавий жасоратига мурожаат этамиз.

Эътиқодга содиқлик:
Томас Мор

Таърифдан кўриниб турибдики, маънавий жасоратнинг уч асосий белгиси мавжуд. Маънавий жасоратнинг биринчи белгиси эътиқодга содиқликдир. Маълумки, эътиқод шахс ўзи учун қайта кашф этган ва амалий фаолиятида қўллай бошлаган билимлар негизида юзага келади. Эътиқод динамик характерга эга, бироқ унинг ядроси, мазмун-моҳияти инсон умри мобайнида ўзгармайди. Замонлар бўладики, инсон эътиқоди билан реал воқелик ўртасида зиддиятлар юзага келади. Ана шундай бир шароитда ўз эътиқодига содиқ қола билган шахсгина маънавий жасорат кўрсата олган бўлади. Машҳур файласуф ва ёзувчи Томас Мор ҳаёти ва ижоди бунинг ёрқин далилидир.

Инглиз гуманисти, давлат арбоби ва ёзувчиси Томас Мор 1478 йилнинг 7 февральида Лондонда суд амалдори оиласида туғилди. Мор дунёқарашининг шаклланиши ва ижодий фаолияти Англияда янги дворянлар табақаси — жентриларнинг тарих саҳнасига келиши, давлат абсолютизмининг ўрнатилиши даврига тўғри келди. Унинг отаси Лондонлик бадавлат бюргерлардан бири бўлгани туфайли Томас 1492-1494 йилларда Оксфорд университетида таҳсил олишга мушарраф бўлди. У ўқиган кезлари Оксфордда қатор эътиборли инсоншунос олимлар ижод қилардилар. Ушбу олимларнинг таъсири ўлароқ, Томас жамиятда адолатни қарор топтириш йўллари ҳақида фикрлайди ва Оксфорд реформаторлари тўгарагида иштирок этади. Оксфорддан сўнг Томаснинг дунёқарашига Роттердамлик Эразм ҳам катта таъсир кўрсатди.

Юксак даражада фикрлаш маданиятига эга бўлган, юнон ва лотин тилларини мукаммал эгаллаган, «Библия» матнларини чуқур ўрганган Томас Мор ўз мулоҳазаларини

1516 йилда «Давлатнинг энг яхши тузуми тўғрисида ва янги Утопия ороли ҳақида бағоят фойдали, ҳам мароқли, ҳам олтин китоб» номли асарида баён этади. Китоб икки қисмдан иборат. Унинг ҳажман каттароқ бўлган ва дастлаб ёзилган иккинчи қисмида Утопиядаги турмуш тарзи хусусида ҳикоя қилинса, кейинроқ битилган биринчи қисмида Англия ҳаёти танқидий кўз билан ёритилди. Китоб муаллифнинг мавжуд ижтимоий ва маънавий воқеликка нақадар салбий муносабатда бўлганини намоён этади.

Асарнинг ўша даврда катта обрўга эга бўлган Роттердамлик Эразм томонидан нашр этилиши, муаллиф мулоҳазаларининг саёҳатчи Рафаил Готлодей (XVI аср Англияси саёҳатчиларни бениҳоя улуғларди) тилидан ифодаланиши Томас Морга муваффақият келтирди. Унинг шарофати билан Томас Мор 1525 йилда Ланкастер герцоглигининг канцлери лавозимига тайинланди. Мутафаккир ўз эътиқодларини амалда қўллашга киришди. Ушбу лавозимда ишлаб юрган кезлари у Англия қироли Генрих VIII эътиборини қозонди ва 1529 йилда энг юқори давлат лавозими — Англия лорд-канцлери курсисини эгаллади.

Бироқ 1532 йилда унинг тақдирини тубдан ўзгартирган воқеалар содир бўла бошлайди. Ўша йили католик черковининг мислсиз бойликлари ва обрў-эътиборини эгаллашни ният қилган Англия қироли Генрих VIII черков ислоҳотларини бошлаб юборди. Ўз эътиқодига кўра христиан-католик дунёсининг маънавий яхлитлиги тарафдори бўлган Томас Мор лютеранлик ислоҳотларига кескин қарши чиқди. Ўз эътиқодидан воз кеча олмаган мутафаккирни 1532 йилда лорд-канцлерлик лавозимидан четлаштирадилар. Қирол Генрих VIII уни давлатга хиёнат қилганликда айблайди ва 1534 йилда уни зиндонбанд этади. Бир йил ўтгач, ўз эътиқодига содиқ қолган Томас Морнинг боши танасидан жудо қилинди. Орадан уч аср ўтганидан кейин 1886 йилда ноҳақ зулм кўрган мутафаккир католик черкови томонидан авлиёлар сафига киритилди ва 1935 йилда қонунийлаштирилди.

Эътиқодга содиқ қолиш учун йирик лавозимдан, осойишта ҳаётдан, Яратган томонидан бир борагина берилган умридан воз кеча олган буюк мутафаккир номи асрлар оша маънавий жасорат тимсоли бўлиб келмоқда.

ИХТИРОЛАРНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Яратувчиларни миллионер қилган 10 та тасодифий ихтиролар



1. Чўпчадаги музқаймоқ

Ихтирочи: Фрэнк Эпперсон

Аслида 11 – ёшли Эпперсон кўчадаги овқатланиш индустриясида ўзига хос революция қилган ва биринчи бўлиб “мевали муз”ни ўйлаб топган. Афсонага кўра қиш вақтида кеч тушганда болакай ўзининг бир стакан сода ичимлигини ховлида эсдан чиқарган. Стаканда ичимликни аралаштирувчи чўпча ҳам қолиб кетган. 18 йил ўтгач улғайган Эпперсон 1923 йилда ўзининг ихтиросидан фойдаланиб яхлаган лимонад билан савдо қилишни бошлаган. Яна бир йил ўтгач ихтирочи ўзининг “эпцикларида” бойиб кетган, кейинчалик эса ребрендинг ўтказиб, ихтиросини патентлаб «Попсикл Корпорэйшн»га асос солган. Патентни сотиб 1928 йилда Эпперсон АҚШда сотилган хар бир “попсиклдан” даромад олган, ва 1983 йилда у Жахондаги энг йирик озуқа холдингларидан бири «Юнилэвэр»ни 155 млн. доллар эвазига сотиб олган.

2. Суперелим

Ихтирочи: Гарри Кувер



Иккинчи Жаҳон уруши вақтида америкалик кимёгар Кувр “Истмэн Кодак” компаниясининг ихтирочилар гуруҳини бошқарган. Гуруҳ цианакрил кислоталари ёрдамида ўта аниқ қурол мўлжаллагичлари ишлаб чиқиш билан шуғулланган. Мўлжаллагичлар яратиш унинг қўлидан келмаган, аммо экспериментларнинг бирида унинг жамоаси бир номаълум моддани тасодифан ихтиро қилишди, кейинроқ эса бу модда

суперелим деб атала бошлаган. 1985 йилда елим ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Кейинги бир неча йилларда Кувер 320 хил елим турларини ишлаб чиқишда ҳам иштирок этган, шунингдек яраларни тузатиш учун ишлатиладиган елим ва жаррохлик чокларини амалга оширишда ишлатиладиган елимларни ихтиро қилишда ҳам иштирок этган. 2011 йилда Кувер вафот этган бу вақтга келиб у 460 га яқин патент эгаси бўлган.

3. Мовеин бўёқлари

Ихтирочи: Уильям Генри Перкин



Яна бир “омадсиз” кимёчи – бу сафар Буюк Британиялик – бир неча йил мобайнида малерияда касаллигига даво топишга ҳаракат қилди. Натижада 1856 йилда, Перкин изланишлари дунёдаги биринчи сунъий бўёқни кашф қилишгна олиб келди, ва Перкин, аққлиларча ўз ихтиросини патентлади. Кўп ўтмай, Лондон яқинида ўз фабрикасини очди ва 1856 йилга келиб, бўёқ шунчалик машҳур бўлиб кетдики, хатто Виктория қироличаси ҳам, мовеин ёрдамида бўялган кўйлакларни кийган. Лекин бундай бўёққа талаб 10 йил ичида йўқ бўлиб кетишига қарамай, Перкин миллионларни ишлашга муваффақ бўлди. 60-йилларда фабрикасини сотиб, ўзини бутунлай илмий текшириш ишларига бағишлади.

4. Тефлон

Ихтирочи: Рой Планкетт



Яна бир ихтиро, хотиранинг сустлиги ва тунги ҳароратнинг пастлиги туфайли амалга оширилди. Америкалик Рой Планкетт, совитувчи моддаларни ишлаб чиқариш жараёнида, газларнинг хусусиятлари устида тажрибалар қилган. Кунлардан бир куни, намуналардан бирини кўчада қолдирди, эрталаб эса, мумга ўхшаш бир моддага айланганини кўрди. Кейинги ихтиролари эса, Планкетт ишлаётган компания 1945 йилда тефлонни патентлаб, юзлаб махсулотларни ишлаб чиқаришда ундан фойдаланишига олиб келди. Бугунги кунга қадар, ушбу ихтиро унинг муаллифи ва компанияга миллиардлаб доллар олиб келди, компания эса, жаҳон кимёсаноатида 3-ўринда туради.

5. Бакелик пластиги

Ихтирочи: Лео Хендрик Бакелан



Бакелит полимери, маиший техника, электроника ва идиш-товоқ ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. У эримайди, иссиқликни яхши ўтказмайди, қирилишларга, босимга, ишқаланишларга ва урилишларга бардош бера олади, ёмон бўлмаган изолятор ҳисобланади, қайта ишланади ҳамда 300 градус Цельсий ҳароратигача чидамли. Унинг бундай хусусиятлари, Бакелитни деярли ҳамма жойларда – машинасозлик ва қурол-яроқ ишлаб чиқаришда, электротехника (телефонлар, дазмоллар, электроҳисоблагичлар ва б.) ва маиший товарлар (шашка, шахмат, сувенирлар ва б.)ни ишлаб чиқаришда қўллаш имкониятини беради.

Шуни айтиш керакки, белгиялик Бакелан, умуман бошқа моддани қидираётган эди – лак ва бўёқларни ишлаб чиқариш учун керак бўлган, табиий елим ўрин босквчиси – шеллак. Шеллак ҳам ташқи жисмоний таъсирга бардош бера олади, аммо шундай бўлса ҳам, у яхши ёнади. Бакелитни ихтиро қилиб, бельгиялик кашфиётчи, бир вақтнинг ўзида иккита қуённи урди – излаган нарсасини, шу билан бирга энг қимматбаҳо полимер ва дунёда биринчи эримайдиган пластикни топди. 1970 йилда Бакелан, ўз ихтиросини патентлаб, “Бакелит Корпорейшн” компаниясини очди, ҳамда кичик бўлмаган бойлигига ўн миллионлаб доллар маблағини қўшди.

6. Вазелин

Ихтирочи: Роберт Чизбро



1859 йилда, 22 ёшли химик Чизбро, ўзини нефть саноатида синаб кўриш учун, Пенсильванияга кўчиб келди. Кунлардан бир куни, у нефть тиндиргичнинг тубида, нефть соҳаси ишчилари “мумли пробка” деб атайдиган ва яраларни тузатишда қўллайдиган ёпишқоқ моддани аниқлади. Ишбилармон Чизбро намунани ўзи билан олиб, ундан фвол компонентларини олди. 1872 йилда у вазелинни патентлади ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, 1870 йиллар ўрталарига келиб Лондон, Париж ва Барселонада офислар очди, 1977 йилда эса, Чизбро заводлари Европа ва Африкадаги ўнлаб мамлакатларида ўз фаолиятини кўрсата бошлади. 1987 йилда компания “Юниливер” томонидан сотиб олингунга қадар, у йилига 75 миллион доллардан кўпроқ фойда келтирар эди.

7. Пластилин

Ихтирочи: Джозеф Мак Викер



Болаларнинг энг севимли нарсасига айлангунча, пластилин 22 йил давомида обойлар учун тозалаш моддаси сифатида қўлланилган. Аммо 1954 йилда пластилин ишлаб фиқарувчи фирмасининг ходими – Джо Мак Викер келини, у тарбиячи бўлиб ишлаган боғчадаги болаларга кўрсатиш учун пластилиндан олиб борган. Пластелин болаларда шунчалик катта қизиқиш уйғотганки, келинининг ҳикоясидан кейин, Мак Викер, унинг ҳақиқий тижорат қадрини билди ва ўз раҳбариятига шу ғоясини айтди. Компанияда шахсий цех очиб, кимёгар пластилинга турли бўёқлар ва ароматизаторлар қўшди, ҳамда нарҳ сифатида банка учун 1.5 доллар қийматни белгилади (бунда обойлар учун тозаловчи модда 0.34 доллар эди) ва 4 йил ичида компания фойдасини 100 минг доллардан 3 млн. долларгача оширди. 1960 йилда, у асосий фирмадан ажралиб, ўз фабрикасининг эгасига айланди. 1964 йилда Мак Викер ишлаб чиқаришни ва патентни 18 млн долларга сотди.

8. “Пост ит” стикерлари

Ихтирочи: Артур Фрай



Бундай ғоя, Фрайга 1973 йил якшанба куни, черков хорида ашула айтаётган пайтида келди. Фрай ашула дафтаридаги хатчўпи доим тушиб қолар ва ёш ашулачи керакли сахифани қайтадан қидиришга мажбур бўлди. Ва шу пайт, у бир неча кун олдин борган нафақахўр ихтирочи Спенсер Сильвер семинарини эслади: Сильвер айтган эдики, у уникал ёпишқоқ моддани ишлаб чиқди, лекин унинг тижоратдаги фойдасини топа олмаётган эди. Фрай эса, топди. Аммо, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, уни ишлаб чиқиш, маркетинг тадқиқот ишлари ва уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш жараёни, деярли 8 йил вақтни олди, аммо натижа албатта арзигулик эди. Бугунги кунда, ҳар йили 6 миллиард блок стикерлари сотилади, ишлаб чиқарувчи компания 400 га яқин турли хил ёпишқоқ қоғоз ва блокнотларни ишлаб чиқариб, бутун дунё бўйича 100 давлатда сотади.



9. Микротўлқинли печь

Ихтирочи: Перси Спенсер

Душманлар самолётини аниқлайдиган асбобни синаб, америкалик инженер Перси Спенсер, ўз чўнтагидаги шоколадни тасодифан эритиб қўйди. Бунинг сабаби микротўлқин нурлари бўлганини олим тез англаб олди ва уларнинг хусусиятларини бошқа озиқ-овқат маҳсулотларида ўрганишни бошлади. Хамкасбларига ўз ихтиросини намойиш этиш пайтида, Спенсер, бир неча бор тухумларни қовуртирган, поп-корн тайёрлаган, хот-догни иситган. 1940 йилларнинг охирида эса микротўлқин печьни патентлаб, оммавий ишлаб чиқаришга рухсат берди. Ўтган йили АҚШ ҳавфсизлик вазирлигининг энг йирик пудратчиси ва микротўлқин печьларнинг илк ишлаб чиқарувчиси — “Ратеон” компаниясининг фойдаси 25 млрд долларни ташкил қилди. Перси Спенсер компанияда катта вице-президент ва директорлар кенгашининг раиси лавозимларини эгаллайди.

10. Ёпишқоқ илгак




Ихтирочи: Джордж де Местраль

1941 йилда катта бўлмаган швейцар қишлоғида эрталабки машқлардан сўнг, олим Джордж де Местраль, спорт кийимига ёпишиб қолган қушқўнмас ўсимлигини кўчириб олишга ҳаракат қилди. Бу ўсимликнинг “ёпишқоқлиги” билан қизиқиб қолган олим, гулларни микроскопда ўрганиб турли хил тўқималарга ёпишиш хусусиятини сирти бўйлаб ёйилган микроскопик илмоқлари ёрдамида амалга оширишини аниқлади. Бир неча фан соҳаларида чиниққан де Местраль янги маҳкамловчи материални ишлаб чиқишга киришади ва 10 йилдан сўнг бозорда илк ёпишқоқ илгаклар пайдо бўлди. Шуни айтиб ўтиш керакки, истеъмолчилар орасида машҳурликка эришиш учун яна деярли 20 йил талаб этилди: 70-йиллар бошларида ёпишқоқ илгаклар НАСА космонавтларининг костюмларини тикишда қўлланилган ва ўша пайтдан бошлаб махсулот сотувлари бир неча марта ошиб кетди. Де Местраль рафиқасининг айтишича, охирги 30 йил давомида у оиласини фақатгина ўз ихтироси патентидан тушган даромадига боққан.

БУГУННИНГ АҚЛ БОВАР ҚИЛМАС КАШФИЁТ ВА ИХТИРОЛАРИ

Олимлар контакт линзани ёруғлик диодли дисплейга айлантиришди



АҚШ ва Финляндия тадқиқотчилари томонидан яратилган контакт линза протопини аллақачон “терминатор кўзи” деб номлашди. Унда визуал ахборот компьютердан бевосита линзага узатилиб, уни ўзига хос дисплейга айлантиради. Муҳими, прототип жонли кўзларда синовдан ўтказилди.

Вашингтон (UW) ва Аалто (Aalto-yliopisto) университети олимлари бир пикселли ёруғлик диод дисплейга эга симсиз таъминотли фаол линзаларни яратишди ва жониворларда синовдан ўтказишди.

Бу иш бор-йўғи концепциянинг исботи бўлса ҳам, энди ишонч билан айтиш мумкинки, электрон хатлар, матнли хабарлар ва саломатлик билан боғлиқ кўрсаткичларни бевосита инсон кўзида тасвирлаш томон яна бир муҳим қадам қўйилди.

Samsung ва Microsoft сенсорли столни сотувга чиқаришди



Дунёнинг 23 мамлакатида Жанубий корея бренди остида бозорга чиққан Microsoft Surface интерфаол тизимининг янги авлоди учун буюртма қабул қилиш бошланди. Экраннинг диагонали роса 10 дюймга ўсиб, 40 килоли баҳайбат аппарат тўлалигича столга айлантирлиган.

Революцион фойдаланувчи интерфейси сифатида тақдим қилинган Microsoft Surface компьютери, 2007 йилнинг баҳорида дебют қилган бўлиб, 2008 йил апрельига бориб сотувга чиққан. Мана энди тизимнинг иккинчи авлоди Samsung SUR40 номи остида бозорларга чиқмоқда.

Никелли микропанжара енгиллик бўйича рекорд ўрнатди



Эндиликда дунёдаги зичлиги энг кам бўлган қаттиқ жисм кварцли ёки ҳатто углеродли аэрогеллар эмас, балки таркибида бўшлиқ умумий ҳажмнинг 99,99%ни ташкил қилувчи металл конструкциядир.

Ирвиндаги Калифорния университети (UC Irvine), Калифорния технологик институти (Caltech) ва HRL Laboratories компанияси

тадқиқотчилари никелдан зичлигининг камлиги бўйича ҳар қандай қаттиқ жисм билан мусобақалаша оладиган мураккаб макон структурасини олишга муваффақ бўлдилар. Эришилган натижа – 1 сантиметр кубга бор-йўғи 0,9 миллиграмм.

Пуфлаб шиширилувчи қуёш чироғи бозорга чиқарилиш учун тайёр



Америкаликлар ҳаво танламайдиган ёруғлик манбаини яратишди. Мазкур янгилик биринчи навбатда қашшоқ мамлакатлар, электр тармоқларига уланмаган кишилар, шунингдек, табиий офатлардан зиён кўрганларга мўлжалланган. Бироқ ихтирони аввал оддий харидорларга таклиф қилишди.

LuminAID чироғи эгилувчан юпқа плёнкали қуёш батареяси, танга ҳажмидаги бир жуфт ясси аккумулятор ва бир неча ёрқин ёруғлик-диодларидан иборат. Буларнинг барчаси ярим шаффоф полимер пакетга солиб, герметик тарзда маҳкамланган – пакет бир вақтнинг ўзида сочувчи ролини ҳам бажаради.

Бу оригинал янгилик LuminAID Lab компаниясининг ихтиросидир. Компанияга Колумбия университетининг Архитектура мактаби битирувчилари Анна Сторк (Anna Stork) ва Андреа Срешта (Andrea Sreshta) асос солишган. Ихтирочилар LuminAIDнинг бошқа авария эҳтиёт ёруғлик манбаларига қараганда устун томонлари сифатида шуни таъкидлашмоқдаки, юпқа пакет осонлик билан йиғилади ва у ҳатто ёйилган ҳолда ҳам катта жой олмайди.

Янги ёруғлик-диод лампа чўғланма лампага тақлид қилади



Panasonic компаниясининг ташқи кўриниши шаффоф колбали чўғланма лампани имитация қилувчи ёруғлик-диоди лампаси япон саноат дизайнерлиги танловида ғолиб бўлди. Мимикриянинг шоҳ асари яратувчилари “соғинчли шаффоф” лампада одатдаги қизиган тола ўрнига бир нечта митти ёруғлик-диодидан иборат ингичка тасма ўрнатилганини таъкидлашмоқда.

Компаниянинг хабар беришича, ёдда қолиши осон бўлган LDAHV4L27CG номли янги лампа 2011 Good Design Gold Award мукофотини қўлга киритди.

Янгиликнинг қуввати бор-йўғи 4,4 ваттни ташкил қилади. Бу электр токини тежашни истовчиларга ёқиб тушади, бунинг устига лампанинг номинал яроқлилик муддати 40 минг соат (кунига 2.7 соатдан ҳисоблаганда – 40 йил), лампа чидаши мумкин бўлган ўчириб-ёқишлар сони эса 100 000 марта деб эълон қилинган.

Янгиликни реклама қилаётганда японлар унинг люминесцент лампалардан афзаллик жиҳатларига эътибор қаратишмоқда: ёруғлик-диодлари ёқилгандан сўнг ўша заҳоти 100% ёнади ва таркибида захарли модда мавжуд эмас.

Коллайдер антиматериянинг ғойиб бўлиши сирини фош қилди



Катта адрон коллайдери устида ўтказилган тажрибалар ўзига хос янги физикага ўтиш учун дарча вазифасини ўташи, янаям аниқроғи – бизга Коинот қонунлари ҳамда материя ва антиматерия ўртасидаги асосий фарқлар ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиришга имкон яратувчи самара берди.



Физиклар D-мезонларнинг парчаланиш жараёнид CP-инвариантликнинг бузилиши намоён бўлишини аниқлашди.

Гап заррача ва унга мос бўлган антизаррачанинг парчаланиш манзарасидаги фарқлар тўғрисида бормоқда. Бунинг устига физикларнинг таъкидлашича, CP-инвариантликнинг бундай кучли бузилиши, афтидан, D-мезонни ташкил этувчи қисмлардан бири бўлган

маҳлиё кварк билан боғлиқ, яъни у биринчи марта “маҳлиё парчаланишлар”да кузатилмоқда (таркибида с-кварк бўлган заррачаларнинг парчаланиши).



Олимлар парчаланишлар занжиридаги тафовутни 0,82% деб баҳолашди, бу эса жуда кўп: Стандарт модель 0,1%дан ҳам камроқ кўрсаткични прогноз қилган эди. Натижанинг 3,5 сигмали статистик ишонарлилигига кўра, биз тасодифнинг гувоҳи бўлаётганимиз эҳтимоли бор-йўғи 0,05% эканини билдиради.

Материя ва антиматериянинг фундаментал ассиметриясига олимлар борган сари кўп дуч келишмоқда. Бундай натижанинг ҳар бири уларни, барибир Коинот асосан оддий материядан иборат эканини тушунишга яқинлаштирмоқда.

44 – 52 - ҲАФТАЛАР ТАЪТИЛ